

930.2

65

K-65

F.M. ҚОСИМОВ



**ТАШКИЛОТ
ВА ТАШКИЛИЙ
БОШҚАРИШ
НАЗАРИЯСИ**

F.M. ҚОСИМОВ

**ТАШКИЛОТ
ВА ТАШКИЛИЙ
БОШҚАРИШ
НАЗАРИЯСИ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус
тавълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртлари учун
дарслик сифатида тавсия этилган*

ТОШКЕНТ

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ МЕРОСИ НАШРИЁТИ
2004

65.290-2

Қ61

Қосимов Е.Н.

Қ61 Ташкилот ва таъкилий бошқариш назарияси: Олий ўқув юртлари учун дарслИК/Сўз боши муаллифи: Ш.Н. Зайнутдинов. — Т.: А. Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашр., 2004. — 208 б.

Ушбу китобда замонавий ташкилот, ундаги ишлаб чиқаришни бошқариш назарияси, ташкилотнинг асосий кўрсаткичлари ва унинг умумий тавсифи, тамойили ёритилган ва ташкилотларнинг турлари, ташкилотни бошқариш, ташкилот қонунлари ҳамда улардан фойдаланиш, ривожланиш қонунлари, ижтимоий ташкилотларнинг тамойиллари ҳақида атрофлича сўз юритилган. Бундан ташқари, ташкилот ихтиёридаги ресурслардан оқилона фойдаланиш, ташкилот тизимларини лойиҳалаштириш, ташкилот маданияти каби муаммоларга эътибор қаратилган.

Китоб менежмент йўналишидаги бакалаврият талабларига мўлжалланган.

ББК 65.290-2я73

Тақризчи ва сўз боши муаллифи — **Ш.Н. Зайнутдинов,**
*иқтисод фанлари доктори,
профессор*

Қ **0605010404—469**
M361(04)—2004 — 2004
ISBN 5-86484-002-5

© А. Қодирий номидаги ҳалқ
мероси нашриёти, 2003.

СҮЗ БОШИ

Ўзбекитон Республикасининг мустақиллик йилларидаги сиёсий ва маънавий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш суръати кўпигина тараққий этган мамлакатлар эътиборини жалб этиб келмоқда. Чунки мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланиш йўлида шаҳдам қадамлар билан илгарилаб бормоқда. Ватанимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ва мағкуравий тараққиётida ташкилотлар, фирмалар, уюшмалар, уларнинг ходимлари, ташкилий бошқариш тузилмалари илмий таълимот ва назариялар, қонунијар ва тамоиллар, самарали ресурслар билан қоролганлик даражасига бенинча боғлиқ.

Ўзбекистон мана ўн икки йилдан ошдики, мустақил давлат сифатида ривожланмоқда, демак, иқтисодий мустақиллик раҳбар, менежер, мутахассис ва ижрочилардан масъулиятни талаб қиласди. Улардан бири иқтисодий ва бошқарув билимларидир. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: «Бозор мұнисабаттарига ўтиш давримда тағлабаларга иқтисодий билимларни, маркетинг, менежмент, бизнес соҳасида бизнинг иқтисодий ривожланишимизда бу тушунчаларнинг моҳияти ва роли борасида кўпроқ билим беришимиз мақсадга мувофиқдир», деган эди. Ушбу дарслекни яратишдан асосий мақсад ҳам айнан шу долзарб вазифани маълум даражада бажаришга қаратилгандир.

Хозирги вақтда ташкилотларда ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича адабиётлар билан таъминланганилиги етарли дейиш қийин. Ушбу мавзуга оид Б.З. Мильнернинг «Теория организации», Л.А. Александров, Р.К. Козловнинг «Организация управления на автомобильном транспорте», А.А. Прохоровскининг «Организация управления экономикой и государством в Японии», муаллифлар жамоасининг «Управление крупными сельскохозяйственными предприятиями в ЧССР» каби китоб, дарслик ва риссолаларини мисол тариқасида келтиришмиз мумкин. Бироқ, бу адабиётларда «Ташкилот ва ташкилий бошқариш назарияси»да ўрганилиши лозим бўлган мавзуларнинг маълум саволларига жавоб тоини мумкин, холос.

Мазкур дарслек илк бор ўкув дастурига биноан ёзилиб, ташкилотда ишлаб чиқаришни мураккаб мажмуй — бошқариш тизимлашган тарзда ёритишга ҳаракат қилинди. Республикализнинг ҳар бир раҳбар ходими, менежменти, менежери, мутахассиси, ижрочиси иқтисодиётни самарали бошқаришдаги ақлий ва жисмоний салоҳиятлари кун сайин ортиб бораётган бир пайтда мазкур дарслик дастуриламал бўлади деган ниятдамиз.

Ташкилот ва ташкилий бошқариш фаолиятига тааллуқли барча саволларни талабалар томонидан чуқур ва атрофлича ўрганилиши, ўкув дастуридаги материалларни амалда жорий қилиниши ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни жадаллаштиришга, бажариладиган ишларнинг сифат кўреаткичларини оширишга ҳар томонлама ижобий таъсир кўрсатади.

Дарслкнинг таркибий тузилиши Давлат стандартлари талабларига жавоб беради. Бунда ташкилот очик тизим сифатида қаралиб, ундаги ходимлар, воситалар, жиҳозлар, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш қонунлари, тамойиллари, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлари ўрганилади, ҳамда ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий муносабатларни юритиш, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш тизими, ташкилий тузила, бошқарув тизимини лойиҳалашга эътибор қаратилган. Дарслкнинг таркибий тузилиши уни тайёрлаш даврида билдирилган фикр ва мулоҳазалар, тавсиялар асосига Курйлган.

Биринчи боб ишлаб чиқаришни бошқариш, фаннинг предмети ва вазифалари, ташкилий бошқариш назарияси, курснинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги баёнига багишиланган. Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзгаришларга қараб ташкилотнинг ташкилий қурилиш тамойиллари ҳақида фикр юритилган.

Иккинчи бобида эса ташкилотни бошқаришдаги асосий тизимлар, уларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши, ташкилотларни бошқаришда давлат функциялари, давлат ва нодавлат шўбъасидаги ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, тижорат ва нотижорат ташкилотлар ҳақидаги мулоҳазалар жамланган.

Учинчи боб жамоат ва хўжалик ташкилотлари фаолиятига багишиланниб, жамоат ташкилотлари, унинг ресурслари, аъзолари ва ташкилотларга боғлиқликлари, статик, динамик тамойилларининг хусусиятлари, жамоат ташкилотларини бошқариш тамойиллари, меҳнат тақсимоти, жамоат ҳамда хўжалик ташкилотлари жамоасининг ижтимоий ривожланишига оид асослар ёритилган.

Тўртинчи боб ташкилот ва бошқаришга багишиланниб, бунда ташкилот тушунчаси, ташкилотнинг кўрсаткичлари, умумий тавсифи, мўлжали, ташкилотдаги меҳнатни горизонтал ва вертикал тақсимлаш, ташкилотнинг бош вазифаси, бошқаришни ташкил этишдаги асосий тамойиллар ҳамда батъи муйайн ҳолатларга тавсиялар берилган.

«Ташкилот назарияси ва унинг илмий билим тизимидағи ўрни» дарслкнинг бешинчи бобини ташкил этади. Унда мулкчиликнинг турли шакллари, ишлаб чиқаришда оқилона ташкил этишнинг зарурлиги, бозорга йўналтириши, тамойил тушунчаси, А.Файол бўйича тамойилларни гуруҳдаш, Ф.Тейлорнинг тўрт тамойили, ташкилотларни бозор иқтисодиёти шароитида бошқаришининг илмий гоялари ёритилган.

«Ташкилот қонунлари ва улардан фойдаланиш» деб номланган олтинчи бобда қонунлар, категория, диалектика тушунчалари, ташкилий бошқариш қонунлари ҳамда уларни қўлланилиши ҳақида сўз боради.

Еттинчи боб «Синергия, хабардорлик, тартиблашганлик ва ўз-ўзини саклаш»га багишиланган.

Саккизинчи бобда табиат ва жамиятдаги ҳодисалар, жараёнлар, тизимларни ўрганишнинг билиш усули, таҳлил қилиш ва синтезнинг бирлиги, индукция ҳамда дедукция усуллари ёрдамида таҳлил қилишдан синтезга ўтиш, ташкилотда таҳлил қилиш, синтез бирлигини ишлатилиши баён этилган бўлса, тўққизинчи бобда ривожланишнинг асосий қонунлари, уларни содир бўлишилик тамойилларига эътибор қаратилган.

Ўнинчи бобда композиция ва мутаносиблик қонуни ҳамда ижтимоий ташкилотдаги маҳсус қонунлар таҳлил этилган.

Ўн биринчи бобда «Жамоат ташкилотининг хусусий қонунлари», асосан, ушбу ташкилотнинг зарурлик қонуни, ташкилотни бошқаришдаги ўзаро нисбат қонуни, билим ва маҳоратнинг ўзаро нисбати ҳақида П.М.Керженцев қонуни, ташкилотнинг ишончлилик қонуни каби масалаларга ўрин ажратилган.

Ўн иккинчи боб ташкилотдаги меҳнат ва ресурсларни рационаллашириш тамоилиларига бағищланган бўлиб, бунда ҳарқатни тежаш тамойили, меҳнат мөъерининг техник, иқтисодий ҳамда психофизиологик хусусиятининг тамоилилари ёритилган бўлса, ўн учинчи бобда «Ташкилий тизимни лойиҳалаштириш», асосан, лойиҳа тушунчаси, ишларни лойиҳалаш, ишларни таҳлил қилиш, ишнинг технологияси ва уни лойиҳалаш, ишни лойиҳалаш андоузалири каби саволларга ойдинлик киритилган.

Ўн тўртинчи бобда «Ташкилотчилик қобилияти ва ташкилий-бошқариш фикрларининг тараққий этиши», ташкилотнинг ҳолатлари ҳақида иқтисодий ва ахборотли шарҳ, ташкилотнинг фаолият шаронти бўйича аниқ шарҳ, унинг раҳнамолари, тармоқ ташкилотининг ривожланиши дастурини тайёрлаш, тармоқни тартибга солиш тизимининг тавсифига оид фикр-мулоҳазалар билан танишиш мумкин.

Ўн бешинчи боб «Ташкилотнинг маданияти»га бағищланган бўлиб, бунда ташкилотнинг маданият концепцияси, ташкилот маданиятининг ривожланиши, маданиятни ташкилотчилик самарадорлигига таъсири, ташкилот маданиятида мойиллик каби саволларга жавоб берилади.

Дарсликнинг сўнгги боби «Ташкилотчилик фаолиятининг субъектлари ва самарадорлиги»ни ўз ичига олган ва бу бобнинг ўз ўрни ҳамда аҳамияти шундаки, Ўзбекистонда ривожланаётган мулкчилик шароитида давлат ва бошқа мулк шаклидаги ташкилотларнинг фаолият даражасини аниқлаш, субъектларни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иқтисодий ва молия фаолиятларини аниқданishi тарихий заруратдир. Бу заруратни рўёбга чиқариш мамлакатимизнинг барча фуқаролари ҳаракатига боғлиқ. Демак, ҳалқимиз ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, муомала муносабатлари, бошқариш ва шу каби тизимнинг барча бўғинларида фаол иштирок этиш тақазосини чукур идрок этишлари лозим.

Б.07.13.00 — Менежмент йўналишида ўқийдиган бакалавр тайёрлашдаги талабалар учун ўкув режасида фаннинг номи «Ташкилот назарияси» деб номланса, Б.34.11.00 — Менежмент (тамоқлар бўйича) йўналишидаги фаннинг номи «Ташкилий бошқариш назарияси»дир. Ушбу икки йўналиш учун 16 та мавзу бир хил, фақат «Ташкилий бошқариш назарияси»да икки мавзу (ривожланиш қонуни, композиция ва мутаносиблик қонуни) қўшимча ёритилади. Шу боис муаллиф бу ҳолатни чукур таҳлил қилиб, фаннинг номини «Ташкилот ва ташкилий бошқариш назарияси» деб номлаган.

Дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта маҳсус таълим Вазирлигининг Олий ўкув юртлари бош бошқармаси ҳамда Олий ва ўрта

махсус мактаб муаммолари институтининг 1996 йил 17 декабр кенгаши томонидан тасдиқланган, профессор Ф.М. Қосимов, доцент Х.А. Маҳмудовлар томонидан тузилган намунавий ўкув дастури асосида ёзилган. Муаллиф дарсликни яратишда ташкилот ва ташкилий бошқариш назарияси ҳақидаги илмий асарларнинг қатор тавсиялари, усулларидан фойдаланишга ҳаракат қилган. Жумладан, илмий билийнинг мажмуни ва тизимли ёндашиш, таҳлил қилиш, синтез бирлиги, индукция, дедукция каби усулларни тадбиқ этган.

Ш.Н.Зайнутдинов,
*иқтисод фанлари доктори,
профессор*

МУҚАДДИМА

«Ташкилот ва ташқириш назарияси» фанининг пайдо бўлиш даври XIX асрнинг биринчи ярмига, яъни мануфактура ишлаб чиқариш даврига тўғри келади. Ўша даврда йирик ишлаб чиқариш ташкилотлари юзага келиб, ишчиларни ёллаб ишлатиш меҳнат тақсимоти натижасиди ихтисослаштиган маҳсус иш жойлари пайдо бўла бошлаган, иш жараёнларида бажарилётган технологик операцияларни меъбрлаш ва иш жойларига аниқ режалар ишлаб чиқишига тўғри келган. Ҳозирги кунда эса мисли қўрилмаган кўламда ташкилот, фирма ва уюшмалар ривож топиб, фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида катта иқтисодий ва сиёсий муваффақиятларга эришиди. Масалан, давлат қишлоқ хўжалик корхоналарини нодавлат хўжаликларга ўтказиш жараёнларида қайта тузилмалар амалга оширилди. Ҳозирги кунда нодавлат секторининг улуши 99 фоизга етди, 85 фоизидан зиёди эса республика қишлоқ хўжалик корхоналари хусусий мулкчилик шаклига ўтди. Пахта толаси етишириши бўйича Ўзбекистон дунёда тўртинчи ўринни эгалласа, экспорт қилиш бўйича иккинчи ўринда.

Пахта толасини қайта ишлаш мақсадида республикада тўргита йирик текстил комбинатлари, 30 дан ортиқ предпред-йигув фабрикалари ишлаб турипти.

Ҳамдўстлик давлатлар ичига Ўзбекистон сабзавот-мева маҳсулотлари, ипак толаси, қоракўл ва жуп етишириш бўйича юқори ўринлардан бирини эгаллади.

Республикамиз табиий хом ашё салоҳияти бўйича бой мамлакатдир. Уч мингга яқин ер ости қазилма бойликлари топилган, юздан ортиқ шифобахш ашёлар мавжуд, улардан олтмиш бештаси саноат ва қишлоқ хўжалигида муваффақият билан фойдаланилмоқда.

Олтин заҳираси бўйича Ўзбекистон дунёда тўртинчи ўринни эгаллади. Ўлкада кумуш, уран, мис, молебден, кўргошин, рух, вольфрам, литий каби қимматбаҳо ва нодир металлар мавжуд. Марказий Осиёдаги газ конденсатининг 70 фоизи, нефтнинг 30 фоизи, табиий газнинг 40 фоизи, кўмирнинг 55 фоизи Ўзбекистонга тўғри келади.

Саноат, транспорт, қурилиш, ташқи иқтисодий алоқалар муваффақиятли ривожланмоқда. Масалан, самолёт, трактор, енгил автомобил, автобус, пахта териш комбайнини, экскаватор, кўтариш крани, кабел, трансформатор, қурилиш материаллари ва бошқаларни санаб ўтиш кифоядир.

Ҳозирги кунда 6,7 минг км узунликдаги темир йўллари мавжуд, кейинги ўн икки йилда 80 минг км дан зиёд автомобил йўллари қурилиб, фойдаланишига топширилди. «Буюк Ипак йўли» қайта тикиланмоқда. Барча бунёд этилаётган объектларни санаб ўтиш имкони бўлмаса-да, юқорида келтирилган маълумотлардан англаш мумкинки, Ўзбекистонда бир қанча ташкилот,

корхона, фирма ва уюшмалар ҳамда бошқа ишлаб чиқариш, хизмат қўрсатиш обьектлари фаолият қўрсатиб, ривож топмоқда. Уларда фаолият қўрсатаётган ҳар бир раҳбар, менежмент, менежер ва ижрочи янада фаоллашса, ақлий ва жисмоний қувватидан, касбий маҳоратидан фойдаланиш даражасини самаралироқ қилишга қаратса миллий иқтисодиётимизнинг юкеалишига салмоқли улуш қўшган бўлади.

Ташкилот оила ширкати, ҳудудий ширкат; фирма, корхона, уюшма, гуруҳ, картель, конгломерат бўладими, компания, ассоциация, агентлик, концерн, жамият миқёсида ҳўжалик юритадими, барибир мураккаб организмидир.

Ташкилотларнинг моҳиятини билмай, ривожланиш қонуниятларини англамай, уни бошқариб бўлмайди. Ҳар бир киши эзгу ният ва барча одамларнинг манфаатлари учун улардан Фойдаланиб, замонавий технологияларга улар фаолиятини ўтказиши мумкин эмас.

Ўзбекистоннинг ҳозирги шароити учун ташкилотларнинг барча шаклланиш томонлари ва самарали фаолият қўрсатишларини илмий асосланишининг аҳамиятига холис баҳо бериш қийин. Ташкилотларнинг тузилиши ва хулқига бозор муносабатлари тадбиркорлардан фаоллик, мулкчиликнинг турли шаклларига ўтиш, ҳўжалик юритишини тартибга солиш, бошқариш функциялари, усувларини ўзгартиришни талаб қилмоқда. Ташкилий фаолият ишлаб чиқаришнинг технологик негизидаги ўсиб бориш суръатлари, инқилобий ўзгаришларнинг миқёслари таъсирини ҳис этмоқда. Илмий тамойилларга асосланган самарали бошқаришга ўтиш иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширишининг мухим шарт-шароити бўлиб қолади. Маҳсулот(хизмат қўрсатиш)ларнинг рақобатбардошлиги моҳияти жиҳатидан ташкилотларнинг рақобатбардошлиги, ишлатиладиган шакллари, усувлари ва уларни бошқариш маҳоратларидир.

Ташкилот тушунчасига аниқ таъриф бериш қийин, аммо унга нисбатан қўйиладиган асосий талаблар қўйидагилардир:

- таркибида ками билан икки кишидан иборат гуруҳ бўлиши;
- гуруҳ ёки гуруҳларнинг аъзолари учун камида битта мақсад бўлиши;
- гуруҳ ёки гуруҳлар ичидаги аъзоларига қўйилган мақсадларга эришиш учун ўзаро муносабатлар ўрнатиб, хатти-ҳаракатлар қилувчи ходимлар бўлиши лозим.

Демак, ташкилот вужудга келиши учун аввал гуруҳлар шаклланган, умумий мақсадлар аниқланган, кишиларнинг биргаликдаги фаолиятлари уюштирилган бўлиши зарурдир.

Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, биринчидан, у шахс, иккинчидан, жамиятнинг аъзоси, уччинчидан, маълум мамлакат, вилоят, туман, маҳалла фуқаросидир. Унинг жамият аъзоси сифатидаги емок-ичмоқ, уй-жой, дам олиш каби табиий эҳтиёжларини қондирилиши уни иқтисодий кучларга тўқнаштиради.

Инсон шахс сифатида жамоада ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиши керак. Ташкилотта кириб келаётганида қанча талаб кўйса, ташкилот ҳам унга турли хил талаблар кўяди. Инсон машина эмас. У самарали бошқарилиши, кўнгли

фаолиятта мажбур этилиши керак. Бунда киши хулқига мүлжаллаб иш күришини ифодалайды.

Инсон ўзи яшаб турған мамлакатдаги одамларнинг фаровонлигини, обод ва ривожланган бўлишини, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятларини ишга солинишини истайди. Бошқача айтганда, иқтисодиёт энг аввало инсонлар фаолиятидир, уларнинг табиатга ва ўзаро таъсири натижасида маҳсулотлар, моддий неъматлар яратилади. Демак, иқтисодиётнинг бошланиши маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатишдир. Ташкилотнинг муҳим мақсади ҳам ана шундай.

Ташкилотлар ишлаб чиқариш тармоқлари — саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги, курилишларни ҳамда ноишлаб чиқариш соҳалари — халқ таълими, тибиёт, банк, маданият кабиларни қамраб олади. Иқтисодиётнинг, яъни тор маънода халқ хўжалигининг қўйи бўғинлари — ташкилотлар иқтисодиётининг даражаси билан белгиланади.

Иқтисодиёт ёки халқ хўжалигининг ички, таркибий тузилиши — ташкилотларни ўзлаштириш, маҳсулотлар миқдорини шунчаки кўпайтириш эмас, айни вақтда маҳсулот сифатини ошириш, уни тайёрлаш харажатларини камайтириш, жаҳон бозори талабларига тўла жавоб бера оладиган рақобатбардош қилиб ишлаб чиқаришдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти *И. Каримов* «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли асарида тамомилаянги халқ хўжалик комплексини яратиш билан bogлиқ вазифалар деб қуидагиларни кўрсатиб ўтади:

— бошқа мамлакатлардан хом ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари келтиришини қисқартириш. Ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни ўзимизда ривожлантириш;

— маҳсулотларнинг ва халқ истеъмоли молларининг ҳаётий муҳим турларига аҳолининг ва умуман халқ хўжалигининг талабларини ўзимизда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобига қондириш;

— иқтисодиётнинг мутаносиб ва барқарор ишлашини таъминлаш;

— иқтисодиётнинг хом ашё этиштиришга қаратилган бир томонлама йўналишини бартараф этиш, пировард, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига эришиш;

— республиканинг экспорт имкониятларини кенгайтириш;

— олтин валюта заҳирасини мустаҳкамлаш;

— меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш, миллий хусусиятларимизга мос келадиган ишлаб чиқариш соҳаларини барпо этиш;

— тармоқлар ичидағи ва ҳудудий номуғаносибликларни бартараф этиш, республика ҳудудида ишлаб чиқарувчи кучларни жадал ривожлантириш ва оқилона жойлаштириш» (230—231-бетлар).

Яратилажак халқ хўжалиғи комплекси ички бозорни зарур истеъмол моллари билан тўлдирадиган ва хорижий бозорларда ҳам бемалол рақобатлаша оладиган даражадаги комплекс бўлади.

Ҳар қандай ташкилот, у хоҳ жамоат ташкилоти бўлсин, хоҳ хўжалик, Умумий орган, маҳсус орган бўлсин, у Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг 53-моддасида белгилаб қўйилганидек, «Бозор муносабатларини ривожланишига қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизи хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчилярининг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенг ҳукуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлади».

Умузий билимдон органга, Олий Мажлис (қонун чиқарувчи ҳокимият), Вазирлар Маҳкамаси (ижро этувчи ҳокимият), Суд ҳокимияти, вилоятларда (вилоят ноиблари, ҳокимиятлари, судлари), туманларда (халқ ноиблари, ҳокимиятлари, судлари), Давлат қўмиталари ва вазирликлар тааллуқли бўлсалар, маҳсус билимдон органлар хўжалик субъектларининг ишини аниқлаш ва тартибга солиш ваколатига эга. Масалан, режалаштириш органлари, статистика, таъминот, молия, солик кабилар маҳсус вазифаларни бажарадилар.

Маълумки, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўғинларининг муваффақиятли фаолият кўрсатишлари, аҳоли эҳтиёждари (физиологик, модий, ижтимоий, маданий, сиёсий...)ни қондирилиши, хўжалик субъектларининг хўжалик ҳаётига таъсири кабилар миллий иқтисодиёт даражасини белгилайди.

Ўзбекистонда миллий иқтисодиётга раҳбарлик ёки эгалик қилишнинг турли органлар тизими муваффақиятли ривож тоимоқда ва такомиллашмоқда. Бунинг учун ташкилий-ҳуқуқий нетиз яратилган. Навбат тизимдаги ресурслардан ихчам, арzonлаштирилган ва мукаммаллаштирилган тадбирлар эвазига миллий иқтисодиёт даражасига ижобий таъсир эта олишидир. Ушбу дарслидаги фикр мулоҳазалар, тавсия ва оқилона варианtlар юқоридаги мақсадларга маълум улуу қўша олса айни муддао бўлур эди.

/ -БОБ. ФАННИНГ ПРЕДМЕТИ, МАЗМУНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.1. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ БОШҚАРИШ. КУРСНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Хозирги бозор иқтисодиёти шароитида ташкилотни бошқариш мураккаб иш, уни мұваффақиятли бошқариш учун раҳбарға оғдийгина әшиттәнләри ёки формулаларни ўрганиб олғаны етарлы әмас. Раҳбар бир-биридан фарқ қыладиган ҳолатларни, умумий ҳақиқат ва барча ўзгарувлар турларнинг аҳамиятини билған, тушунған ҳолда қарор қабул қила олиши лозим. Бүнинг учун компьютер йүйинида ютиш, чакана савдода юқори ном чиқариш, қандай баҳо олиш, буни ечиб чиқиши мүмкінми? Ўлашта әхтиёж яратиш ташкилот мұваффақиятини таъминлашни унұтмаслик керак.

Хар қандай компания, фирма, завод, олий ва ўрта маҳсус үқув юрти, корхона, мұассаса, шифохона, нашриёт ва шу кабилар расмий ташкилот деб юритилади. Улар асосан (80%) инсонлардан түзилған, тирик жон ва организм, үриб турған юрак. Ташкилот әмас, ходимлар, персоналлар ишләйди.

Ташкилот мұваффақиятини үндаги кишиларнинг тайёрги, ҳохиши ва билярмөн(тайёр)лиги таъминлайды. Демак, *ташкилот ва ташкилий бошқарыш назариясы* мутахассислардан улкан вазифалар ечилишини күтади.

Университеттің тамомлаган бакалавр қасбининг әгалари давлат, ҳисседорлик ва хусусий фирмалар, илмий, конструкторлик, лойиҳа ташкилотлари, тармоқ иқтисодиёти, давлат бошқарыш органлари ва ижтимоий соҳаларни самарали фаолият күрсатышларини таҳдил қилишга қаратылған. Уларнинг фаолиятлари, умумий ҳуқуқлари, иқтисодий ва ижтимоий асослары Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар түғрисидаги қонун»да белгилаб берилған (1991 йил 15 февраль).

Ишлаб чиқариш, савдо-сотик, бизнес, тадбиркорлик каби атамалар барчага маълум. Маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат күрсатыш, транспорт ва бошқа соҳалардаги фаолиятларсиз товар-пул мұносабатлари, бошқарыладиган бозор ривожланиши мүмкін әмас. Шунинг учун ҳам корхоналар түғрисидаги қонун фойда олишни күзлаб иш юритадиган корхоналарнинг мустақиллигини таъминлашта қаратылған бўлиб, уларнинг ҳуқуқлари ва масъулияtlарини белгилайди, бошқа ташкилотлар, ҳалқ ноиблари Кенгашлари, давлат бошқарув идоралари билан мұносабатларини тартибга солади.

Тасаввур қиласылар, автомобилни ишлаб чиқариш, йиғиши ва харид қилиш учун мураккаб ўзаро боелиқ тизим керак. Керакли жойда, керакли вақтда ҳар хил тармоқларнинг катта миқдордаги мутахассислари ўзларининг билимлари ва билимдонликларини тегишли мұаммога «беришлари» керак. Ҳом ашё сотиб олиниши керак, ишлов берилishi ва йиғиши жойига етказиш лозим. Завод лойиҳаланиши ва қурилиши, минглаб кишиларга вақтида тегишли меҳнат

Қорллари, малака (күнкім, маҳорат) бериши, минглаб тарқоқ ҳолдаги арғаттар, туғынлар ва буюмлар бир-бири билан маълум тартибда өткітирилиши, автомобил Йигілгач, уңи мұлжалланган жойга етказилиб солғынади. Үшбу фаолиятта янги такомилдашған янғы қадам ва босқич пайдо бўлади. Бундай боғлиқдаги ишлаб чиқаришнинг қатнашуви талаб қилинади. Үшбу фаолиятда янғы такомилдашған янғы қадам ва босқич пайдо бўлади. Бундай боғлиқдаги ишлаб чиқаришнинг бирор бўғини мос келмаса ташкилот бош мақсадига эриша олмайди.

Ташкилотта ишлаб чиқариш шу даражада мураккаб муаммо бўлғанлиги учун барча ишларни аниқ режалаштириш ва бошқариш керак. Мұлжалланган вақтда тегиши жойда қанчада материал ва ходимлар кераклигини ҳисоблаб чиқиши, жараён ва тизимда қатнашуучиларни ўзаро таъсир этишиларига хоҳши уйютиши, моддий ва инсон ресурсларини чекланганликларини ҳисобга олиб масалани бажарилишида, фойдаланишида уларни кам сарғланшишига ҳаракат қилинши керак. Үшбу қисқа мазмундаги фикрлар ташкилот назариясини ифодалайди. Армия ва университет — бу икки хил ташкилотни киши кўз олдига келтириши қийин! Аммо, уларни бошқариш муаммолари ўхшаш.

Ҳар қандай ташкилот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш муносабатлари асосига Қурилган. Ташкилотнинг мақсади маълум иш, хизмат кўрсатиш, маҳсулот ишлаб чиқариш. Бунда фаолият кўрсатувчи кишилардан яратувчанлик, ижодкорлик, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш талаб қилинади, яъни тадбиркорлик хислатлари талаб этилади.

Ташкилотларнинг мақсадларига эришишларидаги ташкил этиш, чаркетинг, башорат ва режалаштириш, ўзаро таъсир этишини муво-фикаштириш ва назорат, таҳнил қилиш ва ҳисобга олиш, ақлий ҳамда моддий салоҳиятлардан унумли фойдаланиш, ташкилот ресурсларини турли ҳавфлардан сақлаш, тижорат ишларини бажариш, молия фаолиятини маҳорат ва аниқликда ижро этиш каби бошқарув тизими ва унинг назарияси аманда тўлиқ ўз ифодасини топиши лозим. Демак, ташкилот раҳбари, эгаси ёки ҳулкдордан юқори бошқарши санъатини эгаллаганлик талаб қилинади. Бу эса юта мураккаб жараён бўлиб, муайян ҳолатлардан касбий фаолиятидан фойдалана билган ҳолда ҳолатбай бошқарув ечими қабул қилиш талаб этилади.

Ички ва ташки мухитлар ўзгариши билан ҳолатлар ўзгаради, янги бошқарув ўсуллари талаб қилинали. Бу нуқтаи назардан ишлаб чиқаришни ривожланиши фан олдига мураккаб муаммолар қўяди. Бундай муаммоларни счишда ташкилот назарияси фанининг ўрни юкори.

Ташкилотлар ўз фаолиятларнда иқтисодни сиёсатдан ҳоли этган ҳолда, ҳулкни давлат тасарруфидан чиқариш, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат, босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтиш тамойилларига асосланған ҳолда ривожланмоқда. Уларнинг асосий вазифаси ресурслардан қилина фойдаланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишадир. Ресурсларни олиб маҳсулот тайёрлаш, маҳсулотни узатиш, ташкилот маҳсулотларини жалб этиш жараёнларини талаб этиш билан боғлиқ.

Курснинг мақсади — ташкилот тузилмасини шакллантириш, унинг барча қисмларига зарур бўлған персоналлар, материаллар, жиҳозлар, бинолар, пул восьиталари ва шу кабилар билан таъминлаш ўсуллари. раҳбар ходимлар

онгода, тафаккурида иқтисодий, ижтимоий ривожланиш стратегиясини сингдириш, тадбиркор ходимларни құллаб-күвватлаштыр.

Финнинг обьекті (мавжудоти) — давлат, хиссадорлик ва хусусий фирма, завод, муассаса, үндаги одамлар, биполар, техника ва жиһозлар, молиявий ресурслар.

Ташкилот назарияси *финнинг предмети* ташкилотдаги барча восита ва ресурслардан қонунлар, тамойиллар, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар асосыда унумли фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқариш, хұжалик ва молиявий муносабатларни юритишни амалға оширишdir.

1.2. ТАШКИЛОТ ВА ТАШКИЛИЙ БОШҚАРИШ НАЗАРИЯСИ

Еарб мамлакатларда нотижорат ташкилотларда ишлаш учун ташкилотда менежмент мутахассислиги тайёрланади, яғни улар давлат муассасаларининг турли погоналарда, мэрларда, муниципалитетларда, мактабларда, шифохоналар, халқаро ҳамда жамоа ташкилотларда, турли хил жамғармаларда ва шунга ўшаш ташкилотларда асосан маъмурий, маслағатчылық лавозимларда ишлаш учун тайёрланади. Ташкилотлардаги ташкилий шакт, фаолият тавсифидаги ўзгаришлари ҳам уларни бошқаришда катта аҳамиятта эга.

Ташкилотда ишлаб чиқариш фаолиятининг шароитини ўзгариши, унга бошқариш тизимини мослашув әхтиёжи ташкилотнинг бир-бирига тақсимлаб чиқиши талаб этади. Бу ерда обьектив әхтиёж, бозор тизимининг қонуниятлари таъсирида хұжалик юритишилардан келиб чиқсан бошқариши тизими (тамойиллари, вазифалари, усуулари, ташкилий тузилиши) ҳақида фикр бораяпти. Бошқариш тизими биринчи навбатда, шахсий әхтиёжларни қондириш юқори пировард натижалардан манфаттодор бўлган кишиларни ўтиборга олиш, аҳоли даромадининг ўсишини, товар-пул муюмаласини тартибга солишни таъминлашни, фан-техника тараққиётни эришган янгиликларни кенг қўлашни назарда тутади.

Ташкилотлар фаолиятини бошқаришдан асосий мақсад, ресурсларнинг ноёблик шароитида ташкилот қўламида хұжаликни оқилона юритишта, кам ҳаражат билан лозим бўлган юқори пировард натижага маъмурий усуулар орқали самараси паст ишлаб чиқаришини енгизига, илмий-техник тараққиёт асосида ишлаб чиқариш ривожини жадаллаштиришга эришишdir. Шундай талабларга жавоб берувчи, ижтимоий-иктисодий жараённинг мантиқи ва қонуниятларига эга бўлган бошқариш назариясигина истиқболидир. Шу билан бирга ушбу бошқариш назарияси эгилувчан ва самарали бўймоғи лозим.

Маълумки, **ташкилотларни ташкилий бошқариш** ташкилотларнинг тармоққа таалуқлигига, уларни ташки иқтисодий фаолиятларга жалб этилиш даражасига, замонавий ахборот-компьютер технологиялари билан таъминланганлигига, маҳсулотларни ишлаб чиқариш тавсифидан келиб чиқадиган кўпгина маҳсус хусусиятларга эга бўлади. Аммо, бозорни шаклланиши ва тараққий этишида товар-пул муюмаласи ҳал қилувчи омил

бўлиб қолади. Бу эса ишлаб чиқариш воситаларини улгуржи савдо орқали харид қилиш, конвертиранган (эркин алмаштириладиган) валютани киритилиши, бозор баҳосини барқарорлиги, молия-кредит механизмидан самарали фойдаланиш каби шароитлардагина тўла ривож топади.

Ташкилотларнинг олий раҳбарлари учун самарали стратегияни ишлаб чиқиши, уни амалга ошириш ўта муҳим вазифадир. Янги гояда ривож топадиган, янги хўжалик шароитида фаолият кўрсатса оладиган ташкилот керак. Маҳсулот (хизмат кўрсатиш)ларни доимо янгилаб туриши маълум ташкилотларнинг рақобатбардошли бўлиши учун ҳал қилувчи омил.

Юқорида келтирилганлардан кўринадики, ташкилот ташкилий бошқариш жиҳатдан узлусиз ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан такомиллашиб боради. Ташкилотни ташкилий бошқарилиши унинг ўз мақсадига эришиши учун барча ҳаракатларни ўзига оладики, бунда ичидаги ўзаро таъсири этишни мувофиқлаштиради ва белгилайди. Агарда ходимлар, ташкилий бўлинмалар орасидаги муносабатлар аниқ ажратилса, меҳнатни ихтисослаштиришга эришилади, бўлим ва бўлинма раҳбарлари ташкилотдаги расмий ўзаро муносабатларни, улар орқали ташкилот раҳбарлари ўз муносабатларини боғлайдилар, улардан қайси бири «бошлиқ — бўйсунувчи» муносабатида қатнашади.

Ташкилотда ташкилий бошқаришни ташкил этишининг дастлабки ва белгиловчи нуқтаси — бу *ишлаб чиқариш жараёнидир*. У ўзаро боғланган, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи жараёнлардан иборат бўлиб, жараёнлар нағижасида дастлабки материаллар, ҳом ашёлар тайёр маҳсулотга айланади. Ушбу жараён ташкилотнинг ташкилий жамоалари ўртасида меҳнат тақсимотини ҳамда улар ўртасида транспорт хизмати, машиналар, асбоб-ускуналар, жиҳозлар, механизмлар сингариларни тегишли равишда тақсимлашни, уларни бажарилишини талаб қиласди. Шу мақсадда ташкилотда ишлаб чиқариш бўлинмалари, қисмлар, бўлимлар, уларга хос бўлган ташкилий бошқарув тузилмаси барпо этилади.

Ташкилот бўлинмалари, қисмлари, бўлимлари, цехлари, марказлари ўзининг аниқ ташкилий бошқариш вазифаларга эга. Бу ташкилий бошқариш тузилмаси кўпгина омиллар (технология, ташкилотни жойланиши, ташкилотнинг куввати, фаолияти, ходимларнинг ташкилотга муносабатлари, муҳитни ўзгарувчанлиги, таъминланиш ва ҳоказолар)га боғлиқ.

Ташкилотни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси-бу тизимнинг турли погонасида жойлашган ва ташкилотнинг ишлаб чиқарши ёки хизмат кўрсатиш тизими сифатида фаолият кўрсатишни таъминлайдиган ўзаро боғлиқ бошқарув органларининг ийиндинсизdir. Ташкилотни ташкилий бошқариш тизими нисбатан алоҳида қисмларга — бошқарув органларига (бўлинмалар, бўлимлар, цехлар, қисмлар, марказлар, филиаллар, кичик корхоналар, айрим раҳбарлар) бўлинувчи бошқарув аппаратидан иборатdir. Ҳар бир погона навбатдаги юқори погонага бўйсуниб, ўзига хос «қават»лардан иборат бўлган бошқарув «иерархия»си юзага келтиради.

Ташкилотни бошқаришнинг қўйидаги асосий ташкилий тузилмалари маълум: чизиқли ваколат, чизиқди-штабли ваколат, функционал ва матрицали

(«маҳсулот бўйича»). Бу турдаги ваколатларнинг ҳар бири ўз афзалликлари ва камчиликларига эга.

Ташкилотларда қўйидаги ташкилий йўналишда бошқариш мақсадга мувофиқ:

— персонални бошқариш бошқармаси (ходимлар бўлими, юридик ва сертификациялаш бўлими, меҳнатни мухофаза қилиш, техника хавфсизлиги, меҳнат бўлими ва иш ҳақи, социолог ва психолог, маъмурий-хўжалик қисми, кичик хизмат кўрсатиш ходимлари, касаба, ёшлар, хотин-қизлар уюшмалари, касбий тайёрлов ва шу кабиллар);

— иқтисодий бошқарма (маркетинг бўлими, бухгалтерия, тижорат бўлими, режа бўлими, ташқи иқтисодий алоқа, меҳнат, ходимлар, Қурилиш, таъминотлар бўйича иқтисодчи, стандартлаш, сифатни бошқариш, аудиторлар ва б.);

— техник воситаларни бошқариш бошқармаси (барча ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқариш-техник бўлими, ташиб воситалари, воситаларни таъминалаш устахонаси, бош механик бўлими, техник маълумот бўлими, техник назорат бўлими, ишлаб чиқариш қисмлари, ишлаб чиқариши марказий бошқариш ва б.).

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнларидаги ўзгаришларга қараб ташкилий бошқариш жараёни, ташкилий тузилмаси ҳам доимо такомиллашиб боради. Ташкилотда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ўзгаради ҳамда бошқариш бўғинлари бўйича вазифаларни тақсимлаш ҳам эскириши мумкин.

1.3. ФАННИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН БОЕЛИҚЛИГИ

Ташкилот ва ташкилий бошқариш назарияси фани мутахассисликнинг бошқа ўкув фанларидан менежмент, персонални бошқариш, ишлаб чиқариш менежменти, стандартлаш, сертификатлаш ва сифатни бошқариш, ташкилотдаги хулқ, устувор менежмент, инновацион менежмент, бошқарув счимини ишлаб чиқиш, бошқарув тизимини тадқиқоти, иқтисодиёт назарияси ва шунга ўхшаш фанлар билан боғлиқ деб қўйиш ҳам мумкин. Бироқ масалага мантиқан ёндашилса, юқоридаги жавоб етарли эмас.

Ўқитиладиган ушбу фан ўзининг долзарблиги, фаннинг мақсади, ундаги масалалар, курснинг обьекти ва предмети, таълимоти ва услубияти, жамият фаолиятидаги қамрови ва ўтиладиган мавзулари бўйича бошқа фанлар билан боғлиқлигини қараб ўтиш мақсадга мувофиқ.

5. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишда билимдон ва тадбиркор ходимларни шакллантиришга эришиш мухим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга эканлиги кўпчиликка маълум. Узбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўқтирганидек: «Бугунги куннинг энг мухим вазифаси – ҳаётимизнинг барча соҳаларида, айниқса, бошқарувда, республика миқёсида, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ ва маҳаллаларни бошқаришда, тарқоқ бўғинларини идора этишда янгича фикрлайдиган, қийин дамларда маstryulиятни ўз зиммасига ола биладиган, ҳаёт билан ҳамқадам

юришга қодир, имони пок, бўлтимдон, ишбилармон одамларни топиш, уларга ишонч билдиришдан иборатдир».¹

Ташкилотдаги салоҳиятни бошқаришнинг мақсади, предмети ва усуллари кўпгина фанлар учун ҳам муҳимdir. Масалан, иқтисодиёт назарияси, менежмент, ишлаб чиқарцш менежменти, ташкилотдаги кадрларни бошқариш, маркетинг, макроиқтисодиёт каби ўкув фанлари билан бир йўналишда, уларнинг муштағаклигига ҳеч қандай эътиroz йўқ.

Бакалавр тайёрлаш йўналиши бўйича Давлат стандартида келтирилган ахборотли тизимлар, иқтисодий-математик андозалар, операцияли менежмент, стратегик менежмент, маъмурий менежмент каби фанлар билан ташкилот ва ташкилий бошқариш назарияси фани ўзининг таълимоти ва услубий асослари бўйича ўта яқин.

Юқорида таъкидланганидек, ташкилот маҳсулот ишлаб чиқаради ёхуд ҳаётий зарур хизматлар кўрсатади. Ресурсларни ишлатиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиц учун ташкилотдаги ақлий салоҳиятлар, моддий ва молиявий ресурслар ҳаркатга келиши шарт. Демак, ресурсларни жўнатувчидан қабул қилиб олиш, уларга ишлов бериш, узатиш, таъминлаш, ҳарид қилиш, молиявий ҳисоб-китоб қилиш, ахборот алмашиб каби жараёнлар бўйича курс яна кўпгина бошқа фанлар (информатика, молия, пул ва кредит, мумомалалари, логистика, статистика, бўлгаглтерлик ҳисоби, солиқ ва солиқса тортиш, ташки иқтисодий алоқалар, тадбиркорлик асослари, иш хужжатларини юритиш қабилалар) билан боғлик.

1.4. ТАШКИЛОТНИНГ ТАШКИЛИЙ ҚУРИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ҳар бир кишининг, ҳар бир оиласининг, жамоа ва умуман жамиятнинг ҳаёти-фаолияти иқтисодий аҳволнинг даражасига қараб шаклланади. Иқтисодиёт юқори даражага эришган шароитда фаровонлик юқорилашади, ижтимоий ҳаёт барқарорлашади, кишиларда келажакка ишонч кучаяди, уларнинг фаоллиги ҳам ўсиб боради.

Иқтисодиёт ривожланиб борган сайин ташкилот муракқаблашади, кўп қиррали алоқалар пайдо бўлади, маҳсулот ишлаб чиқариш учун ҳар хил ташкилотлар билан, ҳатто ҳақаро миқёсда иқтисодий алоқалар ўрнатишга тўғри келади. Бундай шароитларда ишбилармонлик, тадбиркорлик учун иқтисодиёт назарияси, руҳиятшунослик, социология, уларнинг қонунлари, тамойиллари ва андозаларини яхши билиш зарур.

Иқтисодиёт назарияси хўжалик юритилиши иши билан шуғулланадиган ва шугулланмайдиганлар учун ҳам керак, чунки улар ҳеч бўлмагандан истеъмолчи бўлиб қатнашадилар, пул тоҳадилар, уни сарфлайдилар, оила бюджетини юритадилар, умуман олганда иқтисодий, ижтимоий, руҳий, ишлаб чиқариш муносабатида иштирок этадилар. Назария иқтисодий фикрлашга ўргатади,

¹ Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар — тараққиёт омили. Т.: “Ўзбекистон”, 1995, 22-бет.

қонун-қоидалар ва тамойилларга биноан тежамли хўжалик юритишга, меҳнатни Қадрлашга чорлайди, инсонга хос иқтисодий тарбия беради.

Муайян воқеликка яқин назариялар, умуминсоний интеллектуал бойликдан баҳраманд бўлиш давр талаби. Бу назариялар ривожланган бозор иқтисодиёти, аникроғи, аралаш иқтисодиёт кўринишларининг инъикосидир, бу иқтисодиёт амалиётининг назарий ифодасидир.

Ташкилот ва ташкилий бошқариш назарияси психология, социология, социал психология, антропология, иқтисодий назария каби бир-бирига яқин илмий фанларнинг ёндашуви ва ютуқларидан фойдаланишга қаратилган. Ташкилот ва ташкилий бошқариш назариясига психологиянинг қўшган ҳиссаси индивидуум хулқини ўрганиш ва белгилаш ҳамда одамлар хулқини ўзгариш имкониятини ўлчаш, аниқлаш орқали кўпроқ намоён бўлади. Психология одамларнинг оқилона ёки ножӯя ҳаракатларига халақит ёки ёрдам қўлувчи шароитларни аниқлайди.

Ижтимоий тизимни ўрганиш ҳисобига ташкилот назариясининг таълимотини социология соҳасидаги тадқиқотлар кенгайтиради. Бунда индивидуум ўз вазифасини бажаради, ўзаро маълум муносабатларда қатнашади.

Социал психология янги илмий фан. Уни ўрганишда ўзаро шахслар хулқи асосий мўлжал — ўзгаришлар қандай борајпти, улар қандай шаклда кечаяпти, уларни тарбиялашдаги тўсиқлар қандай енгиб ўтилмоқда.

Ташкилот ва ташкилий бошқариш назариясига антропология фани одамлар хулқи ва фаолиятларини жамият ҳаётидаги кенг кўламда қандай тутишларини ўрганиш орқали таъсир кўрсатади.

Иқтисодий назария ташкилотлардаги таҳникा-технологияни бевосита ўрганмаса-да, унинг *ташкилот фаолиятига* таъсирини ҳисобга олади. У техник-технологияни ташкилот фаолиятида жорий этиш ёки этмасликнинг иқтисодий чегараларини назарий асослайди, шу билан бирга ташкилот фаолиятининг табиатга, жамиятга таъсирини, у нималарга олиб келишини қараб чиқади.

Ташкилот назариясида одамлар хулқига юқорида кўрсатиб ўтилган фанларнинг таснифи, таъсир даражаси қандайлигини ҳисобга олиш лозим.

Шундай қилиб, одамлар хулқи ҳақидаги фанлар — психология, социология, социал психология ва антропология — бозор иқтисодиётидаги ташкилотларнинг фаолият юритишлари, уларнинг фаолиятини бошқаришида давлатнинг функцияларини ривожланишида муҳим ўрин тутади.

Назария ташкилот фаолияти ва иқтисодини соф ҳолда эмас, балки ижтимоий-сиёсий, руҳий-ахлоқий, миллий-демографик омиллар таъсирини ишобатга олиб ўрганади.

Ташкилотнинг ташкилий қурилиши иқтисодий тамойилларга мос келиши учун раҳбарлар илмий фикрлашлари, яъни ишлаб чиқариш, мулк, меҳнат жаҳаённи, маҳсулот, таъминот, узатиш, харид қилиш, иш вақти, меҳнат тақсимоти, эҳтиёж каби умумиқтисодий муносабатларни ифодаловчи категорияларни; монополия, монопсония, олигополия (ўхшаш товарлар тақлиф қўлувчи корхоналар бир неча бўлади), эксплуатация, рента, экспансия, ортиқча аҳоли каби ижтимоий-иқтисодий тизимнинг табиатига

бўлиб қолади. Бу эса ишлаб чиқариш воситаларини улгуржи савдо орқали харид қилиш, конвертиранган (эркин алмаштириладиган) валютани киритилиши, бозор баҳосини барқарорлиги, молия-кредит механизмидан самарали фойдаланиш каби шароитлардагина тўла ривож топади.

Ташкилотнинг олий раҳбарлари учун самарали стратегияни ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш ўта муҳим вазифадир. Янги гояда ривож топалигандан, янги хўжалик шароитида фаолият кўрсатса оладиган ташкилот керак. Маҳсулот (хизмат кўрсатиш)ларни доимо янгилашиб туриши маълум ташкилотларнинг рақобатбардошли бўлиши учун ҳал қилувчи омил.

Юқорида келтирилганлардан кўринадики, ташкилот ташкилий бошқариш жиҳатдан узлусиз ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан таомиллашиб боради. Ташкилотни ташкилий бошқарилиши унинг ўз мақсадига эришиши учун барча ҳарақатларни ўзига оладики, бунда ичидаги ўзаро таъсир этишини мувофиқлаштиради ва белгилайди. Агарда ходимлар, ташкилий бўлинмалар орасидаги муносабатлар аниқ ажратилса, меҳнатни ихтисослаштиришга эришилади, бўлим ва бўлинма раҳбарлари ташкилотдаги расмий ўзаро муносабатларни, улар орқали ташкилот раҳбарлари ўз муносабатларини боғлайдилар, улардан қайси бири «бошлиқ — бўйсунувчи» муносабатида қатнашади.

Ташкилотда ташкилий бошқаришни ташкил этишининг дастлабки ва белгиловчи нуқтаси — бу ишлаб чиқариш жараёнидир. У ўзаро боғланган, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи жараёнлардан иборат бўлиб, жараёнлар натижасида дастлабки материаллар, ҳом ашёлар тайёр маҳсулотга айланади. Ушбу жараён ташкилотнинг ташкилий жамоалари ўртасида меҳнат тақсимотини ҳамда улар ўртасида транспорт хизмати, машиналар, асбоб-ускуналар, жиҳозлар, механизмлар сингариларни тегишили равишда тақсимлашни, уларни бажарилишини талаб қиласи. Шу мақсадда ташкилотда ишлаб чиқариш бўлинмалари, қисмлар, бўлимлар, уларга хос бўлган ташкилий бошқарув тузилмаси барпо этилади.

Ташкилот бўлинмалари, қисмлари, бўлимлари, цехлари, марказлари ўзининг аниқ ташкилий бошқариш вазифаларга эта. Бу ташкилий бошқариш тузилмаси кўпгина омиллар (технология, ташкилотни жойланиши, ташкилотнинг куввати, фаолияти, ходимларнинг ташкилотга муносабатлари, муҳитни ўзгарувчанлиги, таъминланиш ва ҳоказолар)га бοғлиқ.

Ташкилотни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси-бу тизимнинг турли погонасида жойлашган ва ташкилотнинг ишлаб чиқариши ёки хизмат кўрсатиш тизими сифатида фаолият кўрсатишни таъминлайдиган ўзаро бοғлиқ бошқарув органларининг ўтигиндицидир. Ташкилотни ташкилий бошқариш тизими нисбатан алоҳида қисмларга — бошқарув органларига (бўлинмалар, бўлимлар, цехлар, қисмлар, марказлар, филиаллар, кичик корхоналар, айрим раҳбарлар) бўлинувчи бошқарув аппаратидан иборатdir. Ҳар бир погона навбатдаги юқори погонага бўйсуниб, ўзига хос «қават»лардан иборат бўлган бошқарув «иерархия»си юзага келтиради.

Ташкилотни бошқаришнинг қуйидаги асосий ташкилий тузилмалари маълум: чизиқли ваколат, чизиқли-штабли ваколат, функционал ва матрицали

(«маҳсулот бўйича»). Бу турдаги ваколатларнинг ҳар бири ўз афзалликлари ва камчиликларига эга.

Ташкилотларда қўйидаги ташкилий йўналишда бошқариш мақсадга мувофиқ:

— персонални бошқариш бошқармаси (ходимлар бўлими, юридик ва сертификациялаш бўлими, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги, меҳнат бўлими ва иш ҳақи, социолог ва психология, маъмурӣ-хўжалик қисми, кичик хизмат кўрсатиш ходимлари, касаба, ёшлар, хотин-қизлар ўюшмалари, касбий тайёрлов ва шу кабилар);

— иқтисодий бошқарма (маркетинг бўлими, бухгалтерия, тижорат бўлими, режа бўлими, ташкии иқтисодий алоқа. Меҳнат, ходимлар, қурилиш, таъминотлар бўйича иқтисодчи, стандартлаш, сифатни бошқариш, аудиторлар ва б.);

— техник воситаларни бошқариш бошқармаси (барча ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқариш-техник бўлими, таъзиши воситалари, воситаларни таъмирлаш устахонаси, бош механик бўлими, техник маълумот бўлими, техник назорат бўлими, ишлаб чиқариш қисмлари, ишлаб чиқаришни марказий бошқариш ва б.).

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнларидаги ўзгаришларга қараб ташкилий бошқариш жараёни, ташкилий тузилмаси ҳам доимо такомиллашиб боради. Ташкилотда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ўзгаради ҳамда бошқариш бўғинлари бўйича вазифаларни тақсимлаш ҳам эскириши мумкин.

1.3. ФАННИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ

Ташкилот ва ташкилий бошқариш назарияси фани мутахассисликнинг бошқа ўкув фанларидан менежмент, персонални бошқариш, ишлаб чиқариш менежменти, стандартлаш, сертификатлаш ва сифатни бошқариш, ташкилотдаги хулқ, устувор менежмент, инновацион менежмент, бошқарув счимини ишлаб чиқиш, бошқарув тизимини талқиқоти, иқтисодиёт назарияси ва шунга ўхшаш фанлар билан боғлиқ деб қўйиш ҳам мумкин. Бироқ масалага мантиқан ёндашилса, юқоридаги жавоб етарли эмас.

Ўқитиладиган ушбу фан ўзининг долзарблиги, фаннинг мақсади, ундаги масалалар, курснинг обьекти ва предмети, таълимоти ва услубияти, жамият фаолиятидаги қамрови ва ўтиладиган мавзулари бўйича бошқа фанлар билан боғлиқлигини қараб ўтиш мақсадга мувофиқ.

3. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишда билимдон ва тадбиркор ходимларни ўзаклантаришга эриши ўзим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга эканлиги кўпчиликка маълум. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов уқтирганидек: «Бугунги куннинг энг муҳим вазифаси — ҳаётимизнинг барча соҳаларида, айниқса, бошқарувда, республика миқёсида, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ ва маҳаллаларни бошқаришда, тарқоқ бўғинларини идора этишда янгича фикрлайдиган, қийин дамларда масъулиятни ўз зиммасига ола биладиган, ҳаёт билан ҳамқадам

Юришга қодир, имони пок, билимдон, ишбилармон одамларни топиш, уларга ишонч билдиришдан ибораттир».¹

Ташкилотдаги салоҳиятни бошқаришнинг мақсади, предмети ва усуллари кўпгина фанлар учун ҳам муҳимдир. Масалан, иқтисодиёт назарияси, менежмент, ишлаб чиқариш менежменти, ташкилотдаги кадрларни бошқариш, маркетинг, макроиктисодиёт каби ўкув фанлари билан йўналишда, уларнинг муштараклигига ҳеч қандай эътиroz йўқ.

Бакалавр тайёрлаш йўналиши бўйича Давлат стандартида келтирилган аҳборотли тизимлар, иқтисодий-математик андозалар, операцияли менежмент, стратегик менежмент, маъмурӣ менежмент каби фанлар билан ташкилот ва ташкилий бошқариш назарияси фани ўзининг таълимоти ва услубий асослари бўйича ўта яқин.

Юқорида таъкидланганидек, ташкилот маҳсулот ицлаб чиқаради ёхуд хаётий зарур хизматлар кўрсатади. Ресурсларни ишлатиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш учун ташкилотдаги ақлий салоҳиятлар, моддий ва молиявий ресурслар ҳаркатга келиши шарт. Демак, ресурсларни жўнатувчидан қабул қилиб олиш, уларга ишлов бериш, узатиш, таъминлаш, ҳарид қилиш, молиявий ҳисоб-китоб қилиш, аҳборот алмашиш каби жараёнлар бўйича курс яна кўпгина бошқа фанлар (информатика, молия, пул ва кредит муомалалари, логистика, статистика, бухгалтерлик ҳисоби, солиқ ва солиққа тортиш, ташкилий иқтисодий алоқалар, тадбиркорлик асослари, иш ҳужжатларини юритиш кабилар) билан боғлиқ.

1.4. ТАШКИЛОТНИНГ ТАШКИЛИЙ ҚУРИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ҳар бир кишининг, ҳар бир оиласининг, жамоа ва умуман жамиятнинг ҳаёти-фаолияти иқтисодий аҳволнинг даражасига қараб шаклланади. Иқтисодиёт юқори даражага эришган шароитда фаровонлик юқорилашади, ижтимоий ҳаёт барқарорлашади, кишиларда келажакқа ишонч кучаяди. Уларнинг фаоллиги ҳам ўсиб боради.

Иқтисодиёт ривожланиб борган сайин ташкилот мурakkablaшади. кўл қиррали алоқалар пайдо бўлади, маҳсулот ишлаб чиқариш учун ҳар хил ташкилотлар билан, ҳитто ҳалқаро миқёсда иқтисодий алоқалар ўрнатишга тўғри келади. Бундай шароитларда ишбилармонлик, тадбиркорлик учун иқтисодиёт назарияси, руҳиятишунослик, социология, уларнинг қонунлари, тамойиллари ва андозаларини яхши билиш зарур.

Иқтисодиёт назарияси хўжалик юритши иши билан шуғулланадиган ва шуғулланмайдиганлар учун ҳам керак, чунки улар ҳеч бўлмаганда истеъмолчи бўлиб қатнашадилар, пул топадилар, уни сарфлайдилар, оила бюджетини юритадилар, умуман олганда иқтисодий, ижтимоий, руҳий, ишлаб чиқариш мұносабатида иштирок этадилар. Назария иқтисодий Фикрлашга ўргатади,

¹ Каримов И.А. Юксак малзакали мутахассислар — тараққиёт омили. Т.: “Ўзбекистон”, 1995, 22-бет.

қонун-қоидалар ва тамойилларга биноан тежамли хўжалик юритишига, меҳнатни қадрлашга чорлайди, инсонга хос иқтисодий тарбия беради.

Муайян воқеликка яқин назариялар, умуминсоний интеллектуал бойликдан баҳраманд бўлиш давр талаби. Бу назариялар ривожланган бозор иқтисодиёти, аникроғи, аралаш иқтисодиёт кўринишларининг инъикосидир, бу иқтисодиёт амалнётининг назарий ифодасидир.

Ташкилот ва ташкилий бошқариш назарияси психология, социология, социал психология, антропология, иқтисодий назария каби бир-бирига яқин илмий фанларнинг ёндашуви ва ютуқларидан фойдаланишга қаратилган. Ташкилот ва ташкилий бошқариш назариясига психологиянинг қўшган ҳиссаси индивидуум хулқини ўрганиши ва белгилаш ҳамда одамлар хулқини ўзгариш имкониятини ўлчаш, аниқлаш орқали кўпроқ намоён бўлади. Психология одамларнинг оқилона ёки ножӯя ҳаракатларига ҳалақит ёки ёрдам қилувчи шароитларни аниқлади.

Ижтимоий тизимни ўрганиш ҳисобига ташкилот назариясининг таълимотини социология соҳасидаги тадқиқотлар кенгайтиради. Бунда индивидуум ўз вазифасини бажаради, ўзаро маълум муносабатларда қатнашади.

Социал психология янги илмий фан. Уни ўрганишда ўзаро шахслар хулқи асосий мўлжал — ўзгаришлар қандай бораётпи, улар қандай шаклда кечаятпи, уларни тарбиялашдаги тўсиқлар қандай енгиб ўтилмоқда.

Ташкилот ва ташкилий бошқариш назариясига антропология фани одамлар хулқи ва фаолиятларини жамият ҳаётидаги кент кўламда қандай тутишларини ўрганиш орқали таъсир кўрсатади.

Иқтисодий назария ташкилотлардаги таҳника-технологияни бевосита ўрганмаса-да, унинг ташкилот фаолиятига таъсирини ҳисобга олади. У техникик технологияни ташкилот фаолиятида жорий этиш ёки этмасликнинг иқтисодий чегараларини назарий асослайди, шу билан бирга ташкилот фаолиятининг табиатга, жамиятга таъсирини, у нималарга олиб келишини қараб чиқади.

Ташкилот назариясида одамлар хулқига юқорида кўрсатиб ўтилган фанларнинг таснифи, таъсир даражаси қандайлигини ҳисобга олиш лозим.

Шундай қилиб, одамлар хулқи ҳақидаги фанлар — психология, социология, социал психология ва антропология — бозор иқтисодиётida ташкилотларнинг фаолият юритиши, уларнинг фаолиятини бошқариша давлатнинг функцияларини ривожланишида муҳим ўрин тутади.

Назария ташкилот фаолияти ва иқтисодини соғҳ ҳолда эмас, балки ижтимоий-сиёсий, руҳий-ахлоқий, миллий-демографик омиллар таъсирини инобатга олиб ўрганади.

Ташкилотнинг ташкилий курилиши иқтисодий тамойилларга мос келиши учун раҳбарлар илмий фикрлашлари, яъни ишлаб чиқариш, мулк, меҳнат жарабёни, маҳсулот, таъминот, узатиш, харид қилиш, иш вақти, меҳнат тақсимоти, эҳтиёж каби умумиқтисодий муносабатларни ифодаловчи категорияларни; монополия, монопсония, олигополия (ўхшаш товарлар тақлиф қилувчи корхоналар бир неча бўлади), эксплуатация, рента, экспансия, ортиқча аҳоли каби ижтимоий-иктисодий тизимнинг табиатига

алоқадор маҳсус категорияларни; талаб, таклиф, маркетинг, товар, нул, нарх, инфляция ва шунга ўшиш умуминсоний тавсифдаги иқтисодий муносабатлар категориясини билишлари ва амалда күллай олишлари талаб этилади.

Ишлаб чиқариш жараёни ва тизимида ресурслар фойдаланилди, таъминот, транспорт, алоқа, ахборот хизматларидан, маҳсулотлардан иборат ҳәёттің неғыматлар яратилади. Аксарият, ресурс деганда ер, капитал, меңнат ва талбиркорлик қобиляйтларини тушунамиз. Шу билан биргә ишлаб чиқаришга моддий шарт-шароит (моддий-ашёвий омиллар, табиий бойликлар, яратылған ашёлар, яғни меңнат предметлари, меңнат воситалари-қуроллари) ҳам талаб қилинади.

Демак, ташкилотда *меңнат воситалари* (күл меңнати қуроллари, транспорт, машина, механизм, ускуна, жиһозлар, ўлчов асбоблари, ҳисоблаш ва алоқа воситалари қабилар) соз бўлиши талаб қилинса, *меңнат шароити воситалари* (бинолар, иншоотлар, ёрдамчи қуроллар, автомобил ва темир йўллари, сув омборлари, каналлар) ишлаб чиқариш (моддий ва номоддий ишлаб чиқариш)нинг пировард натижасига катта таъсир қилувчи омиллардир.

Ишлаб чиқариш жараёни ташкилотлар доирасида, якка тартибда фаолият кўрсатиш, тармоқ ва ҳудудлар миқёсида, миллӣ, жаҳон ҳўжалиги миқёсида юз беради. Қаерда бўлмасин, ишлаб чиқариш миқёси ёки поғонасидан қатъий назар меңнат натижалари, меңнат унумдорлиги, меңнат самарадорлиги оширилиши керак. Бунинг учун меңнат қуролларининг нақадар мукаммаллиги (ишлаб чиқаришнинг *техник-технологик даражасини талабга яқинлиги*), ишловчиларнинг билим ва маҳорат савияси, меңнат малакаси, ишлаб чиқаришнинг табиий шароити, табиий ресурсларнинг ишлатилиши шароитининг ўта қуай бўлиши, ишлаб чиқаришнинг янгиланиш шарт-шароити талаб қилинади.

Юқоридаги ташкилот назарияси ва тамоилларидан келиб чиқсан ҳолда ташкилотни ташкилий қурилиши поёнига етказилсанда пировард натижага (ишлаб чиқариш) муваффақиятли кечади.

Шундай қилиб, айтиш мумкинӣ, ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзгаришларга қараб бошқариш жараёни ва ташкилий қурилиш ҳам доимо мукаммалашиб боради. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ўзгаради ҳамда бошқариш бўгинлари бўйича вазифаларни тақсимлаш ҳам эскириши мумкин.

Таянч сўз ва иборалар

Ташкилот назарияси, ташкилотнинг мақсади, вазифаси, обьекти, предмети, бошқариш тизими, ташкилот фаолиятини бошқариш, бошқариш назарияси, ташкилотларни ташкилий бошқариш, ишлаб чиқариш жараёни, ташкилий тузилмалар.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ташкилот деганда нимани англайсиз?
2. Ташкилот тўғрисидаги қонун корхоналарда нималарни таъминлайди?

3. Ташкилот ва ташкилий бошқариш назариясини ифодаланг.
4. Ташкилотнинг мақсади ва унга эришиш учун нималар қилиниши лозим?
5. Ташкилотнинг асосий вазифаларини сананг.
6. Ташкилот ва ташкилий бошқариш назарияси фанининг обьекти ва предметига таъриф беринг.
7. Ташкилотларни ташкилий бошқаришга тушунча беринг.
8. Ишлаб чиқариш жараёнининг ўзаро боғлиқлигини тушунтиринг.
9. Ташкилотда ташкилий тузилмалар нима учун керак?
10. Ушбу фанининг бошқа ўқув фанлари билан боғлиқлиги ҳақида тушунча беринг.
11. Одамлар хулқи ҳақидаги фанларнинг тавсиялари нима учун ташкилот ва ташкилий бошқаришда ўрганилади?
12. Ташкилотнинг ташкилий қурилишида раҳбарнинг илмий фикрлашлари муҳим деганда нималарни англайсиз?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Барқамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: «Шарқ» нашириёт-матбаа концерни, 1997. 32—63-бетлар.
2. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар — тараққиёт омили. Т.: «Ўзбекистон», 1995. 22-бет.
3. Ўзбекистон Республикасида «Корхоналар тўгрисида»ги қонун. Т.: «Ўзбекистон», 1992. 77—100-бетлар.
4. Қосимов Ф.М. Менежмент. Т.: «Ўзбекистон», 2002. 4—5, 9—12, 38-бетлар.

2-БОБ. ТАШКИЛОТ ТИЗИМДИР

2.1. ТАШКИЛОТНИ БОШҚАРИШДАГИ АСОСИЙ ТИЗИМЛАР

Умумий мақсадларга эришиш учун одамлар жонли табиатни, яъни жамиятни, жамоат ташкилотларини, ишлаб чиқариш ёки хўжалик юритишини ва ходимларни бошқаради. Бошқаришга ташкилот нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, бу хўжалик органлари, ташкилот маъмурияти, жамоат ташкилотларининг иқтисодий-ижтимоий натижаларига эришишни кўзда тутган ҳолда ходимлар жамоасига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ташкилотни бошқариш ўта мураккаб тизимдир.

Тизим — бу умумий мақсад(лар) йўналишини тушунган ҳолда ўзаро муносабатлар ўрнатиб, маълум муддат давомида биргаликда фаолият кўрсатувчи турли унсурлар тўпламидир. Улар очиқ ва ёпиқ тизимларга бўлинади. Масалан, физиологик, биологик, ижтимоий-иқтисодий, техник тизимлар. Сўнгги тизим — ёпиқ, чунки маълум чегарада ташки муҳит билан боғлиқ эмас. Ижтимоий-иқтисодий тизимнинг таркиби қисмларини одамлар ташкил этиб, улар ташки муҳит билан боғлиқ. Ташки муҳит ўзгариши билан тизимга таъсир кўрсатади. Бир тизим доирасида фаолият кўрсатаётган одамлар орасида ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий муносабатлар ўрнатилади. Шунинг учун ҳам

улар ижтимоий-иқтисодий тизимлар деб номланади. Бу турдаги тизимларга ташкилотлар (хұжаликлар, көрхоналар, фирмалар, оиласы), халқ хұжалигининг түрли тармоқлари, халқ хұжалигининг ўзи, жамоат ташкилотлари, мұассасалари ва ҳоказолар мисол бўлади.

Ташкилот фаолиятини бошқариш унинг раҳбаридан, мулкдоридан чукур ва кенг құсбай билди тараб этади. Ҳар бир ташкилот ўзининг ташқи мұхит (хом ашё өнілан таъминловчилар, меңнат жамоаси, сармоя, қонунлар, тамойиллар, давлат органлари томонидан тартибга солиш, истеъмолчилар, раҳобатчилар) билан ўзаро таъсир этиш, ташкилот бўлинмаларининг ўзаро таъсир этиши, одамлар билан ўзаро таъсир этиши, хұжалик фаолиятларининг кўриниши ва мулкчилик тавсифи, ташкилий-хўкуқий ҳолатлари бўйича, ҳозирги кунда муваффақиятли фаолият кўрсатаётган «ахборотли» мұхитда (этхократик, кўпўлчамли, партиципатив, бозорга мўлжалланган, тадбиркорликка асосланган ташкилотлар каби турларини ҳисобга оладиган бўлсак) улар фаолиятини бошқариш механизмларини ишлаб чиқиш ва муваффақиятли амалга ошириш ўта мураккаб илмий мұаммом эканлигига шубҳа қилинмайди. Уларнинг ҳар бирни ҳақида тўхталиб ўтирумай, раҳбарлар, тадбиркорлар олдига қўйилаётган бошқариш механизмининг мұаммоларини ечиш борасида баъзи бир фикрларни кўриб ўтамиш.

Замонавий ташкилотни бошқариш фанининг мазмуни бошқарув тизими ва бошқариш обьекти орасидаги ўзаро муносабатdir. Ҳар бир обьектининг ичидаги ўзига хос бошқариш нуқтаи назарни мавжуд. Бунда ташкилотни бошқаришнинг асосий вазифаси қўйидагича ифодаланиши мумкин:

- ишлаб чиқариш фаолияти;
- тижорат фаолияти;
- молиявий фаолияти;
- ҳавфсизлик фаолияти;
- эккаунтинг (таҳлия қилиш, ҳисобга олиш, бухгалтерлик ҳисоби, статистика);
- бошқариш фаолияти.

Мавзудан қелиб чиқиб, биз қўйида ташкилотни тизим деб қараб, уни бошқариш фаолиятига эътибор қаратамиз. Ташкилотни бошқаришнинг асосий тизимлари қаторига *режалаштириш, ташкил этиши вазифаси, тақсимлаш, мойиллик, ахборот алмасиши, мувофиқлаштириши, ечим қабул қилиши ва назорат қилиши кабилар* киради. Буларнинг ҳар бирни улкан фанлар бўлгани учун қисқартирилган ҳолда уларнинг мазмуни билан танишамиз.

Бошқарув фаолияти 1960—70-йилларда мазмунан ниҳоятда жадал суръатларда тараққий этди, кундалик ҳәттдан бошлаб ижтимоий иқтисодиётни юқори поғонасидаги бошқарувгача тақомиллашиб, жорий бошқаришдан бошлаб устувор бошқаришгача ривожланди. Буларнинг мөхиятини ифодаловчи боши ғоя шундаки, ҳар бир раҳбарнинг лиққат маркази атрофидаги ўзгаришларни ўз вақтида сезмоқ ва таъсирга жавоб бермоқ зарурлигига.

Бошқаришда инсон салоҳиятисе суюниш, ишлаб чиқариш фаолиятини истеъмолчи талабига мўлжалаш, ташкилотда тез мослашув ва ўз вақтида ўзгаришларни амалга ошириши, узок истиқболда ташкилот ўзининг мақсадларини

омон сақлааб қолдириши ва пировард натижада мақсадларига эришиш имконини берши кабилар тушунилади.

Ташкилот ўз мақсадларига эришиш йўлида барча хатти-ҳаракатларини режалаштиради, демак, у бошқаришнинг муҳим элемент (унсур)ларидан бири бўлиб қолади.

Режалаштириш — ташкилот учун мақсадларни танлаш, уларга эришиш учун нималар қилиш зарурлиги ҳақида бошқариш қарор ва ечимларини қабул қилиш жараёнидир.

Лекин ҳар қандай мақсадга эришиш учун яхши режанинг ўзи кифоя қўймайди. Тузилган режани асослаш, унинг тўғрилигини исботлаш керак. Бунда башорат қилиш муҳим ўрин тутади. Кўриниб туриптики, режалаштириш мураккаб жараён бўлиб, улар қўйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши мумкин: аниқ мақсадлар, уларга эришиш учун ечиладиган масалалар, масалаларни ечиш учун зарур бўладиган ресурсларга нисбатан талаблар, масалаларни ечиш усувлари, жараёнлар бажариладиган жойларни режалаштириш.

Режалаштириш ишлари ташкилотнинг бош вазифасини шакллантиришдан бошланали ва бунда мутахассис материаллар, меҳнат ресурслари ва маблагларни тальминловчилар, қонунлар ва давлатнинг бошқарув органлари, истеъмолчилар ва рақобатчилар, технология, иқтисодиётнинг ҳолати, спёсий аҳвол ва ижтимоий-маданий, мъянавият каби омилларга дуч келади. Ташкилот учун мақсадларни қандай танлаш, уларга эришиш учун қандай қарор ёки ечим қабул қилиш керак, ресурсларни тақсимлаш, муҳитта мослаштириш, ички ўзаро таъсиrlарни мувофиқлаштириш каби масалалар ҳал қилиниш тартиби ишлаб чиқилади.

Ташкилотда маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштириш доирасидан келиб чиқиб, уни яна истеъмолчига етказиш, харид қилиш ҳам назарда тутилиши лозим. Барча ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмини ўзгариши навбатдаги маҳсулот оборотини режалаштиришдаги тизим ҳажмига ҳам таъсир этади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш режаси ишлаб чиқариш харажатларининг барча турининг қийматига таъсир этади: сақлаш, маҳсулот ҳажми, бекор туриб қолиш, субподряд.

Ишлаб чиқаришни йиринклаштирилган режалаштиришнинг мақсади ташкилот доираси тизимдаги маҳсулотлар ва хизмат кўрсатишларга бўлган барча талабларни умумий йигинидиси минимал ҳолда қатнашишдир.

Режалаштиришининг маҳияти чукур, атрофлича ишлаб чиқилган мажмую режа бўлиб, ташкилотнинг бош вазифаси (миссияси)ни рўёбга чиқарши ва унинг мақсадларини амалга оширишидир.

Ишлаб чиқилган режани ташкил этиши муҳим босқич. Ташкилотнинг ички хўжалигини юритиш, бошқариш поғоналари, раҳбарлар, бўйсунувчилар орасидаги ўзаро муносабатларни белгилаш ҳамда ташкилот доирасида ечиладиган масалаларни тақсимлаш каби ташкил этиш тезкор бўлим ходимларига юклатиласди. Уларни уч гурухга бўлиш мумкин:

— ходимларнинг материаллардан фойдаланишлари (меҳнат қуроллари, ишлаб чиқариш воситалари ва ҳ.к.) билан боғлиқ муносабатлар натижасида

шаклланадиган масалалар (маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш билан боғлиқ оддий ишчи-ходимлар бажарадиган ишлар);

— ходимлар билан ахборотлар орасидаги муносабатлардан келиб чиқувчи масалалар (иқтисодчи, ҳисобчи, муҳандис-конструктор, таҳлилчи-математиклар, клерклар ва ҳ.к. мутахассислар ва ҳужжатлар билан ишловчи техник ёки ижрочи ходимлар бажарадиган ишлар);

— ходимлар ўртасидаги муносабатлар натижасида шаклланувчи масалалар (куйи бошқариш погонаси менежерлари бажарадиган ишлар).

Ўзаро муносабатларни ташкил этиш жараёнида масалалар, ваколатлар юқоридан куйига қараб узатилади (тақсимланади). Бунда масала ва ваколатнинг ўзаро мос тушишига алоҳида аҳамият бериш зарур бўлади. Ҳар бир масаланинг мос равишдаги ваколат (ташкилот доирасидаги ресурслардан фойдаланишининг чекланган ҳуқуқи) билан таъминланмаслиги ресурсларнинг мақсадсиз ишлатилишига ва мос равища ишларнинг бажарилмаслигига олиб келади. Бу ташкилот фаолиятининг самарасизлигини келтириб чиқаради.

Ташкилотда режалар ишлаб чиқилиши, мақсадга мувофиқ тузилма, самарали ахборот узатиш, юқори даражада ташкил этиш, замонавий жиҳозлар ўрнатилиши, технологиялар бўлиши мумкин. Аммо ташкилот аъзолари керакли даражада ишламасалар барча имкониятлар йўққа чиқади.

Кўши машина эмас, уни иши керак бўлса «улаш» мумкин бўлсин. Ҳодим самарали бошқарилиши учун унинг тайёрлиги, хоҳниши, ихлоси, хуш кўриниши, рағбати, кайфияти, хафсаласи, яъни мойиллиги (мотивацияси) бўлиши керак.

Мойиллик — бу кишини фаолиятга ундовчи ички ва ташқи ҳаракатлантирувчи кучлар йигиндиси, фаолиятга чегара, шакл беради, бу фаолиятга йўналиш кўрсатади, маълум мақсадларга эришиш йўлини мўлжаллади.

Мойиллик тавсифини тушуниш учун киши эҳтиёжи, сабаби, рағбатлантирувчи омиллар, уриниш, қатъият, ҳалоллик, бирор мақсадга қаратилганлик каби фаолият тавсифларини аниқлай билиш керак.

Бир ишни киши ҳар хил куч сарфлаб бажаради. Демак, ҳар хил ҳаракат қилиши мумкин. Мойиллик киши фаолиятини мажбур этишга, маълум ҳаракат қилиш, маълум даражада қатъиятлик, ҳалоллик билан мақсадларга эришишга қаратилган кучларнинг йигиндисидир.

Мойиллик жараён бўлиб, у куйидаги босқичлардан иборат:

- эҳтиёжларни пайдо бўлиши;
- эҳтиёжларни бартараф этиш йўларини излаш;
- ҳаракатлар йўналишини аниқлаш;
- ҳаракатни амалга ошириш;
- рағбатлантира олиш учун ҳаракатни амалга ошириш;
- эҳтиёжни бартараф этиш.

Бу босқичлар ўзгарувчандир. Шу сабабли мойилликнинг мазмунига ва жараёнига оид назариялар бор. Мойиллик жараёнининг назарияси инсон кўнглини фаолиятга мажбур этишга қаратилган. Мойиллик жараёнининг

назарияси кишини маълум хулқقا мўлжаллаб иш кўришини ифодалайди. Бунда мақсадга эришиш учун кимнилдири рағбатлантириш жараёнидир. Эҳтиёжлар рағбатлантирилиши билан қондирилиши мумкин. Рағбатлантиришнинг механизми, мазмуни, баҳоси, ечими ўрганилиши керак. Кишиларнинг талаблари, кутишлари ва ҳаққоний тақдирланишини тушунишлари ва тўғри қабул қилишлари орасидаги муносабатларни ўрганиши, улар асосида раҳбарлик қилиш мойилликнинг асосини ташкил этади, чунки мойиллик менежерлар бажарадиган бошқаришнинг умумий функцияларидан бири.

Ташкилот фаолияти давлатдаги қонунчилик, ижрочилик органлари орқали амалга оширилади, яъни *назорат қилинади*. Бошқариш назорати бошқарув фаолиятининг мухим вазифасидир. Унинг моҳияти шундаки, назорат ҳавфли ҳолат пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммоларни олдиндан аниқлаш, ечимларини топиш, улар ўта жиддий бўлиб кетмасликлари учун зарур ва яна фаолиятни муваффақиятли рағбатлантириш учун ҳам қўлланишлари мумкин.

Назоратнинг асосий маъноси — ташкилот фаолиятининг ҳақиқий натижалари ҳақида маълумотларни йигиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш, уларни режадаги қўрсаткичлар билан солиштириш, оғишларни аниқлаш, бу оғишларнинг сабабларини таҳлил қилиш, қўйилган мақсадларга эришиш учун тадбирлар ишлаб чиқиши қабилардан иборат.

Назорат уч босқичда ўтказилади; назорат олди, жорий ва якуний (хуносавий). Уларни ўтказиш тартибида уч тадбир бор: ишланган стандартлар ва мезонлар, улар билан муайян натижалар, ҳаракатларга зарур ўзгартиришлар қабул қилишни солиштириб қўриш.

Менежер назорат бажариладиган иш тартибини ишланмасида, инсон хулиқини эътиборга олиши керак.

Назорат қилишдан асосий мақсад хатоларга ёки ёлғонларга йўл қўймаслик.

Назорат ва режалаштириш ўзаро ўта боғлиқ. Айниқса, компьютер, ахборотли-бошқариш тизими, ахборотли-бошқариш тизимининг самаралорлигини ошириш мухим омилларидир.

Ахборот алмашиш ва бошқариш ечимларини қабул қилини жараёнлари бозор иқтисодиёти шароитида бошқаришнинг зарур элементларига айланаб қолади.

Бошқарув фанларида таъкидланганидек, бошқарув мөханизми режалаштириш, башорат қилиш, ташкил этиш, мувофиқлаштириш, молиявий ва моддий ресурсларни тақсимлаш, жараёнларни бажарилишини назорат қилиш билан бирга техник, технологик, ишлаб чиқариш, хизмат қўрсатиш, тижорат, молия, таҳлил қилиш, ҳисобга олиш каби фаолиятларнинг унсурларини, уларнинг хусусиятларини билиш талаб этилар экан.

Ташкилот фаолиятини бошқариш жисмоний предмет ва воситаларни бошқариш, ходимларни бошқариш механизмининг унсурларини алоҳида ажратилиб ўрганишга тўғри келади. Сўнгги механизм бошқа одамлар орқали таъсири этиб, мақсадларига эришиш учун бажариладиган жараёнлар мажмудидир. Бунинг учун маълумотлар компьютерлар орқали ишланади, раҳнамолик, пешқадамлик қилинади, бошқарув счимлари ёки қарорлари ҳабул қилинади.

2.2. ТАШКИЛОТНИНГ КҮРСАТКИЧЛАРИ

Ташкилотлар расмий ва норасмий турларга бўлинади. *Норасмий ташкилотлар* ҳар қандай мураккаб расмий ташкилотлар ичida шаклланиши мумкин. Мақсадлари *расмий ташкилотнинг* умумий мақсадларидан фарқданувчи гуруҳ(лар)нинг хатти-ҳаракатлари расмий ташкилот томонидан тан олинмаслиги, уларнинг «норасмий» деб аталишига сабаб бўлади ва бундан кейин «ташкилот» деганда фақат расмий ташкилогларни тушунамиз. Расмий ташкилотлар юридик шахс ҳисобланиб, давлат рўйхатидан ўтказилади, муҳри, банк-ҳисоб рақамига эгадирлар.

Ташкилотлар асосан қуидаги белгилари билан ажралиб туради:

а) **ресурслар**: одамлар, капитал, материаллар, технология ва ахборот;

б) **ташқи муҳитга боғлиқлик**: рақобатлар, таъминловчилар, истеъмолчилар, қонунлар ва давлатнинг бошқариш органлари, иқтисодиётнинг ҳолати, жамоат ташкилотлари, жамиятдати қадриятлар тизими, фан-техника тараққиёти натижаларни ташкилотнинг фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади;

в) **мехнат тақсимоти**: меҳнатнинг горизонтал тақсимоти; меҳнатнинг вертикал тақсимоти;

г) **бошқаришининг зарурийлиги**: ташкилотлар ўзларининг мақсадларига эришиши учун бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириш зарурийлиги туғилади.

Юқоридагилардан маълум бўлдики, ташкилот ички ҳўжаликлардан (туруҳлар), бошқариш поғоналаридан, турли ва бир вақтнинг ўзида умумий мақсадларни кўзлаб хатти-ҳаракат қиливчи одамлардан ташкил топган ва у таиқи мухитта боғлиқ.

Ташкилотнинг кўрсаткичлари «ташкилот» тушунчасини тўлароқ тасаввур қилиш учун зарур бўлади. Юқорида таъкидланган кўрсаткичлар қатори ташкилотни бошқаришга оид тизим, тузилма, ахборот, мақсад, масала, мувваффақият, муносабат ва бошқа кўрсаткичларни тасаввур қилиш лозим. Мураккаб ташкилотларнинг таркибида бир неча минглаб ташкилотлар бўлиши мумкин. Масалан, компаниялар таркибида 6—7 минг ташкилот мавжуд. Уларнинг ўз мақсадлари бор: қурилиш, таъминот, маркетинг, реклама, транспорт ва бошқа хизматлар: савдо-сотик, умумовқатланиш.

Тизим — бу умумий мақсад йўналишида тушунган ҳолда ўзаро муносабатлар ўрнатиб, маълум муддат давомида биргаликда фаолият кўрсатувчи турли унсурлар тўпламиdir. Улар очик, ёпиқ тизимларга бўлинади. Масалан, техник, биологик, ижтимоий-иқтисодий тизимлар. Техник тизимлар — ёпиқ, чунки маълум чегарада ташқи мухит билан боғлиқ эмас. Сўнгги тизимнинг таркибий қисмларини одамлар ташкил этади. Улар ташқи мухит билан боғлиқ. Ташқи мухит ўзгариши билан тизимга таъсир кўрсатади. Бир тизим доирасида фаолият кўрсатаётган одамлар орасида ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий муносабатлар ўрнатилади. Шунинг учун ҳам улар ижтимоий-иқтисодий тизимлар деб номлашади. Бу турдаги тизимларга ташкилотлар (ҳўжаликлар, корхоналар, фирмалар, оиласлар), халқ ҳўжалигининг турли тармоқлари, халқ ҳўжалигининг ўзи, жамоат ташкилотлари, муассасалари ва ҳоказолар мисол бўлади.

Тузилма – бу тизимнинг таркибий қисмлари ва улар орасидаги муносабатлар, яъни бирор тизимнинг тузилмаси шу тизимнинг таркибий қисмлари, улар орасидаги муносабатлардир.

Ахборот атроф-муҳитда (табиат ва жамиятда) рўй берадиган ҳодиса ва жараёнлар тўғрисидаги билимларнинг тартибидир.

Мақсад – бу одамларнинг ўзаро ҳамкорликда кўзлаган, уларнинг барчасига тегишли талабларни қондирувчи аниқ натижаларга эришишдир.

Масала – бошқаришда одамларнинг мантиқий кетма-кетлигидан иборат, маълум бир усул ёки услуб билан амалга ошириладиган, улар кутган мақсадларга олиб борувчи хатти-ҳаракатларнинг мажмудидир. Кундалик ҳаётда масалани биз иш деб атаймиз.

Муваффақият – бу одамлар фаолиятларининг натижалари кутилган натижаларга олиб борувчи фаолият – мантиқий хатти-ҳаракатлар муваффақиятли ҳисобланади ва аксинча. Ташкилотнинг муваффақияти унинг таркибida меҳнат қилувчи одамларнинг умумий мақсалларини қондирувчи аниқ натижадир.

Муносабат – бу масалаларнинг умумийлигидан келиб чиқиб одамлар бирбиrlари билан турли муносабатлар ўрнатишларидир.

Юқорида келтирилган тушунчалар ташкилот назарияси фани учун назарий асосининг таркибий қисмларидир.

2.3. ТАШКИЛОТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА БОШ ВАЗИФАСИ

Тарихий тажриба кўрсатадики, иқтисодиёт, ҳалқ ҳўжалиги, ташкилот уч кўринишда бўлган: натурал иқтисодий тизим, бозор иқтисодиёт тизими, режали (буйруқбозлиқ) иқтисодиёт тизими. Уларнинг ичida энг самаралиси, ишлаб чиқарувчига ҳам, жамиятга ҳам, давлатга ҳам ижтимоий-иктисодий жиҳатдан кўпроқ фойдалиси бозор иқтисодиёт тизимидир.

Натурал иқтисодий тизим ёоят чекланган шахсий манфаатларни қондиришдан иборатdir. Иқтисодиётнинг бозор тизимида мақсад хусусий манфаатни қонлиришдир, яъни ишлаб чиқаришга ташланган сармояларни қоплаш билан бирга фойда ҳам кўришдир.

Режали иқтисодиёт тизимида бош манфаат – давлат манфаатидир, уни қандай бўлмасин, амалга оширишдир.

Иқтисодиёт ёки ҳалқ ҳўжалигининг қуши бўғинлари – ташкилотлар тавсиф жиҳатдан юқори бўғинлар қандай бўлса, улар ҳам бир хил тавсифга эга бўлади.

Шунинг учун ҳам иқтисодий ўсишга, ижобий натижаларга эришиш учун ташкилотларни ривоҷлантиришга, уларда бошқаришининг иқтисодий ва ижтимоий воситаларини жорий этишга ётибор қаратиласди.

Ташкилотлар иқтисодиёти мураккаб ижтимоий ва сиёсий жараёнлар кечадиган макондир, у статик бўла олмайди, у доимо ўзгаришда, ривоҷланшишадидир. Демак, ана шу жараёнда ташкилотлар ѹқтисодиётининг хилма-хил муаммолари пайдо бўлади, хилма-хил ечимлар талаби ётади.

Ташкилотлар иқтисодиётининг горизонтал жойланиши алоҳида масаладир. Чунки бутун мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳолатлари маҳаллий,

туман, вилоят, ҳудудий мажмуаларидағи иқтисодиёттің ҳолатига бевосита болып. Бунда мамлакат иқтисодиётіні белгилашда қарыншама көрсетілгенде мавеке қам ахамиятлариді.

Иқтисодиёттің бирламчи, бошланғыч бүгінни бўлмиш ташкилотлар муаммолари ҳақида *микроиқтисодиёт* фани мавжуд. Шу билан бирга ташкилоттің умумий тасвиғлари етарли. Жумладан, ташкилотчилик фаолияттінің самарадорлығи, ташкилот маданияти, оқылона ташкил этиш тамойиллари, ташкилотларнің тамойиллари, қонунлари, моделлари умумий тасвиғи сифатида қаралади.

Ташкилот фаолияттіда иқтисодий қонунларни қўллаш ҳаёттій муҳим интизомдир. Улар ҳолис суратда мавжуд бўлиб, одамлар уларга амал қиласидар. Қонун атамаси юкори даражада аниқликкни таклиф этади. Қонунларни билиш илмий, изоҳ башораттінің асосидир. Иқтисодий қонунлар — одамларнің ишлаб чиқарышдаги муносабатлар қонуни, талаб ва эҳтиёжини қондириш. Масалан, вақтни тежаш қонуни, маҳсулот ишлаб чиқариш қонуни, қўшимча қиймат қонуни ва бошқалар.

Иқтисодчилар «қонун», «тамойиллар», «назария» ва «андозалар» деган тушунчаларни ишлатадилар. «Тамойил» атамаси бироз кам даражада муносабатда бўлади. У эса иқтисодий муаммоларни ечиш мақсадлари учун сиёсат ишлаб чиқишида фойдаланади.

Ташкилот назарияси ташкилий тузилма тизими далилларини тушунтириш ва умумлаштиришга келтиришда ифодаланади. Баъзан назария далиллардан ажралган бўлади. Бу камчиликкни эса «андоза» атамаси тузатади.

Тамойиллар ёки назариялар барча муайян ҳақиқатлар кўринишини ифодаламайди. Шунинг учун ҳам адашишлар етарли.

Иқтисодий назария таҳлилнинг пировард натижаси, бу эса далилларни теришда уларга бир бутун қилиб боғлайдиган тартиб ва мазмун беради. Улар орасидаги ўзаро боғлиқликкни белгилайди, далилсиз назария яроқсизdir, аммо назариясиз далиллар маъносизdir. Назариялар далилларнинг таҳлилига асосланган мазмунли умумлашмадир. Яхши назариялар — далилларга асосланади ва улар муайяндир. Далиллар билан тасдиқланган назариялар, юмшоқ қилиб айтганда, яхши бўлмаган назариядир. Демак, *ташкилотдаги жараёнлар ва ҳодисаларнинг бориши қонунияттін назарияси белгилайди*.

Юқоридаги белгиларга қараб ташкилотлар умумий тасвиғфа эга бўлашилар (саноат, курилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги, савдо, алоқа корхоналари, банклар, ўқув мұассасалари, хукуқий ташкилотлар, ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиши ташкилотлари) ва уларни икки гурухга бўлиш мумкин: ижтимоий ва хўжалик ташкилотларига.

Ижтимоий ташкилотлар асосан таъминот, юридик, маданий, манший, спорт ва бошқа турлардаги ахолига хизмат кўрсатиши билан шуғулланадилар.

Хўжалик ташкилотлари асосан маҳсулот ишлаб чиқаради, иш ва хизматлар бажарадилар. Масалан, тармоқлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ташкилотлар, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар — автотранспорт корхоналари, авиация, темир йўл компаниялари, транспорт-экспедиция хизмати,

агентлиги, ақоли ва корхона транспортларига техник хизмати күрсатиш корхоналари кабилар хұжалик ташкилотларидирлар.

Ташкилоттарнинг умумий тавсифи асосан ресурслари, мәхнат тақсимоти, ташқи мұхит билан бөлеуділігі, ташкилий түзілмаси киради.

Юқорида көлтирилған түшунчалар — хом ашё ресурслари, қонунлар, тамойиллар, иқтисодий тизимлар ташқи мұхит деб қаралса, одамлар, топшириқлар, мақсадлар, ташкилий түзілмалар, технология, ахборот алмашиш ички мұхит деб қаралади. Конунчилік ва сиёсатнинг таъсири, ижтимоий ва маданий таъсирлар, иқтисодиёт ва рақобатларни таъсирлари, таъминловчилар ва технологияларнинг таъсирлари ташкилот фаолиятига билівсита, яғни аста-секін таъсир күрсатади.

Замонавий ташкилоттар атроф-мұхитдаги ўзғаришларга мослашишлари шарт.

Мәхнатнинг тақсимоти горизонтал ва вертикаль бўлиб, катта, мураккаб ташкилотларда мәхнат тақсимотининг аниқлік даражаси шунча мұхим бўлиб боради, кичик Корхона, фирмаларда яққол сезилмайди. Масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, маркетинг, транспорт хизмати, географик ҳудудларда жойланиши, молия каби горизонтал мәхнат тақсимотига мисол бўла олади. Мураккаб ташкилотларда мәхнатни горизонтал тақсимоти дивизион ёки бўлимли ташкилот бўлишига олиб келади. Оқибатда ҳар бир бўлинмага ўз ўрнини аниқлаши, унинг маҳсулоти бозорда жойини топиши лозимлігі билан ифодаланади.

Матрица ташкилот ишлаб чиқаришни бошқарышнинг автоматлаштириш тизими шароитидагисига мос бўлишига олиб келади.

Мәхнатни горизонтал тақсимоти бўйича амалга ошириш учун вертикаль тақсимот амалга оширилади. Масалан, ижрочи — бригадир — уста — бўлим бошлиғи — бошқарма бошлиғи — директор ёки правление раиси — вазир ва бошқалар.

Демак, ташкилотнинг умумий тавсифи ҳақида түшунчага эга бўлиш ишлаб чиқариш ёки хизмат күрсатиш бўйича шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади деб ҳисобланади.

Ташкилот муваффақиятга эришмоқчи бўлса, у албатта бошқарышнинг вазифаларини бажариши шарт. Ташкилот фаолият күрсатётган вақтининг ҳар бир дақиқасида келажакда эришмоқчи бўлган мақсадлари ўз ифодасини топади, яғни стратегик (устувор) бошқарышда келажакдан ҳөзиргача қараш амалга оширилади.

Ташкилотнинг бош вазифаси (миссияси) стратегик бошқарышнинг жараёнларидан бири, у учта кичик жараёнлардан ташкил топган, ҳар бири эса мұхим масъулиятли ишдир. Биринчи кичик жараён ташкилотнинг бош вазифасини аниқлаша, иккінчиси — узоқ муддатли мақсадларни аниқлаша ва ниҳоят, қисқа муддатли мақсадларни аниқлаша ифодаланади.

Ташкилотнинг бош вазифаси ва мақсадларини аниқлаш, нима учун ташкилот фаолият күрсатаяпты ва нимага интилмоқда эканлыгини билишга имкон беради. Буни билиш орқали истиқболли устувор хулқни танлаш мумкин.

Бош вазифа ва мақсадлар аниқдангач, устувор таҳлил қынши ва танлаш босқичига ўтилади. Бу жараён ҳақиқатдан ҳам устувор бошқаришининг ўзаги дейилиши мумкин. Ташкилот маҳсус усуулар ёрдамида ўзининг мақсадларига ва бош вазифаларини амалга оширишга эришади.

Устуворликнинг бажарилишини баҳолаш, назорат қилиш мантиқан сўнгги жараён бўлиб, устувор бошқариша намоён бўлади. Ушбу жараён ташкилот мақсадларини амалга ошираётган жараённи бориши ҳақида тескари боғланиш барқарор бўлишини таъминлайди.

2.4. ТАШКИЛОТЛАРНИ БОШҚАРИШДА ДАВЛАТНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган мулкчилик, уни хусусийлаштириш, уларнинг ҳар хил шаклларини амалга оширишга ўтиш бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг ўрнини, вазифаларини аниқлаш, давлат, ташкилотларнинг ўзаро таъсирини белгилаш масалаларини келтириб чиқаради. Шуну унумаслик лозимки, ҳар хил мамлакатда давлатнинг ташкилот иқтисодиётига таъсир кўрсатиб туриши турлича.

Давлат ташкилотларнинг иқтисодиётига ҳар хил усуулар билан таъсир кўрсатади. Масалан, қонун чиқариш, солиқ солиш, кредитлар ва субсидиациялар орқали ташкилот иқтисодиётини тартибга солиб туради.

Иқтисодий ҳаётни давлат томонидан тартибга солишда қуйидагиларга эътибор беради: хўжалик юритувчи субъектларнинг барчаси учун умумий ягона хулқ тасдиқланади; хўжалик субъектларининг баъзи гуруҳлари ёки баъзи бир субъектлари учун ҳар хил ҳуқуқий тартиб белтиланади: шахсий маъмурий бошқарув далолатномаларни ишлатиш.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида аҳолига тақдим этиладиган ижтимоий ҳимоя воситалари, истеъмол жамғармалари кафолатланган.

Мамлакат хавфсизлигини (шу жумладан ташкилотни бошқаришда давлат томонидан) таъминлаш, қонун ва интизомни назорат қилиш, кузатиб туриш, жамиятнинг ҳар бир аъзосининг ҳуқуқи, эркинлигини ҳимоя қилиш, кафолатлаш каби функцияларни давлат ўзига олади.

Ташкилот иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиб туриш давлатнинг иқтисодиётини тартибга солиш бўйича чора-тадбирлари таъсириза бўлади.

Давлатнинг даромадлари, харажатларини бошқариш учун давлат молияси вужудга келтирилган.

Ташкилотларга зарур бўлганда пул-кредит сиёсатини юритиш учун давлат банки ва тижорат банклари мавжуд.

Давлат бюджети сиёсати ва пул-кредит сиёсатининг фаолият кўрсатиши учун ташкилотлар солиқлар орқали бошқарилади. Ҳар бир давлатда солиқ тизими ўзига хос ташкил этилган (давлат солиги, мулк солиқлари, фирма даромадларига солинадиган солиқлар, капиталнинг ўсишига солинувчи солиқ, товар ва хизматлар нархига устама қўйиладиган солиқлар, қўшимча

қиймат солиқлари, қүшилган қиймат солиги, товар сотишдан олинадиган даромад солиги, акцизлар...).

Давлат томонидан тадбиркорликка күмаклашиш бирдан бир мұхим функциядир. Давлат бюджетидан тадбиркорларға аниқ мақсад йүлида ишлатиш учун маблағ ажратыш, яъни субсидиялаш орқали бошқаради.

Тұлов баланси, валюта курси ташкилотларда бошқарышни давлат ўз зымасига өлтән.

Экспорт ва импорт пошлиналари (бож) ва квоталар ҳам ташкилотни бошқарыпда давлатнинг функциясига киради.

Давлатнинг иқтисодиётта фаол аралашуви унинг мұхим функциясыга айланыб, ташкилотларни бошқарыща асосан түрт шактада юз беради: қонун чиқарыш, солиқ солиш, кредитта таъсир этиш, субсидиялар бериш.

Иқтисодиётни тартиблашнинг бозор ва давлат механизми маълум нисбатда бұлғандагина иқтисодиёт барқарор, ривожланиб, социал тұқнашувларға үрин қолмайды. Бу нисбатнинг миқдорий ўлчамлари йўқ, албатта. Бир мамлакатда давлат иқтисодиётта фаол аралашса, бошқа мамлакатда аксинча, бозор механизми таъсиричан бўлади.

2.5. ТАШКИЛОТ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ МАСАЛАСИ

Ташкилот давлат ёки нодавлат секторида бўладимн, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиц соҳасида фаолият кўрсатадими, у пировард натижада самарали ривожланмоғи лозим.

ХХI асрда Ўзбекистон ҳалқининг ҳусусияти, менталитетидан келиб чиқиб, меҳнат самарадорлигини оширишда кадрларни меҳнатга ундаш (мойиллик фаолиятини ошириш, илҳомлантариш) ўта долзарб муаммодир.

Ўзбекистон Республикасининг миллий хўжалигига фаолият кўрсатаётган автомобил, темир йўл, ҳаво транспортлари, қишлоқ хўжалиги, қурилиш каби тармоқлардаги бригадир ва бўлим бошлиқлари, саноатдаги қисм усталари, тиббиёт соҳасидаги бўлим бошлиқлари, академик лицей ва маҳсус фан ўқитувчилари, худди шунингдек, Олий ўқув юрти ўқитувчилари, гуруҳ раҳбарлари, усталар, цехларнинг бюро бошлиқлари каби бошқарув тизимининг қуий погоналарида минглаб раҳбарлар, менежерлар армиясини бозор муносабати талабларига мослигини таҳлил қилиб кўрайлик. Улар бундай шароитда назарий, амалий жиҳатдан пухта билим эгалари дейишга асосимиз кам. Уларнинг аксарият қисми қайта тайёрлаш ёки малакаларини оширишга муҳтождир.

Худди юқоридаги фикр-мулоҳазаларни цех бошлиқлари, мудирлар, бўлим бошлиқлари, уларнинг ўринбосарларига ҳам тегишли десак хато бўлмайди.

Ушбу ўрта погоналдаги менежерлар, ҳатто олий погоналдаги менежерлар ҳам ташкилотдаги ички ва ташқи мұхитларнинг ўзгарувчи қисмлари, омиллари ҳақида ҳалқаро бозор муносабатларida рақобатлаша оладилар дейиш қийин, чунки улардаги билим ва тажрибалар кейинги ижтимоий, руҳий, иқтисодий, сиёсий, молиявий, касбий ўзгариш қонуниятлари билан атрофлича таниш дейиш унчалар тўғри эмас.

Демак, Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёrlаш миллий дастурида таъкидланганидек, улар малакаларини оширишлари лозим. Кадрлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёrlаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар ва 1999—2005 йилларга мўлжалланган истиқболли режаларда таъкидланганидек, 5400 нафар лицей ва касб-хунар коллежлари директорлари, 2100 нафар кафедра мудирлари, 563 декан ва проректорлар, 132 нафар ўқув билим ва ички инспекциялари ўз малакаларини оширадилар. Булардан ташқари, 203,8 минг турли касб эгалари малака оширишлари лозим. Биргина Олий ва Ўрта маҳсус таълим Вазирлиги қошида ҳар йили 26509 (212074:8) нафар мутахассис ўз малакасини оширади. Ушбу мақсадни амалга оширишда тўртта малака ошириш институти, 15 та малака ошириш маркази ва 22 та факультет фаолият кўrsатади.

Агарда ишлаб чиқариш тармоқлари, хизмат кўrsatiш соҳасидаги ташкилотларни бошқариш тизимида қатнашётганларнинг малака оширишлари лозимлигини ҳисобга оладиган бўлсак, юқоридаги малака оширишга бўлган эҳтиёж яна бир неча бор ортади.

Ҳар йили республикада ўртacha 26,5 минг нафар кадрларнинг бозор муносабати талаб этилганидек малакаларини ошириш, уларни қайта тайёrlаш улкан ислоҳ тизимини ташкил этади. Унинг мунтазам ривожланиши ва барқарор тақомиллашувида мотивация механизмини ишлаб чиқиш, амалда уни қўllaш давр талабидир. Ходимлардаги мотивация фаолиятини ошириш унинг эҳтиёжлари, далили, далиллаштириш, рағбатлантириш, кўпгина эскириб қолган бошқариш усуслари ўрнига янги бошқариш усусларини ишлатиш лозимлигини, менежер ўзининг бўйсунувчилари билан замонавий муносабатда бўлиши каби ифодаларга bogliқ. Бунда ходимнинг ички ва ташқи кучлар нисбати, инсон фаолиятида мотивациянинг таъсири, мотивациянинг инсон фаолияти натижасига муносиблиги каби жараёнларнинг даражасига болтиқ.

Инсон мавжуд экан, у ўзининг физиологик, биологик, социал, иқтисодий, маданий, сиёсий эҳтиёжлари, хавфсизлигини тамиллаши учун мойиллик механизмига итоаткор бўлса, ходим аксарият ҳолларда ўзининг хавфсизлигини, жамоа ва жамиятнинг қайси тоифа, даражасига таалуқлигини, бошқалар уни тан олиши учун муносабат ва алоқа тутишга интилади ва ниҳоят ходим ўзини ҳар томонлама ифодалаш учун ўсишга ҳаракат қиласди.

Шу боис мотивация механизмининг компонентларини ўз ўрнида ишлата билиш мухимdir, яъни амалга ундаш, қилган меҳнатига яраша моддий ва номоддий рағбатлантириш, меҳнатнинг замонавий мотивацияси механизми тизимини қўllaш, Ўзбекистондаги жамоа хусусиятлари, меҳнат соҳаларининг бозор муносабатларидағи алоҳида белгиларини ҳисобга олган ҳолда рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш, ҳар бир инсон ўзи учун нима қиммат бўлса, шуни ҳисобга олиб рағбатлантириш касбий ўсиш учун кўшимча ҳақ тўлаш, ижтимоий ҳимоялаш, жамоадаги мотивация механизмини тақомиллаштириб бориш кабилардир.

Замонавий мотивация назарияси ўтказилган тадқиқот ва кузатувларнинг натижасига асосланади. Бу борада Элтон Мэйо, Абрахам Маслоу, Фредерикк

Герцберг, Ренсис Лайкерт, Ю.Д. Красовский каби таниқли олимларнинг илмий тавсияларидан фойдаланиш фойдадаң холи эмас.

Ходимларда рақобат ва манфаатдорликни мавжуд бўлиши учун маҳсулотларнинг сифат даражаси, самарадорлигини ошириш учун миллий ҳўжалик юритиш тизимининг барча бўғинларини бошқариш салоҳияти ошиши даркор. Бунинг учун бозор муносабатига ўтиш талаб этаётган ижтимоий, руҳий, тарбиявий, сиёсий, иқтисодий, молиявий, касбий, техник, технологик, ташкилий ўзгаришлар ҳақида етарли даражада биладиган, уларни амалда кўллай оладиган мутахассисларгина ҳалқимиз ҳётини яхшилашга муносаб ҳисса қўшишлари мумкин.

Ташкилот фаолиятини самарали бошқариш менежмент, раҳбар, менежер, мутахассис ва ижрочиларнинг ўта кенг билим, мойиллик, маҳоратлари эвазига эришиш мумкин экан, у ҳолда бошқариш жараёни (маркетинг, ташкил этиш, режалаштириш, мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш, таҳлил қилиш, бухгалтерлик ҳисоби, илмий ёндашиш, вақтни тежаш ва шу кабилар) ҳозирги талаб нуқтаи назаридан I-чизмада келтирилган маҳсус тизимлар асосида амалга оширилиши лозимлигини унугтаслик керак. Бу тизимларнинг ҳар бири ўзига хос илмий фанлардир.

Назорат ва контролинг — ташкилот устувор мақсадларига эришишга қаратилган ягона тизим. Бу тизимнинг таркибида тезкор, устувор менежмент, ҳисобга олиш, режалаштириш, таҳлил қилиш ва назорат қилиш бор. Контролинг механизми — ривожланиш ва секинлашиш, ўз вақтида, устувор онг, ҳужжатлаштиришdir.

Юқорида санаб ўтилган жараёнлар самарали даражада бажарилганидагина ташкилот ўзининг мўлжаллаган пировард натижаларига эришиши мумкин. Бунинг учун меҳнат фаолиятида ҳар бир ходим ижтимоий, руҳий, тарбиявий, иқтисодий, ҳуқуқий, касбий муносабат боғлайдилар, маҳсулот(хизмат, иш)ларни алмаштирадилар. Шу боис биз меҳнатда юқори натижаларга эришишда бошқариш тизимини кичик тизимларига ажратиб ўрганиш лозимлигига яна бир бор икрор бўламиш:

— ташкилот фаолиятини бошқаришда «жонли» ҳаракатга келтириш учун бошқариш механизмида иштирок этувчиларнинг меъёрий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш ва бошқариш тизимида ахборот алмашиб;

— бошқаришнинг кичик тизимида ходимлар, вакиллар орасидаги муносабатлар тўғри йўлга қўйилгандиги, уларни тараққий эттанлик даражаси, ахборотларни тарқатиш шакл ва усуслари билан таъминлаш;

— бошқариш тизимининг ўзини-ўзи тараққий эттириш кичик тизими;

— ходимларни меҳнатга ундаш (илҳомлантириш) механизми бўйича замонавий тизимлар ишлаб чиқиши ва амалда кўллаш.

Юқоридаги биринчи кичик тизим ҳақида тўхтададиган бўлсак, бошқариш механизмида қатнашувчиларнинг меъёрий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш ва хуқуqlари алоҳида эътиборга лойиқ. Чунки ташкилот раҳбари, унинг ходимлари касбий фаолиятда, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий меъёрларни сақлаган ҳолда иш кўрса, ташкилот фаолиятининг пировард натижаси ижобий натижа беради. Албатта, булар раҳбар ва менежерлардан ўзига хос



1-чишма. Ташкилот фаолиятини замонавий бошқаришнинг маҳсус илмий тизимлари

хусусиятларни талаб этади. Жумладан, руҳий танловчанлик, ақлиниг йўналганлиги, жамоат фаолиятидаги жонбозлиги, талабчанлик, таңқидий муносабат, ташкилотчиликка мойиллиги, жисмонан ривожланганлик, ижтимоий камолатга етганлик, ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик муносабатида бўла билиш каби долзарб омилларни ўзлаштиришда бошқариш механизмининг роли бениҳоя юқорилигидан дарак беради.

Иккинчи кичик тизимнинг мақсади ходимлар орасидаги маълумотларни алмашиш жараёнида асосий воситалардан бирни компьютердан фойдаланиш бошқаришнинг ҳар бир бўғинидаги меҳнатнинг боришини назорат қилиш ва режалаштиришга имкон яратади. Оқибатда ташкилот фаолияти юқори натижага эришиади. Ушбу натижа эса, ташкилотда ахборотли бошқариш тизимини амалга оширишда сезиларли ва самарали омил бўлади.

Учинчи кичик тизим ҳақида қисқача қилиб шуни айтиш мумкинки, ўзини-ўзи бошқариш XXI аср кишиларидан онглилик, қизиқувчанлик, ижобий хулқатворлик, ўз-ўзини англаш имкониятларига эга бўлишни талаб қиласди.

Тўртинчи кичик тизим ўта замонавий муаммо бўлгани учун юқорида атрофлича таҳлил қилишга ҳаракат қилинди.

Таянч сўз ва иборалар

Тизим, кичик тизимлар, режалаштириш, ташкил этиш, ташкилотнинг бош вазифаси, майиллик, назорат қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш режаси, пул-кредит сиёсати, ишлаб чиқарнишнинг йирик экспорт ва импорт пошиналари, контролинг, реинжиниринг.

Такрорлаш учун саволлар

1. Тизим ҳақида тушунча беринг.
2. Ташкилот ўз мақсадларига эришиш йўлида бошқариш фаолиятида нималарга эътибор берниш керак?
3. Режалаштиришининг мазмуни, моҳияти ҳақида гапиринг.
4. Ташкилотни бошқаришда ташкил этиш функциясининг аҳамиятини тушунтиринг.
5. Ташкилотни бошқаришда майиллик нима учун зарур?
6. Режалаштириш билан назорат қилишининг ўзаро боғлиқлиги нимада?
7. Ташкилот фаолиятини бошқаришда давлат органлари қандай усуслар орқали таъсир кўрсатади?
8. Ташкилот фаолиятини бошқаришда маҳсус илмий тизимларнинг таъсиrlарини тушунтиринг.
9. Майилликка атрофлича тавсиф беринг.

Адабиётлар

1. Йўлдошев К., Муфтайдинов К. Иқтисодий билим асослари (қайта ишланган ва тўлдирилган 2-нашри). Т.: «Ўқитувчи», 1999. 79, 179—181-бетлар.
2. Назаров А.Ш. Мехнатни ташкил этиш ва нормаллаш. I-қисм. Т.: ТДИУ, 1997. 11—16, 21—24, 39—43-бетлар.
3. Сариков Э., Маматов М. Иқтисодиёт ва бизнес асослари. Т.: «Шарқ», 1997. 82—84-бетлар.
4. Қосимов F.M. Менежмент. Т.: ТАЙИ, 2000. 5, 6, 14—16, 40—42-бетлар.
5. Қосимов F.M. Менежмент. Т.: «Ўзбекистон», 2002. 312-бет.

3-БОБ. ЖАМОАТ ВА ХЎЖАЛИК ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ

3.1. ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ АЪЗОЛАРИ, МУЛКЛАРИ ВА ТАШҚИ ВОСИТАЛАРГА БОҒЛИҚЛИКЛАРИ

Бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этаётган Ўзбекистон халқи ўзининг мустақиллик йилларида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳаларда улкан тараққиётга эришиди. Худди шунингдек, хўжалик ташкилотлари ҳам ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларида,

айниқса, саноат, транспорт, қурилиш, таşкик иқтисодий алоқаларда яхши натижаларға әришди. Үлар заминида мұкаммал ишлаб чықылған қонун вә тамойиллар ётади

Ташкилоттар умумий тавсифға күра, жамоат вә хұжалик ташкилотлари гурухларига бүлинади. Жамоат ташкилотлари асосан таъминот, жамғармалар, сиёсий партиялар, турли (ёшлар, қасаба, давлат стандарты, ижодий вә бошқа) үшүшмалар, юридик, маданий, мәший, спрот вә бошқа турдаги ахолига хизмат күрсатиши билан шуғулланади.

Хұжалик ташкилотлари асосан маңсулот ишлаб чықаради, иш вә хизматларни бажаради. Масалан, тармоқлар бүйіча маңсулот ишлаб чыкарувчи ташкилотлар, хизмат күрсатувчи ташкилотлар — транспорт корхоналари, йүл компаниялари, агентликлар, техник хизмат күрсатиши корхоналари, транспорт-экспедиция хизмат күрсатиши корхоналари кабилар хұжалик ташкилотларидир.

Мәхнат жамоалари ўз аязларыда жамоа руҳи, мәхнатсеварлық, ҳалоллик, ақыллық, омылкорлық, адолат түшүнчеси, мәхр-оқибат түйғуларини тарбияладыган ўзига хос маскан бўлиб ҳисобланади.

Мәхнат жамоалари турли миллат вә динга мансуб кишиларни дүстлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлық қилиш, миллий, умуминсоний қадриятларни уйғунлаштиришга ўргатади. Бу эса ўз навбатида соғлом маънавий муҳитни вужудга келтиришда мұхим омыл вазифасини бажаради.

Миллий истиқлол мағкурасини ҳалқимиз онги вә қалбига сингдириш таълим-тарбия, фан, илмий муассасалар, маданият вә маданий-маърифий муассасалар, адабиёт вә санъат, дин аҳли, жисмоний тарбия вә спорт, оила, маҳалла вә мәхнат жамоалари, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вә шу каби соҳаларда дастуриамал бўлиб хизмат қиласи. Ўзбекистон Республикаси Конституциясинин 56-модласида жамоат ташкилотлари ҳақида куйидагилар қайд этилган: «Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилған қасаба үшүшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар вә ёшлар ташкилотлари, ижодий үшүшмалар, оммавий ҳаракатлар вә фуқароларнинг бошқа үшүшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади».

«Миллий истиқлол ғояси: асосий түшүнча вә тамойиллар» номли рисолада таъкидланғанисек, юртимизда яшаётган барча кишиларнинг маънавий бойлигига, дунёқарашининг негизига айланишига әришишда жамоат ташкилотларининг аҳамияти бекиёсdir. Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантириш, миллий истиқлол мағкурасини ҳалқимиз онгига сингдириш ҳисобланса, «Соғлом авлод», «Камолат», «Улугбек», «Олтин мерөс», «Амир Темур», «Ином Бухорий», «Устоз», «Маҳалла» жамғармалары вә бошқа жамоат ташкилотлари, Инесон ҳуқуқлари Миллий маркази, Маърифатпарварлар жамияті, Оила маркази, Файласуфлар миллий жамияті, Ижтимоий фикр маркази каби ташкилотлар ўз фаолиятларини Республика Маънавият вә маърифат кенгәцида муво-фиқлаштириб борадилар.

Демократик жамият барпо этиш гоясини амалга оширишда сиёсий партиялар сезиларли хизмат кўрсатади. Мавжуд ҳар бир партия ўз дастурий қарап ва мақсадларини амалга ошириш учун барча ҳукуқий асос, қонуний кафолатлардан фойдаланади.

Фан-техника тараққиёти, меҳнат унумдорлитининг ўсиши, ресурслардан тежамли фойдаланиш, ресурсларни тежаш, маҳсулот, хизмат кўрсатиш сифатини кўтариш, бозор муносабатларида тижорат, молия фаолиятларини мустаҳкамлаш, ресурсларнинг хавфсизлигини тъминлаш, эккаунтинг, бошқарув фаолиятларини такомиллаштиришда жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятлари бескиёсdir. Демак, ҳар қандай расмий ташкилот жамоат ва ҳўжалик йўналишларида фаолият кўрсатувчи тузилмалардан ташкил топиши мумкин.

Жамоат ташкилотларининг мулки сифатида улар ўз низомларида кўзда тутган фаолиятни моддий жиҳатдан тъминлаш учун зарур бўлган бинолар, иншоотлар, уй-жой фонди, асбоб-ускуналар, маданий-маърифий ва согломлаштириш мақсадларига хизмат қиласидан мол-мулк, пул маблағлари, акциялар, бошқа қимматли қозозлар ва мол-мулк бўлиши мумкин.

Жамоат ёки ижтимоий ташкилотларнинг пул маблағлари аъзо бўлиш ва аъзолик бадалларидан, агар уларни тўлаш низомларида кўзда тутилган бўлса; ихтиёрий бадаллар, хайр-эҳсонлар; низомга мувофиқ ўтказилган маърузалар, кўргазмалар, спорт ва бошқа тадбирлардан, лотереялардан тушган маблағлар; ишлаб чиқариш-хўжалик ва ноширилик фаолиятидан олган даромадлар; қонунда тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобидан ташкил этилади.

Жамоат ташкилотлари мулкида, шу ташкилотлар маблағлари ҳисобидан уларнинг низомларида кўрсатилган мақсадларга мувофиқ вужудга келтирилалиган нашриётлар, хайрия муассасалари ва бошқа корхоналар ҳам бўлиши мумкин.

Юшмалар, уларга кирўвчи бирлашмаларнинг шу уюшмаларга қарашли мол-мулкидан фойдаланиш, уни тасарруф этиш соҳасидаги ваколатлари, уюшмалар ва бирлашмаларнинг низомлари билан белгиланади.

Жамоат ташкилотлари ўз низомларида ёзиб қўйган мақсадлар ва вазифаларга мувофиқ ҳамда қонунларда белгиланалиган тартибда чет элдан Келдиган пул маблағларини ва бошқа мол-мулкни олишлари мумкин.

Сиёсий мақсадларни кўзлайдиган сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар хорижий ташкилотлар, фуқаролардан молиявий ва ўзга моддий ёрдам олишга ҳақли эмаслар.

Жамоат уюшмалари тугатилганидан кейин қолган мол-мулк унинг низомида кўзда тутилган мақсадларга ишлатилади.

Ушбу қонун-коидалар ижтимоий ташкилотлар учун фақатгина тамойил бўлиб қолмасдан, уларни сўзсиз амалга оширилиш талаб қилинади. Албатта ижтимоий ташкилотларнинг фаолиятлари учун, уларнинг ривожланишлари ва тараққий этишлари учун пухта ишлаб чиқилган тамойиллар асосий пойдевор бўлиб хизмат қиласи. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жамоат ташкилоти аъзоларининг ўзларини юриш-туришлари, фаолиятлари, нұқтаи назарлари, Қарашлари, фикрлари, бурд ва бебурдликлари ва шу каби тамойиллар муҳим

ўрин тутади. Чунки улар нотўгри йўналишларга қаратилган оқимларга таъсир кўрсатишлари, уларга раҳнамолик қилишлари хавфидан сақлаш лозим.

Жамоат ташкилотларига фуқаролар ихтиёрий равишда ўз хоҳиш-иродалари билан қатнашадилар. Ихтиёрий бирлашиш асосида фуқаролар ўзлариниң сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий, диний, фан, экология ва бошқа турмуш соҳаларидағи ҳукуқ ҳамда бурчларини амалга оширадилар.

Сиёсий партиялар ўз бюджетларини омма эътибори учун ҳар йили эълон қиласидар.

Жамоат ташкилотлари Низоми Ўзбекистон Адлия Вазирлигига қайд қилингач, кучга киради ва ҳаракатда бўлади. Ижтимоий ташкилотларнинг фаолияти «Ўзбекистон жамоат бирлашмалари қонуни» (1991 йил 15 феврал) асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон жамоат бирлашмалари мазкур қонуннинг 3-моддасига кўра ижтимоий тузумни ва ахлоқий меъёрларни бузиш, уриш, бузгунчиликни тарғиб этиш, миллатлар орасига нифоқ солиш, ҳарбийлашган жамоат бирлашмаларини ташкил этиш ва шу мақсадда мулкка эга бўлишлари тақиқланади.

Жамоат ташкилотлари ўз фаолиятларини турли йўллар: бошқа ижтимоий ташкилотларга қўшилиш, бошқа жамоат бирлашмаларга ажralиб кетиш ва фаолияти батамом тугатилиши натижасида тўхталиши мумкин. Бу масалалар ижтимоий ташкилотларнинг конференциялари ва съездларида ҳал қилинади. Ўзбекистон жамоат бирлашмалари қонуннинг 22-моддасига асосан жамоат бирлашмалари Қонун ва Низом меъёрларини бузсалар, уларнинг фаолияти суд томонидан тўхтатилади, мол-мулки давлат ихтиёрига ўтказилади.

3.2. СТАТИК ВА ДИНАМИК ТАМОЙИЛЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Жамоат ташкилотларнинг аъзоси — инсон. У биоижтимоий жонзотdir. Унинг биологик ва ижтимоий моҳияти билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас, албатта. У ўсиб-улғаяди, қарийди ва муқаррар бу дунёдан қайтиш жараёнларини «пайқамаслик», жамиятни ташкил этган инсонлар саломатлиги қай ахвoldа эканлигини, уларнинг руҳий, жисмоний ва маънавий эҳтиёжларини, иш қобилияти каби тиббий-илмий хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

Шундай қилиб, «ташкилот ва ташкилий бошқариш назарияси» инсоннинг статик, динамик тамойилларнинг хусусиятларини, бундан келиб чиқадиган барча оқибатларини назарда тутмаслиги мумкин эмас. Шунга қарамай, инсоннинг ижтимоий ривожланишининг ўзи бошқа фанлар соҳасига мансуб бўлиб, ташкилот ва ташкилий бошқариш назарияси мавзусига кирмайди.

Лекин ташкилот ва ташкилий бошқариш назарияси инсонларда ташкил топган ижтимоий ташкилот ҳаётини фаолиятининг асосий, ҳал қилувчи соҳасини тамойилларнинг хусусиятларини ўрганади ва шу сабабли у инсон ҳаётини билан боғлиқ, хатти-ҳаракатларини, фаолияти учун асос қилиб олинган қонун-қоидаларини, юриш-туришларини бақт давомида ўзгаришларини ҳисобга ва эътиборга олади.

Табиийки, узоқ йиллар давомида инсон меҳнатининг ақдий функциялари кучайишига, асосан ақдий меҳнат салмоғининг ўсишига олиб келади. Бу ўзгаришлар соғ миқдорий ўзгаришларгина эмас, бунда инсон билан машинанинг сифат жиҳатидан ўзаро янги муносабатини билдиради. Инсон фаоллигининг кескин ўсиши — ишлаб чиқаришни янги шароитларга мослаштиришга, фан-техника ривожидан фойдаланишга олиб келади.

Жамоат ташкилотлари ижтимоий-иктисодий тизимларнинг таркибида номоддий муносабатларни, хусусан, мағкуравий муносабатларни ифодасида қатнашади. Улар сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний ва бошқа шаклларга эга бўлади.

Фоясиз одам бўлмайди, у маълум бояга риоя қилиб иш тутади. Бозор тизимиға хос боя — бу эркинлик ва демократия боясидир. Машхур иқтисодиётчи М.Кейнс айтганидек, дунёни иқтисодиётчилар ва сиёсатчилар бояси бошқарип туради. Боя эътиқодининг ўзи билан чекланмайди, маълум хатти-ҳаракатларни келтириб чиқарадики, улар бузувчилик ва яратувчиликдан иборат бўлади. Қаерда бўлмасин меҳнат малака ва маҳоратни талаб қиласди. Тури тизимларда, уларни ташкил этувчи унсурлар бир хил бўлса-да, уларнинг ўзаро ботганиши ҳар хилдир. Тизимлар учун умумий белги уларда *мувозанатнинг бўлиши*dir. Мувозанат тизимнинг тури томонлари ўргасидаги *мувофиқликдир*. *Мувозанатнинг статик* (бир холатдаги) ва *динамик* (ўзгарувчан) кўринишлари мавжуд.

Статик мувозанат — турлича манфаатларнинг уйгунлашуви. Аҳолининг ижтиомий гуруҳлари, айрим шахс ёки хўжалик субъектининг ўзига хос манфаатлари бор. Борди-ю, мафаатлар тўқнаш келиб қолса, жамиятдаги ёки *ташкилотдаги ижтимоий мувозанат* бузилиб, ўзаро кураш бошланади ва бу ҳаракатлар иқтисодиётни издан чиқариб юборади.

Динамик мувозанат ҳам манфаатларнинг мослашуви, лекин бу ҳодиса иқтисодиётда ўзгариш бораётган шароитда юз беради. Манфаатлар маҳсулотни кўпайтиришни талаб этади. Бунинг учун ишлаб чиқариш самарадорлиги ортиши керак. Бу ўз навбатида моддий манфаатдорлик, жавобгарликни талаб қиласди.

Манфаатларнинг мавжудлиги умумий белги. Аммо уларнинг омили ҳисобланган инсонлар мавқеи, уларнинг аниқ мақсади турли тизимларда ҳар хил бўлади. Шунингдек, тури тизимларда мулкий мувозанатлар зарур бўлсада, мулкнинг тоифаси ва шакллари бир хил эмас. Буни ижтимоий ташкилотларнинг ўзига хослигига кўриш мумкин.

Жамоат ташкилотларининг тамойиларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олий ўқув юртларида Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти, қасб-хунар педагогикаси, ўсмиirlар жамоасини бошқариш, қасб маданияти ва педагогик маҳорат, хорижий таълим, қасб-хунар психологияси, ёшлар психологияси ва бошқа фанлар ўқитилади, қатор анжуманлар ўtkазилади. Булардан мақсад умумий тамойиллар ижобий натижалар бериши кўзда тутилади.

3.3. ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Жамоат ташкилотларининг тизими, унинг бўғинлари, қисмлари ёки унсурларининг фаолиятини бошқаришни тақиқил этиш мәълум вазифаларни бажариш билан bogлиқ ҳодисаларнинг боришини ифодалайди. Вазифа ёки функция атамаси «Ташкилот ва ташкилий бошқариш назарияси» фанида кўп ишлатилади. Вазифа деганда ташкилотдаги иқтиносидий жараённинг хусусий масалаларини амалга ошириш англанса, функция – лавозимдаги шахснинг бажариши керак бўлган касбий ишлари англанади. Ўзгаришдаги ҳодисага таъсир этиш бошқариш жараёнидир. Ҳар қандай ҳолатда ҳам охирида қандайдир ўзгараётган ҳодисага таъсир этиш бошқариш деб айтилади.

Жамоат ташкилотларини бошқаришни ташкил этишда қуйидаги асосий тамойилларга риоя қилиниши керак:

- бошқа унсурларга таъсир эта оладиган унсур (ҳодиса, тизим) бўлиши керак;
- таъсир этадиган унсурлар ёки мавжудотлар ҳаракатга келтира олиш қобилиятига, яъни бошқарилувчи мавжудотни ҳаракатга келтира олишга эга бўлсин;
- мавжудотга таъсир этиш самарали бўлиши керак.

Ташкил этиш деганда ишлаб чиқариш жараёнлари, хизмат кўрсатиш жараёнлари, бошқариш ва кабиларни амалга ошириш мақсадига қаратилган меҳнат предметларидан, меҳнат воситаларидан, ишчи кучларидан бир текис фойдаланиш тушунилади. Бунда меъёрлар, қонди, буйруқ, фармон, кўреатма каби стандарт ечимлар ишлаб чиқилиши мумкин.

Ташкил этиш бошқарувчи ва бошқарилувчилар орасида икки томонлама ахборот алмashiш (коммуникация)дир.

Шундай ҳилиб, ташкил этиш бошқаришнинг ўта муҳим омилидир. Албатта, жамоат ташкилотларида бошқариш мақсадларига эришиш воситалари, бошқариш мавжудотининг ғоявий етуклик даражаси, ижтимоий ташкилотларни бошқариш тизими, уларнинг ташкилий тузилмаси, бошқариш тизимида иш ҳужжатларини юритиш сифати, ахборот алмashiшдаги тузилмалар, жамоат ташкилотлари фаолиятини бошқариш жараёни ва унинг усуллари кабилар мавзуга тааллуқлидир.

Бошқаришни ташкил этиш назарияси бўйича қатор илмий изланишлар ўtkazilgan. Масалан, ишлаб чиқаришни ихчам, мукаммал ва арzon ташкил этиш, бўлинмалар фаолиятини илмий асосланган тамойиллари, меъёр ва меъёрлашлар, стандартлар ёрдамида ташкил этиш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш (НОТ)ни эслаб ўтиш етарлидир.

Фредерик Тейлор ўз вақтида ишчи меҳнатини бошқариш учун ишлаб чиқсан қуйидаги тамойиллари зўгиборга лойиқ: ишнинг ҳар бир унсурига илмий ёндашиш; ходимларни танлаш ва жойлаштиришида илмий ёндашиш; ишчилар билан бир тан бўлиб фаолият юритиш; менежер ва ишчи орасида пировард натижани тақсимлашни жавобгарлиги.

Ходимлар эҳтиёжини қондириш, ижтимоий ҳимоялаш каби тамойиллар ҳар қандай даврда ҳам қадрини йўқотмаса керак. XXI асрда эса тадбиркорлар

учун ахлоқ мөшері, урғ-одатлар, жамият қадриятлари, мойиллик ва башқа тамойилларнинг аҳамияти ортса органды, камаймайди.

Юқорида биз асосан жамоат ташкилотлари доирасидаги башқаришини ташкил этишига оид тамойилларга эътиборни қаратишга ҳаракат қилдик. Умуман олганда башқаришини ташкил этишда асосий тамойиллардан башқаришда ягоналик ва бирдамлик тамойили, илмийлик тамойили, режалилик тамойили, башқарыш шакли ва услубларини такомиллаштириш тамойили ўта муҳимдир. Шароитга қараб рақобатчилик, ходимларни таплаш ва жойлаштириш, ташкилот агентларининг мустақиллiği ва боғлиқ әмаслиги, шахсий интилиш, таваккалчилик, жавобгарлық каби тамойиллар ҳам ўз қадрини пасайтирумайди.

3.4. ТАШКИЛОТДА МЕҲНАТНИ ГОРИЗОНТАЛ ВА ВЕРТИКАЛ ТАҚСИМЛАШ

Кулдорлик тизимининг кишилик жамиятидаги тарихий ўрни ижтимоий меҳнат тақсимоти вужудга келтәнлиги, унинг анча ривожланганлиги билан ҳам белгиланади. Үнда ишлаб чиқарувчиларнинг ўёки бу неъматларни ишлаб чиқаришга ихтисослашуви, ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалиги анча ривож топди. Математика, механика, астрономия, меъморчилик, курилишга оид фанлар шаклана бошлади. Шунинг учун ижтимоий дунёқарааш ҳам аста-секин уйғониб, фансафий фикрлар, иқтисодий ғоялар умумлаштирилиб, дастлабки илмий асарлар пайдо бўлди.

Ҳар бир ташкилот ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ва унинг ҳисобидан юқори фойда олишига ҳаракат қиласди. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун ишчи кучидан оқилона фойдаланишга эришимоқ лозим. Ташкилотда меҳнат ижрочиларидан самарали фойдаланиш кўпинча ҳар хил бажарилиши зарур бўлган ишларнинг айрим ижрочилар ўртасида тўғри тақсимланишига, яъни уларнинг малакасига, тажрибасига, зуқколигига яраша иш билан баробар таъмин этилишига боғлиқдир. Бу масалани мақсадга мувофиқ ҳал этиш учун, биринчи навбатда, меҳнатни ишлаб чиқаришда пухта ўйлаб, оқилона тақсимлаш лозим бўлади. Бу ташкилий масала меҳнат тақсимоти деб аталади.

Меҳнат турлари аниқ, универсал, яъни ҳамма нарсани бирдан яратишга қодир меҳнат асло йўқ. Жамият аъзоларининг жами меҳнати бу меҳнат ижтимоий меҳнат бўлиб, унинг турлари ихтисослашади. Масалан, ўқитувчи меҳнати ақдий маҳсулот яратишга қаратилса, автомобиль транспорти ҳайдовчиси юк ўёки аҳолини бир жойдан иккинчи манзилга етказишга қаратилади. *Меҳнат тақсимоти ижтимоий меҳнатининг мустақил вазифаларни бажарувчи меҳнат турларига ижралаш жараёнидан иборат.*

Меҳнат тақсимоти ижтимоий меҳнат фаoliyatinинг сифат жиҳатидан ажralishini билдиради. Меҳнат тақсимоти юз берганда бир меҳнат туридан иккинчиси, иккинчисидан учинчиси ва ҳоказо ажralib чиқади, жараён узлуксиз давом этаверади. Ҳар бир меҳнат тури мустақил вазифани бажаради, лекин башқа турлар билан боғланган ҳолда ишлаб чиқаришда қатнашади:

Меҳнат тақсимоти меҳнат турларини кўпайтириб, уларни айрим кишиларга қасб сифатида бириткириб қўяди.

Фаолият турлари бўйича қаралганда меҳнат тақсимоти уч йўналишда ривожланади: умумий, хусусий, қисман.

Умумий меҳнат тақсимоти — йирик меҳнат турларининг бир-биридан ажралиб, мустақил аҳамият қасб этиши, меҳнатнинг йирик соҳаларига бўлинishi.

Хусусий меҳнат тақсимоти — йирик соҳалар ичидаги меҳнат тақсимоти. Муайян соҳадаги бир меҳнатдан бошқаси ажралиб чиқиб ихтисослашади, меҳнат турлари кўпайди. Масалан, қишлоқ хўжалигига деҳқончилик, чорвачилик, бодгорчилик меҳнати турларига ажралади.

Қисман меҳнат тақсимоти — ташкилот доирасида бўладиган меҳнат турларининг ўзаро ажралиб, иқтисослашуви.

Юқоридагилардан ташқари макроиқтисодиётга тегишли ташкилотларда меҳнат тақсимотининг ҳар хил шакллари кўлланилади. Бу шакллардан энг кўпи кўлланиладиганлари технологик меҳнат тақсимоти жараёнларини циклларига қараб бўлади: функционал меҳнат тақсимоти, малакали меҳнат тақсимоти, операциялар бўйича меҳнат тақсимоти (операциянинг таркибий қисмларига бўлинади), қасбий меҳнат тақсимоти (қисм, цех, корхона, бирлашма бўйича) ва шунга ўхшашлар.

Меҳнат фаолияти турлари бўйича тақсимланиши билан биргаликда, унинг муайян майдон доирасида ҳам тақсимланиши юз беради.

Мехнатнинг ҳудудий миқёсда тақсимланиши икки хил бўлади:

— **ҳудудлараро меҳнат тақсимоти** — муайян мамлакат доирасида айрим ҳудудлардаги меҳнатнинг ихтисослашуви. Қишлоқ хўжалиги ҳудудлари борки, улар агарар соҳасида ихтисослашадилар;

— **халқаро меҳнат тақсимоти** — меҳнатнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олиб, унинг мамлакатлар ўртасида маълум нисбатда, иқтисодий нафни кўзлаган ҳолда тақсимланиши. Бу меҳнат турининг бир-биридан ажралиши эмас, балки мавжуд меҳнат турларининг айрим мамлакатларга уларнинг устувор фаолияти сифатида бириткирилишидир.

Умумиқтисодий қонунлар жумласига меҳнат тақсимоти қонуни ҳам кирадики, унга биноан меҳнат турлари узлуксиз равишда бир-биридан ажралиб, янги меҳнат турлари пайдо бўлади, меҳнатнинг тобора ихтисослашиб бориши, унинг унумдорлигини оширади.

Меҳнат тақсимоти чуқурлашған сари, меҳнат тор доирада ихтисослашиб, майда иш операцияларига ажралади. Маҳсулот яратилиши учун ҳамма меҳнат турлари бир-бирини тўлдириб бориши керак. Меҳнат турлари маҳсулотнинг муайян бир қисмини яратишга ёки бирор ишни бажаришга ихтисослашар экан, улар фақат биргаликлагина истеъмолга тайёр маҳсулотни бериши мумкин. Масалан, самолётни яратишда ўнлаб ташкилотларда яратилган қисмлар йигилади.

Меҳнат тақсимоти халқаро доирага чиққач, дастлаб ишлаб чиқариш бўйича, сўнгра маҳсулотнинг турли қисмлари, ҳатто буюмларини ишлаб чиқариш бўйича ташкилотларнинг ихтисослашуви юз беради. Шундай

шароитда маҳсулот яратиш учун ихтисослашган меҳнатнинг халқаро миқёсда бир-бирига боғланиши юзага келади. Бу меҳнат кооперацияси доираси кенгайиб, миллий-чегаралардан чиқиб, байналминал тус олишини билдиради.

Меҳнат кооперацияси — ихтисослашган меҳнат фаолиятининг ўзаро бирлашиб, яхлит меҳнат жараёничи ташкил этишидир.

Меҳнат кооперациясининг иккى асосий тури мавжуд: *оддий ва мураккаб*. *Оддий меҳнат кооперациясида* бир турдаги, бир хил ихтисосли, аммо турли кишилар томонидан ижро этиладиган меҳнат бирлашади. Бунда бир хил меҳнатни кўпчилик ишловчилар бир вақтнинг ўзида бажаришади. Масалан, тўйларда кишилар саф тортиб, кўлма-қўл таомни узатиш орқали ташилганда бир хил меҳнат вазифасини кўпчилик биргаликда бажаради, натижада оддий меҳнат кооперацияси юз беради. Эркин меҳнат кооперацияси Ўзбекистондаги ҳашар ўтказиш одатига сингиб кетган.

Мураккаб меҳнат кооперацияси — тақсимланиш асосида ихтисослашган меҳнат турларининг бирикиб ягона меҳнат жараёнини ташкил этишидир. Мисол учун тикувчилик фабрикасини олсак, бу ерда костюм тикиш газламани бичишдан бошлаб, тайёр костюмни дазмоллашгача бўлган жараённи ўз ичига олади. Бу жараёнда меҳнат бир неча ихтисослашган операцияларга ажралади. Мураккаб меҳнат кооперациясида меҳнат тақсимоти тўлароқ намоён бўладики, у йирик машиналашган ишлаб чиқаришга хосдир.

Меҳнат кооперациясининг энг олий шакли бу халқаро меҳнат кооперациясидирки, у меҳнат тақсимотиниң байналминал кўламда боришини билдиради.

Меҳнат кооперацияси меҳнатнинг ижтимоий тус олишини англатади. Иқтисодий фаолият деганда тирикчиликни таъминлаш усули, унинг воситалари мажмуй тушунилади. Иқтисодий фаолият иккى хил йўналишга мойил бўлади: дифференциация (табақалаш, мустақилланиш); интеграция (яқинлашиб, бирлашиб бориши).

Мустақил иқтисодий фаолият турларининг ўзаро чирмашиб кетиб ягона жараёнга айланиши иқтисодий интеграцияни билдиради. Иқтисодий интеграциянинг олий даражаси — бу халқаро интеграциядир.

Маълумки, ташкилот ҳар қандай иқтисодий тизимда бирламчи бўғин ҳисобланади. Ташкилот ўз фаолиятини чизиқли ёки погонали, чизиқли-штабли, функционал, чизиқли-функционал, дастурли-мақсадли ташкилий бошқариш турларидан фойдаланилган ҳолда олиб бориши мумкин. Уларнинг ҳар бир бошқарувининг ташкилий тузилмасида расмий ва норасмий алоқалар бўлади. Расмий алоқалар аввало вертикал алоқалардир. Улар менежмент, раҳбар ва бўйсунувчиларнинг турига қараб бир-биридан фарқ қиласади.

Агар раҳбарлик тўлақонли бўлиб, қуий погона қуий фаолиятга доир мисолларга дахлдор бўлса, у ҳолда бу турдаги алоқа чизиқли расмий алоқа деб аталади.

Агар раҳбарлик чекланган бўлиб, қуий бўйсунувчи қуий фаолиятга доир ўзининг мисолларига дахлдор бўлса, у ҳолда бу турдаги алоқа функционал вазифавий расмий алоқа деб аталади.

Погоналар ўртасида вертикал алоқадан ташқари горизонтал алоқалар ҳам мавжуд бўлиб, улар мувофиқлаштириш, уйгунлаштириш ва ҳамкорлик қилиш тарзидаги алоқалардир.

Ташкилотлар меҳнатни тақсимлашда амалдаги қонунчиликка мувофиқ равишда ўзаро рақобат ва мулкчиликнинг барча шакллари, уларнинг тент хукуқлиги шароитларида амалга оширилади.

Ҳар бир ташкилот юқори бошқарув органлари томонидантина эмас, балки яна ташкилотнинг ўзидағи ташкилий бошқарувчи кичик тизими томонидан ҳам бошқарилади. Ташкилотлар якка ҳокимлик тамойили асосида, айни вақтда уларнинг тезкор-хўжаллик жиҳатидан мустақил иш кўриши, ташаббус кўрсатиши асосида бошқарилади.

3.5. ЖАМОАТ ВА ХЎЖАЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ ЖАМОАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛANIШИ

Меҳнат жамоаси — иқтисодиётнинг муҳим бўлаги. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» китобида «Пирвард мақсад эса Ўзбекистонда истиқомат қилаётган миллионлаб оиласларнинг муносабиб турмуш кечириши учун шароит вужудга келтиришдан иборат» (Т.: «Ўзбекистон», 1999. 141-бет) дейилади. Бир вақтда бу ерда ижтимоий қасб, ижтимоий-руҳий, ташкилий-бошқариш, ижтимоий-снёсий ва мафкуравий муносабатлар кўзга ташланади. Ташкилотнинг меҳнат жамоаси ва жамоа орқали ижрочи ўзининг ҳар томонлами шахсий ривожланишига эга бўлади. Булар эса ўз навбатида меҳнат жамоасини маҳсус тутунга айлантиради, муҳим жамият боғловчилари қуюқлашади, ижтимоий организм кўринишини олади.

Инсон доимо ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг тараққиётини ва такомиллаштирилишини бош омили бўлган ва бўлиб қолади.

Инсонни жисмоний ривожланиши, ижтимоий ўсиши, шахсни шаклланиши, жамиятда тутган ўрни биринчи навбатда чукур иқтисодий муносабатини аниқлайди, яъни ишлаб чиқариш воситалари, предметларга мулкчилик муносабатини билдиради. Шунинг учун иқтисодиётнинг бир бўлаги сифатида жамият ҳаётида инсонни фаоллаштириш, уни ривожланишини таъминлаш долзарб омилдир. Инсон омилига эътиборни ошириш — одамларнинг яшаш даражасини ўзгариши, шахсий манфаатдорлигига мўлжаллаштириши, маълумотини, маданиятини, ахборот тизимини ривожлантирилиши сабаблидир.

Ташкилот жамоасида ижтимоий ривожланиши режалаштиришнинг обьекти — ҳар хил ижтимоий гуруҳларни таркиб топтирувчи одамлар, айни вақтда шахсдин, мақсади — ҳар томонлами ривожланган шахсни вояға етказиш учун шароит яратнишдир.

Жамоат ва хўжалик ташкилотлари жамоасининг таркиби тузилишини ўрганиш ижтимоий ривожланиши режалаштиришга бошланғич маълумот беради. Жамоанинг марказида одам, ҳар хил ижтимоий гуруҳлар таркибига кирувчи шахс туради.

Меҳнат ҳамиша инсониятнинг яшаси ва мавжуд бўлишининг негизи, ижтимоий бойликларнинг асосий манбай бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Ижтимоий бойликдан фақат ходимлар шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун фойдаланилади. Бу ерда меҳнат биринчи бор, фақатгина ижтимоий бойлик манбай эмас, балки инсон эҳтиёжини қондиришнинг мезони бўлиб қолади, шахснинг ҳақиқий шахс сифатида таркиб топади ва шаклланиши учун асосий соҳага айланади.

Ходимлар бўйича режа ҳар бир гурӯҳларга алоҳида ишлаб чиқилади. Режалаштириш давридаги ходимларнинг ўртача рўйхатдаги сони асосий кўрсаткич бўлиб хизмат қиласиди. Асосий фаолиятдаги ишловчиларнинг сони, режалаштирилаётган меҳнат унумдорлигининг даражаси корхона дастурига асосланган ҳолда ҳисобланади.

Жамоат ва хўжалик ташкилотлари жамоасининг ижтимоий ривожланиш режаси қўйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- корхона жамоасининг ижтимоий-демографик тузумини ўзгариши;
- шахсни тарбиялаш ва раҳбарлар, мутахассислар, ижрочиларнинг ижтимоий фооллигини ўстириш;
- иш ҳақи тўлашни ошириш ва такомиллаштириш;
- ижтимоий-маданий ва турар жой турмуш шароитини яхшилаш;
- меҳнат шароитини яхшилаш ва корхона ходимларининг саломатлигини муҳофаза қилиш.

Ушбу режаларни ишлаб чиқиш оддий механик иш эмас. Ижтимоий ривожланишнинг оммавий ўсишини режалаштиришнинг назарияси ва таълимотини тараққий этишини муҳим масала қиласиб қўйди. Натижада бир қатор тажрибалар умумлаштирилди, кенг миқёсда қўлланила бошланди. Аммо булар чегара бўлолмайди, чунки назария, амалиёт доимо ривожланишда бир-бирига таъсир қиласиди, гоялар, мафкуралар, маълумотлар алмасинади. Демак, ижтимоий ривожланиш режасини ишлаб чиқиша раҳбар ва мутахассислардан ижодий билим, меҳнат талаб қиласиди.

Ташкилот жамоасининг ижтимоий-демографик тузилишидаги ўзгариши бўйича чора-тадбирларни режалаштириши раҳбар, мутахассис ва ижрочиларнинг ёши, жинси, малакасининг даражаси, маълумоти, иш стажи, ижтимоий ва жисмоний ҳолати кабиларни ифодаловчи таркиб, тузилишга оид кўрсаткичлар йигинидисидир.

Жамоанинг ривожланиш қонуниятларини очиш, таҳдил қилиш асосида аклний, жисмоний, малака талаб қиласидиган ва малака талаб қilmайдиган меҳнат, ходимларни қасб тузилишини такомиллаштириш билан. Ходимларнинг қўнимсизлигини камайтириш ва шунга ўхшашлар орасидаги янада мукаммал нисбатларни ўрнатиш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилади.

Шунинг асосида янги ходим ва мутахассисларни ўргатиш, ишлаётан ходимларнинг малакасини ошириш, бўшатилган ходимларни қайта тайёрлаш, ижрочи ва мутахассисларни билим даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар аниқланади.

Раҳбарлар, мутахассислар ва ижрочиларнинг камол топтиришидаги чора-тадбирларни устувор режалаштириши замонавий жамоани юқори ҳаракатчан

ижтимоий тузумга айлантиради. Булар ўз навбатида ижтимоий тараққиётни бошқарилишига янги талаблар қўяди, худди шунингдек, устувор режалаштиришга ҳам. Бунда устувор режалаштириш мажмуми бўлиши лозим, яъни меҳнат жамоасининг агар базаси билан бирга яна уни алоҳида ижтимоий параметрлари ҳамдир. Бу объектив эҳтиёж ва ҳаётда меҳнат жамоаларининг ижтимоий (ижтимоий мулкчилик муносабатлари, ижтимоий қасб, ижтимоий-рухий, ташкилий-бошқарниш, ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий муносабатлари) тараққиётнинг устувор режалари тузилишини талаб қиласди. Иқтисодий ва ижтимоий устувор режалаштириш бирлиги жамият тараққиётини таъминлади.

Жамоат ва хўжалик ташкилотларининг ривожланишини ижтимоий устувор режалаштириш заминида жамият, унинг синфлари ҳаёти, иқтисодий-сиёсий тузум ва бошқа ижтимоий ҳодисалари ётади. Ҳаёт кишиларнинг жамиятдаги муносабатлари билан боғланган, ижтимоий жамиятнинг турӯҳларга бўлинишидан келиб чиқади.

Жамият ҳаётининг моддий-маънавий томонларини белгиловчи фалсафий тушунчалар бўлиб ижтимоий борлиқ (моддий ресурслар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш ва ана ўзуларни бунёд этиш жараённида кишиларнинг муносабатлари) ва ижтимоий оңг (жамият ҳаётининг маънавий томонлари) хизмат қиласди ҳамда улар ўзаро алоқададир.

Шахс доимо ишлаб чиқаришнинг тараққиётини ва такомиллаштирилишни бош омилидир.

Шахслар фаоллигини ошириш кўпқиррали. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида аҳолининг барча табақаларини онгли ижодий қатнашишларини оширишда инсон фаоллиги гавдаланади. Масалан, иқтисодиётда шахс бош ишлаб чиқарувчи куч, ишлаб чиқариш муносабатининг субъекти сифатида қатнашади. Ижтимоий жамоада — ижтимоий муносабатларни шакллантиришадаги ўзгаришларда кўринади; сиёсатда — инсонларнинг давлат ва жамоа ишларини бажаришга жалб этилиши билан амалга оширлади; руҳиятда эса шахс ўз мафкурасини шакллантиришда, илмий ва эстетик зебу-зийнат яратишида, одамнинг руҳий дунёсини бойитища кўрина бошлайди.

Шахс фаоллигини ошириш, жамоанинг ижтимоий ривожланишини таъминлаш бир неча муносабатлар билан борлиқ, бир-бирига таъсир қиласди. Жамоанинг ижтимоий ривожланишини муайян ҳолатда йўлларни топиш учун улардан муҳимларини ажратиш мақсадга мувофиқ.

Шахс фаолиятининг бош соҳаси меҳнат, шунинг учун кенг омманинг меҳнат фаоллигини ошириш, ходимлар қобилиятини, уларнинг ташаббускорликларини тараққий эттириш алоҳида аҳамият қасб ётади.

Меҳнатга бўлган муносабатни ўзgartариш меҳнатда кенг мажмуми ижтимоий-иқтисодий қайта қуришлар, одамлар қобилиятини ривожлантириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий рақобатни ривожлантириш, бошқариш тизимида ходимларнинг қатнашишини кенгайтириш, меҳнат тақсимоти муносабатини ва ходимлар тайёрлашни такомиллаштириш, ижтимоий сиёсатни узлуксиз олиб боришлар билан борлиқ.

Мутахассис олимлар шахснинг биологик, руҳий-физиологик хусусиятларини ҳар хил томонларини ижтимоий онгнинг мөҳиятини ва шахснинг фаолиятини узвий боғлиқ ҳолда ўрганмоқдалар. Руҳий, эстетик, меҳнатни физиологик шароитларини тадқиқ қилишлар кенгаймоқда, бошқаришнинг усувлари, одамларга салбий таъсир қилувчи омиллар бўйича изланиш, шахс ва жамоани илмий асосда тарбиялаш мақсадида психология, социология, социал психология, антропология, педагогика фанларида улкан тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга объектив зарур бўлган меҳнат сарфини баҳолаш, муносабиқ иқтисодий, маънавий рағбатлантириш инсон омилига ва жамоани фаоллаштиришга қатта таъсир қиласи, айниқса, бозор муносабати шароитида шахсни камол топиши, меҳнат қобилиятини ўсиши меҳнатни тўғри, адолатли баҳолашга боғлиқ.

Шахснинг камол топиши иқтисодий фаолиятда шаклланса ҳам, унга ижтимоий мухит, мағкуравий, сиёсий соҳалар қатта таъсир қиласи. Шунинг учун ҳам жамоанинг ижтимоий ривожланишига юқорида келтирилган соҳалардан ажралган ҳолда қараш имкони йўқ.

Меҳнатга ҳақ тўлаш адолатли, ҳар бир ижроидан самарали фойдаланиш, ҳар бир ижрочи бажарган ишнинг натижаларига (миқдорий ва сифат жиҳатидан) тўғри баҳо беришга асосланиши керак. Амалиётда қабул қилинган иш ҳақининг шакли ва тизимидан қатъий назар, ҳодимлар меҳнати меъбрланган бўлиши керак, ишбай ёки вақтбай иш ҳақи тўланишидан қатъий назар, унга аниқ, ҳар томонлама асосланган топшириқ берилиши керак.

Ҳақ тўлаш тизимига келганда, меҳнатни оқилона ташкил қилиш учун айрим гуруҳдаги ҳодимлар меҳнатига шундай ҳақ тўлаш тизимини жорий қилиш керакки, унинг жорий этилиши меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот ёки хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга, унинг таннархини, меҳнат сарфларини камайтиришга қаратилган бўлсин.

Ҳодимлар меҳнатини муҳофаза қилиши ва шароитни яхшилаш, соғлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини режалаштиришда меҳнат шароити қулай бўлмаган бўлим ҳамда бўлинмалар аниқланади. Бу чора-тадбирлар қўшимча ҳимоя мосламалари, вентиляциялар шаҳобчаси, соғлиқни, тозаликни сақлаш, маниший биноларни, жиҳозларни тартибга солишга йўналтирилган бўлиши керак. Худди шундай заарарли ишлаб чиқариш, оғир кўл меҳнатида ишлаетган ижроилар сонини қисқартириш, ишлаб чиқариш жароҳатларини камайтириш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, касб ва умумий қасалликларни профилактикаси кўзда тутилган бўлиши керак.

Меҳнат шароитини такомиллаштиришда умумий, техникавий, соғлиқни, тозаликни сақлаш — гигиенага асосланган, руҳий физиологик, соғлиқни, тозаликни сақлаш — маниший меҳнат шароитлари мажмуй чора-тадбирларига ёндашиш керак.

Ижтимоий-маданий ва турар жой-турмуши шароитини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни режалаштириш ҳамма бўлим ижроилари, тегишли минтақа хизмат жойлари билан биргаликда ҳал қилиниши керак.

Ходимларни тарбиялаш, жамоага раҳбарлик қилиш қўйидаги чоратадбирларни талаб қиласди: жамоа фаолигини ривожлантириш; таълим ва тарбия ишларини мукаммалаштириш (маърифат, маъруза ишлари, илмий-техник ташвиқот ва бошқа ишлар тизимини ривожлантириш); ёшларни касбга йўллаш бўйича ишларни яхшилаш; ёш ишчиларни, ўсмирларни ишлаб чиқариш жамоаси шароитига кўнишига ёрдам бериш; маданий-оммавий ишларни ва бўш вақтдан фойдаланишини йўлга қўйиш; жисмоний тарбия маданиятигини ривожлантириш; жамоадаги руҳий муносабатларни яхшилаш; жамоани ҳаёт фаолиятидаги ижтимоий омилларини унинг ташаббускорлиги, ўюшқоқлик ва ишлаш қобилиятларини тартибга солиш; ҳамма тоифадаги раҳбарларни, жамоани ижтимоий-руҳий бошқариш асослари бўйича ўқитиш чоратадбирларини ўз ичига олади.

Жамоани ижтимоий ривожланиши бўйича чоратадбирларни бажариш учун анчагина харажатлар зарур бўлади. Улар ташкилот маблаги ҳамда касаба ўюшмаси ташкилотларининг маблаглари ҳисобига амалга ошириш мумкин.

Ташкилот жамоасининг ижтимоий ривожланиши режасини ишлаб чиқиши олдидан унинг долзарб саволларини сўров ўтказиш орқали аниқлаш, жамоа аъзоларининг фикрларини билиш лозим.

Ҳар бир иш жойининг оқилона ташкил этилиши, ихтисослаштирилиши, замонавий илгор жиҳозлар, ускуналар билан таъминланиши, ишлаб чиқариш маданиятининг оширилиши, дам олиш тартибининг юқори даражадалиги, меҳнат интизомининг мақсадга мувофиқлиги, миллий маданиятининг юқорилиги каби қатор тадбирлар ижтимоий ривожланиш режасида ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқдир.

Таянч сўз ва иборалар

Ижтимоий ташкилотлар, ижтимоий ташкилотлар фаолиятига тааллуқли тамоийл тушунчаси, сиёсий партиялар, бошқа ижтимоий ташкилотларига қўшилиш, ажralиб кетиш ва батамом тугатилиш, статик мувозанат, динамик мувозанат, бошқаришни ташкил этиш, умумий меҳнат тақсимоти, хусусий меҳнат тақсимоти, қисман меҳнат тақсимоти, ҳалқаро меҳнат тақсимоти, ҳудудлараро меҳнат тақсимоти, меҳнат кооперацияси.

Такрорлаш учун саволлар

1. Жамоат ташкилотларининг асосий тамоийлларини тушунтириб беринг.
2. Жамоат ташкилотларининг Низомлари билан тамоийллари орасида ҳандай ўхшашликлар мавжуд?
3. Статик тамоийлларнинг хусусиятларига изоҳ беринг.
4. Динамик тамоийлларнинг келиб чиқиши нимада?
5. Ижтимоий ташкилотлар фаолиятини бошқаришни ташкил этишдаги асосий тамоийлларни айтинг.
6. Бошқаришни ташкил этишдаги асосий тамоийлларни тушунтириинг.
7. Фаолият турлари бўйича меҳнат тақсимотини тушунтириинг.

- 8. Мехнатнинг ҳудудий миқёсида тақсимланиши нимани англатади?**
- 9. Мехнат кооперациясининг турларига нималар киради ва уларнинг қўлланилиш доирасини санаб ўтинг.**
- 10. Мехнатни горизонтал ва вертикал тақсимлашларни ифодалаб беринг.**
- 11. Мехнат жамоасининг ижтимоий ривожланишига атрофича търиф ва тушунтириш беринг.**

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси: Қонунлар ва Фармонлар. Т.: «Ўзбекистон», 1992. 29—36-бетлар.
2. Ўзбекистон Республикаси мулкчилик тўғрисидаги қонунлар (муаллифлар: Х.Р. Раҳмонқулов, Б.О.Ишонов ва б.), Т.: «Адолат», 1994. 70—78-бетлар.
3. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: «Мехнат», 1995. 74—80-бетлар.
4. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: 100 савол ва жавоб. Т.: «Мехнат», 2000. 81—131-бетлар.
5. Жўраев Т.Т ва б. Мулкчилик ва уни рӯёбга чиқаришининг иқтисодий шакллари. Т.: ТашДИУ, 1992. 8—12-бетлар.
6. Смирнов Б.В. Техника управления сельскохозяйственным процессом. Изд. 2-е, перераб. и доп. М.: «Колос», 1979. 25—345-бетлар.
7. Ярослав Нейманн и др. Управление крупными сельскохозяйственными предприятиями в ЧССР / Пер. с чеш. З.Н.Кузнецовой. М.: «Колос», 1983. 187—215-бетлар.
8. Қосимов Е.М. Автомобил транспорти корхоналарини ташкил этиш ва бошқариш. Т.: ТАЙИ, 1991. 61—66-бетлар.

4-БОБ. ТАШКИЛОТ ВА БОШҚАРИШ

4.1. ТАШКИЛОТНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Ташкилот — бу давлат назорати ва бошқаруви остидаги мавжудот бўлиб, у ўзи тегишли бўлган юқори макроиқтисодиёт вазирлиги ва статистика Қўмитасига турли ҳисоботлар, аҳборотлар, маълумотлар бериб туради. Ташкилот ҳар қандай иқтисодий тузумда бирламчи бўғин ҳисобланади. Улар ўз фаолиятларини умумиқтисодий қонунчиликка мувофиқ равишда ўзаро рақобат ва мулкчиликнинг барча шакллари, уларнинг тенг ҳукуқлилиги шароитларида амалга оширади.

Ташкилотларда маҳсулот (хизмат кўрсатиш)ларни жамоа аъзолари ишлаб чиқаради (бажаради, етиштиради), бунинг учун улар ихтиёрида маълум ресурслар мавжуд. Раҳбар ва мутахассислар айнан ўз қўллари билан қандайдир натурал маҳсулот яратмасалар-да, маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёни, тизими ҳақида билимлари етарлича кенг. Раҳбар ва мутахассислар ўзларининг ғоялари билан, фойдали фикрлари билан ташкилотнинг маҳсулотларини

яратишида қайси күлам, ҳудуд ёки минтақадалигидан қатын назар олдинги қаторларда турадилар. Аксарият ҳолларда уларнинг ахборотлари, пировард натижага эришилади. Бу ерда маҳсулот ишлаб чиқаришда айнан қатнашувчилар меҳнати аксарият жисмоний бўлса, менежмент (раҳбар, эгаси), менежерлар (бошқарувчилар) ва мутахассислар меҳнати физиологик жараёнда қатнашиш инфодаси орқали қувват сарфлайдилар.

Ташкилотда ишлаб чиқариш жараёни ва тизими ўз таркибида ташкил этиш, ҳисоблаш, излаш, изланиш, лойиҳалаштириш, режалаштириш, рагбатлантириш, назорат қилиш каби қатор қисм ва операциялардан иборат. Масалан, меҳнатнинг ақлий жараёнларини ташкил этиш, режалаштириш, ҳисобга олиш, таҳлил қилиш, ҳисобот тайёрлаш учун унинг унсурларини меъёрлаш лозим. Меъёрларини белгилаш, уларга иш ҳақи тўлашни ташкил этиш, меҳнат тақсимоти, кооперациясига эътибор бериш, меҳнатнинг усул ва услубларини такомиллаштириш, уларни жорий қилишни амалга ошириш, илгор амалий тажрибаларни оммалаштириш, меҳнат шароитини яхшилаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш унсурлари, операциялари, жараёнларини ҳисобга олиш, иш вақти сарфини, меҳнат воситаларидан фойдаланиш вақтини белгилаш каби раҳбар ва мутахассисларнинг сонсаноқсиз меҳнатларининг унсурлари, операциялари, жараёнлари борки, улар бирикib катта бошқарув тизимини ташкил этади ҳамда бошқарув иш хужжатларини юритиш муаммоси келиб чиқади.

Инсон эҳтиёжлари турлича бўлгани учун у жамият ва ташкилот жамоасидан ажralган ҳолда алоҳида яшай олмайди. Баъзи бир киши ишлаб чиқариш (қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш)да қатнашса, иккинчи бирин ишлаб чиқаришнинг технологиясига, энергетикасига, таъминотига, таълимотига ва ҳоказода қатнашади.

Ишлаб чиқариш ходимларини билими, тажрибасига мос жойга қўйиш, меҳнат вазифаларини тақсимлаш ва кооперациялаш, ишлаб чиқариш усуллари, воситалари, иш жойларини ташкил этиш, уларга хизмат кўрсатиш, зарур меҳнат шароитларини яратиб бериш, рагбатлантириш, меҳнатни меъёрлаш, ходимлар фаолиятини ташкил этиш, режалаштириш, истиқболини башоратлаш, қисм ва бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш, оптималь хабар, маълумот ва ахборот алмашиш, эккаунтингнинг илгор усулларидан фойдаланиш, жараёнларнинг бажарилишини назорат қилиш, тартибга солиш, тижорат ва рекламага эътибор қаратиш, ишлаб чиқаришни узлуксиз кузатиш, цех, қисм ва ишчи (ижрочи) жойларидаги жамоа, индивидга мақсадли таъсир кўреатиш каби унсурлардан ташкил топган. Буларнинг маълум турдаги фаолиятига қараб унинг усули ишлаб чиқилади ва амалда қўлланилади.

Ишлаб чиқариш жараёни ресурслардан энг оқилина фойдаланиш, янги илгор технология ва янги самарали воситаларни жорий қилишини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришдир. Ишлаб чиқариш жараёни — бу маҳсулотни шакллантириш, унга маҳсулот сифатини бериш (маҳсулот сифатини аниқлаш, стандартлаш, маҳсулот баҳосини белгилаш), маҳсулотларга ишлов бериш (саралаш, тахлаш, маҳсулотга ишлов беришни ташкил этиш) каби

жараёнлардир. Бу жараёнлар аксарият кетма-кет ёки параллел бажариладиган унсурлардан ташкил топган.

Барча унсурлар ва операцияларни бажарилиши ҳар хил жойда, турли вақтда бўлгани учун ишлаб чиқаришнинг узлуксизлиги кўп жиҳатдан ҳар бир қисм ва операция вақт бирлигига амалга оширилиши аниқ толилишига боғлиқ.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, маълум даражада *ишлаб чиқарни ва ишлаб чиқариш жараёни орасидаги фаолиятлар фарқланади*. Ишлаб чиқариш жараёни деганда маҳсулот ишлаб чиқаришни ёки хом ашёни қайта ишлаш тушунилса, ишлаб чиқариш деганда кенгроқ, яъни ишлаб чиқариш тизими ёки «ишлаб чиқариш жараёни» плюс хизмат кўрсатиш, муомала ва меҳнат муносабатлари, иқтисодий-ижтимоий муносабатлар, тижорат ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш жойларидан тавсия этилган жойларига силжитиш, ташиб кабиларни бажариш тушунилади.

Бир иш жойида бир ёки бир неча ижрочи ёхуд ижрочининг қатнашувисиз унинг назорати остида маҳсус меҳнат воситалари ёрдамида бажариладиган ва меҳнат мазмунига аввалдан ўрнатилган, таъсир кўрсатишдан таркиб топган ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисми операция деб (шартли равиша) аталади.

Операциялар ўз белгилари бўйича қўйидаги бўлимларга бўлинади: технологик, қайта ишлаш; назорат қилиш; ташиб; таъминлаш; режалаштириш.

Операцияларни бажариш ва ечиш учун бошқарув раҳбарлари, мутахассислар ва ижрочилар келишилган ҳолда кам харажат билан оқилона ўз вақтида бажариб фаолият кўрсатиши мухим.


Ижрочиларга ижобий таъсир кўрсатишни тайёрлаш, бошқарув ечими ёки қарорини қабул қилиш, уни амалга ошириш учун *ишлаб чиқарни жараёнида пайдо бўладиган саволлар, масалалар, ҳисоб-китоблар, муаммолар тегишили бошқарув органлари, бўйим ва бўлинмалар, штаблар, шўъбалар, қисмлар ва аппаратларда ўз вазифаларини бажаришлари талаб этилади*. Ушбу жараёнларни самарали бошқариш асосларидан бири — менежерлар ва мутахассислар фаолиятида хабарлар, маълумотлар, ахборотлар билан таъминланиши; иккинчидан, ишлаб чиқаришни бошқарувнинг мақсади ва моҳиятини аниқ билиш; учинчидан, ишлаб чиқаришни ташкил этишда, уни бошқаришда фойдаланиладиган назариялар, қонунлар, тамоилилар ва андозаларнинг мавжудлиги ва уларни билиш; тўртинчидан, хўжалик юритиш, ишлаб чиқаришни бошқариш қонунлари ва тамоилиларига риоя қилиш; бешинчидан, ишлаб чиқаришни бошқаришда илмий технологик тараққиётдан ўринили, ижодий ва самарали фойдаланиш; олтинчидан, ишлаб чиқаришни бошқаришда вазифали, йўналиши ва тизимили ёндашиш; еттинчидан, ишлаб чиқаришни бошқариш технологияларини шакллантиришда мақсадга этишиш механизмидек кетма-кетликда бўлишини таъминлаш; саккизинчидан — маъмурий аппаратдаги раҳбар, менежер ва мутахассислар меҳнатини оқилона ташкил этилиши; тўққизинчидан, ташкилотлараро, бўлинмалараро ва ижрочилараро вужудга келадиган муносабатларнинг ижобий ечишига, халқ,

мамлакат фаровонлитига қайғурадитан баркамол шахсларни етиштириши.

Ташкилотда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш учун ишлаб чиқариш жараёнларини чуқур билиш узлуксиз оқимлар билан жиҳозлашга имкон яратади, механизациялаш ва автоматлаштириш муайян вазият ёки ҳолатга айланади.

Бозор муносабати шароитида ишлаб чиқариш жараёнларини жадаллаштириш, технологияларни такомиллаштириш, касбий фанларни ривожлантириш, ижтимоий-иктисодий муносабатларни мұкаммаллаштириш, бошқарув жараёнларини замонавий талаб даражасига күтариш ташкилот унумдорлигини муттасил ўса боришига имкон яратади ва ҳал қилувчи хусусият бўлиб хизмат қиласди.

Маълумки, ишлаб чиқариш усули, ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг даражаси, ишлаб чиқариш кучининг савиясига қараб бошқаришнинг моҳияти ўзгаради. Ташкилотларда ишлаб чиқаришни тараққий этиши ва иктисодий алоқаларнинг мұраккаблашуви (айниқса, мулкчилик шақлини кўпайиши) сабабли бошқарыш жараёни мұкаммаллашади *ва илмий фанга айланади, оқибатда* ишлаб чиқариш жараёни тезкор бошқаришга илмий ёндашини ҳам бошқарини мұкаммаллаштириши хусусияти бўлиб қолади (2-чизма).



2- чизма. Бошқаришда илмий ёндашувларнинг турлари

Албатта ҳар бир ҳодим ўз ўрнида жисмоний (фаоллик, сергайратлилик, соғломлик, кучлилик ва б.), шахсий (мослашувчанлик, обрўлилик, ўзига ишонч, ютуққа интилиш ва б.), ақлий (ақл кучи, керакли очим қабул қилишга қодирлик, сезгирилик, ижодий ёндашиш ва б.) фазилатлар билан бир қаторда қобилият (ўзга шахслар билан алоқа ўрната олишилик, хушмуомалалик, муомалага усталик ва б.)ларга эга бўлиши керак. Лекин бу хусусиятларнинг ҳаммасини ўзида мужассамлаштирган кишилар унчалик кўп эмас.

Ташкилотни бошқариш вазифаларини ҳар бири ечилиши лозим бўлган доирадаги масалаларнинг хусусиятидан келиб чиқади. Шунинг учун ишлаб чиқариш, унинг масалаларини бошқаришнинг мұраккаблиги ва вазифаларини белгилайди.

Ишлаб чиқаришнинг хўжалик фаолияти кўламини ўсиши билан ташкилот кенгая бориши, мураккаблаша бориши, табақалаштирилиши оқибатида бошқариш вазифаларининг ҳар бири моҳият ва аҳамият жиҳатдан муҳим таълимот даражасига кўтарилади.

Хозирги даврда маркетинг вазифасини амалда жорий этиш учун ҳар бир ишлаб чиқариладиган маҳсулот бўйича маркетингнинг ички ташкилот дастури, унинг тараққиётини башоратлаш усуллари ишлаб чиқилиб, қўлланилади. Режалаштириш вазифасини бажариш учун режалар ишлаб чиқилиб, башорат килинади.

Иқтисодий изланишлар, ташкилий, технологик, техник кузатув ва ўрганишлар натижаси сифатида «ташкилот лойиҳаси» кўринишини олади. Мўлжалланган муддатга ташкилотнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишини таъминлаш мақсади учун кўзланган ўзаро боғлиқ ҳаражатлар мажмуи, иқтисодий сиёсатнинг чора-тадбирлари, унсурлари ташкилот лойиҳасидир.


Ташкилотни лойиҳалаш учун ундаги иш, жараён, тизим, жабҳа, жамғарма, мажудотларни маркетингли гуруҳлаш лозим. Ишлаб чиқариш, моддий техника негизини лойиҳалаш ташкилотдаги ҳар бир ишнинг мазмунини аниқ белгилаш, унга зарур молиявий ҳаражатларни белгилаш каби тадбирларни, билвосита ишни тақсимлаш тартибини ҳам ўз ичига олади. Ишни лойиҳалашда иқтисодий самарадорлик ва инсон ҳулқининг тамоилилари ҳисобга олиниши лозим. Ишнинг ҳажми, мазмуни ҳодим ва ижрочи қобилиятига, шунингдек, ишлаб чиқариш технологияси ҳамда ускуналарининг имкониятига Мос келиши керак.

Ишни лойиҳалашда техник ва ижтимоий тизимлар орасидаги муносабатлар оптималлаштирилиши ижтимоий тизимга ижобий таъсири этади. Ташкилотнинг ижтимоий-иқтисодий тизими негизида инсоннинг ижтимоий, руҳий, тарбиявий, иқтисодий, шахсий белгилари ётади. Мавжуд бошқарув тизимларини ислоҳ қилиш, интернет, ахборот-коммуникация технологиялари, реклама хизматларини ташкил этиш, ҳодимларни қасбий тайёрлаш, маркетинг ва менежмент билимларини чуқур эгаллаган мутахассисларгина ташкилотларни бошқара оладилар.

Ташкилотнинг белгилари ва хусусиятларининг кучли-кучсиз томонларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат фаолиятининг сифатини ошириш, унинг ҳар босқичини илмий тавсияларга, чуқур эгалланган қасбий билимга асосланиши лозим (3-чизма).

Чизмада келтирилган содда кўринишдаги андоза ҳодимларнинг ўзаро таъсирини расмий мувофиқлаштиришга, масалаларни тақсимлашга хизмат қиласи. Шуни таъкидлаш лозимки, ташкилот фаолиятини бошқариш назарияси ташкилий ҳулқ фани билан бениҳоя яқинлашади, чунки иккала фаннинг мавжудоти инсондир. Ташкилотнинг ҳулқий муаммоларини ўрганишда иккала фан бир-бирини тўлдиради. Бироқ ташкилот назарияси, ташкилий ҳулқ ташкилий жараённинг турли поғоналарини, таҳлил йўналишларини қамраб олади.

Ташкилотларни ҳар томонлама ўзини шаклланиши, самарали фаолият кўрсатишлари, ривожланишлари ва тараққий этишлари учун пухта ишлаб



З-чизма. Мәхнат жамоаларини бошқариш босқычлари

чиқылған ташкилот лойнұлары асосий пойдевор булып хизмат қилади. Ташкилот үсіб үлгаяди, қарийди ва муқаррар пасаяди.

Ташкилоттарнинг аязоси, уннинг биологик ва ижтимоий мөхияти билан ҳисоблашмаслик мүмкін эмес. Ү ҳам үсіб үлгаяди, қарийди ва муқаррар бу дүнедан қайтиш жараёнларини «пайқамаслик», жамоаны ташкил этган инсонлар саломатлигини қай ахволда эканларини, уларнинг руҳий, жисмоний, маынавий әхтиёжларини, иш қобилияты каби табиий-илемий хусусиятларини ҳисобға олмаслик мүмкін эмес.

Табиийки, узоқ йиллар давомида инсон мәхнатининг ақлий ва ижодий функцияларининг кучайиши ақлий мәхнат саломогининг үсишинга олиб келади. Бу үзгаришлар соф міндердің үзгаришларындағы да ғана инсон машинаның сифат жиҳатдан янғы муносабагини билдиради. Инсон фаоллигининг кескін үсиши ишлаб чиқаришни янти шароитларга мослаштиришга, фан-техника ривожидан фойдаланишга үндайди.

Инсоннинг ақлий мәхнати фан, техника, технология, инсон хүлқининг ривожланишлари билан бөғлиқ. Ҳар бир инсоннинг, ҳар бир ойланынг, жамоа ва умуман жамияттнинг ҳаёті-фаолияти иқтисодий ахволнинг даражасында қарал шаклланади. Иқтисодиёт ақлий мәхнат, ижодий маңсулот, фан-техника тараққиеті, хүлқий фанлар ривожи каби манбаларга бөғлиқ, булар қанча юқори погонага күтарилса, иқтисодиёттнинг даражасы шунчак юқорилашади, халқ фаровонлиги ортади, ижтимоий ҳаёт барқарорлашади, кишиларда келажакқа ишонч күчаяли, уларнинг фаоллиги ҳам үсіб боради.

Иқтисодиёт ривожланиб борған сайин ташкилот мұраккаблашади, күп қиррали алоқалар пайдо бўлади, маңсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш учун ҳар хил ташкилотлар билан, ҳатто халқаро миқёсда иқтисодий алоқалар ўрнатишга тўғри келади. Бундай шароитда ишбилармонлик ва тадбиркорлик

учун иқтисодиёт назарияси, руҳиятшунослик, социология, социал психологи, антропология, уларнинг қонунлари, тамойиллари ва андозаларини яхши билиш зарур.

Ташкилотларнинг ташкилий қурилиши иқтисодий тамойилларга мос келиши учун раҳбарлар илмий фикрлашлари, яъни ишлаб чиқариш, мулкчилик, меҳнат жараёни, маҳсулот, таъминот, ташиб, тижорат фаолияти, иш вақти, меҳнат тақсимоти, эҳтиёж қаби умумиқтисодий муносабатларни ифодаловчи категорияни, монополия, монопсония, олигополия (ўхшаш товарлар тақлиф қўлиувчи ташкилотлар бир неча бўлади), эксплуатация, рента, экспансия, ортиқча аҳоли қаби ижтимоий-иқтисодий тизимнинг табнатига алоқадор маҳсус категорияларни, талаб, тақлиф, маркетинг, товар, пул, нарх, инфляция ва шунга ўхшаш умуминсоний тавсифдаги иқтисодий муносабатлар тоифасини билишлари ва амалда қўллай олишлари талаб этилади.

4.2. ТАШКИЛОТНИНГ ҲАЁТИЙ ДАВРИ


Ташкилотлар пайдо бўлади; тараққий этади, мувваффақиятларга эришади, заифлашади ва ниҳоят, ўзининг фаолият кўрсатишини тўхтади. Баъзилари камдан кам ҳолларда узоқ йиллар мавжуд бўлади, аммо бирортаси ўзгаришсиз яшай олмайди. Хар куни янги ташкилотлар щаклланади. Бир вақтнинг ўзида ҳар куни юзлаб ташкилотлар тутагилади, барҳам топади. Мослаша олиш ёки кўникишни билтганлари тараққий этиб, ривожланиб, равнақ топса, эгилмайдиганлари йўқ бўлиб кетади. Баъзи ташкилот бошқасидан тез ривожланади ва ўз мақсадларига тезроқ эришади. Раҳбар ташкилот қандай тараққиёт босқичида эканлигини билиши, ушбу босқичда қўлланилган раҳбарлик одатининг қанчалар мослигини баҳолashi керак.

Айнан шунинг учун ҳам узоқ вақт давомида маълум кетма-кетлик билан ташкилотларнинг ўзгаришларини олдиндан айта олиш ҳақидаги уларнинг ҳаётий даври тўғрисида тушунча кенг тарқалган. Ташкилотнинг ҳаётий даврининг босқичлари қуйидагича: тадбиркорлик, умумийлик, расмийлаштирилиш ва бошқариш, ташкилий тузилмани ишлаб чиқиш, инқироз (заифлашиш, кучсизланиш, пасайиш, тушкунлук кабилар) (4-чизма).

Ташкилотнинг ривожланиш палласи: туғилиш, ёшлик даври, ўспириинлик, Эрта етилиш, кучнинг етилғанлик даври, тўла стуклик. қариши, янгиланиш кабилардан иборат.

Ташкилот ҳаётига таъсир этувчи омиллар: бошлангич мақсадлар, раҳнамолик турлари, ташкилий тавсифлар, ташкилий сиймо (кўриниш, шакл, тарзи), энергияни бир жойга зичлаштириш, марказий муаммо, режалаштириш турлари, бошқариш усувлари, ташкилий андоза.

Таъкидлаш лозимки, белгиланган мақсадга эришиш манфаатида ташкилот тузилишидан олдин «лойиҳаланади», ташкилий тузилмасини шакллантириш учун андозалаштирилади. Ташкилотни лойиҳалашда оқилона ва устувор мақсадга йўналаштирилган ҳолда ҳаракат қўлиувчи организм деб тасаввур қилиш лозим, тажриба ва амалда синалмасдан мақсадга эришиш усувлари тақомиллаштирилади. Замонавий ташкилотларни лойиҳалаш эса ўз навбатида



- | | | | | |
|---|---|--|---|--|
| 1. Тадбиркорлик босқичи:
-максалларни аник эмаслиги;
-юкори ижодкорлык имкониятлари | 2. Умумийлик босқичи:
-қоидаларни амалга ошириш;
-юкори мажбуриятлар. | 3. Расмий-лаштириш ва башқариш босқичи:
-қоидаларни амалга ошириш;
-баркарор түзилма;
-самарадорликка ўтибор. | 4. Ташкилий түзилмани ишлаб чиқиши босқичи:
-мураккаброқ түзилма;
-номарказ-лаштириш -дивер-сификация (турли-туманлик). | 5. Инкироз босқичи:
-ходим-ларнинг юкори кўним-сизлиги;
-тўқиашув-ларнинг ўсиб бориши. |
|---|---|--|---|--|

4-чизма. Ташкилот ҳаётининг даврий босқичлари

уларни амалда бошқаришнинг мураккаблигини оширади, бошқариш функциялари, бошқариш меҳнатининг ихтиосослаштирилган ҳолда бажарилиши, усуллари илмий далилланиши талаб этилади. Бундай ёндашув кент тарқалган ташкилот самарадорлитини ошириш усулларидан сифат жиҳатдан фарқ қиласди.

Ҳар бир ташкилот маълум маҳсулот ишлаб чиқаради ва хизмат кўрсатади, турли технологияларни кўллади, ресурслардан фойдаланади ва ҳоказо. Демак, у ишлаб чиқариш (ишлаб чиқариш жараёнлари, моддий-энергетик таъминот, меҳнат таҳсимоти, ишчи кучи, ишлаб чиқариш воситалари ва ҳоказо), ташкил этиш, бошқариш, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, ахборотли, педагогик, техник, экологик тизимлардан ташкил топади.

Ташкилотнинг ҳаётий даври узоқ муддатли бўлишида унинг ташкилий түзилмасини услубий кетма-кетликда оқилоналаштирилиб борилиши катта аҳамиятга эга. Бунда аниқса қуйидагиларга ўтибор бериш лозим:

- ташкилотнинг ташкилий тузилмасини бошқариш тизимини лойиҳалаштиришга тайёргарлик босқичи;
- фаолият кўрсататгандан ўндашиш (намунали) ташкилотни атрофлича таҳтил қилиш;
- ташкилий тизимни ишлаб чиқиша услубий кетма-кетликка риоя қилиш;
- янги ташкилот тизимини амалда жорий этиш.

Ташкилот раҳбари, менежерлари, мутахассислари томонидан ўзлари фаолият кўрсататгандан ташкилотларининг ҳаётини давридаги етуклик босқичини узайтиromoқлари учун масалага илмий ёндашиш орқалигини эришишлари мумкин.

4.3. ТАШКИЛОТДА АСОСИЙ ТИЗИМНИ АЖРАТИШ

Жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини илмий асосланган истиқболли режасини тузиб, унинг устувор йўналишларини белгилаб олиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг асосий бўғини бўлмиш ташкилотда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишнинг кўп сонли тармоқлари билан бир қаторда, маънавият, маърифат, маданият соҳаларига ҳам янги ва илгор технологиялар жорий этишини тақозо этмоқда.

Ташкилот жамоасининг ҳаётта онгли муносабатларини, дунёқарашларини белгилашта доимо янгича ёндашиш зарурлигини англаб стиш даражасини кўрсатиб берувчи маънавият бозор иқтисодиётнинг муҳим тизимларидан биридир.

Йигирма биринчи асрга келиб хабар, маълумот ва ахборотлар шу даражада ортиб кетдики, фан, техника, технология, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқларининг тараққий этиши натижасида уларнинг турлари бир неча баробар кўпайди. Ўрганиш мавжудоти ва тадқиқот усуслари жиҳатидан, уларнинг тармоқлараро, фанлараро, интегратив турлари вужудга кела бошлади. Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, ақлий-ижодий билим ҳажмлари, турлари, сифатлари ортиб бормоқда. Буларни кенг оммага етказиш, уларнинг тафаккурига сингдириб, хотираларида сақлаб қолишлиари учун дунёни бошқача тушуниш тартиби пайдо бўла бошлади. Холис борлиқни кўп, содда ва мураккаб, катта ва кичик, жонли ва жонсиз, тикиланувчи ва тикиланмайдиган сифатларга эга бўлган мажмуу («мажмуу» деб ўзаро функционал алоқадорликда бўлиб, бир бутунликни ташкил қилувчи қисмлар йигиндисига айтилади¹)лар сифатида идрок қилиш шу тараққиёт маҳсулидир.

«Мажмуудар назарияси»ни ташкил қилувчи қисмларнинг табиий тадрижи натижаси, уларнинг ички заруриятидан келиб чиққан боғлиқликлардир. Ҳар қандай мажмуу икки ва ундан ортиқ қисмлардан ташкил топган бўлиб, айни вақтда ўзи ҳам ўзидан юқори поғонада турган мажмууга, қисм бўлиб киради. Унинг қисмлари ҳам бир поғона пастдаги мажмуудар ҳисобланиб, улар ҳам

¹ Зиёмуҳамедов Б., Абдуллаева Ш. Илгор педагогик технология: назария ва амалиёт. Услубий қўлланма. Т.: «Абу Али ибн Сино», 2001. 13-бет.

бир неча қисмлардан иборатdir. Бу ҳодиса чекли бўлиши ва чексиз давом этиши мумкин. Масалан, яратувчи очиқ тизим — бу ходимлар. Улар ўз навбатида субъект ёки раҳбар, менежер, мутахассис ва ижрочи. Худди шунингдек, яратувчи ёпиқ тизим — техник восита. Технологиялар тизими — педагогик, ишлаб чиқариш, ташкил этиш, бошқариш, таълим бериш, ахборот ва коммуникация, хукуқ, иқтисод, ижтимоий таъминот ва кафолат, молия, интернет қаби тизимлардан иборат.

Ишлаб чиқариш технологияси эса бошланғич ишлов бериш — ишлаб чиқариш жараёни — тайёрлов — таъминот — ташиб — ишчи кучи — саклаш — қайта ишлаш — тижорат — ишлаб чиқариш воситалари ва бошқалардан иборат бўлса, ходимларнинг маълумоти — иш тажрибаси — билими — маҳорати — кўнгукмаси — щаҳсий сифатлари — руҳияти — иш қобилияти — саломатлиги — жинси — мутахассислик даражаси — хизмат кўрсатиш каръераси — бошқа ишларга қизиқиши — самарасиз одатлари — ташкилотчилиги — хоҳиши (иш ҳақи, ижтимоий таъминоти, ижтимоий кафолатлар ва бошқалар) — вазифасини бажара олиши кабилардан иборат.

Ушбу асосий тизимлар ўз навбатида қатор тизимлар туругига бўлинади. Масалан, хизмат каръераси — шогирдлик — иш ўрнида ёки минтақада ишлаши — бошлиқ (қисмда, цехда, штабда) — бош раҳбар муовини — бош муҳандис — бош раҳбар. Ёки автомобил транспортининг гиддирати олиб кўриласа, у бир бутун нарса — ўзаро функционал боғлиқ бўлган бир неча қисмлардан иборат, шу билан бирга ўзи автомобилнинг бир қисми ҳисобланади.

Ташкилотни ташкил қилувчи қисмлардан бирининг хусусияти ўзгарса, бошқа қисмларнинг ҳам хусусиятлари қонуний равишда ўзгаришларга учраса, уни функционал алоқадорлик дейилади.

Мажмулар замон ва маконда мавжуд бўлиб, вақт ўтиши билан мажмунинг баъзи бир хусусиятлари ҳам ўзгаради. Уларнинг ҳар бири фақат ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бир-биридан шу хусусиятлар йигиндиси билан ажralиб туради.

Мажмунинг хусусияти фақат бошқа мажмулар билан алоқаларда намоён бўлади. Алоқадорлик деб, мажму хусусиятини пайдо қилувчи узвийликка айтилади¹. Боглиқлик эса, фақат уларнинг намоён бўлишидир. Ҳар қандай боғлиқлик замирада алоқадорлик ётади. Янги хусусиятини яратувчи алоқадорлик функция дейилади. Нарса ва ҳодисаларнинг функцияга бўлган нисбати функция намоён бўлишининг асосий мажмунинг ажралмас қисмидир.

Функциялар орқали мажмулар ҳолати аниқланади. Мажму ҳолатининг кетма-кет намоён бўлиши жараён дейилади.

Мажму, уни ташкил қилувчи қисмлар фақат ўз погонасидаги мажмулар орасидаги алоқадорликда намоён бўлади.

Бир мажмuni ташкил қилувчи қисмнинг биронтаси ўз погонасидаги мажму қисмлари билан баробар бошқа погонадати мажму қисмлари билан

¹ Зиёмухамедов Б., Абдулаева Ш. Илгор педагогик технология: назария ва амалиёт. Услубий қўлланма. Т.: «Абу Али ибн Сино», 2001. II-бет.

алоқадорликда бўлса, у бир вақтнинг ўзида бошқа поғонадаги мажмуни ташкил этишда иштирок қиласди. Чунки ҳар қандай мажму асосини алоқадорликлар ташкил этади. Алоқадорликлар нарса ва ҳодисаларнинг табиий тадрижидан келиб чиқиб, киши ихтиёридан ташқарида мавжуддир.

Инсон ҳоҳиш — истагидан келиб чиқсан ва киши тасаввурида намоён бўладиган алоқадорликлар ҳам мавжуд. Буидай алоқадорликлар сунъий (антропоген) алоқадорликлар дейилади ва мажму ҳам сунъий бўлади. Сунъий алоқадорликлар холис қонуниятлардан келиб чиқиб, қисмлар тадрижининг ички зарурниятидан пайдо қилинган бўлса, улар амалиётда ҳақиқийга айланади. Ҳар қандай машина, мураккаб ҳаракатларни бажарувчи робот, улар орасида шакллантирилган мажмулар холис қонуниятларга зид ҳолда яратилган бўлса, улар амалиётда ўз тасдиғини топа олмайди. Уни мажбурий равишда амалга ошироқчи бўлган шахс; жамоа ёки жамият муваффақиятсизликка учрайди.

4.4. ТАШКИЛОТДАГИ АСОСИЙ ТИЗИМЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИ ГУРУХЛАРГА АЖРАТИШ

Ташкилотдаги тизимларни ажратиш усули мақсадга боғлиқ. Мавжудотларда ҳар хил тизимларни яратиш ва тадқиқ қилиш мумкин. Тизимли усувлар ёрдамида ҳодисаларнинг умумий қонуниятларини таҳлил қилиш мумкин, чунки бунга холис борлиқни билиш даражасини доимо чукурлаштириш, ажратилган тизимларнинг алоҳида тоифалари орасидаги ўзаро боғлиқлигини излаш имконини беради. Янги мавжудотларни яратишда аввалдан лойиҳалаштирилган тизимлар амалда қўлланилади. Сўнгра ажратилган тизимлар яна кичик тизимларга ажратилиши мумкин, албатта яна маълум мақсадлар ёки ўйлаб қўйилган режаларга мос равишда. Тизимлар ўзларига ўхшаш тизим билан яратилган ва мавжудотда қўлланилган андозалар орқали яққол кўрсатилиши мумкин.

Ташкилотда ажратилган асосий тизимларга қўйидагилар мансубdir:

— тизимнинг ташкилий тузилмаси (бўлинмалар, бўлимлар, жараёнлар)ни аниқлаш;

— ташкилий алоқалар;

— тизимнинг хулқи;

— тизимнинг хулқини бошқариш (тизимни ўзгаришини бошқариш);

— ташкилотни бошқариш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларининг аҳамияти.

Одатда, ҳар қандай ҳодисани тадқиқ қилиш жараёни маълум мавжудотни танлаш билан бошланади, бунда у таҳлил қилиш тадқиқ қилиш мезонларини аниқлашнинг предмети бўлади. Сўнгра мос усувлар билан мавжудот уни ўраб турган мұхитдан ажратилади. Уни амалга ошириш давомида аввали унинг атроф-мұхит билан чегаралари ва алоқалари аниқланади.

Ташкилотдаги тизимнинг тузилмаси унинг таркиби қисмлари ёки унсурлари, уларни ташкил этиш ва ўзаро боғлиқликлари ҳамда тизимнинг ташқи мұхит билан боғлиқлик тавсифи берилади. Ташкилотда икки турдаги тузилмани фарқламоқ лозим: бўлинмалар тузилмаси ва жараёнлар тузилмаси.

Бўлинмаларнинг тузилмаси ташкилотнинг тузилиши ва функциясини ифодалайди, яъни ташкилотда қандай бўлинмалар мавжуд, улар қандай муайян функцияларни бажаради (биологиядаги анатомик тузилмага ўхшаш).

Ташкилотнинг тузилмаси нисбатан турғун (статик), ўрганиш ва тизимлашга кулий.

Жараёнларнинг тузилмаси тизимда кечайтган ҳаракатдаги жараёнларни, уларнинг ички ташкил этилиши, ўзаро боғлиқлиги (организмдаги физиологияга ўхшаш)ни ифодалайди. Ушбу жараёнларнинг ҳар бирда ҳар хил бўлинмалар иштирок этадилар.

Ташкилотда иккى гурӯҳ жараёнларни фарқлаш лозим: ишлаб чиқаришли (ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, транспорт хизмати, тижорат, ҳисоб-китоб ва б.) бошқаришли.

Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа жараёнларнинг қўйи босқичида ижрочи ходимлар, иккинчи босқичида — мутахассислар, учинчى босқичида — менежерлар қатнашсалар, уларнинг ҳар бирда ҳам Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини билдишлари, уларни таълим-тарбия (таълим услуби — усто: билан шогирдлар орасида билим бериш, уни олиш мақсадида амалта ошириладиган ўзаро алоқаларни тизимга солувчи педагогик тадбир) амалиётida кўллай олишлари лозим. Чунки:

— ташкилот фаолияти тараққий этган мамлакатларнинг маҳсулот (хизмат кўрсатиш)ларидан орта қолмаслик учун ходимлар таълим мини интерфақ даражага кўтариш зарур;

— фан-техника тараққиётининг ўта ривожланганлиги учун ташкилотнинг ҳар бир аъзоси ўз вақтини самарали фойдаланишига қаратиши керак;

— ташкилот жамоаси назарий ва эмпирик билимларга асосланган тафаккурдан аниқ якунга асосланган техник тафаккурга жадал ўтишига эҳтиёж ортади;

— ходимларни ҳаётга мукаммал тайёрлаш талаби уларга энг илгор билим бериш усули ҳисобланган холис борлиққа мажму ёндашув тамойилидан фойдаланишини талаб этишидир.

Хозирги кунда иқтисодий ва ижтимоий таъминоти, маърифати ва маданияти тараққий этган ташкилотларда ишлаб чиқаришнинг кўп тармоқлар билан бир қаторда, маънавият, маърифат, маданият соҳаларига ҳам янги технологияни жорий этишни тақозо этмоқда. Шу боис таълим технологияларини илмий ишлаб чиқиши ва амалиётта жорий этиш учун ижтимоий-педагогик асослар мавжудлигига таълим мажму сифатида нимани англатиши, қандай таркибий қисмлардан ташкил топганлигини аниқлашга таълим технологиясининг функционал мажмуси жараён сифатидан фойдаланишига, таълим технологиялари Кадрлар тайёрлаш миллий дастурни мақсадларига тўгри келишини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилишига эътибор ортмоқда.

Шуни ҳам унутмаслик лозимки, таълим авлоддан авлодга маданиятини узатувчи доимий ижтимоий-генетик механизм. Демак, барча мамлакатларда таълим меъёри мавжудdir.

Таълим меъёрлари одатда қуидагилар билан мустаҳкамланали: миллий анъаналар, қонуний далолатномалар ва меъёrlанган ҳужжатлар, таълим мазмунида белгиланган ўкув режалар, дастурлар, дарслерликлар, ўкув қўлланмалар, услубий қўлланмалар, дидактик материаллар ва бошқа ўкув восьиталари. Таълим одатда ривожланиш, тарбияланиш, билим ва бажара олиш тизимлари билан тавсифланади.

Мустақил фикр юрита оладиган (ақлли), ахлоқнинг барча фазилатларига эга (одобли), меҳнат инсоннинг ижтимоий эҳтиёжига айланганлиги (меҳнатсевар), таббий ва диний билимларни чукур эгаллаб олиб, уларни ҳаётда қўллай олиши (билимли), жисмоний, руҳий ва ижтимоий саломат (соғлом), миллий анъаналаримизни эгаллаб, улар билан фаҳрланувчи, уларни бойитишга ҳисса кўшувчи (миллий гууррга эга), Ватан учун фидокорона меҳнат қилувчи, уларни муҳофаза қила олувчи, зарур бўлса улар учун барча ҳолатга тайёр турувчи (ватанпарвар), ўз миллати қаторида бошқа миллатларни хурмат қилувчи (байнамина), инсонга фақат яхшиликлар ўйловичи ва улар учун эзгу ишлар қилувчи (инсонпарвар), ҳар бир ишга мардона киришиб, уни шижаот билан охирига етказиш (жасур ва шижаотли) каби ижтимоий сифатларга эга бўлган шахсларни вояга етказиш ниҳоятда долзарб вазифаларидан бириди.

Бу ижтимоий сифат жамият эҳтиёжидан келиб чиққан давлат буюртмаси бўлиб, таълим соҳасида фаолият кўрсатетган ҳар бир инсон улардан умумий таълимот асосида фойдаланиши лозим.

4.5. БОШҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРГА БОШҚАРИШНИНГ ЭҲТИЁЖИ

Бошқариш атамаси кенг маъно ва мазмунга эга. Бошқариш орқали ташкилотдаги барча ресурсларга таъсир кўрсатилади, фаолият турларига мувафиқлаштирувчи, ечим ва қарорлар қабул қилувчи, ташкил этувчи, режалаштирувчи, назорат қилувчи, вазифаларини амалга оширилади. Шу билан бир вақтда бошқаришнинг илмий асосланганлиги, тўғри белгиланганлиги ташкилотнинг мақсадига эришиш учун муҳимdir.

Ташкилот фаолиятини бошқариш амалиётида холис қонун-қоидалар, мойиллик, анъаналар, одатлар, умумий талаблар, меҳнат тақсимоти, интизом, тартиб, ваколат, масъулият, яккабошлиқ, фаолият йўналишининг бир ҳиллиги, шахсий манфаатларни умумий манфаатга бўйсундириш, ходимларни рағбатлантириш, бошқарувдаги поғоналар тузилиши, марказлашиш ва ҳомарказлашиш адолат, мутахассис ва ижрочи учун иш жойининг доимийлиги, ташаббускорлик каби тамойиллар ҳал қилувчи механизм бўлиб хизмат қиласи. Бошқаришнинг қонун-қоидалари, тамойиллари ҳамма учун мажбурий бўлган меъёр, одат, қоидадир.

Ўзбекистоннинг истиқбол йўли Ўзбекистон Республикаси Президентининг бозор муносабатларига ўтиш юзасидан олға сурган беш тамойилига асосланади. Уларнинг моҳияти қуидагича: иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, давлат асосий ислоҳотчи, қонунлар ва уларга риоя қилиш устуворлиги, кучли

ижтимоий сиёсат юргизиш, бозор иқтисодиётiga секин-аста, босқичма-босқич ўтиб бориш.

Бозор иқтисодиёт шароитида Ўзбекистон Республикасининг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболга эришишининг асосий тамойиллари И. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари»¹ асарида атрофлича ёритилган.

Унда демократия иқтисодий муносабатларни демократиялаш, юксак маънавият, миллий ҳавфсизликни таъминлаш тамойилларига батафсил изоҳулар берилган.

Бу тамойиллар мамлакатимизнинг ўзига хос шароитларини ҳисобга олган ҳолда изчиллик билан шакллантириб боришни, унга аста-секин, босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтишни билдиради. Бошқаришни ташкил этишдаги асосий тамойиллар қанчалик илмий асосланган бўлса, бошқариш истиқболли, самарали ва мақсадларга эришиш учун эҳтиёж кучаяди. Чунки айнан шу мақсадга биноан бошқарув функциялари, бошқарув усуллари, ташкилий бошқариш тузилмаси, лавозимларни белгилаш, кадрларни танлаш каби муҳим масалалар мақсадга мувофиқ ечилади. Албатта, бошқариш мақсадларининг маълум белгиларига қараб гуруҳларга ажратиб ўрганиш лозим. Масалан, бошқаришнинг содир бўлишига қараб — бир марталик, фурсатли мақсадлар; бошқарув погоналарига қараб — ҳудудий бошқарув, мамлакат, вилоят, туман, қишлоқ, ишлаб чиқариш, тармоқ, миллий иқтисодий, халқ хўжалиги, якка ҳодим мақсадлари; умумжамият миқёсидаги муносабатларни акс эттиришга қараб — сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-матърифий, халқаро муносабатлар соҳасидаги мақсадлар; мураккаблик даражасига қараб — инновацион мақсадлар; кутиладиган натижаларига қараб — оддий, оралиқдаги, анъанавий, муаммоли, пировард мақсадлар.

Бошқаришнинг мақсадлари илмий асосланса ва тўғри белгиланса бошқаришни ташкил этиш имкони яратилади. Масалан, ташкилий бошқаришнинг тамойиллари аниқ ишлаб чиқилса бошқарув мазмуни жараён сифатида унинг функциялари намоён бўлади. Чунки, бошқарув функциялари (режалаштириш, мувофиқлаштириш, назорат ва б.) нинг мазмуни у ёки бу фаолиятни ташкил этишдан келиб чиқади. Лозим бўлса аввало лойиҳаланади, сўнгра режалаштирилади. Бунда маҳсулот тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилади, меҳнат меъёрлари, ресурслар сарфи белгиланади, жиҳоз, техника ва иншоотларни тайёрлаш воситалари тайёрланади.

Ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш учун ишлаб чиқариш воситалари, ҳом ашё, моддий таъминот кабилар тайёрланса, шулар асосда ҳодимларни танлаш, мутахассис, ижрочиларни жойлаштириш, меҳнатни ташкил этиш, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ҳисобига бошқарув мазмуни жараёнлар кўринишини олиб, тизимга айланади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т.: «Ўзбекистон», 1995, 6-бет.

Бошқаришни ташкил этишдаги асосий тамойилларга бошқаришнинг эҳтиёжлари бекиёсdir. Масалан, ташкилотни ташкилий бошқаришини тузища икки муҳим тамойилларга эътибор бериш керак. Бунинг бири — бир раҳбарга қанча бўйсунувчи қанча бўйсунувчи ходимлар бўлиши керак, иккинчиси — ташкилотдаги ва унинг тизимидағи вертикал поғоналар сонини чекланишиди.

Ташкилий бошқариш органи бирор бошқариш тизими таркибидаги ижтимоий меҳнат тақсимоти, хусусан бошқарув меҳнати тақсимоти натижасида вужудга келган бошқарув аппаратидир.

Бошқарув аппаратини ташкил этиш жараённи бошқариш тамойиллари доирасида унинг функцияларини амалдаги қоила ва талабларга биноан тақсимлаш, вазифаларни аниқлашдан бошланади. Сўнгра ҳар бир функциялар (гуруҳ, функцияларнинг ҳажми, даражаси, босқичи, ихтисослаштирилиши, марказлаштирилиши, кооперациялаштирилиши) таҳлил қилинади.

Ана шулардан сўнг аниқ жараёнлар йўналиши белгиланади, ташкилий бошқариш тузилмаси шакллаштирилади ёки мавжуд тузилмага қўшимча вазифаларни топшириш тўғрисида ечим ёки қарор қабул қилинади.

Бошқаришни ташкил этишдаги асосий тамойилларига бошқаришнинг, юқорида кўриб ўтилган йўналишларидан ташқари, ходимларни бошқариш, устувор бошқариш, ечим ёки қарор қабул қилиш кабиларда ҳам эҳтиёжлар мавжуддир. Масалан, ҳар бир тамойил ходимларни бошқаришнинг у ёки бу жиҳатини такомиллаштиришга хизмат қиласи. Бунда ходимлар билан ишлашнинг умумий ва ташкилий тамойиллари солиштирилган ҳолда такомиллаштирилади.

Ташкилотдаги ахборот, ахборот алмашиш, ҳужжатлар, иш ҳужжатларини юритиш каби функцияларни аниқ бажарилишини таъминлашда ташкилий бошқариш муҳим ўрин тутади. Ташкилотдаги бошқарув қўйидаги ваколатлардан иборат бўлиши мумкин: ваколат, ваколатли, ваколатнома, ваколатхона.

Бошқарув тузилмаларининг асосий ташкилий турларидан кенг тарқалганлари: чизиқли ёки поғонали, чизиқли-штабли, функционал, чизиқли-функционал, дастурли-мақсадли (5-чизма). Буларнинг ҳар бир ташкилий тузилмасида расмий ва норасмий алоқалар бўлади. Расмий алоқалар аввало вертикал алоқалардир. Улар раҳбар ва бўйсунувчиларнинг турларига қараб бир-биридан фарқ қиласи.

Агар, раҳбарлик тўлақонли, қўйи поғона қўйи орган фаолиятига доир барча масалаларига дахлдор бўлса, у ҳолда бу турдаги алоқа **чизиқли расмий алоқа** деб аталади.

Агар, раҳбарлик чекланган, қўйи бўйсунувчи қўйи орган фаолиятига доир ўзининг масалаларига дахлдор бўлса, у ҳолда бу турдаги алоқа **функционал вазифали расмий алоқа** деб аталади.

Ташкилий бошқариш органлари ўртасида вертикал алоқадан ташқари горизонтал алоқалар ҳам мавжуд бўлиб, улар мувофиқлаштириш, ўйғунаштириш; ҳамкорлик қилиш тарзидаги алоқалардир.

4.6. РАҲБАР ФАОЛИЯТИДАГИ УМУМИЙ БОШҚАРИШ ОМИЛЛАРИ

Раҳбарлик мансабдан фойдалана олиш салоҳияти бўлиб, у фақат фойдаланилганда гина эмас, фойдаланилмаганда ҳам мавжуд.

Раҳбарлик, яъни мансаб эгаси бўлиш — бу эҳтиёжни қондиришда таъсир этиш имкони.

Раҳбарсиз ташкилот бўлмайди. Раҳбарнинг рейтинги ҳар хил даврда ўзгариб туради. Раҳбарлик — юқоридан ёки пастдан бериладиган мансаб. Раҳбар ҳар бир жамоада ўз ўрнига, обрў-эътиборига эга бўлиб, ишнинг кўзини билиши билан жамоа аъзолари ўртасида ажралиб турадиган кишинидир.

Раҳбар ҳар бир жамоада ходимларнинг иш унумдорлигини таъминлайди. ҳақиқий раҳбар доим ўзига «Иш яхши бўлиши учун мен ҳамма нарсани уddyдай олнимми?» деб савол беради. Бундай раҳбар муваффақиятсизликлар сабабини энг аввало ўзидан кўради. Бу раҳбарнинг ажойиб, керакли хислатларидан биридир.

Раҳбар профессионал, ўз зиммасидаги жамият олдидаги маъсулнот, жавобгарликни теран идрок этиши, ҳалоллик, маслак-эътиқодда маҳкам туриши, ўзига ва ходимларига талабчан, айни вақтда одамгарчиликни унумаслиги, эзгу орзуларининг ушалиши йўлида белбогини боғлаб қилинадиган меҳнатга ҳам жисмонан, ҳам ақлан мос бўлиши керак.

Раҳбарнинг мансабга ҳам, шахсий манфаатга ҳам эга бўлган даври яхши ҳисобланади. Аммо кўп ҳолатларда бунга эришин ўта қийин. Чунки бошқарувнинг барча погоналарига раҳбарлик қилаётгандарнинг фаолиятлари ўта мураккабdir. Масадан, умумий омиллардан маркетинг, менежмент, режалаштириш, ташкилот ва унинг бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш, бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларни тартибга тушириш, бошқарув ечимлари ёки қарорларини қабул қилиш, барча жараёнларни назорат қилиш кабилар шу даражада тез ўзгариб турадики, уларни доимо муваффақиятли қондириш катта муаммодир.

Шу нуқтаи назардан, ҳар бир раҳбар ходим, унинг эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, ўз меҳнатининг самафадорлигини ошириш имкониятларини билмоги лозим. Яна у илмий-техник ютуқлардан, янги тажриба ва технологиядан, бошқаришнинг самарали усусларидан кенг фойдаланилган ҳолда ўз истеъодини ўстириш, ўз-ўзини такомиллаштириш, тарбиялаш қобилиятларига эга бўлиши даркор. Энг муҳими хўжалик юритишнинг иқтисодий усусларида ихчам, арzonлаштирилган, мукам-малаштирилган вариантлардан фойдаланиш диққат марказда бўлиши лозим.

Тадбиркор раҳбар бозор ҳолатини баҳолаш, кўра билиш қобилиятларига ўз вақтида тўғри ечим ва қарорлар қабул қилиб, амалга ошира олишлари лозим. Ҳозирча бизда бозор муносабати талабларига жавоб берадиган етук юқори даражали раҳбарлар кам, уларни қайта тайёрлаш, малакаларини ошириш давр талабидир.

Замонавий раҳбарлар ҳақида ҳар хил фикр-мулоҳазалар мавжуд. Раҳбар Учун умумлашган, ҳар томонлама асосланган таърифни бериш қийин. Раҳбар иқтисодиётни, ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхши билиши билан бирга

одамлар хулқига оид фанлар (психология, социология, социал психология, антропология)ни етарлича билиши ва риоя қилиши фойдалидир.

Шундай қилиб, раҳбар амалда ҳамма бошқариш ишларини бажариши лозим бўлади. Лекин умумий бошқариш омилларни билиши шарт:

— ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)ни режалаштириш, ташкил этиш ва маҳсулот (хизмат кўрсатиш)ни ошириш;

— ноанъанавий бошқариш ечим ва қарорларини қабул қилиш;

— жамоани замонавий талаблар асосида бошқариш;

— одамлар билан бевосита мулоқатда бўлиш;

— одамларни ижодий меҳнат қилишга даъват этиш, мукаммаллик, ихтирочиликни кўллаб-куватлаш, ҳар бир ходимнинг эришган муваффақиятини адолатли баҳолаш ва рағбатлантириш;

— ихтилоғли ҳолатдан чиқиши йўлини билиш;

— ўзини ёқтиришига қарамай, имкон борича холис бўлиш;

— ходимларни холис танлай билиш, ўқитиш ва ўргатиш;

— бўйсунишни билиш ва субординацияга риоя қилиш;

— иш юзасидан мунозара олиб боришни билиш.

Албатта, бундай кўпсонли ҳар хил бошқариш вазифаларни бажариш учун раҳбар тегишли фазилатларга эга бўлиши ва астойдил тайёргарликдан ўтиши лозим бўлади. Бундан ташқари, раҳбар доимо ўз устида ишлаши, билими, маҳоратини ошира бориши мақсадга мувофиқдир.

Таянч сўз ва иборалар

Ташкилот, гурӯҳ, ҳалқ хўжалик комплекси, расмий ва норасмий ташкилотлар, ресурслар, ташки мұхитта боғлиқлик, меҳнат тақсимоти, бошқаришнинг зарурийлиги, тузилма, ахборот, мақсад, масала, муваффақият, муносабат, натурал иқтисодий тизим, бозор иқтисодий тизими, қонун, тамоийл, андоза, бош вазиға (миссия), устувор таҳлил қилиш, устувор танлаш, бошқаришнинг эҳтиёжи, раҳбарнинг умумий омиллари.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ташкилотнинг асосий белгилари нималардан иборат?

2. Ташкилотда ишлаб чиқариш билан ишлаб чиқариш жараёни орасидаги фаолиятлар фарқига изоҳ беринг.

3. Ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришга илмий ёндашишларни тушунтиринг.

4. Ташкилотнинг асосий хусусиятларига нималар тегишли?

5. Ташкилотнинг ҳаётний даврининг босқичларига изоҳ беринг.

6. Ташкилотдаги асосий тизимларни ажратишда «Мажмулар назарияси»нинг қўлланилишини тушунтиринг.

7. Ташкилотдаги асосий тизимлар нималардан иборат?

8. Нима учун ташкилот жамоасининг ижтимоий сифатига эътибор бериш лозим?

- 9. Бошқаришни ташкил этишдаги асосий тамойилларга бошқаришнинг эҳтёжлари нималардан иборат?**
- 10. Раҳбар фаолиятидаги умумий омилларни санаб беринг.**

Адабиётлар

1. Виханский О.С., Наумов А.И. Менеджмент: человек, стратегия, организация, процесс: Учебник. М.: Изд-во МГУ, 1995. 8—16, 155—166, 257—292, 325—365-бетлар.
2. Йўлдошев К., Муфтайдинов К. Иқтисодий билим асослари (қайта ишланган ва тўлдирилган 2-нашри). Т.: «Ўқитувчи», 1999 й. 17—21, 27—44, 153—156, 169-бетлар.
3. Мескон М.Х., Альберт М, Хедоури Ф. Основы менеджмента: Пер.с англ. М.: Дело, 1996. 28—36, 39—44-бетлар.
4. Менеджмент организации. Уч.пос. Под ред. З.П.Румянцевой, Н.А.Саломатина. М.: Инфра— М. 1996. 39—48-бетлар.
5. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: 100 савол ва жавоб.-Т.: «Меҳнат», 2000. 90—110-бетлар.
6. Кўчкоров А ва б. Менежер имкониятлари. Т.: «Истиқлол», 2000. 17—31-бетлар.
7. Қосимов Е.М. ва б. Тарабаларда ташкилотчилик ва бошқарув қобилиятларини шакллантириш. Наманган, 1999. 5—33-бетлар.
8. Қосимов Е.М. Менежмент. Т.: «Ўзбекистон», 2002. 10—12, 14—16, 24—25-бетлар.

5-БОБ. ТАШКИЛОТ ВА ТАШКИЛИЙ БОШҚАРИШ НАЗАРИЯСИ, УНИНГ ИЛМИЙ БИЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ

5.1. МУЛКЧИЛИКНИНГ ТУРЛИ ШАКЛЛАРИ

Ўзбекистонда XX асрда асосан давлат (умумхалқ) ва кооператив-колхоз мулки устунлик қилиб келди. 1990-йилларнинг бошларида 89 фоиз давлат мулкига, 10 фоиз кооператив мулкига, 1 фоиз хусусий мулк улушига тўғри келар эди. Ҳозир вазият тамомила бошқача, баъзи нодавлат секторининг улуши 80—90 фоизга етади. Мулк давлат тасарруфидан жадал чиқариш жараёни давом этмоқда. Кўплаб давлат ташкилотлари негизида ҳиссадорлик жамиятлари пайдо бўлмоқда.

Давлат мулкини хусусийлаштириш соҳасида усуслар такомиллаштирилмоқда. Бундай усуслар қаторига акциялар савдосини ўтказиш, хусусий маблаг киритиш, мулкни сотиш, ташкилот ёки фирма раҳбарлари ва жамиятлари томонидан сотиб олиш, ижарага бериш кабилар киради.

Устувор хусусийлаштириш борасида Ўзбекистонда ишлаб чиқариш ҳукуқлари таълимоти асосида ташкилотлар, фирмалар қўйидаги ташкилий-ҳукуқий шаклларга эта: хусусий мулкчилик, жамоа мулкчилиги, давлат мулки, аралаш мулкчилик, чет эл фуқаролари, ташкилотлар, давлат мулклари.

Ўзбекистонда қуидаги бизнес субъект(эга)лари бор: қонун олдида жавоб берга оладиган фуқаро, фуқаролар гуруҳи, жамоа бизнеси, чет эл фуқароси ёки юридик шахс, аралаш мулк субъектлари.

Хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида мулк бўлиши керак. Мулк деганда ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, машина, ускуна, бино-иншоот, конлар, маҳсулотлар, хизматлар, тарихий-маданий ёдгорликлар, илмий-техник ғоялар, товар белгилари, товарларнинг ўзи, ақлий-жисмоний қобилиятлар назарда тутилади.

Мулкчилик субъекти — мулк обьектини ўзлаштиришда қатнашувчилар, мулкий муносабатларнинг иштирокчилари. Мулкнинг шакллари ўзлаштиришнинг характеристидир (кўриниши, қиёфаси, мазмуни). *Хусусий мулк турли кўринишда:* индивидуал (якка), кооператив (ширкат, гуруҳий). Сўнгги мулкнинг муҳим кўриниши: монополистик хусусий мулк; жамоа мулки (кооператив, ижарага олинган корхона жамоаси, ижаракилар жамоаси, корхона жамоаси, корхона ва ташкилотлар ўюшмаси, ассоциация мулки, ижтимоий ташкилотлар мулки, диний ташкилотлар мулки) оила мулки, маҳалла мулки.

Давлат мулки — бойликни ўз вазифасини адо этиш учун давлат томонидан ўзлаштирилишидир. *Олий ҳокимият органлари мулк субъекти ҳисобланади.* Ўзбекистонда давлат мулкини тасарруф этишга Олий Мажлис ва ундан ваколат олган органлар ҳақлидир.

Давлат мулки бошқа мулклар билан ҳам ўзаро киришиб кетади (*аралаш мулк*). Масалан, акционерлик жамият акциясининг асосий қисми давлатники бўлгани ҳолда, қолган қисми хусусий ва жамоа мулки бўлиши мумкин. Шу боисдан барча мулк шаклларининг мажмуаси *мамлакатнинг миллий мулки бўлади*.

Маълумки, бозор иқтисодиёти бизнес ва унинг таркибига кирувчи тадбиркорликка асосланган иқтисодиётдир. Бизнес ҳам бирор фаолият, яъни хўжалик юритишидир. Тадбиркорлар синфи турли тоифадаги ишбилармөнлардан иборат. Тадбиркорликнинг мулкий шакллари ҳам ҳар хил. Кишлоқларда фермер хўжаликлари, саноат-савдо марказларида йирик тадбиркорлик, давлат тадбиркорлиги кенг ривожланади, кичик шаҳарларда кичик тадбиркорлик, майда ҳудудий бўғинларда оиласиб — якка ва маҳалла жамоа тадбиркорлигига шароит қулай бўлади.

Тадбиркорлик ўз-ўзидан давлат иштирокисиз, унинг ёрдамисиз ривож топмайди. Давлат субсидиялар, экспорт имтиёzlари, солиқлар, ўзининг ахборот хизматлари орқали, шунингдек, ўз ҳисобидан бепул умумий таълим бериш орқали тадбиркорликни кўллаб-куvvatлайди.

Бозор иқтисодиётидаги ташкилот, у қандай бўлишидан қатъи назар асосий товар ишлаб чиқарувчидир. Тадбиркорлик корхонадан, ташкилотдан бошлиданади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий эркинлик даражасига қараб уч тоифа ташкилот пайдо бўлади:

- давлат буюртмаси сақланган ташкилот;
- ҳам буюртма, ҳам бозорга ишловчи ташкилот;

— факат бозорга ишловчи ташкилот.

Ташкилотларнинг мулкий мақоми ва хўжалик юритши услуги бўйича асосий турлари қўйидаги: хусусий фирмалар, масъулияти чекланмаган (жамият) фирмалар, масъулияти чекланмаган фирмалар (ширкатлар); давлат корхоналари — фирмалари, аралаш корхоналар, корхоналар бирлашмаси (консорциум ва концерн), фирма шаҳобчаси (бўлинмаси) ва ваколатхонаси.

Фирмалар иш кўламига қараб кичик корхона, ўрта корхона ва йирик корхонага ажralади.

Мулкий мақомидан қатъи назар ташкилотнинг кооператив-гурухий манфаати мавжуд.

Ташкилот, мулк шаклидан мустасно ҳолда, ишлаб чиқарувчилар жамоаси ва уюшмасини ташкил этади.

Ташкилот жамоаси уч тоифа кишилардан ташкил топади — ташкилот эгалари, менежерлар (бошқарувчилар), ёлланиб ишловчилар.

Ташкилотнинг ташкилий қурилиши тўрт босқичдан иборат:

- ташкилотнинг ташкилий қурилишини танлаш;
- департаментлаш;
- мослаштирилган ташкилий қурилишни танлаш;
- марказлашган ва номарказлашган ташкилотларни аниқ ажратиш.

Ташкилотларнинг фаолият кўрсатишлиаридағи ташкилий ва услубий ўзгаришларидан мақсад жараёнларни маъмурий бошқаришдан ажратилиб, хўжалик юритувчи субъектларга кўчиришдир, барча асосий вазифаларни назорат қилиш давлат органларидан ташкилот раҳбарларига ўтказилишидир. Демак, хўжалик юритиш субъектларининг улуши ортиб боради.

Ташкилотнинг ташкилий қурилишини танлаш ташкилий лойиҳалашнинг поғоналарига (ташкилотни горизонтал бўйича йирик блокларга бўлиш, ваколатларни ҳар хил вазифадаги муносабатлари, вазифалар мажбуриятини аниқлаш), амалдорлик ёки функционаллик (амалдорли ташкилий қурилиш, амалдорликни салбий тавсифи)га эътибор бериш лозим.

Амалдорли ташкилий қурилиш меҳнатни юқори даражада бўлиши билан тавсифли, одамлар хулқининг кўпдан-кўп қонда ва меъёрини борлиги, ҳодимларни уларнинг ишбилармонлик ва қасбнинг сифатига қараб танлаш кабилар билан фойдаланилаётган асосий турларидан бири бошқаришни амалдорли ташкилий қурилиши (функционал ташкилот), йирик ва мураккаб ташкилотларда эса бўлинмали (дивизионли) тузилиш (ҳар хил маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган), ҳалқаро бозорларда фаолият кўрадиган ташкилотнинг ташкилий қурилиши, мослаштирилган ташкилий қурилиш, Марказлаштирилган ва номарказлаштирилган ташкилотлар.

Функционал ташкилотнинг ташкилий қурилишининг бაъзи муаммолари Узвий равишда ёки мослаштирилган ташкилий қурилишларини киритиш билан ечилишлари мумкин. Мослаштирилган тузилишларнинг асосий турлари лойиҳалаш ташкилотлари, матрициали (қолипли) қурилишдаги ташкилот, муайян вазиятга мос келадиган ташкилот турлари (конгломерат турдаги) киради.

Лойиҳалаш ва қолипли ташкилотларда маҳсус қурилиш, вақтингча мақсадли Қурилиш ташкилотнинг доимий қурилишига қўшиб қўйиш бўлади. Бунда

күшімча құшиб құйилған ваколат бошқа бир ҳолатда ҳокимлік учун кураш олиб келади. Конгломерат асосий ташкилот ва алохіда қаралаған иқтисодий марказлар тимсолида тармоқланиб чиққан ширкат (шұйба)лардан қурилған. Асосий, она ташкилот ўзининг мұхим үсишига биноан тармоқланиб чиққан ширкат маңсулоттарини сотиб длади ва сотади.

Ташкилотларнинг замонавий йириклашиш шакллари: ҳиссадорлик үюшмалари, ҳиссадорлик жамоалари, корпорация, транснационал компания, холдинг, консорциум, құшма қорхоналар, картель, синдикат, трест кабилар амалда фаолият күрсатмоқда.

Ташкилот турлари ташқи мұхит билан ўзаро таъсири бүйічә механистик ва органик күренишда бўлади.

Бўлим ва бўлинмаларнинг ўзаро таъсири бүйічә анъанавий, дивизионал (бўлинмали) ва матрица(қолип)ли ташкилот турлари мавжуд.

Одамлар билан ўзаро таъсири бүйічә ташкилотлар корпоратив ва индивидуалистик турларга бўлинади.

Ташкилотларнинг турларидаги янгилари: эдхократик ташкилот, кўпчўлчамли, партисипатив, тадбиркорли, бозорга мўлжалланған ташкилотлар.

Ташкилотлар қайси бир мулкчилик турида фаолият кўрсатмасин ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги асосий тамойиллар илмий асосланған, истиқболли, самарали ва мақсадларга эришиш учун эҳтиёж уйготади.

5.2. ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ОҚИЛОНА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА БОЗОРГА ЙЎНАЛТИРИЛИШИ

Ташкилот ёки фирмаларнинг фаолият кўрсатишлирадаги мулкий муносабатлар, ташкилий ва услубий ўзгартиришлардан мақсад ишлаб чиқариш жараёнларини оқилона ташкил этиш учун ташкилот раҳбарлари ихтиёрига ўтказишдир. Демак, хўжалик юритиш субъектларининг улуши ортиб боради.

Хўжалик юритиш субъектлари иккита умумий шаклда ишлаб чиқаради: натурал ва товар. Хўжалик юритиш — иқтисодий фаолият демакдир.

Натурал хўжалик бозор иқтисодиётига қадар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий шакли бўлиб келган. Натурал хўжаликнинг мавжудлиги ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиш даражасининг пастлиги, меҳнат тақсимотининг йўқлиги, меҳнат унумдорлигининг ғоятда пастлиги ва бошқа сабаблар билан боғлиқдир; улардаги ишлаб чиқариш, асосан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан иборат бўлиб, то индустрнал даврлар учун характерли эди.

Аста-секин ишлаб чиқарувчи кучларнинг үсиши, меҳнат тақсимотининг пайдо бўлиши, хусусий мулкчиликнинг қарор топиши натурал хўжаликнинг емирилишига, унинг ўрнида *товар хўжалиги* деган янги ижтимоий хўжалик шактини шаклланишига олиб келади. Товар хўжалиги узоқ тарихий тараққиёт маңсулоти сифатида вужудга келди.

Товар хўжаликларининг иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиб, алохіда алохіда фаолият олиб боради. Бунинг маъноси шундаки, нима ишлаб чиқаради, қанча ишлаб чиқаради, кимга ва қаерда сотади, қандай баҳоларда

сотади — бу фақат товар ишлаб чиқарувчининг ўз иши, у фақат бозор қонунлари(қиймат қонуни, талаб ва таклиф қонуни, пул муомаласи қонуни, рақобат кураши қонуни)ни тан олади, уларнинг талаблари билан ҳисоблашади, холос.

Товар ишлаб чиқариш бозор иқтисодиёти тизимининг моддий асоси. Демак, хусусий мулкчиликни, унинг ранг-баранг шаклларини, умуман кўп мулкчиликни вужудга келтириш лозим. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» қонун қабул қилинган.

Товар ишлаб чиқариш тизим сифатида асосий муносабатга айланиши бошқа иқтисодий тизимларнинг бутунлай чекланишини билдирамайди. Масалан, ўз характерига кўра натурал шаклда бўлған шахсий ёрдамчи хўжалик, ўз хўжалиги, якка хўжалик кабилар ҳам мавжуд муносабатлар доирасида бемалол яшаши мумкин.

Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йўли» китобида «Бозорга ўтиш муқаррар. Бу — давр талаби, объектив реалликдир» (Т.: 1992, 44-бет), дейилади. Шундай экан бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ қонунларни, хўжалик юритиш субъектларининг хусусиятлари ва турларини ўрганиш, юқорида таъкидланганидек давр талаби. Бунда фаолият кўрсатувчи раҳбар, менежер, мутахассис ва ижроидан яратувчанлик, ижодкорлик, ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этиш талаб қилинади.

Ишлаб чиқаришнинг моҳиятини билмай, тараққий этиш қонунларини англамай, уни самарали ташкил этиш мумкин эмас, уни инсон манфаатига фойдаланиш, унинг фаолиятини замонавий технологияга ўтказиш мумкин эмас. Шу боис ташкил этиш деганда уюштириш, тузиш, жалб этиш, ташкилий тузилишини таъминлаш каби ифодалар англаниши мумкин.

Ташкил этиш — илмий техник тараққиёт режаларини ҳамда режалар тизимини амалга оширишда ишлаб чиқариш, ижтимоий, иқтисодий, руҳий, қасбий муносабатларнинг барча шакллари билан қамраб олганлиги учун маълум кафолат ҳамдир. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш инсонни билимидаги, маҳоратидаги, ҳаракатидаги ва тажрибасидаги, уни онгидаги баъзи бир саёз томонларини тўлдиришга таъсир кўрсатади, барча жараёнларни бажарилишида лозим бўлған малака ошириш учун шароит билан таъминлайди.

Ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этиш, ресурсларни мақсадга мувофиқ сарфлаш, бекордан-бекор исроф бўлишига йўл қўймаслик ва шулар асосида Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш бозор иқтисодиёти шароитидаги муҳим ва долзарб муаммолардан биридир.

Ишлаб чиқариш тизимини ташкил этиш бозор иқтисодиёти шароитида, айниқса, эркин рақобатта асосланган иқтисодий кураш, рақобат, мақсадларга ўз вақтида эришиш каби хўжалик юритиш механизмлари тараққий этаётган даврда фақатгина илмий асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Хўжалик юритиш ва ишлаб чиқариш тизимини бошқариш механизмларининг самарадорлигини янада ошириш салмоқли ва етакчи вазифадир.

Ишлаб чиқариш тизими ишлаб чиқариш жараёни, уни бажариш учун таалаб этиладиган хизмат кўрсатиш, муомала, иқтисодий, ижтимоий, молиявий муносабатлардан иборат. Шунинг учун ташкилотда маҳсулот ишлаб чиқарганда унинг унсур ва жараёнлари режалаштирилиб, амалда ташкил этилади. Бордию ишлаб чиқартган маҳсулотлар ҳажми ўзгарса, ишлаб чиқариш тизимидағи иш ҳажми ҳам ўзгаради.

Ишлаб чиқариш тизимининг барча технологик-ташкилий, иқтисодий-ижтимоий, бошқарув ва молиявий элементлари, жараёнлари мос равнішда қайта оқилона ташкил этилиши лозим. Бундан бўён эркин рақобатга асосланган иқтисодий кураш кетади, бир қанча ташкилотлар ҳам шундай турдаги фаолиятлар билан эркин шуғулланиб, ҳўжалик юритиш механизмлари тараққий этади.

Ташкилотларда ишлаб чиқаришни ихчам, арzonлаштирилган ва мукаммаллаштирилган маҳсулотлар (хизмат кўрсатишлар) кўп ҳолларда ишлаб чиқариш тизимидағи мутахассис ва ижрочиларнинг самарали муносабатларига боғлиқ. Ҳар бир ижрочи бажарилган ишнинг натижаларига, шунингдек ишлаб чиқариш бўлим, қисм ва бўлинмалари фаолиятига тўғри баҳо бериш учун топширилган топшириқ ҳамда вазифаларни бажаришга қанча ресурс сарф қилинишини билиши керак.

Ҳар қандай ишлаб чиқариш ресурслар сарфига боғлиқ. Шунинг учун маҳсулот ишлаб чиқариш ҳар томонлама асосланган ресурслар сарфи меъёрлари ёрдамидагина тўғри ҳал қилиниши мумкин.

Илмий асосланган ресурс сарфи меъёр ва белгиланган меъёрларсиз ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этиш мумкин эмас, шу билан бирга бизнес-режали ҳўжалик юритиш, ташкилотни бир текисда фаолият кўрсатишни йўлга кўйиш, ташкилотда ишлаб чиқариш фаолиятининг кўрсаткичларини аниқлаш ҳам мумкин бўлмайди. Ишлаб чиқаришда вақт (вақт ҳам ресурс) сарфи меъёрига асосан ишлаб чиқариш жараёнлари, даври ёки цикли, тизими, ходимларга бўлган эҳтиёж аниқланади, ишлаб чиқарышнинг циклини давом этишига қараб топшириқлар ҳисоблаб чиқлади.

Ишлаб чиқариш даврининг давом этиши муҳим фактор бўлиб, инфратузилма фаолиятидаги топшириқларни бажарилишига катта таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқариш даврининг давом этиши муддати инфратузилмаларда ишлаб чиқариш жараёнини бошлаш вақтидан то тугашигача сарфланган вақт ҳисобланади.

Ҳар бир ижрочи, иш жойи, бўлим ва бўлинмаларнинг ишлаб чиқариш имкониятларини тўла ҳисобга олмасдан, нотўғи, яъни камайтириб ёки кўплайтириб тузилган ресурс сарфи меъёрларига асосланиб сарфлангай қўшимча сармоя маблағлари, янги бино, иншоотлар қуриш, қўшимча техника, технология жиҳозлари яратиш ва уларга хизмат кўрсатувчи ишчиларни жалб қилиш зарурми-зарур эмасми деган масалалар билан шуғулланувчи ходимларни нотўғи холосага келтириш мумкин.

Қачонки, ишлаб чиқариш тизими илмий асосда ташкил этилар экан, ташкилот ва ташкилий бошқарии назариясининг илмий билим тизимида ўрни

юқори тоғонага күтарилған бұлади ҳамда шундай бұлишиниң амалий қаёт тақозо әтмоқда. Шу сабабдан ишлаб чиқарыпда ташкил этишнинг илмий жұналишлари қаторига қуидагиларни киритиш мүмкін:

— ақлий мәхнат жисмоний мәхнатта нисбатан юзига хос фарқи бор. Масалан, мураккаб мәхнатларнинг бажарылыш тартибини мустақил танлаш, ҳисоблаш, лойиҳалаштириш, истиқболини белгилаш, режалаштириш, мувофиқлаштириш кабиларни ташкил этиш ижроидан ақлий күвват, билим, ижодий қобилят, истеъдод, маҳорат каби энергиялар сарфлайды, бошқача айтганда физиологик жараёнда мәхнат қиласы. Физиологик жараённинг мақсади буюмлашған мәхнат сарфи меъёрида бўлишига, жиҳозлар ва воситаларнинг ишлаш тартиби асосланған равишда ишлашига интилишидир;

— иш жойлари, жабхаларини ташкил этиш ва уларга хизмат кўрсатишини узлуксиз яхшилаб бориш, у жойларни ижрочининг физиологик, антрометрик тавсифига ҳамда эстетик идрокига мос бўлған мәхнат предметлари, қуроллари, воситалари, шароит воситалари билан таъминлаш, иш жойларига иш вақтининг исроф бўлишини йўқотадиган энг самарали хизмат кўрсатиш тартибларини жорий қилиш;

— мәхнат жараёнини такомиллаштириш, мәхнатнинг илғор усул ва услубларини жорий қилиш. Бу ишга мутахассис, ижрочиларнинг юқори мәхнат унумдорлигини таъмин этувчи энг оқилона мәхнат жараёнини лойиҳалаш, татбиқ қилиши йўли билан, шунингдек, мәхнатнинг илғор усул, услубларини аниқлаш, танлаш ва ёйиш йўли билан эрициши;

— мутахассис ва ижрочиларни танлаш, қасбий тайёрлаш, уларнинг малакаларини оширишни ташкил этиш ишини, шаклларини яхшилаш, техника, технология, психология, социология, социал психология, антропология, педагогика, иқтисодий назария фанларининг ҳозирги замона талабларига жавоб берадиган таълим, тавсиялари, шакллари ва усулларини танлаш;

— иқтисодий муносабат нұқтаи назаридан мәхнат предметлари, қуроллари ва воситаларидан, шунингдек, иш вақти, рағбатлантириш усуллари ҳамда илғор мәхнат услубларидан самарали фойдаланишга асосланиб, турли хилдаги ресурсларга оқилона вақт сарфланишини аниқлаш;

— мәхнат ресурслари, ақлий салоҳиятлар, мәхнат воситалари учун иш кунининг мақсадга мувофиқ тартибларини ишлаб чиқыпда ҳамда айрим жараёнларнинг оқилона изчиликда бажарилишини ва давом этишини белгилаш;

— замонавий ташкилот фаолиятини ташкил этиш муаммоларини илмий асосда ечиб чиқиши, уларни амалиётта жорий қилиш;

— ташкилот ва ташқилюй бошқариш назариясига психологиянинг күштән ҳиссаси индивидум хүлқини ўрганиш, белгилаш, ҳамда одамлар хүлқини ўзгариш имкониятини ўлчаш, аниқлаш, улардан амалиётта самарали фойдаланиш;

— ижтимоий тизимни ўрганиш ҳисобига ташкилот фаолиятини ташкил этиш таълимотини социология соҳасидаги тадқиқотлар натижаси кенгайтиради.

Шу сабабдан индивидуум ўз вазифасини бажаради ва ўзаро маълум муносабатларда қатнашиши кабиларни ҳисобга олиш;

— социал психология ўзаро шахслар ҳулқи қандай ўзгаришида бораяпти. Улар қандай шаклда кечаяпти, уларни тарбиялашдаги түсиктәр қандай енгиб ўтилоқда кабиларни ҳисобга олган ҳолда самарали фойдаланиш;

— одамлар ҳулқи ва фаолиятларини ташкилот жамоаси ҳаётida қандай тутишларини ўрганиш, унга фойдали ечим қабул қилиш;

— одамлар ҳулқи ҳақидаги фанларнинг ютуқлари, ижтимоий, сиёсий, рухий, ахлоқий, миллий-демографик омиллари, раҳбар, мутахассисларнинг илмий фикрлашлари каби умумиқтисодий муносабатларни ташкилот фаолиятининг мақсадига мөс қўллай билиш;

— ташкилотда ташкилий бошқариш тузилмасини қуришда умумиқтисодий муносабатлар қатори бозор тузилмаси, талаб на таклиф, маркетинг, инфляция каби муносабатлар тоифасини билиш, амалиётда қўллай олиш;

— ишлаб чиқариш тизимида улуши ва саломги юқори бўлган инфратузилмалар (транспорт, таъминот, банк, йўллар, алоқа, ахборотлар хизмати, энергия ва шунга ўхашлар) ва ресурслардан оқилона, ижодий фойдаланиш.

Демак, ташкилотда меҳнат предметлари, қуроллари, воситалари ишлаб чиқаришнинг пиорвард натижасига таъсир қилувчи омиллардир. Ташкилотларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун бир қанча вазифаларнинг ҳар бирини, бир вақтнинг ўзида, бир-бирига боғлиқ ҳолда мажмуи ҳал этиш лозим бўлади.

Ташкилотда ишлаб чиқариш самарадорлигини, маҳсулот сифатини ошириш кўп ҳолларда ижрочиларнинг ўз меҳнат натижаларидан рагбатлантирилган даражасига боғлиқ, мойиллик механизмини оқилона аниқлаш, ўрганиш, амалиётда узлуксиз қўллаш мутахассислар томонидан яратилиб турилишини талаб этади.

5.3. БОШҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ ТАМОЙИЛ ТУШУНЧАСИ

Тамойил тушучасига ўтишдан олдин Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.Каримов Ўзбекистон тараққиётининг машҳур беш тамойили ҳақида гапириб, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, давлат асосий ислоҳотчи, қонунлар ва уларга риоя қилиш устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат юргизиш, бозор иқтисодиётига секин-аста, босқичма-босқич ўтиб бориш деган фикрларини эслаб ўтиш лозим. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт ҳамма нарсадан устун, белгиловчи, у ҳақиқатдан ҳам жамиятнинг иқтисодий замини демакдир.

Тамойил атамасининг маъноси — ишлатиладиган мавжудотларнинг кичигидан каттасигача, пастдан баландига қараб турлича маънони англатади. Изоҳли луғатларда, рус ва инглиз тилларида «принцип» деб аталса, ўзбекчада назария, таълимот, фан ва ҳоказоларнинг асосий пойдевори, қонун-қоидаси, хатти-ҳаракат, фаолият учун асос қилиб олинган қонун-қоидаси кабиларни англатади. Сиёсий луғатларда эса фаолият, юриш-туриш ва ҳоказоларнинг

асосий қоидаси дейилса, фан, назария, сиёсатда асосий бошланғич қоидадир. Қичик ва қуий мавжудотларда, масалан, нұқтаи назар, қарааш, фикр, бурд, бирор киши қаттиқ ушлаб олған қондаси — бир принципда турмоқ, принцили йүк одам...

Тамойил халқаро ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа заспектларда, мамлакат күләмінде иқтисодиёт, халқ хұжалиғы, ташкилот, тизим кабиларда құлланилади. Масалан, ташкилот фаолиятінің бошқаришни ташкил этиши тамойилига ташкилотнинг ички бүлімінде бүлинмелар, бошқариш поғоналары, раҳбарлар, бүйсунувчилар орасынан ұзаро мұнисабатларни белгілаш ҳамда ташкилот доирасында ечиладиган масалаларни тақсимлашларға қўйиладиган асосий пойдевор, талаблар, қонун-қоидалар, қараашлар, тартиблар, нұқтаи назарлар, ахлоқ мөйерлар, корхона назарияси, таълимоти кабилар киради.

Бошқарув ечимини оптималлаштиришни асослаш тамойилларига оптималь бошқарув ечимларини тизимли англаш, самарали ечишга мақсадлы изланиш (қидируг), оптималь бошқарув ечимининг андозасыга қўйиладиган талаблар кирса, ташкилий тузилмани қуриш тамойилига ташкилий бошқариш тузилмеларига қўйиладиган талаблар, ташкилий тузилмани қуриш тамойиллари мисол бўлиши мумкин.

Бошқарув деганда оддийтина қилиб таъриф берадиган бўлса, мақсадларга эришиш учун фаолиятни ташкил этиш, режалаштириш, мойиллик, маркетинг ва назорат қилиш тушинилади.

Демак, ташкил этиш, режалаштириш кабилар ўзининг фан таълимотига, тамойилига эгадир. Режалаштириш таълимоти миллий иқтисодиёт режаларини ишлаб чиқишнинг умумий талаблари, тамойиллари ва усуалари йигиндисидан иборат.

Иқтисодий тамойиллар — бу атаманинг ўзидан келиб чиқадиган умумлашмалар бўлиб, ўзида маълум аниқлиги бўлмаган миқдорий таъриф. Иқтисодий даиллар одатда ҳар хиллиги билан фарқланади, бир шахс ва юқори орган бундай ҳаракат қиласа, бошқаси яна ўзгача. Шунинг учун иқтисодий тамойиллар аксарият ўртача қиймат ёки статистик эҳтимоллик кўринишида ифодаланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ташкилотга оид олтита тамойилларни санаб ўтиш мумкин.

1. Ташкилот режасини тузиш учун энг юқори фойда олиш мақсади билан боғлиқ. Бу эса ташкилот менежерлари, иқтисодчилари, маркетинглардан бозор мұнисабатларининг асосий билимлари билан қоролланишларини талаб қиласи.

2. Ташкилот ишларida, барча ўзгаришларда ҳам менежерга ташкилот маҳсулотининг (хизмат кўрсатишининг) истеъмолчилари билан иш юритишига тўғри келади. Бунда лозим бўлган рекламаларни кўрсатиш, истеъмолчи бу янгиликтан ёки ўзгаришдан нима ютади. Шу каби чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ҳам ҳозирги вақт маркетингининг таркибий қисми бўлиб қолади.

3. Ташкилот раҳбарларининг биринчи вазифаси — бозор мұнисабатлари шароитида ташкилот иши қандай ҳажмда бажарилиши кераклигини аниқлашлардан иборат. Бошқача қилиб айтганда, ташкилот ихтиёридаги

ресурслари (моддий, молиявий, меңнат, интеллектуал салоҳият ёки тадбикорлар, вақт, экологик хавфсизлик), ўзининг жойлашуви ва кўпгина бошқа ташкилотлар фаолиятини тавсифлайдиган омиллари асосида зарур бўйган ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш турлари, майший ва шунга ўхшашибардан истиқболлиси танлаб олиниади. Шундан кейнингни ташкилотнинг бизнес-режаси, унинг бўлинмалари ишлаб чиқилишига киришиш мумкин.

4. Ташкилот фаолиятида маркетингнинг аҳамияти ўта юқори, чунки бажариладиган ишлаб чиқариш жараёнларига қўйиладиган талабларни касбий даражада маркетинг мутахассисигина билиши мумкин. Шундай кишигини ташкилотнинг ишлаб чиқариш тизимиға ижобий таъсир кўрсатади.

5. Бозор шароитида барча режалашириш тизимининг асоси — тижорат ишларининг башорат қилинишиларини тузишdir. Бу ерда маҳсулот (иш, хизмат кўрсатиш)ни харид қилиш ёки бажариш ҳажми. Шунинг учун ташкилот раҳбарининг муҳим вазифаси — бозор муносабатила қанча миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш харид қилиши мумкинлигини аниqlашдан иборат.

6. Маркетингнинг асосий вазифаларидан бири истеъмолчиларнинг таркиби, эҳтиёжи, мўлжали, ҳатто ижтимоий ҳодисалар ёки сиёсий жараёнлардаги ўзгарицларга эътибор бернишdir. Буларнинг барчаси у ёки бу даражада талабларга таъсир кўрсатиши мумкин, баъзан мутлақо кутилмагандан ҳал қилувчи омил бўлиши мумкин. Иккинчи томондан башорат даври қанча қисқа бўлса, башоратнинг натижаси шунча аниқ бўлади.

Шундай қилиб, тамойил тушунчаси шу даражада кенг қамровлики, уни бўлиб, қайси бошқарув погонасига, қайси ишлаб чиқариш тармоқларига, ноишлаб чиқариш доирасига қараб танлаш ва ишлата билиш муваффақиятлар гарови бўлиб қолади.

5.4. АНРИ ФАЙОЛ БЎЙИЧА ТАМОЙИЛЛАРНИ ГУРУХЛАШ

Қатор олимлар Фредерик У. Тейлор, Майл X.Мескон, Френк ва Лилион Гилбрет, Питер Друкер, Генри Гантт. И.Ансоф, Анри Файол, Милтон Фридмен, Линдалл Урвик, Алфред П.Слоун, Мери Паркер Фоллетт, Элтон Мэйо, Фредерик Герцберг, Ренсис Лайкерт, Абрахам Маслоу, Раис Ахметович Фатхугдинов, Виханский О.С., Герчикова И.Н., Гвишани Д.М., Попов Г.Х., Попов А.В., Агашибегян А.Г., Васильев Ю.П., Анчишкин А.И., Қобулов В.К., ва бошқалар ишлаб чиқаришни бошқариш ҳақида илмий асарлар яратдилар. Улар бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича шуғуланиб, маъмурӣ мактаб мутахассислари пайдо бўлиши билан бутун бир ташкилотни бошқаришни такомиллаштириш йўлини ишлаб чиқа бошладилар.

Фредерик У. Тейлор ва Френк Гилбертлар ўз карьерасида оддий ишчилар билан тадқиқот олиб бориб, корхонани бошқариш ҳақидаги тасаввурларга сўзсиз таъсир кўрсатди. Тейлор ва Гилберт маъмурӣ бошқарув мактабининг яратувчилари ҳисобланади, чунки уларнинг катта бизнесда бошқарувнинг олий бўгини раҳбарлари сифатида айнан ишлаш тажрибасига эга ҳамда бу

мактабнинг яратилиши билан узвий боғлиқ Анри Файол Франциядаги кўмир қазиб олиш бўйича катта компанияга раҳбарлик қилди. Бошқариш назариясига Файолнинг қўшган хизматлари шундаки, у бошқарувни универсал жараён деб қарашида, бир қанча ўзаро боғлиқ вазифалардан тузилган (ташкил топған), булар режалашибтириш ва ташкил этишлардир.

Иккинчи тоифа классик тамойили корхонанинг тузилмасини куриш, ишчи-ходимларни бошқаришга тааллуқли. Мисод тариқасида ягона раҳбарлик тамойили хизмат қилиши мумкин, бунда киши бошлиқдан бўйруқ олиб ва факат унга бўйсунни назарда тутилиши керак.

Анри Файол бошқаришининг 14 та тамойилни ишлаб чиқди, шакллантириди ва унганинг аксарияти ҳозиргача амалда фойдаланилмоқда. Улар куйидагилар:

1. Меҳнат тақсимоти. Ихтисослаштириш табиий ҳол. Меҳнатни тақсимлашдан мақсад — бир хил куч сарф этган ҳолда ҳажми бўйича кўп ва сифати бўйича яхшироқ бўлган ишларни бажаришдир. Бунга, бошқа мақсадларга эътибор ва кучларни сарфламаслик ҳисобига эришилади.

2. Ваколат ва масъулият.

3. Интизом.

4. Якка бошчиллик ёки яккаҳокимлик.

5. Йўналишларнинг бирлиги.

6. Шахсий мавзфаатларни умумийт мавзфаатларга бўйсундиритиши.

7. Ходимларни раббатлантириши.

8. Марказлашиш. Меҳнатни тақсимлаш каби марказлашиш ҳам ўз ўрнида муҳимдир. Муайян шароитга қараб марказлашиш даражасини мос равишда вариантлаш мақсадга мувофиқ. Шунинг учун марказлашиш ва номарказлашиш орасидаги нисбатни тўғрилиги бўйича савол Қелиб чиқади. Бу муаммони аниқлаш меъёри орқали мумкин бўлган яхши ҳатижаларни таъминлайди.

9. Йўналиши йўқ занжир ёки бошқаришдаги иерархия. Бу куйи бўгиндан энг юқори лавозимларни эгаллаб турган шахслар. Иерархик тизимни инкор қилиш хато бўлур эди.

10. Тартиб. Иш жойи — ҳамма учун ва ҳамма ўз жойларида.

11. Адолат. Адолат бу яхшилик ва ҳаққоният(адлия)ларнинг мослиги.

12. Ходим учун иш жойининг барқарорлиги (доимийлиги).

13. Ташаббускорлик. Ташаббускорлик режасини ишлаб чиқиш, уни мувваффақиятли амалга ошишини таъминлаш.

14. Корпоратив рух (ақл, онг, идрок). Бу ҳерсонални ҳаракати билан ҳатижасининг бирлиги.

Юқоридаги 1,2,4,5,8,9-гуруҳлар тузилмали тамойиллар тоифасига; 3,6,7,11,14-гуруҳлар жараённинг тамойиллари тоифасига, 10,12,13-гуруҳлар пировард ҳатижаларнинг тамойиллари тоифасига киради.

Юргашимизнинг «Амир Темур ҳақида сўз» асаридаги байзи бир тамойиллар Келтиради. «Адолат кучда эмас, куч адолатдади», деган шиор Амир Темур салтанатининг барча ҳудудларида бирдай амал қилиб, ахлоқий-маънавий мезонга айланди ёки бўймаса «Адолат ва озодлик — дастурингиз, раҳбарнингиз бўлсин». Бундан олти ярим аср муқаддам айтилған ва риоя қилинган бебаҳо тамойиллар бўлиб, шу кунга қадар ўз кучини пасайтирумай келмоқда.

5.5. ФРЕДЕРИК ТЕЙЛОРНИНГ ТҮРТ ТАМОЙИЛИ

Америкалик мұхандис, ихтироочи Фредерик У.Тейлор (1856—1915) ташкилот ва ташкилий бошқариш назариясида классик таълимот пойдеворини яратди ва нағақат Америка Күшма Штатларыда, балки Европа давлатларыда бошқариш назариясін ривожлантириша, ундан амалда фойдаланишда мұхим рөль үйнади.

Ташкилот ва ташкилий бошқариш назарияси пайдо бўлиши даври XIX асрнинг биринчи яримларига, манафактура ишлаб чиқариш даврига тўғри келди. Ўша даврда йирик устахоналар юзага келиб, ишчиларни ёллаб ишлатиш лозим бўлди. Мехнат тақсимоти натижасида ихтисослашган маҳсус иш жойларини пайдо бўла бошлади. Иш жараёнларидан бажариласётган иш унсурлари ва операцияларини меъёrlаш, иш жойларига зниқ топшириқлар (режалар) ишлаб чиқишига тўғри келди.

Ф.Тейлорнинг «Илмий бошқарув» тараққиётидаги энг юксак хизмати-у тақлиф этган меҳнатни илмий асосда ташкил этиш тамойили, ишчиларнинг меҳнатини ташкил этиш, уни бошқариш йўналишлари бўйича тамойили. Янги бошқариш тизимининг тамойили, маъмурий бошқариш тамойилидир.

XIX асрнинг охиirlаридан Ф.Тейлор изланишлар олиб бориб, ўзининг «Илмий бошқарув» номли тадқиқот ишида меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича уч элементни биргаликда қараш лозимлигини уқтириди:

— ишлаб чиқарышни таҳлили асосида операциялар бажарилиши кетма-кетлигини оқилона олиб боришилкни аниқлаб, иш жойларига аник топшириқлар ўрнатиш;

— ҳисоб-китоб йўли билан ҳар бир элемент, операция ва ишга меъёrlи вақтни ишлаб чиқиш;

— технологик ёки кўрсатмали ҳариталарда келтирилган иш бажарилиши услугларини ишлаб чиқиш ва уни тадбиқ этиш.

Ф.Тейлорнинг меҳнатни ташкил этиш, шу билан боғлиқ меҳнат унумдорлигини ошириш борасида тақлиф этган ҳамда ишлаб чиқарышда қўллаган бу тамойиллари ҳалқаро эътиборга сазовар бўлди. Айниқса, у ташкилотда фаолият кўрсататгандан ишчилар бажарадиган ишнинг унсурини жараёнларини хронометраж усули билан аниқлади ва уларни чуқур иқтисодий таҳлил қилиб, меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятларини, уни таъминлайшигандан қонидалар мажмунини яратди. Ф.Тейлор тамойилига биноан раҳбар ва мутахассисларни кам малака талаб қиладиган ижрочилик меҳнатидан, уларга хос бўлмаган вазифалардан озод қилинишидан иборат эди.

Ф.Тейлорнинг асосий гояси — ёлланма ишчилар меҳнатининг унумдорлитини оширишда ғоятда самарадор ва мақбул усулларни излаштириш. Унинг асосий қонидалари қуйидагилардан иборат:

— бўлган барча меҳнат жараёнлари, унинг миқдори, кетма-кетлиги аник-пухта ихтисослаштирилиши, қатъий вақт оралиқларida тақсимланиши;

— ҳар бир меҳнат жараённи, ҳатто ҳар бир ҳаракат пухта ишлаб чиқилган қонидалар ва жараёнларга бўйсундирилиши, юқоридан белгилаб берилган иш

усуллари, қоидаларини бажариш учун доимий талабчан назорат амалга оширилиши;

- ҳар бир меңнат тури қатъий вақт оралиғида тақсимланиши лозим.

Ф.Тейлорнинг меңнатни ташкил этиш, уни бошқариш йўналишлари бўйича тамойили амалда катта муваффақиятлар келтириди. Тамойилнинг мазмуни қўйидагича:

— юқоридан белгилаб берилган иш усуллари, қоидаларини бажариш учун доимий талабчан назорат амалга оширилиши лозим;

- ишчилар малакаси ва савиясига қараб жой-жойига қўйилиши шарт;

— бошқарувчи билан бошқарилувчи масъулиятини аниқ белгилаш, вазифаларини тўгри тақсимлаш шарт.

Қисқаси, ишчидан бошлиқларнинг барча буйруқларини ҳеч қандай мулоҳаза юритмасдан ва бирор-бир шахсий ташаббус кўрсатмасдан аниқ ҳамда тез бажариш талаб қилинар, бунда чизиқли поғона тизими хукмон эди.

Ф.Тейлор бошқаришни «аниқ қонун ва қоидаларга таянадиган ҳақиқий илм, шунингдек, аниқ билиш, нима қилиш керак, уни қандай қилиб пухта ва арzon усулда бажариш санъати» деб баҳолаган. Шундай қилиб, Ф. Тейлор «бошқарувчининг мумтоз мактаби»ни яратишга асос солди. Тамойил қўйидагича ифодаланади:

- мақсадларни танлаш;

— иш вақтининг элементларини ўрганиш ва унинг асосида ҳар бир ишчига сменали-кунлик топшириқ (режа) ўрнатиш;

- воситани танлаш ва уни тайёрлаш;

— меңнатга ҳақ тўлашнинг ишбай шаклини ишлаб чиқиш ва уни тадбиқ этиш;

- ташкилий технология ҳужжатларини амалда қўллаш;

— меңнат жараёнида ишчи ҳаракатининг йўналишларини ўрганиш ва рационаллаштириш;

- функционал бошқариш;

- график асосида тақвимли режалаштириш;

- ишчини илмий танлаш ва ўқитиш;

- моддий-техник таъминотини таšíкил этиш, уни оқилона бошқариш;

- натижани назорат қилиш;

- ишга бўлган хоҳишни уйғотиш бўйича омилларнинг муҳимлиги;

- бошқарувчи ва ходим меңнати жавобгарлигининг тўгри тақсимоти.

Ф. Тейлорнинг фикрича, ишчиларнинг асосий вазифаси бажарувчанлик, яъни раҳбар ёки менежер берган топшириқни ижро этишдан иборат бўлмоги керак. Раҳбар ёки менежер ижрочилар фаолияти устидан назорат олиб бориши, Ижрочиларга унумли меңнат қилиш усулларини ўргатишидир. Менежерларнинг кўрсатмалари ижрочилар учун бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Ф. Тейлор нуқтаи назари бўйича, ташкилотнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши, техник тараққий этиши ҳар бир ходимнинг турмуш даражасини яхшилашига олиб келиши керак.

Хулоса қилиб айтиш мүмкінки, Ф.Тейлор томонидан яратылған ишчі мәхнаттің бошқарувда түрт тамойили эътиборға мойил ва у қүйидагиңа ифодаланиши мүмкін:

- ишнинг ҳар бир үнсурiga илмий ёндашиш;
- ходимларни таңлаш ва жойлаштиришда илмий ёндашиш;
- ижрочилар билан бир тан бўлиб фаолият юритиш;
- менежер ва ижрочи орасида пировард натижани тақсимлашни жавобгарлиги.

Ф. Тейлор асос солган «Илмий бошқарув»нинг моҳияти шундан иборатки, мослаштирилган ишлаб чиқариш услубларини тадбиқ қилишга белгиланған стандартларни мос келтириш. Тейлоризм кейинчалик Т. Эмерсон ва Г. Форд томонидан ривожлантирилди. Айниқса, «Илмий ва мұмтоз» бошқаришга муқобил ҳаракат сифатида янги назария — «Инсоний мұносабатлар» мактабини пайдо бўлганини айтиб ўтиш ўринли. Бу мактабга америкалик жамиятшунос ва руҳшунос Э.Мэйо (1880—1949) асос солди. «Инсоний мұносабатлар» мактабининг атоқлы намояндадаридан бири америкалик олим Д.Мак-Грегорнинг (1906—1964) X (икс) ва У (игрек) назарияси ҳам яратилди.

5.6. ТАШКИЛОТЛАРНИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДА БОШҚАРИШНИНГ ИЛМИЙ ҒОЯЛАРИ

Маълумки, ишлаб чиқариш усули, ижтимоий-иқтисодий мұносабатларнинг даражаси, ишлаб чиқариш кучиңинг савиясига қараб бошқаришнинг моҳияти ўзгаради. Ишлаб чиқаришни тараққий этиши ва иқтисодий алоқаларнинг мұраккаблашуви сабабли бошқариш мұраккаблашади ҳамда мұстақил фан бўлиб ажралади. Ушбу фан нима билан шугулланса, уни қайси күламда құлланишига қараб предмети, тамойили аниқланади. Ташкilotда хўжалик юритишининг барча погоналаридаги бошқаришнини тамойиллари ва усуллари, қонунлари ва мұносабатларини ўрганиша ифодаланади.

Барча ташкilotлар илмий ғоялар асосида бошқаришга муҳтождир. Шунинг учун ташкilotларнинг тамойилларидек, бошқариш ишлари ҳам күпгина умумий тамойилларга эга. Бу — вазифаларни амалға ошириш; бошқариш ишларини вертикал чизиқ бўйича тақсимлаш; бошқариш қонунлари, таҳлиллари ёки назариялари ҳамда андозалаш; ташкilot ичидаги бошқариш позициясини мустаҳкамлаш; бошқариш ва ташкilotнинг ташқы күршовини эътиборга олиш; ташкilotни бошқариш жараёни ва уни амалға ошириш; бошқариш ҳар қандай ташкilotни бошқаришдек; бошқариш бошқариш тизимидек; бошқариш одамлар, ходимлар, жамоа ишларини ташкил этишдек; бошқариш ҳар хил погоналадаги бошқариш аппаратидек; бошқариш ташкilotни бошқаришни ташкил этиш(орган)дек илмий ғояларга асосланмоги лозим.

Ташкilotнинг фаолият кўрсатиши муаммоларини амалий ечини имкониятини берувчи бошқариш масаласи бошқариш фанидек талқиқотларнинг амалий аҳамиятини ошириш, уларнинг тамойилларини усулларини ишлаб чиқишига мўлжаллаш кабилардан иборат. «Бошқариш

жараёни санъатдир», дейилишининг маъноси фан (бошқариш соҳасида ташкилий билим асослари)ни муайян ҳолатларга қўллаш, амалиётда ишлатишдан иборат.

Ҳар Қандай ташкилотнинг мақсади ресурсларни нигорада махсулотга айлантириш. Бунинг учун турли фаолиятлар (вазифа, функциялар)ни амалга ошириш керак.

Муайян вазифалардан келиб чиқиб ташкилотни бошқаришни ташкил этиш, у билан боғлиқ тамойилларни амалга ошириш лозим. Бошқариш тизимида, бошқариладиган мавжудотда бажарилиши лозим бўлган ишларни маълум турларга ажратиш мақсадга мувофиқ. Ажратилган турларига мос, яъни меҳнатни тақсимлаш натижасида бошқариш соҳасида вазифаларни ажратади. Буларни бажармоқ учун менежердан ташкил эта билиш, тадбиркорлик тўйгуси талааб қилинади.

Бошқаришни ташкил этишдаги асосий тамойиллардан бирни ташкил қила олиш, тадбиркорлик ҳис тўйгусига эга бўлган, касбий тайёрланган мутахассисларни танлай билиш. Шу билан бирга кўпгина илмий усулларни амалий фаолиятида ишлата билиши билан бирга ижодкор ҳам бўлиши керак.

Бошқариш жараёни (ташкил этиш, режалаштириш ва ҳ.)ни ташкил этишда таъминот, молиялаш, нархни шакллантириш, қарз олиш кабиларнинг вазифалаштириш, бошқарув ҳодимларини тайёрлаш, илмий-техника тараққиёти ютуқларини амалда қўллаш кабиларни юқори даражада ижро эта олиш лозим.

Бошқариш — ташкилотларни замонавий ихтисослашдир. Бусиз ташкилот фаолият кўрсата олмайди. Бозор муносабати шароитида менежер ишлаб чиқариш муаммоларининг барчасини бозор қонунларига бўйсунган ҳолда ўзи ҳал қиласди.

Менежер ўз ишини режалаштириш ва бажаришда ҳар бир унсур кутилмаган Қандайдир талаблардан, тамойиллардан келиб чиқади.

Менежер ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмини башорат қилишга ҳаракат қилгандан, талаб ва тамойил механизмида баҳо асосий унсур эканлигини унутмаслиги керак. Бозорда маҳсулот талабдан зиёд бўлиши мумкин, бу ҳолда маҳсулот ҳажмини ошириш учун маҳсулот нархини пасайтириш керак. Бозор жараёнини каромат қилиш қийин. У талаб ва таклифларнинг ўзаро таъсир этувчи бозор механизмини, нархнинг шаклланиши каби анъаналарни билиши керак. Бу ерда фақат маҳсулот эмас, уни ишлаб чиқаришга жалб қилинган кишиларнинг маҳоратлари ҳам муҳим.

Бошқаришни ташкил этишдаги асосий тамойиллар қатори мамлақат ва тармоқ иқтисодиётининг тузилмаси, унинг ҳудудий тузилмаси, ишлаб чиқаришнинг алоҳида унсурларини аниқ ҳисобга ола билиш фойдадан холи эмас.

Бошқариш жараёнларини ташкил этишда қатор қийинчиликлар, тўқнашувлар, ғоявий зарба беришлар учрайди, уларни бошқариш санъати юқори даражада бўлгандагина муваффақиятли ҳал этилади. Демак, бошқаришни ташкил этишда қатнашувчилар ўзини оқлаган ғоялар ва

тамойиллар билан қоролланишлари мақсадға мувофиқ. Уларнинг фаолияти ижтимоий, рухий, тарбиявий, иқтисодий, касбий ва бошқа-бошқа фанлар билан bogлиқ. Бошқа мутахассислик фанларининг тавсияларидан билиш санъатини юқорилигига асосий кафолат бўла олади.

Ташкилотларни бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб бошқариш мутахассислар томонидан катта масъулият билан ўзлаштирилиши ва амалга оширилиши талаб этилади. Ташкилотнинг муайян шакли, унинг фаолиятини бошқариш ташкилот мақсадларининг муҳим ҳолатларнни, функцияларини таҳдил қилишга асосланмоғи лозим. Аслида барча ташкилотлар бир хизматифанни ҳал этади, улардан муҳими бозорнинг маҳсулот (хизмат кўрсатиш)ларга бўлган эҳтиёжини қондириш, фан ва техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини узлуксиз ошириб бориш, ишлаб чиқариш жамоасининг самарали тараққий этишини таъминлаш кабиладир. Аммо бу вазифалар ҳар бир ташкилотда турли табиий, иқлимий, иқтисодий шароитларда кечади. Ишлаб чиқаришда оқилона бошқариш тизими ташкилотнинг иқтисодий-ижтимоий масалаларини муайян ишлаб чиқариш(хизмат кўрсатиш, иш)га мослаша олишига қараб муваффақиятга эришади. Бу ташкилотларнинг асосий вазифалари, улар ўз навбатида муаммоларни маълум кетма-кетлиқда, яъни улкан тайёргарлик босқичларини ҳамда ташкилотнинг лойиҳа ишланмаси, лойиҳани амалда қўллай олиш, ташкилотнинг янги тизимини мустаҳкамлаш босқичларida тўлиқ амалга оширилишига боғлиқ. Бундай муаммолар ўз навбатида ташкилот жамоасидан улкан ижрочилик билан бир қаторда катта ижодкорлик ҳамда ижодий меҳнат талаб қиласи.

Бу ҳаётда яшаётган ҳар бир одам ресурслардан фойдаланиш нуқтаси назаридан иқтисодичидир. Чунки ақлий, жисмоний, ижодий, тадбиркорлик, муаллифлик, савдо, ўқиши, ўргатиш каби меҳнатлардан, экологик, табиий (ер, сув, энергетика ва б.) бойликлардан, молиявий, вақт, ахборот, технология, озиқ-овқат, ақлий салоҳият каби ресурслардан узлуксиз фойдаланадилар. Уларнинг ҳажми, меъери, чегараси, хукуқи, сифати каби белгилардан оқилона ва самарали фойдаланиш ўта мураккаб ҳамда нозик муаммодир.

Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлаш миллий дастури давлат сиёсатининг марказий йўналишларидан бири. Чунки бозор иқтисодиётига ўтиш ривожланган мамлакатларнинг тажрибалари, назарий, илмий натижалари ва республикада кечаётган жўшқин иқтисодий-ижтимоий ўзгаришларни ўзлаштириш, уларни кенг оммага ўргатиш асосан иқтисодчи олимлар, раҳбарлар, менежерлар, мутахассислар зиммасига юкланди. Бу ҳақда кечаётган таълим ислоҳотлари, қатор илмий асарларда ёритилаётган фикр-мулоҳазалар далил бўла олади. Жумладан, профессорлар Ф. Веселков (Санкт-Петербург), М. Икрамов (Тошкент) лар ижодий меҳнат, ижрочилик меҳнати турларига бериладаётган эътибор ҳақида фикр юритиб, таъкидлайдиларки, олий ўкув юртларининг ўкув дастурларида ижрочилик меҳнатини ўргатишга етарли эътибор берилмоқда, бироқ бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамият

касб этувчи ижодий, тадқиқий, ташаббусли ва бошқа ноёб, камёб меҳнат турларига эса ётибор етарли эмас.¹

Халқаро амалиётда мутахассисларни ижодий меҳнатга ўргатиш олий таълимнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Чунки ҳозирги кунда кимдаким самарали бошқариш гояларини ҳаракатга келтира олиш қобилиятига эга бўлган, ижодий меҳнатга лаёқати бор мутахассис юқори малакали ҳисобланади. Аввало илмий билиш усулларини, уларни ҳақиқатга айлантира оловучи, ижод қила оловучи мутахассисликка ўргатиш лозим.

Мутахассис (инсоний сармоя) унумдорликни белгиловчи сифатлар йигиндиси деб қаралади, одам, оила, корхона жамоаси ва жамият учун даромад манбаидир. Одатда бундай сифатларга соғлиқ, туфма қобилият, билим, ақдзаковат, хотира кучи, билимдонлик, сезирлик, омилкорлик, касбий фаолият, ҳозиржавоблик кабилар киради.

Инсоний сармоя сифатига иқтисодий билим таъсир этиши мумкинми? Одамлар саломатлиги — соғлиқни сақлаш соҳасининг ва одамларнинг ўзини иши Табиий қобилият табиатдан. Омилкорлик эса билвосита маълумот ва таълимларга, касбийлик ҳам деярли таълимга bogлиқ.

Агар иқтисодчи мутахассис фақат ижрочилик меҳнатига ўргатилса, у корхона фаолиятининг кўрсаткичларини таъминлаб, чеклаб туриши мумкин, бироқ у ўзининг ижодий улушини қўшмаса, корхона фаолиятининг кўрсаткичларини яхшиланишига ҳисса қўша олмайди.

Инсон сармоясининг самарадорлигини ўсишида айнан ижодий меҳнат асосий омиллар. Шунинг учун мутахассислар тайёрлашнинг самарадорлигини ўстириш ҳақида фикр юритилса, биринчи навбатда ижодий меҳнатни ўстириш, шу билан бирга корхона учун даромад манбайнинг амалий тугалланмаси деб англаш керак.

Ижрочилик ва ижодий меҳнатнинг хусусиятлари ўзига хос бўлиб, уларнинг чегарасини ажрати билиш муҳимdir.

Ижрочилик меҳнати — маълум бир кўрсатма (топшириқ, буйруқ, фармон, фармойиш ва б.)ни бажаришдаги меҳнатнинг кўриниши. Иқтисодчи — амалиётчи учун ўз кучини йўқотмаган қўлланма, услубий тавсия, раҳбарият томонидан чиқарилган буйруқлар, фармойишdir. Мисол учун, солик олишида ўлчамини аниқлаш, иш ҳақини ҳисоблаш, ижрочилик меҳнатига хос. Аммо бундай ҳолатларда ижодийлик рағбатлантириш таъкиқланади.

Бу ерда ижрочилик меҳнатининг хусусияти шундаки, улар кўп марта қайталанади, тадқиқот тавсифига молий эмас, яъни у корхона ишини яхшилаш нуқтаи назаридан оддий кўриниш (ўртacha), қолок, пассивдир (бу маъмурий-Командали иқтисодиётда ижрочилик меҳнати мос эди).


Ижодий меҳнат эса инсондан қандайдир янги, оригинал (ўзига хос табиатли одам), шахсий қобилиягини ишлата олиш, мустақил, кашфиётчилик тафаккуридан фойдаланишини талаб этади. Иқтисодчи учун корхонанинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини

¹ Экономический вестник Узбекистана, 2000, №11-12. 2—10-бетлар.

ўстириш имкониятларини излаб толиш самарали бошқарув ечимларини қабул қилиш мақсадида корхона фаолиягини иш режаларини ишлаб чиқиши ва белгилашни тузиш кабиладир. Ижодий меҳнатнинг ўзига хослиги – уларнинг бир марталиги, қайтарилмаслиги, тадқиқотлик тавсифига эгалиги, билишинг илмий усулларини ишлата олиши, ҳақиқатга айлантира олиши, яъни мустақила фаол тафаккурга эгалиги.

Бозор иқтисодиётидаги мутахассисларнинг ижодий меҳнати алоҳида қимматта (қадриятга) эга, чунки марказлаштирилган бошқарув максимум чекланган, бунда менежерларнинг ўзлари корхоналари учун бизнес-режани ишлаб чиқишилари лозим, меҳнатта ҳақ тўлаш тизимини, бозор конъюнктураларининг ўзгаришларини белгилаш, бунда рақобат, ишлаб чиқаришнинг самардорлитини, рентабеллигини, соғ фойданни ўсишларини корхонадан бошқарувни узлуксиз мукаммалаштиришни холис талаб қиласди. Бунга эса ижодий меҳнатсануз эришиб бўлмайди. Бозор иқтисодиётидаги ижрочилик меҳнати керак, бироқ иқтисодидаги талаба учун ижодий меҳнат зарур.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ижодий меҳнатта ўргатиш ҳар томонлама долгзарб, иқтисодий-ижтимоий аҳамияти улкандир. Бунинг учун олий ўқув юртларининг иқтисодий йўналишларида барча имкониятлардан фойдаланилмоқдами? Бу саволга ҳаёни йўқ деб жавоб бериш қийин. Бу борада иқтисодчи мутахассисларни касбий тайёрлаш турларининг қўйидаги тизими эътиборга лойиқдир (6-чизмада қаралсин).



6-чизма. Ташкилотлар фаолиятини бошқариш учун мутахассисларни касбий тайёрлаш тизими

Чизмадаги маъдумотлардан англаш мумкинки, назарий билишга, амалий ижрочиликка тайёрлаш олий ўқув юртлари ходимларидан юқори ижодкорлик таълимоти — тадқиқоти босқичларини тўла ўтган бўлишлари талаб қилинади.

Назарий билишга тайёрлаш ижодий меҳнат қилишнинг асосий негизи бўлиб хизмат қилади. Ҳақиқий тадқиқот ўтказиш учун тадқиқот объектлари, унинг предметларини яхши билиш, ресурслардан оқилона фойдаланадиган даражада сезгир бўлиш зарур. Бунинг учун умумий иқтисодий назария, Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг асослари, амалий фанларнинг назариялари ва бошқа турдош фанларни ўрганиш, ўзлаштириш, мустақил фаол тафаккурлаш даражасига етказиш зарур. Талабалар билими ва билимдон мутахассис, иқтисодчи бўлишлари учун кенг назарий билимга эга бўлишлари талаб этилади.

Амалий ижрочиликка тайёрлаш талабаларни амалий иқтисодий фанларнинг амалий қисмини ўргатишни талаб қилади. Улар мавжуд қўлланмалар, услублар, ҳолатлар ва бошқа маъмурӣ-хукуқий далолатномалар, хукуқий-ташкилий ҳужжатларнинг ўз кучини йўқотмаганларини билишлари зарур. Шу билан бирга стандарт бўйича ҳисоблаб чиқиш ишларини бажара олишлари, амалга оширишлари керак.

Ижодкорлик таълимоти — тадқиқотга тайёрлаш талабаларни тафаккур ҳақидаги фанлар, билиш назарияси, иқтисодий тадқиқотларнинг таълимотини ўқиш ва ўргатишни, бунинг учун ҳар бир мутахассис мустақил иқтисодий тадқиқотларни бажаришни ўрганиши талаб этади.

Таянч сўз ва иборалар

Тамойил, иқтисодий тамойил, давлат мулки, мулкчилик субъекти, мамлакатнинг миллий мулки, ташкилотнинг ташкилий қурилиши, ташкилот турлари, натурал хўжалик, товар хўжалиги, ташкил этиш, илмий йўналишлар, тузилмали тамойил, пировард натижанинг тамойили, жараёнларнинг тамойиллари, тамойилларни турұлаш, тадбиркорлик түйгуси, замонавий ихтинослаштириш, тамойил механизми, бошқариш санъати, Ф.Тейлорнинг тўрт тамойили, бошқаришнинг илмий ғоялари.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ташкилот фаолиятига иқтисодиёт назариясининг қандай таъсири мавжуд?
2. Мулкчиликнинг шаклларини санант.
3. Хўжалик юритиш субъектларига нималар киради ва уларга таъриф беринг.
4. Мулкчилик субъекти билан хўжалик юритиш субъектини фарқи мавжудми?
5. Мулкий мақом ва хўжалик юритиш услуби бўйича ташкилотлар қандай турларда бўлиши мумкин?
6. Ишлаб чиқаришда нима учун оқилона ташкил этиш зарур?
7. Ишлаб чиқариш жараёни ва ишлаб чиқариш тизимининг мазмуни ва Фарқини тушунтиринг.
8. Бошқарув мавжудотларининг погоналари ва миқёси ўзгариши билан тамойил тушунчаси қандай қўлланилади?

9. Тамойил тушунчаси деганда нималарни аңглайсиз?
10. Иқтисодий тамойилнинг маъноси ташкилот миқёсида асосан қандай гурӯҳларда бўлиши мумкин?
11. Нима учун Анри Файол тамойиллари бошқа мумтоз тамойиллардан фарқланади?
12. Файол бўйича тамойиллар гурӯҳларини тушунтиринг.
13. Ф.Тейлорнинг тўрт тамойилига тавсиф беринг.
14. Ташкилотни ташкилий қурилишида раҳбарларнинг қандай белгилари мухим аҳамиятга эга?
15. Ташкилотлар учун бошқаришнинг илмий ғоялари нимага керак?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Амир Темур ҳақида сўз. Т.: «Ўзбекистон», 1996. 26, 29-бетлар.
2. Валижонов Р., Кобулов О. Менежмент асослари. Т.: «Университет», 1997. 5—10, 18—57-бетлар.
3. Йўлдошев К., Муфтайдинов К. Иқтисодий билим асослари. Т.: «Ўқитувчи», 1999. 153—156, 180-бетлар.
4. Мескон М., Альберт М., Хедори Ф. Основы менеджмента. Пер.с англ. М.: Дело, 1996. 67—68-бетлар.
5. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: 100 савол ва жавоб.-Т.: «Мехнат», 2000. 18—27-бетлар.
6. Қосимов Ф.М. Менежмент. Т.: «Ўзбекистон», 2000. 37—39-бетлар.
7. Қўчкоров А. ва б. Менежер имкониятлари. Т.: «Истиқол», 2000. 3, 6—9-бетлар.

6-БОБ. ТАШКИЛОТНИ БОШҚАРИШ ҚОНУНЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

6.1. ҚОНУН, КАТЕГОРИЯ, ДИАЛЕКТИКА ТУШУНЧАЛАРИ

Ўзбекистонда қатор қонунлар ишлаб чиқилган ва уларга риоя қилинмоқда. Масалан, таълим тўғрисида, кадрлар тайёрлаш миллий дастури, мулкчилик тўғрисида, корхоналар тўғрисида, тадбиркорлик тўғрисида, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида, ташкии иқтисодий фаолият тўғрисида, аудиторлик фаолияти тўғрисида, давлат божи тўғрисида, ер солиги тўғрисида, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида, кимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида, фуқароларнинг Давлат нафақа таъминоти тўғрисида, чет эл инвесторлари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида, Давлат божи ставкалари ҳақида, ўсимликлар карантини тўғрисида, наслчилик тўғрисида, товар бозорида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида ва ҳоказолар.

1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонунлар таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш омилларига қаратилган.

1990 йил 31 октябрда «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги Қонунида ҳар қандай шаклдаги мулкчилик бўлишига рухсат берилди. Мулкчиликнинг ҳамма шакллари дахлсиз бўлишига, уларнинг ривожланиши учун тенг шароит яратилишига қонун кафолат беради.

1991 йил 15 февралда «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида» қонун қабул қилинди. Ушбу Қонун товар-пул муносабатлари ривожланаётган ва бошқариладиган бозор шароитида мулкчиликнинг барча шаклига мансуб корхоналарни барпо этиш, улар фаолиятининг, уларни қайта ташкил этиш ва тугатишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини белгилаб беради.

1991 йил 15 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февралда қабул қилинган «Хусусий тадбиркорликда ташабbus кўрсатиш ва уни рафбатлантириш бўйича кечикириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

1991 йил 19 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» Қонун қабул қилиниб, унда самарали, ижтимоий йўналишга эга бўлган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси давлат мулкими ўзгартиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

1992 йил 2 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг Ташки иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги Қонунда ташки иқтисодий алоқаларнинг барча турлари ва шакллари (иктисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик, кадрлар тайёрлаш, ташки савдо ва чегара савдоси, сугурта, банк, тижорат операциялари, сайёхликка ва халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги бошқа фаолият)га нисбатан амал қиласди.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун мулклар ва давлатнинг мулкий манфаатларини ҳимоялашга кўмаклашувчи мустақил молиявий назорат тизимининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасида давлат божини тўлаш тартиби 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Давлат божи тўғрисида»ги Қонун асосида белгиланади. Ушбу қонунга кўра, ўзларининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилувчи, маҳсус ваколатларга эга бўлган ташкилотларда юридик аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни олувчи юридик ва жисмоний шахслар давлат божини тўловчилар деб ҳисоблайдилар. Қонунда давлат божи ундириладиган мавжудотлар, давлат божини имтиёзлари, уни тўлаш ва бюджетга ўтказиш тартиби, давлат божини қайтариш, давлат божини ундирувчи идораларнинг масъулияти, давлат божининг тўғри ундирилиши устидан назоратни амалга ошириш каби қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Ер солиги тўғрисида»ги қонуни ер солиги белгилаши қоидаларини, ставкаларини, ер солигини ҳисоблаб чиқиши ва тўлаш тартиби, ер солиги бўйича имтиёзлар,

юридик шахслар, фуқаролар ҳамда солиқ идораларининг вазифалари ва жавобгарлигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ишлаб чиқариш усуллари, мулк шаклидан қатъи назар, меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишининг ягона тартибини белгилайди ҳамда фуқаролар соғлиғи ва меҳнатининг муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги қабул қилинган «Кимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Қонуни кимматли қоғозлар чиқариш, уларни муомалада юритиш, кимматли қоғозлар бозори қатнашчилари фаолиятини бошқариб бориш шартлари ҳамда тартибини. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида фонд тамойилларини белгилаб беради. Қонунга асосан, кимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар, хазина мажбуриятлари, депозит сертификатлар, векселлар) — бу уларни чиқарган шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкий ҳукуқларни ёки заём муносабатларини тасдиқловчи, дивиденд ёки фоизлар кўрининишида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳукуқларни бошқа шахсларга бериш имкониятини назарда тутивчи пул ҳужжатларидир.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат томонидан нафақа олиш ҳукуқига эгадир. 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Давлат нафқа таъминоти тўғрисида»ги Қонуни фуқаролар нафақа олиш ҳукуқи пайдо бўлганидан сўнг исталган пайтда нафақа тайинлашни сўраб мурожаат этишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Чет эл инвесторлари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эн инвестицияларини амалга оширишнинг ҳукуқий, ташкилий-иктисодий асосларини ва тартибини белгилаб беради. Қонун чет эллик инвесторлар самарали фаолият юритишнинг кафолатларини таъминлаб, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш, унинг жаҳон иқтисодий тизимиға қўшилишга кўмаклашиш мақсадида чет элнинг молиявий, моддий, интеллектуал ва бошқа бошқарув соҳасидаги тажрибасини жалб этишга, улардан самарали фойдаланишга қаратилгандир.

Давлат бош ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасинин 1994 йил 3 ноябрда қабул қилинган «Давлат божи ставкалари ҳақида»ги қарорига асосан белгиланади.

Мамлакатимизда ўсимликлар карантинининг ҳукуқий асослари 1995 йил 31 августи ўй қилинган «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Қонун билан белгилаб. Ушбу қонунда ўсимликлар карантинининг асосий вазифалари, карантин бирлари, бу соҳа бўйича давлат хизмати органлари ва унга раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси ўсимликлар карантини бош давлат инспекциясининг ваколатлари, ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматини молиявий таъминлаш, карантин ўрнатиш, уни бекор қилиш тартиби, уруғлар, ўсимликларни ва ўсимлик маҳсулотларини импорт-экспорт

қилиш, вазирликлар, идоралар, ташкилотлар, муассасалар, корхоналар ва фуқароларнинг ўсимлик карантини соҳасидаги ҳуқуқлари, вазифалари, ўсимликлар карантини бўйича қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик ҳамда халқаро конвенциялар, битимларга оид меъёрлар мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Наслчилик тўғрисида»ги Қонун 1995 йил 21 декабря қабул қилинди. Ушбу Қонунга наслдор қорамоллар, қўйлар, эчкилар, отлар, туялар, шунингдек, паррандалар, балиқлар, асаларилар, ипак курти, ёввойи ҳайвонлар, уларнинг наслии маҳсулоти, наслчилик мавжудоти киритилган.

1996 йил 29 августда «Уруғчилик тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонунга асосан уруғчиликнинг асосий вазифалари киритилди.

Ўзбекистон Республикасида «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонунга риоя этишининг асосий Қондалари 1996 йил 27 декабря қабул қилинган. Ушбу қонун товар бозорларида монополистик фаолият, инсофсиз рақобатлашишнинг олдини олиш, уни чеклаш, тўхтатишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб беради, рақобат муносабатларининг шаклланиши, самарали амал қилиши учун шароитларни таъминлашга қаратилган.

Қонунларни қўлланилиши ҳақида фикр ва мулоҳазалар юритиб, шуни таъкидлаш мумкинки, бир томондан биз билсак ҳам, билмасак ҳам у холис мавжуд бўлиб, аниқ тақрорланади ва икки ёки бир неча омилар, воқеалар, ҳодисалар, муносабатлар орасидаги зарур нисбат, муносабат, алоқа, ўзаро боғлиқликдир.

Қонунларни бузуб бўлмайди. Лекин ҳар қандай қонунни ҳам четлаб ўтиш мумкин. Шунинг учун қонунларни четлаб ўтишни билиш, ундан самарали фойдалана билиш ўта муҳим.

Табиийки, қонунларга итоат этишдан олдин ҳар бир иштирокчи уларни яхши билиши, ҳурмат қилиши зарур. Шунинг учун ташкилотлар Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва бошқа қатор локал меъёрий ҳужжатлардан фойдаланадилар.

Қонунлар ташкилотларни самарали фаолият кўрсатишларига, уларнинг ҳуқуқини, маъсулиятини аниқлашга, бошқа ташкилотлар билан муносабатларини тартибга солишта, мустақиллигини сақлашга қаратилган.

Қонунларни қўллаш ҳаётий муҳим интизом. Улар холис суратда мавжуд бўлиши, бирликдаги қандайдир воқеа-ҳодисаларнинг бир-бiri билан алоқадорлиги, боғлиқлигини юқорида тақрорлаган эдик. Қонунни билиш илмий асосдир. Табиий фанлардаги қонунлар воқеа-ҳодисаларнинг бир-бiri билан алоқадорлик, боғлиқлик даражасини аниқ ифодаласа, иқтисодий қонунлар-одамларнинг ишлаб чиқарышдаги муносабатларидир, уларнинг турли муҳим томонлари ўртасида юзага келиб, муқим тақрорланиб турадиган, узвий иқтисодий заруратни тақозо этубучи алоқадир. Бу мураккаб иқтисодий жараёнлар ичida шундайлари борки, улар муқим ўзаро боғланишга, сабаб-оқибат алоқаларига эга, улар кўзга ташланаб туради. Иқтисодий қонунлар чуқур, моҳиятли, сабаб-оқибатли боғланган иқтисодий ҳодиса ҳамда

муносабатларнинг илмий инъикосидир. Иқтисодий қонунларнинг одамлар хоҳишига боғлиқ эмас дегани, уларни билиб олиш мумкин эмас экан дейишга асос бўла олмайди. Аксинча, одамларнинг ақл-заковати, тафаккур олами ўзларини ўраб турган муҳитни, шу жумладан, иқтисодий қонунларни ҳам билиб олиш учун етарли. Одамлар ўз илмий тафаккурлари, билимлари орқали иқтисодий қонунлар моҳиятини, ҳаракат, амал қилиш механизмини билиб, улар олдиларига қўядиган талабларни ўрганиб борадилар.

Иқтисодий қонунлар ҳар хил бўлади:

-**умумиқтисодий қонунлар** - жамият тараққиётининг ҳамма босқичларида, иқтисодиётнинг аниқ ижтимоий шаклидан қатъи назар амал қилувчи қонунлар;

- **формацион-махсус (ўзига хос) қонунлар** - фақат муайян социал-иқтисодий тизим доирасида амал қилувчи, шу тизимнинг маҳсус хусусиятларини ифода этувчи қонунлар;

- **даврий оралиқ қонунлар** - маълум даврда турли ижтимоий-иқтисодий тизимда амал қилувчи қонунларнинг маҳсус тузумга алоқаси бўлмаган ҳолда уларни бирлаштириб турувчи муносабатлар (қиймат қонуни, пул муомаласи, талаб ва таклиф каби қонунлар).

Иқтисодий қонунлар одамлар томонидан яратилмайди, балки кашф этилади, очилади. Иқтисодий тафаккур сардорлари бўлган зукко олимлар иқтисодий қонунларни кашф этиди, уларнинг борлигини, амал қилишини исботлайди, моҳиятини тушунтириб, одамлар олдига қўяётган талабларни кўрсатиб беради.

Иқтисодий қонунларни билиб ташкилот иқтисодиётини бошқариш, яъни ташкил этиш, режалаштириш, назорат қилиш, иқтисодий ҳаётини кўриш, хўжалик юритиш кабиларгина фаолиятнинг пировард натижаларини самарали қилиб, ишлаб чиқаришда юксак натижаларга, барқарор ўсиш суръатларига эришишни таъминлайди.

Унугмаслик лозимки, умумиқтисодий қонунлар кишилик жамияти тараққиётининг барча даврларида амал қилса, маҳсус қонунлар айрим иқтисодий даврларда, айрим ижтимоий формациялар доирасидагина амал қиласди. Масалан, вақтни тежаш, меҳнат унумдорлигини ўсиши, истеъмолнинг ортиб бориши каби қонунлар умумий иқтисодий қонунлардир. Қиймат қонуни, пул муомаласи, талаб ва таклиф каби қонунлар эса товар-пул муносабатлари ҳуқмрон бўлган бозор иқтисодиёти даври шароитида амал қиласди.

Ҳукуқий-иқтисодий қонунлар иқтисодиёт билан боғлиқ бўлган, Олий Мажлис ёки парламентлар, ҳукуматлар қабул қилган қонунлардир. Улар гарчи субъектив (одамлар хоҳиши-иродаси билан боғлиқ) тавсифда бўлса-да, аниқ иқтисодий ҳолатдан, иқтисодий тараққиёт заруратидан келиб чиқиб ишлаб чиқилади ва қабул қилинади. Ҳукуқий-иқтисодий қонунлар талабидан келиб чиқиб ишлаб чиқилган ва қабул қилинган бўлсагина муайян кучга эга бўлади, кутилган натижаларни беради. Улар жумласига Ўзбекистонда мулкчилик тўғрисидаги, Ер ҳақидаги, ерни ижарага бериш ҳақидаги, тадбиркорлик тўғрисидаги, кооперация, солик ҳақидаги ва бошқа ўнлаб қонунлар киради. Ҳаёт талабларидан келиб чиқсан ҳолда уларга бир қанча

ўзгаришлар, тўлдиришлар киритиб борилада.

Иқтисодий қонунлар билан ҳукуқий-иктисодий қонунлар ўртасидаги боғлиқлик шундаки, иқтисодий қонунларни билиш уларни рўёбга чиқаришга хизмат қилувчи ҳукуқий-иктисодий қонунларни ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Хулоса шуки, иқтисодий қонунлар объектив бўлса-да, уларни билиб олиш, ҳўжалик фаолиятида улардан самарали фойдаланиш имконияти одамлар ихтиёрида. Қайси жамиятда иқтисодий қонунларни билиб олишга кўпроқ эътибор берилса, улардан фойдаланишга йўл очилган бўлса, унда иқтисодий ўсиш барқарорлик, тараққиёт устунлиги таъминланади. Иқтисодиётимизда кейинги йилларда рўй берган қийинчиликлар маълум даражада ана шу иқтисодий қонунлар талаблари билан етарли ҳисоблашмаслик оқибатидир.

7-чизмада келтирилган матлумотларнинг ногат кенг, кўп томонлама эканлигига шубҳа йўқ. Шунинг учун уларни яхлит ҳолда билиб олиш мумкин эмас, уларнинг айрим томонларини алоҳида-алоҳида тадқиқ қилиш ва ўрганиш талаб этилади. Фақат шу йўл билан ташкилотнинг иқтисодий қонунларини ўрганиш, фаолиятини самарали бошқариш, уларни амалда кўллаш мумкин. Бундай иқтисодий муносабатларни, иқтисодий воқеа-ходисанинг бирон-бир жиҳатини илмий тадқиқот қилиш ёки илмий-назарий ўрганиш лозим. Бундай илмий ёндашувни иқтисодий категорияларга ажратиб ўрганиш дейлади.


У ёки бу иқтисодий муносабаг, иқтисодий қонун, иқтисодий жараён, иқтисодий билим (тасаввур) ҳосил қыялмоқ учун уларни ифодаловчи иқтисодий категория (тушунча)ларга мурожаат қилинади. Демак, иқтисодиёт илмини ўрганиш иқтисодий категорияларни билиб олишдан бошланади. Иқтисодий категория (тоифа) иқтисодий қонунлар каби умумиқтисодий категория, формацион маҳсус категория, даврий оралиқ категорияларга бўлинади.

Санаб ўтилган иқтисодий категориялар тизимида айрим тоифалар иқтисодиёт ҳолатини умуман акс эттиrsa, баъзилари нисбий жиҳатдан тавсифлайди. Агар соғ маҳсулот иқтисодиёт ҳолатининг маҳсулот тарзини, ижтимоий сарфини ифодаласа, миллий даромад пул ҳисобидаги (солиштирма, қатъий баҳолардаги) ҳолати ҳақида тушунча беради ва ҳоказо.

Иқтисодий категорияларнинг мавжудлиги улар ифодалайдиган иқтисодий жараёнларнинг мавжудлигига боғлиқ. Иқтисодий жараён доимо ўзгаришда, ривожланишда бўлганлиги учун иқтисодий категориялар ҳам ўзгаришда, ривожланишда, улар абадий эмас, балки иқтисодий қонунлар каби тарихийдир.

Иқтисодий қонунлар ва категориялар тарихий характердадир. Чунки уларни вужудга келтирган иқтисодий замин, иқтисодий шароит ўзгариши билан, бошқа иқтисодий асослар, шароитлар, иқтисодий муносабатлар вужудга Келиши билан иқтисодий категориялар ҳам ўзгаради ёки барҳам топади ёхуд бошқача шаклда намоён бўла бошлиайди.

Иқтисодий жараёнлар, мамлакатда кечётган иқтисодий ислоҳотлар, туб тузилмавий ўзгаришлар, ташкилотлар ўртасидаги ва бошқа шу каби иқтисодий муносабатларни тафаккур қилиш иқтисодий категорияларни билиб олишдан бошланади. Бу ҳақиқат барчага баровар тааллуқлидир. Айниқса, ўтиш даврида



яшәтгән, бозор муносабатлары шароитида яшайдиган ва фаолият қиладиган хөзирги авлод учун, ҳеч бүлмаса, умумий иқтисодий категорияларни билиб олиш ҳаёт талабига айланмоқда.

Ана шу маңында Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий исплоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китобида қуйидагилар таъкидланган:

«— агар ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши таркиби ўзгаришлар ва ишлаб чиқаришни техника билан, қайта қуроллантириш билан боғлиқ бүлмаса, унинг камайишига йўл қўймаслик;

— устувор тармоқларда ишлаб чиқаришни юксалтириш учун қулай шароитларни вужудга келтириш, ишлаб чиқариш фаолияти рафбатлантиришига кўмаклашиш. Ўз ишлаб чиқаришини қўллаб-қувватламасдан ва ички резервлардан фойдаланиш эвазига иқтисодиётни ичдан ривожлантирмасдан туриб, молиявий ҳамда ижтимоий барқарорликка умид боғлаш мумкин эмас;

— давлат бюджети ва корхоналар молиявий аҳволининг барқарорлигини муҳим бўлган доирада таъминлаш;

— пулнинг қадрсизланиши жараёнини тўхтатиб қолиш;

— тўлов баланси ва давлат валюта резервларининг ҳолатини яхшилаш учун барча мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ва шунинг негизида Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий муносабатларида тутган ўрнини мустаҳкамлаш. Шунингдек, чет эл қаттиқ валюталарига нисбатан «сўм»ни айирбошлаш курсининг барқарорлигини сақлаш;

— ижтимоий аҳволни барқарорлаштириш учун кучли ижтимоий сиёсат мувозанатлаштирилганлигини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини мумкин қадар барқарор тутиб тuriш ва яхшилаш» (202—203-бетлар).

Демак, Ўзбекистон иқтисодиётини, хусусан, ташкилот фаолиятини илмий фикрлаш нуқтаи назаридан категориялар гурухига бўлиб ўрганиш ва ниҳоят уларни синтез қила билиш лозим. Масалан, қайси ҳолатларда интеграция, диверсификация, инфратузилма, конверция ва ҳоказолар мақсадга мувофиқлителги билиш фойда келтиради.

Демак, қонун — ташкилот, жамоа, жамият ва табиатдаги воқеа, муносабат, жараён, ҳодиса кабиларнинг зарур ҳамда муҳим алоқаси. Қонуниятли алоқалар, уларнинг заруриятли тавсифга эта бўлганликлари сабабли, тегишли шарт-шароит мавжуд бўлганда ҳамиша юз бериб туради. Ана шунга кўра, қонуниятли алоқалар барқарор, тақрорланиб турадиган алоқалардир. Улар воқееликнинг энг муҳим, ички, нисбатан барқарор белгиларини, хусусиятларини ифодалайди. Қонун бир ҳодисага хос бўлган айрим алоқани эмас, балки бир жинсдаги, туркумдаги ҳодисаларга хос бўлган умумий алоқани ифодалайди (Чунончи, қиймат қонуни барча маҳсулотлар учун ва маҳсулот ишлаб чиқариши бўлган ҳамма ижтимоий тизимлар учун амал қиласи ва ҳ.к.). Шунинг учун ҳам қўйидаги қонунларни ўрганиш, уларга риоя қилиш лозим:

— умумийлик (физика, химия, биология, механика, энергетика, механика ва бўшқалар) ва маҳсус ўзига хос тавсифлий (ўсимлик ва ҳайвонот дунёси,

тармоқдарда жараёнларни механизациялаш, техникадан фойдаланиш, хизмат күрсатыш, сақлаш ва ҳ.к.);

— одамлар хүлқиннің қонунлари (рухият, социология, социал рухият, антропология);

— давлат, ташкилоттарнинг манфаатлари, табиат, жамоа ва жамиятга зарар келтирмайдиган холис қонунлардан фойдаланиш мақсадига қаратилган, субъектив тавсифга эга бўлса-да, амалдаги юридик қонунлар;

— кибернетик қонунлар ёки ташкилотларни бошқариш қонунлари (зарур бўлган турли қонунлар, тўғри ва тескари боғлиқлик қонуни, математик, иктисодий, статистик, ин формацион андозалаш қонунлари ва ҳ.к.).

Алоҳида тарзда ўзига хос бўлган, ҳодисаларнинг нисбатан тор доирасини ўз ичига оладиган қонунлар бор (масалан, тезланишларнинг кўшилиш қонуни фақат механикада, термодинамик қонунлар фақат иссиқлик жараёнларида), шу билан бир қаторда умумийроқ тавсифга эга бўлган, жараёнларнинг кенгроқ доирасига хос бўлган қонунлар ҳам бор (масалан, энергиянинг сақланиш ва бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш қонунига табиатнинг ҳамма ҳодисалари бўйсунади) ва ниҳоят, энг умумий қонунлар, яъни воқеиликнинг (табиат, жамият, тафаккурнинг) беистисно ҳамма мавжудотларига хос бўлган қонунлар

— диалектика қонунлари бор. Кўпроқ умумий қонунлар билан камроқ умумий (хусусий) қонунлар ўтасида диалектик ўзаро алоқадорлик мавжуд. Умумий қонунлар хусусий қонунлар орқали амал қиласди, хусусий қонунлар эса ўз навбатида умумий қонунларнинг юз берини акс эттиради. Қонунларнини бу ўзаро алоқадорлиги муайян фанлар муносабатида асос бўлиб хизмат қиласди.

Теварак-атрофдаги олам ҳодисалари бўйсуналиган қонунлар объектив суратда мавжуд бўлиб, одамлар уларни билиши ёки билмаслигидан қатъи назар амал қиласверади. Фан қонунларини ҳам олимлар ўзбошимчалик билан яратмайдилар, балки улар холис олам қонунларининг одамлар онгидаги инъикосидир. Қонуннинг кашф этилиши фикрининг предметларининг ташки, номухим алоқаларини билишдан аста-секин уларнинг моҳиятини билишга ўтишдан иборат мураккаб жараёндир. Одамлар билиб олган қонунлар уларнинг дунёни ўзгартиришдан иборат фаолиятининг асосини ташкил этади.

Юкоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг энг умумий қонунлари ҳақидаги таълимотга, яъни диалектикага мурожаат этилади. Диалектика предмет ва ҳодисаларга ҳар томондан, уларнинг қарама-қаршилигига, ҳаракат ва ривожланишида, муайян тарихий шароитларда ва ижтимоий амалиёт билан боғлиқ равишда қарайди.

Диалектика — табиат, жамият, тафаккур тараққиётининг энг муҳим қонунлари ҳақидаги фан бўлиб, у бир вақтда мантиқ (логика), тафаккур, билиш қонунлари ҳамдир. Объектив диалектика (билиш, тафаккурнинг ривожланиши) билан субъектив диалектика (билиш, тафаккурнинг ривожланиши) қонунлари умумийликда ўрганади. Уларнинг шаклланиш тамоиллари кўйидагича:

- миқдорий ва сифат ўзгаришларини ўзаро қандай қилиб ўтиш қонуни;
- бирлик ва қарама-қаршилик кураш қонуни;
- инкорни-инкор қилиш қонуни.

Бу қонунлар «кетма-кетлик бўйича» амал қилмасдан бир вақтнинг ўзида таъсир қиласди. Улардан фойдаланишда уларни шаклланиш бўйича тамойилларини билиш ва унумаслик мухим. Улар қуидагилар:

- ҳақиқатда амал қилаётган воқеа-ҳодисалар, муносабатлар, жарёнлар ва боника предметларни қарашнинг холислик тамойили;
- предметлар, ҳодисаларнинг умумий алоқадорлик ва ўзаро боғлиқлик тамойили;
- ривожланиш тамойили.

Ушбу учта диалектиканинг асосий қонунлари ҳар қандай ҳаракат, ривожланишнинг энг мухим белгиларини очиб беради. Биринчи қонун ривожланишни қайси тартибда бажариш кераклигини ифодаласа, иккинчиси — нима сабабдан, қандай ички куч таъсиридан у содир бўлади, учинчиси — қаэрга, қайси йўналишга қараб ривожланади, унинг анъаналари қандай.

Ҳар бир фаннинг ўз тушунчалари ва категория (тоифа)лари мавжуд. Астрономияда — планета, юлдуз; физикада — электрон, протон; иқтисодиётда — таннарх, фойда.

Диалектиканинг категориялари: айримлик, хусусийлик ва умумийлик, сабаб ва натижа, зарурят ва тасодиф, мажму назарияси (теория систем), андозалаш назарияси. Диалектика қонунлари, категориялари эса ҳақиқатни ўрганиш ва билишда диалектика усулини мазмуни ҳамда талабларидир.

Диалектика табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг умумий қонуниятлари тўғрисидаги, абадий ҳаракат қиласидаган, ўзгариб турадиган табиат ва жамият ҳодисаларини, улардаги зиддиятлар, қарама-қаршиликлар кураши, эскилил билан янгилик ўртасидаги курашни очиш йўли билан билишнинг илмий усули. Диалектика ривожланиш ҳақидаги энг муфассал, мазмуни бой ва чуқур таълимотидир.

6.2. ТАШКИЛИЙ БОШҚАРИШ ҚОНУНЛАРИ ВА УЛАРНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Мехнатни ихтисослаштириш, оқилона тақсимлаш одамлар гуруҳининг меҳнат унумдорлигини оширади. Аммо, одамлар ва ташкилий бўлинмалар орасидаги муносабатлар аниқ ажратилмаса, бошқариш самарадорлиги йўқотилади. Ташкилотда ташкилий бошқариш ўзаро боғланган, чунки ишлаб чиқариш бўлинмалари, бўлимлари, қисмлар, уларга хос бўлган бошқарув аппарати (штаби) тузилади. Уларнинг саломги, салоҳияти режалаштирилиши, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш шакли ўзига хос акс эттирилади. Бўлинмалар, бўлимлар, қисмлар, ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлимлари, уларнинг таркиби, ўзаро алоқа шакллари ташкилотнинг ташкилий тузилишини ташкил этади. Уларнинг фаолиятини ҳаракатга келтириш эса ташкилий бошқариш орқали амалга оширилади.

Ташкилий бошқариш бир неча погонали фаолият кўрининшидир. Ташкилий бошқариш тизими нисбатан алоҳида қисмларга бошқарув органдлари (бўлинмалар, бўлимлар, бюrolар, цехлар, қисмлар, марказлар, филиаллар, қичик корхоналар, айрим раҳбарлар)га бўлинувчи бошқарув аппаратидан иборат. Ташкилий бошқариш чизиқли, чизиқли-штабли, функционал,

чили-функционал, матрициал бошқарув түзилишида маълум қонуниятга бўйсунган ҳолатда фаолият кўрсатади. 5-чизмада акс эттирилганидек, ташкилий бошқариш қонунлари бир нечта турда бўлишлари билан бирга улар ўзаро боғлиқдирлар. Энг муҳими, бошқариладиган тизимнинг ўзаро унсурлари, бошқарувчи тизим унсурлари ва ушбу тизимлар орасида пропорционаллик, адолатли нисбийликка эришиш лозимки, пировард натижада кўзланган мақсалга эришиш таъминлансан.

Ташкилот мақсадига кўра қанча мураккаб бўлса, унинг ташкилий бошқариш қонунлари ҳам шунча кўп бўлади. Масалан, ваколат, мувофиқлаштириш, билимдонлик, марказлаштириш каби вазифалар мураккаблашиб боради. Барча қонунларни амалга оширишда менежерлар ҳал қилувчи аҳамият қасб этади.

Ташкилий бошқариш қонунлари қўйидагиларни алоҳида таъкидлаш мақсадига мувофиқ; бошқарув тизимининг ягоналик қонуни; бошқарув субъектлари ва объектларини ўзаро боғлиқлик қонуни; тўғри ва қарши алоқа қонуни; турли мулкчилик шаклларида ишлаб чиқаришнинг ижтимоний бошқарувини мувофиқлиги қонуни; ишлаб чиқаришни режали ва самарали бошқариш қонуни; бошқариш вазифаларини ўзгариб туриш қонуни; бошқариш вазифаларини мужассамлаштириш қонуни; бошқарув пофонацияни сақдаш қонуни; назорат қенг кўламда кўлданиши қонуни; бошқариш қонунларини биргаликда таъсир этиш қонуни; бошқариш доимо мукаммалланиши қонуни.

Ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ташкилий бошқариш учун унинг ижроичиларига мақсадли йўналишда таъсир кўрсатиш ва шу билан ишлаб чиқаришни тартибга солиш, бир-бирига боғлиқ ва таъсир этувчиларни мувофиқлаштириш, оқилона амалга ошириш учун мос равишида мажмуи тадбирлар ва воситалар бўлиши керак.

Ижроичиларга таъсир кўрсатишни тайёрлаш, бошқарув ечимини қабул қилиш, амалга ошириш учун ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)ни бошқариш тизимида пайдо бўладиган саволлар, масалалар, муаммолар тегишли бошқарув органлари, қисмлари, шўйбалари ва аппаратларида ўз вазифаларини бажаришлари талаб этилади.

Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)ни бошқаришда такомиллаштиришининг асосларидан бири — ишлаб чиқариш раҳбарлари (менежерлар) ва мутахассислари фаолиятида хабарлар, маълумотлар, ахборотлар билан таъминлаш; иккинчиси, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг мақсад-моҳиятини аниқ билиш; учинчиси, ишлаб чиқаришни ташкил этишда, уни бошқаришда фойдаланиладиган қонунларнинг мавжудиги ҳамда уларни билиш; тўртинчиси, хўжалик юритиш, ишлаб чиқаришни бошқариш тамошларга риоя қилиш; бешинчиси, ишлаб чиқаришни бошқаришда илмий техника тараққиётидан самарали фойдаланиш; олтинчиси, ишлаб чиқаришни бошқаришда вазифалар, йўналишиларни ва тизимли ёндашиш; еттинчиси, ишлаб чиқаришни бошқариш техникаларини шакллантиришда мақсадга этишиш механизмидек кетма-кет бўлишини таъминлаш; саккизинчиси, маъмурӣ аппаратдаги раҳбар ва мутахассислар меҳнатини оқилона ташкил этилиш.

Ташкилий бошқаришнинг бўғинларидаги воқеа, ҳодиса, предмет ва шунга ухшашиларни ифодаловчи хабарлар, маълумотлар, ахборотлар тўпланиб ҳар хил кўринишда турли каналлар орқали узатилади, қабул қилинади ва жавоб қайтарилади. Бунда ташкилий алоқани такомиллаштириш, автоматик воситалар, ахборотларга ишлов бериш воситалари, алоқа аппаратлари, телефон, факс, телевидение, интернет, сотовий телефон, комьютер тизими маълумотларини сақлаш воситалари, узатиш воситалари, ахборотли-автоматик тизим кабилар муҳим ўрин тутади.

Фан-техника ва тадбикорликни ривожлантириш даражасини ҳисобга олиш, уларнинг илмийлиги уларга тизимли ва мажмуи ёндошилиш, ташкилий бошқариш тизимида қатнашувчи бўғинларнинг олиб борилиши, интеграция, номарказлаштирилиш жараёнларидан оқилона фойдаланиш, ресурслардан тежамли фойдаланиш, маҳсулот сифати ва самарадорлигини ошириш, мулкчилик шакллари ва хўжалик, тижорат ҳисоблари, реклама фаолият ва маркетингдан унумли фойдаланиш, ҳудудий ва ташкилий тузилмалар сиёсатига эътибор қаратиш каби ривожланиш қонунлари, уларнинг усуслари муҳим маъно касб этади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ишлаб чиқаришни жадал ўсиши мамлакатда умумиқтисодиётнинг ўсиши учун асосий қонунлардан бири бўлиб хизмат қиласди. Шунинг учун узоқ истиқболда мамлакатнинг бугунги иқтисодиёти барқарор, узлуксиз ривожланиши учун макроиқтисодий кўрсаткичлар мувозанатида тармоқ ўрнига, тармоқ иқтисодиёти кўрсаткичлари мувозанатида ташкилотлар ўрнига эътибор бериш ривожланиш қонунидир.

Миллий иқтисодиётнинг асосий ривожланиш қонунлари ишлаб чиқариш тараққиётининг суръатларини ошириш, маҳсулот сифатини, самарадорлигини юқори даражага кўтариш, одамлар меҳнатини такомиллаштириш, илмий-техник тараққиётга асосланган ишлаб чиқаришта эришиш, бозор иқтисодиётининг оқилона ташкилий бошқаришига ўтиш, бозорга мос равишда хўжалик юритиш, инсон омилини олий даражага кўтариш кабиларни талаб этади. Бозор муносабатининг ривожланиш қонунларидан бири, бу ишчи-ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий фаолигини ошириш, инсонни шахсий камол топиши учун шароитларни шакллантиришдир.

Бошқариш қонунлари менежмент ва менежерлардан чуқур билем талаб қилган ҳолда улардан самарали фойдаланиш ҳам муҳимдир.

6.3. ТАШКИЛОТНИНГ ЯНГИ ШАКЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ЖОРӢӢ ҚИЛИШ

6.3.1. Ташкилотнинг янги шаклини ишлаб чиқишга талаблар ва тамойиллар

Ташкилотнинг янги тузилмасини, унинг фаолиятини бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорӣ қилиш пухта ўйланган ижодий тавсифга эга бўлмоғи лозим. Корхона ёки фирманинг ташкилий тараққиёти (стратегияси, концепцияси, лойиҳалари)нинг йўналишлари бошқа ўхшаш ташкилотларга тақлид қилишини ёқтирмайди, бу ерда бошқа схематик

андозалар ва намуналарни механик күчиришга ўрин бўлмайди. Чунки ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишининг умумий муайян ташкилотда ўзига хосдир.

Ташкилотнинг муайян шакли, унинг фаолиятини бошқариш корхона ёки фирманинг ўз мақсадлари, функцияларидан келиб чиқсан ҳолда таҳлил қилинни лозим. Чунки ҳар бир ташкилот турли табиий, иқдимий, ижтимоний, иқтисодий, техник-технологик шароитларда фаолият кўрсатади. Шунинг учун ҳам ташкилот тизимини бошқариш, ташкил этиш шаклларини такомиллаштириш бўйича тадбирлар маълум кетма-кетликда, босқичма-босқич олиб борилади, тайёргарлик босқичи бажарилади, ташкилотнинг лойиҳаси ёки бизнес-режаси ишлаб чиқилади, лойиҳа амалиётга жорий қилинади, ташкилотнинг янги тизими мустаҳкамланади, керак бўлса, яхшиланади ва такомиллаштирилади.

Ташкилотнинг янги шаклини, унинг иш жараёнини тасвиirlаб, раҳбарларининг ўз мақсадларига қандай тадбирлар орқали эришишларини кўрсатиб бериш керак. Бу тадбиркорининг муҳим ҳужжатлар тизими — бизнес режадир. Яхши ишлаб чиқилган бизнес-режа ташкилотнинг истиқболини (одатда у 3—5 йилга мўлжалланади) белгилаб олишга, янги маҳсулот ишлаб чиқариш, янги хизмат кўрсатиш турларини яратишга ҳамда мўлжалларини амалта оширишнинг мақсадга мувофиқ шакл ва усулларини танлаб олишга ёрдам беради.

Бизнес-режа доимий ҳужжат бўлгани билан, у мунтазам равиша янтилаб борилади, унга ҳам ташкилотнинг ички ва ташки мухитига қараб ўзгаришлар киритилади. Бизнес-режа ташкилотнинг муаяйн бозордаги фаолиятининг аниқ йўналишини ўрганиш мақсадида ўтказиладиган тадқиқотлар, ташкилий ишнинг натижаси бўлгани муносабати билан қўйидагиларга асосланади:

— маълум маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг аниқ лойиҳасига — янги турдаги буюмлар яратиш ёки янги турдаги хизматлар кўрсатишга;

— ташкилотнинг кучли ва кучсиз томонларини аниқлаб, ўзига хос хусусиятларини, ўзига ўхшаш бошқа ташкилотлардан фарқларини аниқлаб олиш мақсадида ҳар томонлама ўтказиладиган ишлаб чиқариш — хўжалик ва тијорат таҳлилига;

— аниқ вазифаларни амалга ошириш учун қўлланиладиган молиявий, техник-иқтисодий ва ташкилий механизмларга.

Бизнес-режадан инвесторларни жамлашdir Ташкилот сармоясини қўпайтириб боришнинг муҳим воситаси айни шу бизнес-режадир. Бу режани тузиш жараённи бошланган ишнинг ҳамма тавсилотларини синчилкаб таҳлил қилиб чиқишга имкон беради. Бизнес-режа бўлгуси шериклар билан мунозаралар олиб борилётганда бизнес-таклиф учун асос бўлиб хизмат қиласи ва ташкилотнинг асосий ходимларини ишга таклиф этишда катта рол ўйнайди.

Бизнес-режадан инвесторларни кредиторларни таклиф қилишда ҳам фойдаланиш мумкин. Инвесторлар таваккал қилиб сармоя киритишдан аввал лойиҳанинг синчилкаб ишлаб чиқилганига ишонч ҳосил қилишлари, унинг самарали эканлигидан хабардор бўлишлари керак. Улар сармоя бериш имкониятларини кўриб чиқиши олдидан бизнес-режани ўрганиб чиқишларини

лозим, шунга кўра кўпинча бизнес-режанинг ўзи синчилаб ишлаб чиқилмас экан, улар лойиҳани ишловчилар билан учрашмайдилар ҳам. Бизнес-режада асосий, муҳим масалалар ёритилган, унинг материали равон, тушунарли қилиб баён этилган бўлиши керак; у ҳар хил тоифадаги одамларга, ҳатто маҳсулот (хизмат кўрсагиши)лар ва бозор тўғрисидаги билимлари чекланган кишиларга ҳам тушунарли бўлмоги лозим. Режа бўлимларининг ҳажми, нечоғлиқ аниқлаштирилгани ташкилотнинг ўзига хос томонлари ва фаолиятининг соҳасига боғлиқ.

Бизнес-режанинг ҳажми мумкин қадар чекланган (60—80 бетдан иборат) бўлиши мақсадга мувофиқ.

Ташкилотнинг ҳозирги ҳолатини мукаммал таҳдил қилиш, истиқболини и белгилаб олиш асосида мақсадли ечимларни амалга ошириш учун зарур бўлган кетма-кетлик аниқланади ҳамда уларни амалга ошириш муддатлари и белгиланади ва тайинланади.

Бирдамчи ишчи тахмин ёки мўлжал яратилигач, бошқа бўлак асосий тизим навбатма-навбат ҳал қилинади. Аввал ташкилотда ишлаб чиқариш тизими лойиҳалаштирилади, сўнгра ташкилотдаги ташкилий тизим лойиҳаланади, сўнг ташкилот фаолиятини бошқариш тизими лойиҳалаштирилади.

6.3.2. Ташкилот тизимини лойиҳалаштиришнинг кетма-кетлиги

Ташкилот тизимини ишлаб чиқиш ҳаракатидаги тайёргарлик босқичи унинг одамлар билан боғлиқ бўлган муаммолари ўрганилади. Бунинг учун ижодий гуруҳ тузилиб, таркибида жамоа аъзолари билан бирга маҳсус тадқиқотчи мутахассисларнинг ходимлари, зарур бўлса — юқори органлардан масъуль шахслар қатнашадилар. Лойиҳачи гуруҳлар ташкилот тизимини таҳдил қилиб, бажарилиши лозим бўлган тадбирлар, янги тизимнинг лойиҳасини ишлаб чиқиш жадвалини аниқлайди, ташкилот тизимининг лойиҳасини амалга ошириш усули, муддати ва муайян масъуль шахсларини белгилайди.

Ташкилот тизимини лойиҳалаштириш эса тизимли ёндашув асосида олиб борилади. Ташкилот тараққиётининг умумий концепциясига асосланади, стратегиянинг иқтисодий, ижтимоий, иқтисодий-молиявий жиҳатларини бир мунча батафсил баён этилади, далилланган ташкилий-иқтисодий ва техникик-технologik тадбирлар асослаб берилади. Стратегияни амалга жорий қилиш техник, ташкилий, ижтимоий, ҳуқуқий, бошқарув ўзгаришларнинг маълум вақтгача ўзаро маҳкам боғланган бутун бир тизим (мажму) сифатида тузилган кенг инвестиция дастурларига асосланади. Бизнес-режа инвестицион дастурнинг одатда бир неча йил ичидаги амалиётта жорий қилиши керак бўлган бир қисмини ўз ичига олади.

Ташкилотнинг стратегик режаси кўйидаги босқичларда бўлиши мумкин; ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш; ривожланишининг инвестицион дастурини ишлаб чиқиш; ўртача муддатли даврга мўлжалланган бизнес-режани ишлаб чиқиш; бизнес-режани амалда жорий қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Ташкилот тизимининг бизнес-режаси бир қанча вазифаларни ҳал қилишга имкон беради, улардан асосийлари қўйидагилар:

— ташкилотнинг ривожланиши иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини асослаш;

— ташкилот фаолиятининг кутилаётган молиявий натижаларини, биринчи навбатда, сотув ҳажмларини, сармоядан олинадиган даромадлар, фойдани ҳисоб чиқиш;

— муқобил стратегияни ташкилот амалиётига жорий қилиш учун зарур маблағлар манбанини, яъни молиявий ресурсларни жамлаш усулларини белгилаш;

— ташкилотнинг бизнес-режасини амалга ошира олалиган ходимларни маҳсус гурухга танлаб олиш.

Маҳсус гурухни самарали фаолият кўрсатишида менежер, тадбиркор, ташкилотнинг ташкилий бўлимлари, бўлинмалари, консалтинг ташкилотининг аъзолари мухим рол ўйнайди. Менежерда янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олиш, янги турдаги хизмат кўрсатиш ижодий фикри пайдо бўлган бўлса ёки у ўз гоясини мустақил равишда амалга оширишга аҳд қилиган бўлса, у ўз бизнес-режасини яратади.

Йирик ташкилот ривожланишининг устувор режасини ишлаб чиқиши учун кенгайтирилган бизнес-режа тузади. Бизнес-режани юхта ишлаб чиқилаётган босқичидаёқ, кўпинча шерик топилиб қолади.

Барқарор ва узлуксиз фаолият кўрсатиб келаётган, етарлича барқарор бозор учун маҳсулот ишлаб чиқараётган ташкилотлар доим ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш йўлларини излайди. Лекин бундай ташкилотларнинг барчасида ишлаб чиқарилаётган ўз маҳсулотлари ёки хизматларини замонавийлаштириш чора-тадбирларини доимо кўзда тутади. Доим таваккал қилиб маҳсулот ишлаб чиқарадиган ташкилотлар аввало янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтиш устида мунтазам иш олиб боради ва ҳоказо. Ташкилот янги ўзлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни анчагина оширишни мўлжаллаган бўлса-ю, лекин буларни ишлаб чиқариш учун старли қувватларга эга бўлмаса, у ё янги қувватларни юзага келтириш учун сармояларни жалб қилиш йўлидан бориши ёки ишнинг бир қисмини бажариб берадиган ҳамкорларни қидириб топиш йўлига кириши мумкин. Иккинчи йўл, одатда, вазифаларни тезроқ ҳал қилишга имкон беради ва камроқ маблағларни талаб этади. Бу ҳолда бўлғуси ишлаб чиқаришга қўйиладиган талаблар энди бизнес-режани ишлаб чиқиши босқичидаёқ аниқ бўлиб қолади.

Бизнес-режани ишлаб чиқишида иштирок этадиган юя муаллифларидан ташқари кредит бозорининг хусусиятларини, қаерда бўш сармоялар борлигини, мазкур бизнеснинг таваккал қилиб хатарли томонларини биладиган молия ходимлари ҳам фаоллик билан қатнашадилар. Бизнес-режани ишлаб чиқадиган мутахассислар гурухининг асосини иқтисодчилар-статистлар, мажмучилар ташкия этади.

Бизнес-режадан ташкилотларнинг ташкилий тузилмаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда ҳам фойдаланилади. Бизнес-режадан янги ҳиссадорлар-

маблаг берувчи ҳомийлар, кредиторлар ва бошқаларни қидириб топишда ҳаммадан күп фойдаланилади. Мавжуд ташкилоттар акцияларини сотиб олиб ёки янги ишлаб чиқариш тизими, ташкилий тузилмаси, ташкилотни бошқариш тизимини яратиб, фаолиятини қенгайтиришни мүлжаллаётган йирик корхоналар ва фирмаларга бизнес-режа ёрдам беради.

Бизнес-режанинг қисқача баён этилган мазмунидан сүнг одатда ташкилот түғрисидаги маълумотлар келтирилади, уларнинг асосий маълумотлари қуидагилар бўлиши мумкин:

— ташкилотнинг ташкилий топиши (қачон, қаерда, ким томонидан рўйхатга олингани, қаерда жойлашган), ташкилий-хуқуқий шакли, сармоясининг тузилмаси, ҳисоб рақами очилган асосий банк, раҳбарияти, асосий менежерлари, уларнинг малакаси, маълумоти, иш стажи);

— ташкилотнинг ташкилий тузилмаси (асосий ишлаб чиқариш тизими, ташкилий тузилмаси, бошқарув бўлинмалари);

— ташкилот нуфузи (мазкур ташкилот қандай маҳсулот билан ном чиқарган, бу ташкилот ўзига ўхшаш бошқа ташкилотлардан нимаси билан фарқ қиласди, ташкилот маҳсулотларини кимлар сотиб олади ёки хизматидан кимлар фойдаланади, ташкилотнинг маҳсулот белгиси қаерларда маълум, доимий мижозлари кимлар ва қанча, ташкилот маҳсулоти ва хизматларининг илгарилама ҳаракати қанақа);

— ташкилот фаолияти шароитларининг таҳлили бизнес-режанинг биринчи бўлимининг муҳим қисмидир. Ташкилот фаолиятининг шароитлари (ташқи ва ички) қандай даражада.

Ташқи шароитларга ташкилот деярли таъсир кўрсата олмайди, лекин уларни назарда тутиши керак бўлади. Бу шароитлар истеъмолчилар хоҳиш-истаклари ва дидларининг, бозор талабларининг ўзгариб туриши, ишчи кучи бор-йўқлигини, моддий ресурслар манбаларини, маҳсулот ёки хизматнинг ҳаёт даври, ишлаб чиқариш даври, соликقا тортиш таҳлили, баҳолар устидан назорат ва бошқаларни ўз ичига олади.

Ички омиллардан: маҳсулот ёки хизмат кўрсатишнинг сифати, ишлаб чиқариш ҳаражатлари, техник ва технологик воситалар, ижрочи, мутахассисларнинг маҳорати қабилардан фойдаланиш усуллари ҳисобга олиниши керак.

Бизнес-режанинг иқтисодий таҳлил қисми унинг энг ижодий қобилият талаб этувчилиридан бири. Ташкилот бир неча йилдан бери ишлаб келаётган бўлса, таҳлилда сотилган маҳсулот ҳажми ва фойда микдори сўнгги молия йиллари давомида қай тариқа ўзгараётганини кўрсатиш керак. Бундан ташқари, ташкилотнинг ўзидағи технологиянинг афзаллиги ёки ҳатто унинг йўқлиги, шунингдек, бозорда рақобатга бардош бериш имконини очадиган савдо усул амалларини кўрсатиб ўтади.

Бошқарув технологиясини ташкилий лойиҳалаштириш бошқарув ишини бажарилиш тартиби ва чизмалари орқали лойиҳалаштирилади. Бошқаришни лойиҳалаштиришда бош масала ташкилот фаолиятини бошқариш тизими, унинг унсурлари андозасини бунёд этиш.

6.3.3. Ташкилот тараққиётининг аниқ йўналишими лойиҳалаштириш

Ташкилотнинг бизнес-режасида мўлжалланаётган лойиҳанинг табиатига қараб унинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган бўлимлар бўлиши мумкин, лекин бизнес-режадек бу иш ҳужжатининг мазмуни, умуман олганда, бир қолипда бўлиб, қуидагиларни ўз ичига олиши керак: хуроса, маҳсулот ёки хизмат кўрсатиш турлари, маҳсулот ўтказиладиган бозор, маркетинг устуворлиги, ишлаб чиқариш дастури, ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)ни ташкил этиш, ташкилотнинг ташкилий тузилмаси, молиявий режа, лойиҳанинг рентабеллиги.

Бизнес-режанинг бўлимлари бериладиган ахборот бўлғуси инвесторни қизиқтириши зарур бўлади-ю, лекин сўз анча йирик инвестициялар устила бораётган бўлса, инвестициялаш тўғрисида қарор қабул қилиш учун мутлақо зарур бўлмайди. Бундай ечимга қелиш учун инвестициядан олдин анча асосланган тадқиқотлар ўтказиш зарур бўлади. Бироқ, инвесторлар ёки ҳомийларнинг мўлжалланаётган лойиҳага дастлабки қизиқшини уйғотиш учун ташкилот тараққиётининг аниқ йўналиши ўз аксини топиши керак. Бунинг учун ҳар бир йўналишнинг андозаси ишлаб чиқилади ва ўз аксини лойиҳа ҳужжатлари мажмуси бўламиш бизнес-режаде топади. *Бу ҳаби андозани яратилишида бошқариш технологиясининг сифатли томонларини акс эттиromoқ лозим бўлади. Улар қуидагилар:*

- меҳнатни вазифавий, касбий ва малака бўйича тақсимлаш, шу жумладан, масалани ечиш учун қандай ва қанча сонда мутахассислар зарур бўлишини аниқлаш;
- меҳнатни операция-технологик тақсимлаш, яъни қандай ва қанча миқдорда бошқарув операциялар, бажариш иш тартиблари зарур бўлишини аниқлаш;
- меҳнатни тақсимлаш тизими ва ҳамкорлигини бунёд этиш;
- ташкилот фаолиятини бошқариш тизимини алоҳида кичик тизимла, орқали лойиҳалаш — бошқарув ашҳарати ишчилари меҳнатини ҳисоблаш ҳаҳолаш, иш вақтини ҳисоблаш, меҳнат жараёнларини тартибга солиш ва ҳоказолар.

Ташкилотда янги ишлаб чиқариш тизимини бошқариш хизматларини бунёд этишда ишлаб чиқариш жараёнлари, бошқаришни бажариладиган иш тартиблари, яхши технология мажмусини лойиҳалаштириш энг муҳим вазифа деб белгиланади. Масалан, янги ташкилот, корхона, фирма бунёд қилинди. Бу ерда фақат ишлаб чиқариш жараёни бунёд этиш эмас, балки бошқариш жараёнини ҳам юзага келтириш жуда муҳим.

Ташкилотнинг ташкилий тузилмасини лойиҳалаштириш маҳсус лойиҳа ҳужжатларини бунёд этиш ва ишлатишни кўзда тутади. Булар қуидагилар бўлиши мумкин: бошқариш операциялари, бажариладиган иш тартиби ва унинг унсурлар рўйхати, бажариладиган иш тартибининг хариталари, технологик чизмалар, вазифа тавсияномалари, бўлим ва хизматлар ҳақидаги қоидалар, оперограммалар, документограммалар ва андозалар.

Шундай қилиб, ташкилотнинг ташкилий тузилмасини лойиҳалаштириш – бошқариш операциялари, бажариладиган иш тартиби ва унсурларининг, уларни бажариш усулини аниқ ифодалаш билан бирга бошқариш меҳнатини яхшиланишига имкон яратади.

Таянч сўз ва иборалар

Иқтисодий қонунлар, ташкилотни бошқариш қонунлари, умумиқтисодий қонунлар, формацион-маҳсус қонунлар, даврий оралиқ қонунлари, ҳуқуқий-иқтисодий қонунлар, иқтисодий категориялар, диалектика, ташкилий бошқариш қонунлари.

Такрорлаш учун саволлар

1. Қонунии билиш нима ва унга таъриф беринг.
2. Нима учун иқтисодиёт қонунлари ташкилот фаолиятида муҳим аҳамиятта эга?
3. Қонунларнинг турлари ва ўзаро боғлиқликларини тушунтиринг.
4. Ҳуқуқий-иқтисодий қонунларнинг маҳияти нимада?
5. Иқтисодий категориялар нима учун фан сифатида ўрганилади?
6. Хозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида умумиқтисодий категорияларнинг мазмунини ифодалаб беринг.
7. Диалектика тушунчаси нималардан иборат?
8. Ташкилий бошқариши қонунлари қандай фаолият кўрсатади?
9. Нима учун ташкилотнинг муайян ҳолати таҳлил қилиниши керак?
10. Бизнес-режа нима ва у нима учун мунтазам равишда янгилаб борилади?
11. Ташкилот тараққиётини лойиҳалаштиришдаги устувор режа билан бизнес-режанинг фарқи нимада?
12. Ташкилотнинг бизнес-режаси қандай вазифаларни ҳал қилишга хизмат қилади?
13. Бизнес-режада ташкилот тўғрисидаги қандай маълумотлар келтирилади?
14. Бизнес-режада қандай бўлимлар бўлиши керак?
15. Ташкилот тизимини бошқариш технологиясининг андозасини келтиринг.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995. 202–203-бетлар.
2. Йўлдошев К., Муфтайдинов Қ. Иқтисодий билим асослари. Т.: «Ўқитувчи», 1999. 16–24-бетлар.
3. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: «Меҳнат», 1995. 10–12-бетлар.
4. Иқтисодиёт назарияси: (кўргазмали ўкув қўлланма) Т.: «Шарқ», 1997. 12–13-бетлар.
5. Қосимов Ф.М. Менежмент. Т.: «Ўзбекистон», 2002. 22–25, 27–28, 37–39, 40–42-бетлар.

7-БОБ. ТАШКИЛОТЛАРДА СИНЕРГИЯ, ХАБАРДОРЛИК – ТАРТИБЛАШГАНЛИК ВА ЎЗ-ЎЗИНИ САҚЛАШ ҚОНУНЛАРИ

7.1. ТАШКИЛОТНИ БОШҚАРИШДА СИНЕРГИЯ ҚОНУНИНИНГ ҚҰЛЛАНИШИ

7.1.1. Ташкилотда синергия қонунининг мазмуні

Ташкилот назариясининг асосий қонунларидан бири — бу *синергия* (бір бутунлик, бутун) қонунидір. Бу қонун салоҳиятлар, алоҳида үнсурлар йигіндисідан ортиқроқ бұлған бир бутун ташкилотнинг салоҳияти ва имконостыдир. Уларни ўзаро құллаш, тұлдириш билан ифодаланади. Бошқача ифодаланадиган бұлса, бу ташкилотнинг бир бутунга бирлашицидан уннің аъзолари учун муайян ютуқлар мавжуддір. Масалан, мустақіл хұжалик фаолияттінің миллій, мінтақа ва халқаро миқесіда ўзаро бирлашиб яхлит хұжалик организмінің ташкил этиши, ишлаб чиқарувчи күчларнинг ѿзиши натижасыда мәхнат тақсимоти чуқурашади, хұжалик организмідегі иқтисодий ахборотлар йириклашиши, турлы бўлимлар, улар ҳаракатини бир бутунга бирлашиши, мавжуд ресурсларни янада тежамли ишлатиш, маҳсулотларни ривожлантириш, маҳсулотларни ихтисослашган ҳолда ва етарлар микдорда ишлаб чиқариш уларни арzonлаштириш, сифатини яхшилашга бўлган эҳтиёжларини кучайтиради.

Ҳар қандай ташкилот учун уннің алоҳида бўғинлари, бўлим ва бўлинмалари, қисм ва цехларни мустақіл кўринишда фаолият кўришидан кўра ўз олдиғаги умумий мақсадларига эришиш учун бир бутун бўлиб фаолият кўрсатиши қулайдир. Ташкилот бир бутун ҳолатда ўз фаолияттін тараққий эттириши мәхнатни мувофиқлаштириш, салоҳият, моддий, ахборотли, молиявий ва мәхнат ресурсларини марказлаштирилиши ҳисобига қўпгина ижобий натижаларга эришиши мүмкін. Бунда ҳар бир менежер ўзининг ташкилотини мұваффақиятли фаолият кўрсатиши учун биринчи навбатда ушбу қонун — синергия қонунини ҳисобга олиши, унга риоя қилиши керак.

Ташкилотларда синергия қонунларининг мазмуні — бу интеграция (яхлитлаштириш, йириклаштириш, бирон қисм ва үнсурларни бир бутунга бирлаштириш), концентрация (тўпланиш, бирор нарсанинг кўячилигини бирон марказга ёки маълум майдонга йигишлиши), интеграциялашган тизимлар (иқтисодий, ҳукуқий, ижтимоий, ахборотли), табақалаштирилган тизимлар (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, ташкилотнинг ташкилий тузилиши, бошқариш).

Тафаккур қонунлари ҳақидаги фан бўлмиш мантиқ нұқтаи назаридан синергетик ёндашиш — бу ўзаро боғлиқ бўлған ташкилий тузилишнинг үнсурларини интеграциялашган йигіндисідір. Синергетик ёндашишны иқтисодий мақсаддага ижобий етишдаги назарий таъминланиш асосланған ва амалда жорий қилинган усууларни таклиф қилиш учун хизмат қила оладиган әнг тўлиқ, аниқ ва ишонарли воситалар эгасини ифодалайды.

Агар бу қонунг иқтисодий ва ташкилий бошқариш йўналишларидан урғу берадиган бўлсак, шуни таъкидлаш лозимки, иккі ёки бир неча бўлимлар,

қисмлар, бўлинмалар, цехлар, ташкилотлар бир бутунликка бирлашсалар ўзаро наф (фойда, ютуқ, баҳра) ларга эришиш мақсадида умумий назорат бўлади, рақобат камаяди, устама ва ташкилий харажатларни қисқариши, бозордаги улуши катташашиб таъминланади, техника ёки молиявий ресурслар, илмий тадқиқотлар ва ишланмалар соҳасидаги ҳамкорлик ҳисобига умумий сарфлар камаяди.

7.1.2. Ташкилотнинг янги шаклини ишлаб чиқиш ва жорий қилишда синергия қонунидан самарали фойдаланиш

Тизимли фанлар назарияси ва амалиёти ташкилотдаги ҳодисалар, воқеалар, жараёнлар, кичик тизимлар, тизимларнинг ички ва ташки ӯзаро боғлиқликларини ҳисобга олади. Чунки тизимли фанлар ҳодисалар ва омилларнинг ўзаро боғлиқлигини, ҳар хил шакллар, кўринишлар ва кўринмас, кўз илгамас муайян боғлиқликларни, ҳақиқий ҳолатда уларни бошқаришнинг мураккаблиги синергия қонунидан фойдаланишини қийинлаштиради, шу сабабли уларни мажмуини ҳисобга ола билиш лозим.

Тизимли фанлардан ташкилотнинг янги шаклини ишлаб чиқиш ва жорий қилишда, яъни тизимли ёндашиш муайян ишлаб чиқаришда, ташкилий тузилмада, бошқариш тизимида, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, ахборотли, савдо-сотиқ тизимларида ва бошқа тармоқлардаги тизимларнинг усулларини ишлаб чиқишини талаб этади. Шу билан бирга илмий тадқиқот мавжудотининг муммомларини ўрганишта тизимли ёндашиш орқали эришилади.

Ташкилотнинг янги шаклини бошқариш тизими ҳал этилишида ишлаб чиқариш ва ташкилий тузилмаларнинг тизимларини ишлаб чиқилган лойиҳаларига сунянилади. Бошқариш тизимини ҳал қилишдан мақсад ташкилотдаги ҳар бир янги ташкилий қисм оптималь (энг қулай) фаолият кўрсатниши учун шаронит яратишдир.

Ташкилот фаолиятини бошқариш тизимини ҳал қилишнинг муҳим қисми унинг ташкилий тузилмаси ёки тузилишининг ишланмасини ишлаб чиқишидир. Бошқариш тизимининг тузилмаси ташкилотдати ҳар бир бошқариш поғонасининг функцияси ҳамда ҳар бир ташкилий бирлик орасидаги алоқа белгилайди, ҳар бир чизиқли, штабли, функционал раҳбарларнинг омилкорлик даражаси, марказлаштирилганлик ва номарказлаштирилганлик миқёси ҳамда ташкилотдаги ахборотлар оқимининг йўналишини етарли шаклда ифодалай олиши аниқлайди.

Бошқариш тизимини оптималь ҳал этилишида асосий мезонлардан бири бўлиб унинг самарадорлиги, атроф-муҳитни сақлашшилиги, ижтимоий ривожланганлиги, бошқариш поғоналарининг сонини камлиги, ягона бошчиллик қилиш тамойилига риоя қилишлиги, раҳбар ходимлар орасидаги ваколат, масъулийтлар доирасини аниқ ажратилиши.

Янги шаклдаги ташкилот фаолиятини бошқариш тузилмасини ишлаб чиқиш даврида тегишли маҳсус манбаларда ўз ифодасини топган назарий қоидаларга асосланиш мумкин. Улардан фақат янги шаклдаги бошқариш

тузилмасини ишлаб чиқиш жараённан фойдаланиладиган балык ҳолаттарни көлтириб үтәмиз.

Бошқарыш техникаси бошқарув мәхнатини механизациялаш ва автоматлаштириш учун мүлжаллаб лойиҳаланган мосламалар, воситалар, усуллардан иборат бўлиши лозим. Ҳозирги бошқарыш ишларида кўплаб хилмажил электро-техник мосламалардан фойдаланилади, уларнинг ҳар бири ўзи бажарадиган операция турига қараб лойиҳалаштирилади. Бундан асосий мақсад, бошқарув техник воситалари бошқарыш мәхнатининг унумдорлигини, самарадорлигини оширишга хизмат қилиши мухим, зарур бўлган ахборот истеъмолчига тез ва аниқ етказилиши лозим. Бунинг учун бошқарыш счимларини сифатли ишлаб чиқиш, қабул қилиш, уни амалга ошириш даркор. Бошқарыш техникасидан фойдаланувчи ходимлар мәхнати маҳсулдорлигиниң миқдорий ифодаси ҳар бир вазифа юзасидан бажариладиган ишларнинг батағсил технологиясини ишлаб чиқиш, иш вақтининг холис ва зарурий сарфини, бошқарыш мәхнатининг техник жиҳозланганлик даражаси кабиларни истиқболли лойиҳалаш синергия қонунининг маълум қисмидан самарали фойдаланишидир.

Ташкилотнинг қуий погонасидаги бошқарыш тизимини ҳал қилишнинг умумий белгиси – ташкилий тузилмани ишлаб чиқиш босқичидан олдинроқ расмийлаштиришнинг бошланишидир. Бошқарыш тизимини лойиҳалаштиришнинг вазифаси шундаки, бунда ташкилотни мажмуу раҳбарлик Қилишни таъминловчи, самарали ва мақсадга йўналтирилган бошқарув мәхнатини тақсимлашдан иборат.

Муайян масала ҳар бир ходим ва бўлинмаларнинг пухта билими, ваколати доирасида ажратилган самарали бошқарыш тузилмасини ишлаб чиқишидир.

Бошқарыш тузилмасини ишлаб чиқиш юқоридан пастга қараб боради. Биринчи навбатда буйруқ-фармойишлар чиқарадиган олий бўғин яратилади, сўнгра пастга қараб, ижрочи бўғинларга ўтилади. Бошқарув бўғини бошлиқ ва унинг бевосита бўйсунувчисидан ташкил топади. Ҳар бир бошқарыш бўғинига маълум миқёсдаги бошқарув, яъни бевосита бўйсунувчилар сони қўрсатилади. Бевосита бўйсунувчилар сони, раҳбарнинг шахсий қобилиятидан ташқари бажариладиган функцияларнинг мураккаблигидан, ишлаб чиқариш жараённинг фазовий жойланиши, ихтисослик даражаси ва бошқаларга боғлиқ.

Бошқарыш тизимини лойиҳалашда қуйидаги асосий тарафларни фарқлаш лозим:

- бошқарышни ташкил этилиши (бошқарыш доирасида ташкилий бўлинмалар, уларни бўйсунувчи бўлинмалар билан, ўзлари орасидаги боғлиқлик);
- бошқарыш жараёни (бошқарыш фаолиятининг айрим ҳаракатини ўзаро боғлиқлик тартиби);
- бошқарыш воситалари (ахборотлар ёки бошқача айтганда бошқаришдаги мәхнат предметлари);

- башқариш ишларининг одати (башқариш аппаратидаги раҳбарнинг шахсий сифатлари — унинг тажрибаси, маҳорати, кўниумаси, малакаси, касбий билими ва шу кабилар);
- башқариш тузилмаси (башқариш доирасидаги ходимлар орасида меҳнатни тақсимланиши);
- ташкилотда иқтисодий тизимни яратиш (тижорат ҳисоби, ички ишлаб чиқариш ҳисобини жорий қилиш йўли билан яратиш);
- ташкилотда ҳукуқий тизимни яратиш;
- ташкилотда ижтимоий ривожланиш тизими (ижтимоий гурӯҳлар, жамоатчилик ташкилотлари, жамғармалар ва бошқалар);
- институционал тузилма (партиялар, касаба уюшмалари, ёшлар ташкилоти, бошқа жамоат ташкилотлари);
- норасмий тузилма.

Иқтисодий бир бутунлик — иқтисодий субъектларнинг иқтисодий, технологик муносабатларининг ўзаро боғлиқлигини ошиши натижасида вужудга келади. Вертикал ва горизонтал бир бутунлик (синергия) кўринишида бўлиши мумкин. Горизонтал бутунлашишда барча ташкилотлар биргина ишлаб чиқариш жараёнининг босқичи (даври, палласи)ни амалга оширадилар ёки бир хил маҳсулотлар ва хизмат кўрсатишни амалга оширади; шундай қилиб, улар бир-бирини мувофиқлаштиради. Вертикал бутунлашишда эса ўзининг таъминловчиларини назорат қиласди.

Бутунлашиш (синергия) ижтимоий, иқтисодий ва экологик жараёнлар бўлиб, турли ташкилий қисм, бўлим, бўлинма, цехларда, ташкилотлар ва мажмуаларда ҳукуқий жиҳатдан расмийлашади. Бир бутун бўлиш эса техника ва технологияни ривожлантириш, маҳсулот сифатини мукаммаллаштириш, маҳсулотларни ихтиослаштан ҳолда, етарли миқдорда ишлаб чиқариш уларни ихчамлаштиради, арzonлаштиради, мукаммаллаштиради, сифатини яхшилашга бўлган имкониятларни кучтайтиради.

7.1.3. Ташкилотда синергия қонунининг моҳияти ва уни оптималлаштириш

Ташкилот ўзининг асосий эътиборини харидорларнинг истакларини, диди, ҳоҳиши, ўзлаштириш хусусиятлари, иштиёқини қондиришга қаратиши лозим. Шу билан бирга рақобатда нарх бўйича вужудга келадиган муносабатларни аниқлаш, нархни ошириш ёки пасайтириш ҳисобига рақобатни бартараф этиш эмас, балки доимий янгиланиб турувчи ранг-баранг, янги товарлар ишлаб чиқаришни, уларни сотувини самарали ташкил этиш назарда тутилади. Замонавий рақобат кураши ўз масканини ва йўналишларини янги товарлар, янги бозорлар, харидорлар, технология, согишибурларни томон ўзгартириши, ушбу фикрнинг тўғрилигидан далолат бермоқда. Замонавий фирмалар ўз имкониятларининг самарали жиҳатларини байнаминадлик жараёнида кўрмоқдалар. Маҳаллий бозор талабларини қондириш учун курашда жўғрофий чекланишларнинг йўқолиши, янги товарлар, хизматлар билан янги бозорларни

ўзлаштириш самарали эканлиги ушбу хусусиятнинг асосий мөҳиятини белгилайди.

Юқорида қайд этилганидек, бошқариш тизимини оптималлаштириш учун муқобил, давилланган танлов шароитида энг мақсадга мувофиқ ечимни излаш мақсадида оптималлаштирувчи андозалардан фойдаланилади.

Оптималлаштиришнинг муҳим муаммоси илмий асосланган мезонларни шакллантиришдир. Бошқача айтганда, баҳолаш белгиси ниманидир аниқлаш ва тоифалаш учун кўрсаткич асоси сифагида қатнашувчи ўлчамни топишдир.

Самарали ечимнинг мақсади шундаки, мўлжалта энг оқилона йўллар билан эришишдир, яъни белгиланган муддатларда, меҳнат, пул, моддий, табиий ва бошқа ресурсларни кам сарфлаган ҳолатда эришишдир.

Самарадорлик назариясининг асосий тушунчаларидан: самара, самарадорлик, натижা, ҳаражатлардан кўпроқ фойдаланамиз.

Қаралаётган лойиҳанинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи макроиктисодиётда шаклланадилар, ижтимоий, иқтисодий, экологик йўналишларни қамраб олади. Бундай учта йирик омиллар синергетик ёндашишнинг ажралмас қисми бўлиб, жамият тараққиётининг глобал ғояларини амалга оширади, замонавий босқичда халқаро ижтимоий-иктисодий минтақани тараққий этиши учун характерлидир. Шу сабабдан «синергетик самарадорлик» атамасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Бунда лойиҳада қатнашувчиларнинг молиявий манфаатларидан ташқарига чиққан ҳолда жамият аҳамиятига молик муаммоларни ижобий ҳал қилишга қарагилади.

Ушбу ёндашиш аслида муайян бизнес-субъектлар манфаатига зид эмас, чунки уларнинг ўзи ижтимоий грух ва жамиятни ташкил этади, ижтимоий экологик бойликтан фойдаланади.

Синергетик самарадорлик кўрсаткичини баҳолаш учун индекс усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ушбу усул орқали лойиҳада кўзланган ижтимоий, иқтисодий-экологик натижалар индексларда шаклланади. Индекснинг натижалари мос равишда ижтимоий, иқтисодий-экологик йўналишларнинг ҳақиқий, башоратланган миқдорий кўрсаткичларни солишишиш асосида аниқланади.

Индексларнинг ўзига хослиги ҳар хил тавсифдаги омилларни миқдорий баҳолаш имконини беради ва турли ўлчамдаги сифат кўрсаткичларни қўшиш (йингиндига чиқиши), яъни бевосита қўшиб бўлмайдиган унсурлардан ташкиз топган ҳодисалар (масалан, ижтимоий, иқтисодий, экологик тавсифдаги)ни солишишиш мумкинлигидир. Оқибатда холис қисмдан иборат ҳодисаларни етарлича ишонарли, аниқ баҳолаш имкони яратилади.

Ташкилотларда синергия қонунини қўйлашда қуйидаги вариантларнинг синергетик самарадорлик кўрсаткичидан фойдаланиш мумкин:

$$J_{\text{син.}} = J_{\text{икт.}} + J_{\text{ижт.}} + J_{\text{экол.}} + J_{\text{и/ч}} + J_{\text{т.з.}} + J_{\text{бош.}} + J_{\text{акб.}} + J_{\text{хук.}}$$

Ушбу синергетик самарадорлик кўрсаткичини баҳоловчи андоза орқали иқтисодий, ижтимоий, экологик, ишлаб чиқариш, ташкил этиш, бошқариш,

ахборотлаштириш, ҳуқуқий тизимлар оптималлаштирилади. Катта тизимларни лойиҳалаш, таҳлил қилиш натижалари ҳозирги замон ахборот — коммуникация ва интернет технологияларида кенг тарқалган. Қолаверса ушбу соҳанинг қатор бўлимлари бўйича кўпгина чукур мазмунли илмий асарлар, дарсликлар, ўкув қўлланмалари бўлажак мутахассислар хизматидадир.

7.2. ТАШКИЛОТНИ БОШҚАРИШДА ҲАБАРДОРЛИК-ТАРТИБЛАШГАНЛИК ҚОНУНИНИНГ ҚЎЛЛANIЛИШI

7.2.1. Ахборот тизимининг вазифалари ва муаммолари

Ўзбекистоннинг иқтисодий рақобатбарлошлигини оширмоқ учун ташки ва ички ахборотларга тўлиқ эга бўлиш керак.

Қўйилган мақсадлардан келиб чиқиб ҳар қандай бошқарув тизимининг ташкилий тузилмаси турлича. Бунга мос равишда ахборотларниң талаб этилиш турлари жуда кўп. Ҳозирги шароитда шундай тизим яратиш керакки, зарур ахборотларни исталган вақтда бемалол олиш имкони бўлсин. Иқтисодий нуқтаи назардан ахборот йирик моддий қадрият касб этади. Ажralган ахборот деярли мавжуд эмас, унинг бир қисми бошқаси билан боғлиқ. Шу боис ахборот билан ҳабардорлик ўта муҳим аҳамиятга эга.

Ахборот ташкилотнинг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, маҳсулотларни фазовий силжитиш, тижорат, эккаунтинг фаолиятларини режалаштириш, айниқса, жорий ишлаб чиқариш, сармоя киритиш, бошқарув ечимини қабул қилиш учун зарур. Ташкилот мувваффақиятини таъминламоқ учун бир томондан корхонага раҳбарлик қилиш касбий фаолият сирларини ўзлаштириш зарур бўлса, иккинчи томондан, бошқаришда тартиблашганлик қонунини қўлланилиши, уни фан-санъат даражасида эгалламоқ лозим.

Ташкилот фаолиятини бошқаришда меҳнатнинг оқилона ва самарали усуллари, воситалари иш жойининг потенциал имкониятлари билан мувофиқ ҳолга келтирилган техник, технологик, ташкилий, бошқариш, иқтисодий-ижтимоий тадбирларгина ҳабардорлик даражасини оширишга хизмат қиласи. Масалан, ишта киришишдан один уни шундай ўйлаб кўриш керакки, токи мияда унинг андозаси — бошқариш меҳнати, функцияларни тақсимланиш усуллари, тартиби, қоидаси, технологик операциялар изчиллиги, оптималлиги шакллансин. Сифатсиз, такомиллашмаган воситаларсиз ишлаб чиқариш жараёнларини ёки хизмат кўрсатиш жойларини самарали бошқариб бўлмайди. Барча зарур восита ҳамда курилмалар шай қилиб қўйилган ҳолдагина қўзланган натижага эришиш мумкин.

Ҳар қандай ташкилот ижтимоий, иқтисодий, ишлаб чиқариш, ташки муҳит, жамоат ва бошқа соҳадаги қатор масалаларни бажаради, уларни бажарилиши ва ҳолатларини ҳисобга олади. Ташкилотнинг тизимлари (ишлаб чиқариш, ташкил этиш, ташкилий бошқариш, иқтисодий, ижтимоий, ахборотли, ҳуқуқий жараёнлар), уларнинг кичик тизимлари (техника, технология, тайёрлаш, шакллантириш, мулкчилик, маъмурӣ, ҳудудий, усуллар, воситалар ва ҳоказолар ҳақида ахборотлар, маълумотлар талаб

этилади) маълум мақсадларни амалга оширувчи меҳнат гуруҳлари, жамоалари ва алоҳида ходимларнинг тизими.

Ташкилотнинг жамоат тизими фақатгина ишлаб чиқариш, ташкилид бошқариш, иқтисодий, ахборотли ва бошқа тизимлар билан айнали йириклишган ёки бир бутунлик (синергия қонунига биноан) ҳолдагина мавжуд бўлади.

Йирик ташкилотларда жамоат тизими ўта мураккаб бўлиб, ишлаб чиқариш кенгашининг тизими ишлаб чиқилади. Ундан мақсад:

- тегишли бошқариш объектларига буйрук ва фармойишлар зудлик билдириб борилишини таъминлаш;

- бошқаришнинг тегишли унсурларига маълумот ва ахборотни келишчиқсан жойидан ўта тезкорлик ҳамда аниқликда билишлари учун узатилишини таъминлаш.

Демак, ташкилотнинг ҳар бир ходими бажарилиши лозим бўлган воқеа, ҳодиса, унсурлар, жараёнлар, тизимлар ҳақида хабардор бўлишлари, яъни *хабардорлик* қонунига риоя қилишлари лозим.

Ташкилотнинг ташкилий бошқариш тузилемасини яратишида ишлаб чиқаришни бутунлаштириш ёки йириклиштириш, ихтисослаштиришни интилиш анъанаси ишлаб чиқариш бўлинмаларини ихтисослаштиришда ўзифодасини топади. Ташкилий бўлинманинг ўлчамига қараб ихтисослаштириши даражасини аниқлаш аслида бениҳоя мураккаб, шунга қарамасдан, маълум даражада ташкилий бўлинмаларни яратишида таъсир этувчи омиллар (ахборот алмашиш ёки коммуникация, моддий техника таъминоти ва б.) га қараш мақсадга яқинлашиш мумкин. Масалан, мукаммал, такомиллашган иқтисодий-ахборотли тизим, кичик тизимлар, ташкилотда ҳужжатлар билан ишлани юқори даражада ташкил этиш, иқтисодий-ахборотли ҳужжатлар тизимини яратиш, ташкилотдаги иқтисодий ахборотлар тизимини мақсадга мувофиқ ишлаб чиқиши каби замонавий ташкилотнинг хабардорлик қонунининг асосини яратиш демакдир. Унга риоя қилиш эса жамоанинг муваффақиятини кафолатлайди. Демак, ахборот шўйбасини ташкил этиш — бирдан бир мураккаб муаммодир. Уни ҳал этиш, ахборотнинг кўламини кентайтириш давр таълибидир.

Хабардорлик ахборотларни йиғиш ва ишлов беришдан иборат бўлиб, уларнинг асосланган бошқарув ечими қабул қилишга хизмат қилади. Ташкилотнинг бўлимларидаги аҳвол ҳамда фаолият ҳақида юқори бошқарув погонага маълумот узатиш, бўлимлар, цехлар, қисмлар ва ўзаро боғлиқ бўлинмалар орасида ахборот алмашиш замонавий ахборот-компьютер тизими каби алоқа воситалари орқали амалга оширилади.

Ҳозирги шароитда ички бошқарув ахборотли тизим, ахборотли жараёнлар йигиндисидан иборат бўлиб, тури эҳтиёжларни қондиришга қаратилган. Бошқарув ахборотли тизим, хабар ва маълумотларни тўпловчи техник воситалар, йиғиш (тўплаш), ишлов бериш ва ахборотни узатиш қатъий ишлаб чиқаришнинг бирлик тамойилига асосланиб амалга оширади. Бунда математик статистика таҳлилий усуллари, башоратлашнинг ҳисоблаш андозалари ишлатилади.

Ахборотли жараён илмий-техник, иқтисодий, режали, назоратли, ҳисобга олишди ва таҳлилий ахборотларни олишга йўналтирилган, ахборотли тизим бир хиллаштиришга, компютердада ечишта асосланади.

Ҳар бир раҳбарнинг ўзига зарур бўладиган муайян ахборотни аниқлаш ўта оғир масала. уни ҳал этиш раҳбарнинг тажрибаси, функциясига ҳамда унинг бошқарув счимини қабул қилишидаги ваколатига боғлиқ.

Кўйида ташкилот ичидаги ахборот-компьютер технологиялари тизимининг тамоилилари, мақсадлари, вазифалари, функцияларининг мазмуни (8-чизма) ва ахборот-компьютерли бошқарув технологиясининг мазмуни (9-чизма) келтирилган.

Ахборотларни сақлаш муаммоси ҳар хил ташкилотларда, минтақа, ҳудудларда ва ҳатто мамлакатлarda турлича ҳал этилали. Масалан, кўпгина мамлакатларда (АҚШ, Япония, қисман Ўзбекистонда) маълумотлар банки ташкил этилган.

7.2.2. Ташкилий тузилманинг алоқасини (ахборот инфратузилмасини) яратиш

Ишлаб чиқариш жараёнларини жамлаш (тўплаш, йиғиш, концентрация қилиш) даражасини ошириш анъанаси, унинг натижасида ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) бўлинмаларини ихтисослаштириш янги ташкилий тузилмалар яратилишини таълаб этади. У ўз навбатида ҳам вертикал, ҳам горизонтал алоқалар (коммуникациялар)ни яратиш билан боғлиқ.

Ташкилотнинг ички бошқарув ахборот-коммуникация тизими турии воситалар билан амалга оширилмоқда, бу ёзма хабарлар, оғзаки фармойишлар, телефон алоқаларидан тортиб то маълумотларни узатиш, радиоалоқа бўйича хабардор қилиш йўллари амалга оширилмоқда. Уларни ташкил этиш ва бошқариш маълум даражада узатиладиган ахборотни ўз вақтида, аниқ ҳамда ишонарли тайёрланишига боғлиқ. Шунинг учун йирик ташкилотларда, ахборот инфратузилмасини яратиш кунлик тартиб қаторига, мажбурий меъёрга айланмоқда.

Ташкилотда ихтисослаштиришни чуқурлаштириш нозимлаштириш (диспетчерлик) хизматига янги талабларни оширмоқда ва қўймоқда. Астасекин оддий диспетчерликдан, яъни ахборотни йиғиш ва жамлашдан, диспетчерлик хизматидан ишлаб чиқарнишни диспетчерлик бошқарувига ўтказилмоқда. Бундай шаклдаги бошқариша малакали диспетчер ўзига ишлаб чиқарнишни тезкор бошқариш функциясини олади.


Чунки ташкилий бошқаришнинг мақсади ташкилий тузилма бирликлари ва ташкилотни биргаликда эконометрик башоратлаш ёки андозалаш билан энг қулаг фаолият кўриши учун шароит яратишdir.

Ташкилий бошқариш тизимини ечишнинг муҳим таркибий қисми унинг тузилмасини ишлаб чиқишидир. Ташкилий бошқаришнинг тузилмаси бошқарувдаги ҳар бир поғонанинг вазифаси, ташкилий тузилмалар орасидаги боғлиқлардан келиб чиқади.

Ташкилот ичидағи ахборот технологиялар тизимининг тамойиллари, мақсадлари, вазифалари ва функциялари

Тамойиллар ва мақсадларни	Вазифаларни	Функцияларни
Ахборотларнинг мазмунига талабларни аниклашы ва унинг тасвифидан келиб чыкалиган мақсадда йўналтирилганиш	Ташкилотда молиявий ахборотларнинг сифатин ошириш ва ўз вактида таъминлашади мақсадида юқори бошқарув, ишлаб чиқариш бўлимилари погонадаридаги молиявий хисоботларни йигиш, ишлов бериш бўйича фаолиятни мувоффиклаштириш	Ташкилот фоалиятини тезкор бошқарни мақсадида ҳар бир музайян раҳбарнинг тасвифида ва мазмунидаги унга керак бўладиган ахборотларни аниклаш
Марказлаштирилган ва номарказлаштирилган бошқарниша ахборотларни саклаш, ишлатиш, фойдаланишга етказиб бериш тизимини ишлаб чиқиши	Ташкилотда ва унинг бўлнималарида бошқарниша тизими учун ишлатилинши керак бўлган техник воситаларнинг эҳтиёжини аниклаш	Ташкилот бўйича ва унинг ҳар бир бошқарувчиси учун зарур бўладиган барча ахборотларни таъминлашта мўлжалланган техник алоқа воситаларини аниклаш
Маълумотлар бинкини яратиш ва ишлтиш, таъминилючи дастурни ишлаб чиқиши	Бошлаганич маълумотларни йигиш, ишлов бериш ва саклаш тизими асосий бўйича йўналишларни аниклаш	Ахборот технологиялари, интернет тизимини бенуқсон ишлана таъминлаш учун техник алоқа воситаларни сотиб олиш, улардан ижара усулида фойдаланиш каби харожагларни марказлаштирилган ходида режалаштириш
Маркетинг дастурини ишлаб чиқища, рақамли ахборотларни режалаштиришда, назорат қилинча, йигиш ва ишлов бериш жараённада кўпварноктили ҳисоблашларни ўтказиш	Ахборотларга ишлов бериш технологиясининг асосий тарафқиёт йўналишнини аниклаш	Ахборот технологиялари, интернет тизимида техник алоқа воситаларидан фойдаланишдаги сарф харожат погоналарини аниклаш
Автоматлаштирилган ишлов бериш ва матни ахборотни чиқариб бериш	Ахборотларни керак дарожада йигиш, саклаш ва имкон бериш кабилаларни таъминлаш	
Ташкилот бўйича ва унинг бўлнималарни кўнглиш, нусха олни жиҳозлари, телекслари, барга алоқа воситалари, коммуникациялар билан таъминлаш	Воситаларнинг дастурларини, замалӣ дастурларни ишлаб чиқиши	
Маъмурий-бошқарув меҳнатини ахборот-компьютер, интернет технологиялари асосида автоматлаштириш		

8-чизма. Ташкилот ичидағи ахборот-компьютер ва интернет технологияларининг тамойиллари, мақсадлари, масалалари, функциялари



9-чизма. Ташкилотдаги ахборот-компьютерли бошқарув технологиясининг мазмуни

Ташкилотларда ташкилий бошқариш тизимини ишлаб чиқиш, бошқарув тизимининг режасини ишлаб чиқиш муҳим босқичлардан ҳисобланади. Масалан, режани ишлаб чиқиш учун ташкилотда режалаштиришнинг ўзига хос ҳусусиятини (хабардорлик қонунита риоя қилиш) режалаштиришнинг тамойиллари, режа тузишининг услубиятини, режалаштиришда иқтисодий-математик усул ва андозалр, ЭҲМлардан фойдаланиш, ташкилотнинг хўжалик юритиш фаолиятини назорат ва таҳлил қилишни юқори касбий даражада бажарилишини тақозо этади.

Фарбий Ёвропа мамлакатларида ҳам ташкилий бошқариш шакли Йиллар давомида тараққий эта борди. Ишлаб чиқаришни бутунлаштириш, ихтисослаштириш анъанасини ишлаб чиқариш бўлинмаларини ихтинослаштиришда намоён бўлади. Ихтинослаштириш даражаси маҳсулотлар тури, нави ёки фаолият кўриннишига тескари мутаносибdir. Бўлинмаларнинг ўлчамига қараб ихтинослаштириш даражасини аниқлаш бениҳоя мураккаб. Чунки ташкилий тузилмани яратишда таъсир қилувчи омилларни баъзи бири қўйидагилар:

- ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш тури;
- ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш тури орасидаги боғлиқликни ечиш;
- бошқариш соҳасида ташкилий бўлимни яратиш;
- бошқарув аппарати;
- техник-муҳандислик шўъбаларини, иқтисодий-молиявий бўлинмаларини ташкил этиш;
- коммуникациялар ёки алоқаларни ташкил этиш;
- янги бўлинма, бўлим, цех ёки қисмларни бунёд этилиши билан боғлиқ омиллар;
- янги бўлинма, бўлим, цех ёки қисмларни бунёд этишда қатнашувчи ходимлари;
- янги ташкилот тизимини жорий этиш.

Ташкилотдаги ишлаб чиқариш тизимиға онд бўлган жараёнларни ўзига хос мезонлари билан ечилади. Ташкилий бошқариш тизими ҳам ташкилий тузилма ҳам, тузилмаларнинг ўзаро вазифаларининг боғлиқлигини кўрсатувчи шўъбаларни ҳам англатадилар. Бу билан бошқариш тизимига асос яратилган ва хабардорлик қонуни ҳисобга олинган.

Ташкилотда ишлаб чиқариш жараёнининг тузилмаси қўйидагича бўлиши мумкин: алоҳида ишлаб чиқариш жараёнлари; бир неча ишлаб чиқариш жараёнлари амалга ошириладиган ишлаб чиқариш ускуналарининг алоҳида тури; бир маҳсулот ёки буюм ишлаб чиқаришда бир нечта кетма-кетликда ишлаб чиқариш жараёнлари; алоҳида ишлаб чиқариш оқимини ташкил этувчи унсурлар ва бўгинлар орасидаги алоқалар, оқибатда келиб чиқадиган кетма-кет ишлаб чиқариш жараёнлари. Демак, ҳар бир жараён ўзига хос хабардорлик талаб этади ва бу қонун ишлаб чиқариш жараённада фаолият кўрсатиши талаб қилинади.

Ишлаб чиқариш тизимини бошқаришда эса ўзига хос қўйидаги йўналишларга эътибор бериши лозим:

— бошқариш соҳасида ташкилий бўлинмалар, уларнинг бўйсунувчи бўлинмалари билан ўзаро боғлиқлиги, бўлинмаларни ўзининг ўзаро боғлиқлари, яъни бошқариши аниқ ташкил этиш;

— бошқарув ва ижрочилик фаолиятининг ҳамкорлитини ифодаловчи бошқарув жараёнини кетма-кетлиги;

— бошқарув ва иқтисодий ахборотни узатиш, сақлаш, иқтисодий ахборотларни машинада қайта ишлаш, банк ахборотларини компьютерларда ишлаш;

— бошқарув аппарати ходимларининг шахсий сифати (уларнинг тажрибаси, малакаси, касбий билими ва б.).

Шундай қилиб, ташкилот у йирикми ёки кичикми хабардорлик қонуни бирдек уларга керак, бироқ ташкилот қанчалий йирик бўлса, хабардорлик қонунининг таъсир кучи ташкилотнинг самарали фаолиятига шунчалик улуши юқоридир.

7.3. ТАШКИЛОТНИ БОШҚАРИШДА ЎЗ-ЎЗИНИ САҚЛАШ ҚОНУНИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Ташкилотда ишлаб чиқариш, ташкил этиш, иқтисод, молия, назорат қилиш ва шу каби ташкилий бўлинмалар, иқтисодий ахборотни узатиш, сақлаш, иқтисодий ахборотларни ҳисоблаш машиналарида қайта ишлаш, банк ахборотларини компьютерлаш ва ҳоказо тизимларда мураккаб занжирли усткурма параметрларидан фойдаланишга тўғри келади. Ушбу бошқариш мавжудотининг хулқини, бошқариш натижаларини таҳлил қилиш натижасида параметрларга мос келадиган миқдорни ёки қийматни автоматик ишлаш талаб қилинади. Бундай бошқариш тизимлари эса ўзини-ўзи созлаш ёки ростлаш (тартибга солиш) дейиш қабул қилинган. Қайси бир бўлинма ва умуман ташкилот тезлик билан мослаша олса, катта тезлик билан ривожланса, бошқаларга қараганда ўз-ўзини сақдашга ҳаракат қиласи, ўз вазифаларини яхшироқ бажаради.

Рахбар ташкилий тузилишдаги истиқболи етарли бўлмаган бўлим ва бўлинмаларга, қисм ва цехларга, уларнинг ишлаб чиқаришдаги маҳсулотларига, фаолият кўрсататдан менежерлар, мутахассислар ва иштирокчиларга мос равишда талабни ўзгартириши лозим, зарур воситалар, технологияларни такомиллаштириш керак. Деярли беш йил давомида ташкилотнинг ички муҳити тўлиқ ўзгартирилса, рақобатгардошлиги сақтаниши мумкин.

Ўз-ўзини сақлаш қонуни ҳар қандай ташкилотда ёзилмаган ва ажралмас қонундир. Ташкилот маркетингли бошқаришга мувофиқ бозордаги маҳсулот, хизмат кўрсатишларни аналитик ҳаракатлар бўйича ўрганиб турилиши лозим, аks ҳолда бозорда ўз ўрнини сақлаб қолиши қийиндири. Бундай ҳаракатлар албатта йўқотишларга олиб келади, оқибатда рақобатчилар орасида тўқнашувлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Ташкилотнинг барқарор ўсиши, тараққий этиши учун раҳбар ўз-ўзини сақлаш қонунини кўра билиши мақсадга мувофиқ. Бозордаги барча ҳолатларни боришига старлича мослашади. Масалага тўғри ёндашишини ўз-ўзини сақлаш қонуни ўзида аке эттирган бўлиб, ташкилотни бозорда тараққий этишига, барқарорлигига эришади. Бу ташкилотни молиявий йўқотишга олиб келмайди. У бозордаги рақобатли муҳитнинг барча ҳолатлари бўйича тезда мослашишини ҳисобга олади. Ушбу нуқтаи назардан иқтисодий ахборотга бўлган зарурат тобора ортиб бормоқда. Бунда маълумотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлани ва истеъмолчисига стказиб бериш компьютер, ЭҲМ ва интернетлар хизматига асосланмоғи лозим.

Таянч сўз ва иборалар

Синегрия қонуни, иқтисодий бир бутунлик, хабардорлик қонуни, ўз-ўзини сақлашга ҳаракат қилиш, ўз-ўзини сақлаш қонуни.

Такрорлаш учун саволлар

1. Нима учун бир бутунлик қонуни мавжуд?
2. Иқтисодий бир бутунликнинг вужудга келишига сабаб нима?
3. Синергия қонунининг мазмунини тушунтиринг.
4. Ташкилот фаолиятини бошқариш тизимини лойиҳалаштиришнинг вазифаси шималардан иборат?
5. Ташкилотда синергия қонунининг моҳияти нимада?
6. Синергетик самарадорлик кўрсаткичига изоҳ беринг.
7. Хабардорлик қонуни нималарни англатади?
8. Ахборот-коммуникация технологияларининг тамоиллари, мақсадлари, вазифалари ва функцияларини билиш керакми? Нимага?
9. Ахборот-компьютерли бошқариш технологиясининг мазмуни нималар билан изоҳланиши мумкин?
10. Ташкилий тузилманинг ахборот инфратузилмасини яратишга нималар сабаб бўлмоқда?
11. Оқилона ташкилий тузилишнинг хабардорликка қандай таалуқлилиги бор?
12. Ўз-ўзини сақлаш қонунига тавсиф беринг.

Адабиётлар

1. Миллий истиқбол гояси: асосий тушунча ва тамоиллар. Т.: «Ўзбекистон». 2000. 23—27-бетлар.
2. Политическая экономия: словарь/ Под ред. О.И.Ожерельева и др. М.: Политиздат, 1990. 168—172-бетлар.

8-БОБ. ТАҲЛИЛ-СИНТЕЗЛАРНИНГ БИРЛИК ҚОНУНИ

8.1. ТАБИАТ ВА ЖАМИЯТДАГИ ҲОДИСАЛАР, ЖАРАЁНЛАР ВА ТИЗИМЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ БИЛИМ УСУЛИ

Билиш — инсон фаолиятининг ижтимоий-тарихий жараёни бўлиб, бу жараён холис воқеаликни инсон онгига акс эттиришига қаратилган. Демак, билиш воқеаликнинг инсон онгига таҳминан тўғри акс этиш жараёнидир. Билиш ҳодиса, жараён ва тизимларни таҳдил қилишдан моҳиятларини таҳдил қилиш сари, биринчи тартибдаги моҳиятлардан иккинчи тартибдаги моҳиятлар сари, предметни ўрганишдан предметлар орасидаги ўзаро муносабатлар тизимини тадқик қилиш сари йўл босиб ўтади.

Билиш воқеалик қонунларини очиб бериб, табиат предметларини уларнинг ҳар томонлама бойлиги ва хилма-хиллиги билан тоявий шаклда қайта ҳосил қиласди. Бундай имкониятнинг пайдо бўлишига сабаб шуки, инсоннинг билиш фаолияти унинг предмет — ҳиссий, моддий, амалий фаолиятига асосланади.

Жамиятдаги ҳодисалар, жараёнлар, тизимлар, ташқи олам предметлари билан мавжудотлари бўлиб қиласди. Чунки мазкур предметлар инсон фаолияти доирасига тортилади, инсоннинг фаол таъсирига учрайди; фақат ана шу туфайли уларнинг хоссалари очилиб, намоён бўлади. Амалий фаолият эҳтиёжлари билим тараққиётининг йўналишини белгилаб беради, ҳал қилиш зарур бўлган долзарб муаммоларни ўртага қўяди, у ёки бу фанларнинг ривожланиш суръатларининг шарт-шароитини белгилайди. Моддий ишлаб чиқариш ва номоддий хизмат кўрсатиш муаммоларини ҳал қилиш учун техника воситалари, илмий аппарата етказиб беради.

Ўз навбатида билиш фаолияти ҳам табиат ва табиатдаги ҳодисалар, жараёнлар, тизимлар мукаммаллашиб, бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланади. Билиш ўзининг шакллари, усуllibарига қараб бир-биридан фарқ қиласди. Инсоннинг билиш фаолияти эмпирик (тажриба, далил) билиш билан назарий билишининг чамбарчас бирлигидан иборат.

Тажриба ва далиллар асосида билиш — табиат ва жамиятдаги ҳодисалар, жараёнлар ва тизимларнинг ўзаро таъсири кўрсатиш жараёнида акс этишидан иборат. Бу билишининг ўзига хос усуllibарини, кузатишни, тасвирилаш ва ўшу кабиларидир. Билиш жараёнининг бу босқичида ҳодисалар, жараёнлар, тизимларнинг ташқи кўринишларини, хоссаларини қайд этувчи далилларни тўплаш юз беради.

Табиат ва жамиятдаги ҳодисалар, жараёнлар, тизимларни ўрганиш ўзига хос мураккаб фаолият бўлгани учун ҳам улар мъалум мезонларига кўра гурухланади, вазифа ва функциялар аниқланади, уларнинг фаолият кўрсатиш ва ривожланиш қонунлари, тамойиллари, назариялари, андозалари ўрганилади.

Химиявий, математик, физикавий, статистик, иқтисодий, функционал (морфологик), экологик, индукцион, дедукцион ва бошқа таҳлиллар асосидаги тизимли таҳлилнинг бирлик қонуни уларни алоҳида тадқиқ қилмасдан ўрганади. Бунинг учун табиат ва жамиятдаги ҳодисалар, тизимларни ўрганиш, билиш ўта мухимдир. Чунки ташкилот жамоаси ва жамият олдида турган

иқтисодий-ижтимоий масалаларни йириклаштирилган, ихтисослаштирилган, кооперациялаштирилган мажмун ҳолда счиш имкони яратылади.

Иқтисодий муайянликнинг билиш асослари — бу далил ва тажрибадир. Улар статистик маълумот, ҳодисалар ҳақида ахборот, жамият, жамоа, одамлар, турли ташкилотларнинг хулқи яққол ажралиб кўриниши мумкин.

Назария эса тажриба ва далиллардан тўплланган билимга қараганда ривожланганроқ билиш шаклидир. Иқтисодий фанда бу икки билиш усули бир-биридан ажралмаган ҳолда ўрганилади.

Назарий билиш — инсон фикрининг воқелик ҳодисалари моҳиятига чукур кириб боришидан иборат. Шу билан бирга *иммий билиш андозалаштириши*, *гинотезалар*, *назариялар тузиш* ва шу каби усуллардан фойдаланади. Воқеликни инсон билиш фаолиятининг турли шакллари ёрдами билан акс эттиради. Инсон сезги органларидан ҳиссий мушоҳада (сезги, идрок, тасаввур) шаклларида оладиган материалсиз ташқи олам ҳодисалари, жараёнлари ва тизимлари тўғрисида ҳеч нима билолмайди. Бу шакллар ҳодисалар, жараёнлар ва тизимларнинг, уларнинг айрим хоссаларининг ҳиссий суратда қайта ҳосил қилинган аксларини беради.

Табиат ва жамиятдаги ҳодисалар, жараёнлар ва тизимлар орасидаги муҳим алоқалар, уларнинг ривожланиш қонуниятлари, тамойиллари, назариялари абстракт (уларнинг ривож толмаган ҳолати) тафаккур шаклларида — *тушунчалар*, *муҳокамалар*, *хуносаларда* акс эттирилади. Билиш жараённида инсон турли мантиқий усуллардан (*таҳлия, синтез, дедукция, индукция ва б.*) ҳам фойдаланилади, бу усуллар унга ўрганиладиган жараёнлар, ҳодисалар, тизимларни назарий жиҳатдан қайта ҳосил қилиш имконини беради. Билимнинг ҳаракати тадқиқ қилинувчи ҳодиса, жараён ва тизимнинг, билинш шароитларининг ўзгариш ва амалий фаолиятнинг ривожи тақозоси билан юзага келади. Бизнинг билимимиз ўзгариб, тобора муайянроқ, холисроқ бўла боради. Билимимизнинг чинлиги мезони амалиётдир. Фоялар, назариялар амалий фаолият ёрдамида моддий воқеликдан мўжассамлашиб, нарсаларнинг моҳияти, уларнинг қонуниятли алоқалари, ижтимоий, иқтисодий, молиявий муносабатлари уларда қанчалик тўғри акс эттирилганини очиб беради.

8.2. ИНДУКЦИЯ ВА ДЕДУКЦИЯ УСУЛЛАРИ ЁРДАМИДА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШДАН СИНТЕЗГА ЎТИШ

Луғатларда индукция атамасини жузъийликдан умумийликка деб тушунтирилса, дедукцияни эса — хуроса чиқариш демакдир. Аслида индукция — тадқиқот ва муҳокама қилиш (хуроса чиқариш)нинг асосий усулларидан бири. Бошқача қилиб айтганда, индукция — билимнинг жузъий муҳокамалардан умумий қоидаларга қараб ҳаракат қилиши, дедукция эса — муҳокама қилишининг асосий усулларидан, тадқиқот усулларидан биридир. Тўлиқ ва нотўлиқ индукция усуллари мавжуд. Тўлиқ индукция усули бир туркумдаги ҳодисалар, жараёнлар, тизимлар ҳақида умуман шу гуруҳдаги ҳодисалар, жараёнлар, тизимларнинг ҳаммасини қараб чиқиш асосида хуроса ҳосил қилинади. Нотўлиқ индукциянинг турлича турлари бўлиб, бунда

ҳодисалар, жараёнлар, тизимлар гурухи қақида фақат айни түркүмдаги бәзі ҳодисалар, жараёнлар ва тизимларни қараб чиқишига асосланиб холоса чиқарылади (бундай ҳолларда уларнинг муҳим белгилари, алоқалари таҳлил қилинади).

Тұлық индукция илмий амалиётта жуда тор доирада құлланилади, **нотұлық индукция** ғоят көнг құлланилади-ю, лекин у ишончли холоса чиқарып бермайды. Ҳозирги расмий мантиқда (унинг «индуктив мантиқ» деб аталувчи маҳсус бўлимида) кузатишдан олинган маълумотлар ёрдамида умумий қоидаларни текширишнинг мантиқий мезонлари тадқиқ этилади; бундай ҳолда фақат жузъийликдан умумийликка қараб чиқарыладиган холосаларгина эмас, балки ҳамма мантиқий муносабатлар, яъни назарий билимнинг ҳақиқийлигининг муайян эҳтимоллигини аниқлаб олишга асос бўладиган ҳамма мантиқий муносабатлар қараб чиқилади. Ҳозирги замон индуктив мантиқининг энг муҳим тушунчаси — тасдиқланиш даражасидан иборат, яъни айни эмпирик билимлар шароитида бирон-бир гипотезанинг эҳтимоллигидан иборат. Ҳозирги замон индуктив мантиқи эҳтимоллик назарияси билан жуда яқин боғлиқдир. Индукция ишончли холоса бўлган *дедукцияга* қарама-қарши бўлишига қарамай, у билан чамбарчас боғлиқдир. Индукция билан дедукция худди синтез ва таҳлил каби ўзаро жуда зарур тарзда боғлиқдир. Улардан бирини иккинчиси ҳисобидан бир томонлама кўкларга кўтариб мақташ ўрнига ҳар қайсини ўз ўрнида тадбиқ этишга ҳаракат қылмоқ керак, бунга эса уларнинг бир-бiri билан боғлиқлигини, уларнинг ўзаро бир-бiri түлдириб туришини назардан қочирмаган тақдирдагина эришиш мумкин.

Дедукция билимнинг умумийликдан жузъийликка қараб ҳаракат қилиши, деб қарапарди. Ҳозирги вақтда дедукция деганда *исбот ёки асослардан* натижа чиқариш тушунилади. Бу натижага мантиқ қонунларига асосланиб чиқарылади ва ишончли тавсифга эга бўлади. Бошқача қилиб айтганда, дедуктив холоса — ҳукмлар занжири бўлиб, булардан ҳар бири ё асос ёки ҳукм бўлади ва бу ҳукм мантиқ қонунларига кўра мазкур занжирдаги бошқа ҳукмлардан бевосита келиб чиқади. Назариялар тузишнинг *дедуктив усули* ҳозирги замон фанида көнг ёйилгандир. Бу усул, одатда билимнинг маълум соҳасида далилли материал тўплангандан қейин ана шу материални чуқурроқ ўрганиш, уни тизимлаштириш, барча натижаларни қатъий суратда холоса қилиб чиқарыш каби ишларни бажариш максадида құлланилади. Ҳозирги замон фанида дедуктив усул турли шакиларда, асосан *аксиоматик усул*, шунингдек, гипотеза — дедуктив усул шаклида бўлади. Мавжуд далилли материалдан дедуктив назариялар тузганда бошлангич қоидаларнинг (аксиомалар ва шу кабиларнинг) мажмуи танлаб олинади, улардан — фан қонун-коидаларидан фойдаланиш йўли билан қолган бутун билим холоса қилиб чиқарылади. Ҳозирги вақтда физика, биология, лингвистика, социология, психология каби фанларнинг назарияларини дедуктив тарзда тузишга уриниш көнг ёйилган. Дедукция, дедуктив усул *индукция* билан, индуктив усул *дедукция* билан чамбарчас боғлиқдир.

Муайян билиш жараёнида иқтисодий ҳодиса, тизимларнинг тадқиқи үсуллари бўлмиш индукция ва дедукция үсуллари ёрдамида таҳлил қилишдан синтезга ўтилади. Шу билан иқтисодий фан усулининг таъсир кўрсатишини таъминлайди.

8.3. ТАҲЛИЛ ВА СИНТЕЗНИНГ БИРЛИГИ

Таҳлил — илмий текшириш (тадқиқот) усули, холис воқеаликни илмиј билиш, ўрганиш воситаси. Таҳлил қилиш, текшириш, яъни моддалар, воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, тизимларнинг таркибий қисмларини аниқлашдир. Бутун мавжудотни таркибий қисмларга (масалан, мураккаб моддаларни, ҳодисаларни, воқеаларни, жараёнларни уларни ташкил этган унсурларга) ажратиб, бўлиб ташлаш йўли билан илмий текшириш усули орқали ҳамда бирор нарсани муфассал таҳлил қилиш, муҳокама қилиш, ўрганиш мумкин.

Синтез — илмий тадқиқот усули бўлиб, унда ҳодисалар, воқеалар ва ҳоказолар айрим унсурларини фикран бирлаштириш, уларнинг ўзаро алоқаларини ўрганиш йўли билан билинади. Илмий билиш жараёнида синтез таҳлил билан диалектик усул талабларига бўйсунгандан бир-бирини тақозо қилувчи мантиқий жараён сифатида боғланган бўлади.

Демак, синтез ҳодисаларини ўзаро боғланган, бир бутун ҳолда текшириш, олинган натижаларни умумлаштириш, улардан бир бутун хулоса чиқаришдир.

Таҳлил ва синтез амалий равишда ёки фикран бутунни қисмларга ажратиш ёки қисмларни қайтадан қўшиб бутун ҳосил қилиш (қисм ва бутун) жараёнлари. Синтезлаш ва таҳлил қилиш фаолияти инсоннинг амалий ва ишлаб чиқариш фаолияти асосида тарихан шаклланиб, ривожланиб борган. Инсон тушунчалар ёрдамида таҳлил, синтез операцияларини фикран бажаришни ўрганишдан олдин миллиард мартараб амалий равишида бутунни қисмiga ажратган ва қисмларни қўшиб бутун ҳосил қилган.

Таҳлил мавжудотларни тадқиқ этишининг шундай бир усулидирики, бу усул бундан айрим қисмларни ажратиб олиб, уларни мустақил равишида ўрганишга имкон беради. Модомики бунда айрим қисмлар уларнинг боғланишларидан, бошқа қисмлар билан ва яхлит бутун билан ўзаро таъсиридан узиб олинар экан, демак, абстракт, нотўлиқ, бир ёқлама таътифлар ҳосил бўлади. Бироқ, таҳлил — бутунни билишнинг зарур босқичидир. У бутуннинг айрим қисмларини ўрганиш, барча қисмлар учун умумий бўлган муносабатларни очиб бериш, шу билан мавжудотнинг (бутуннинг) пайдо бўлиш ва ривожланиш хусусиятларини англаб олишга имкон беради.

Мураккаб, ривож топган мавжудот ўз қисмларининг жамидан иборат бўлиб чиқмаганлиги сабабли, уни тафаккурда ўзаро алоқадорликларнинг тўлалигича қайтадан ҳосил қилиш учун бошқа усулни — синтезни Қўллаш зарур бўлади. Синтез йўли билан бутун тафаккурда «кўпдан-кўп аниқлашлар ва муносабатлар билан яхлит» тарзда, муайян бутун тарзда қайтадан ҳосил қилинади. Шу сабабли, таҳлил ва синтез билишнинг атиги бир-бирини тўлдирувчи, бир-бирини кетидан борувчи айрим босқичлар эмасдир. Ҳар бир босқичда улар

чамбарчас боғлиқ бўлиб, қисмларнинг бутун билан алоқадорлигини акс эттиради, бинобарин, уларни бир-бirisiz самарали равишда амалга ошириб бўлмайди. Чунончи, таҳлил қилганда предметда уни бутуннинг қисми қилиб кўядиган хоссаларга ажратилади ва бунда, гарчи умумий (дастлабки) тарзда бўлса-да, бутун ҳақидаги синтетик тасаввурга асосланиб, синтез қилганда эса биз бутунни ўзаро муайян тарзда боғланган қисмлардан иборат деб англанади. Шу туфайли билиш жараёнида синтез таҳлил орқали, таҳлил эса синтез орқали амалга оширилади.

Ҳақиқий билиш фаолиятида таҳлил ва синтез бошқа фикрий операциялар, жараёнлар, тизимлар билан маҳкам боғлиқдир. Шу боис уларни тизимли усувлар кўринишида қўлланилади.

Тизимли таҳлил усувлари қўйидаги ҳолатларнинг тоифаларида қўлланилишлари мумкин:

- катта ноаниқлик шароитида муаммоларни ажратиб олиш ва уларни аниқлаш учун;
- устувор тадқиқотлар ва ишланмаларни танлаб олиш учун;
- тизимларни ўта аниқлик билан танлаш (чегаралар, кириш ёки бошланиш, чиқиш ва б.) учун;
- тизимнинг тараққиёти ва фаолият кўрсатиш мақсадларини аниқлаш учун;
- янги яратиладиган тизимнинг функцияси ва таркибини аниқлаш учун.

Тизимли таҳлил усувлари биринчи бор АҚШда ишлаб чиқилган ва ҳарбий-сиёсий мақсадларни танлаш, режалаштириш учун қўлланилган. Бозор муносабатига ўтиш даврида эса унинг аҳамияти янада ортмоқда.

Истеъмолчилар талабини қондириш қонуниятлари ниҳоятда мураккаб мавжудотdir. Маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан стиштириладиган маҳсулот (кўрсатиладиган хизмат), муайян вақтда бозорга чиқарилган маҳсулот (хизмат кўрсатиш) миқдорини аниқлаш маълум ҳудудга бўлса, талаб қилувчилар бошқа ҳудудда. Улар орасида пайдо бўладиган иқтисодий боғлиқликларни тизимли таҳлил қилиш ва тизимли синтез асосида белгилаш керак.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар устуворлигини рўёбга чиқаришдаги барқарорлик, тинчликни таъминлаш, ижтимоий адолат қоидаларини янада мустаҳкамлаш, ижтимоий ёрдамнинг таъсирчанлигини ошириш, ўзини-ўзи бошқариш, иш билан таъминлашга фаол сиёsat юритиш, ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи ташкилотлар қувватини ошириш, истеъмолчиларнинг тўловга қобиллик даражасини кўтариш, раҳбарлар, мутахассислар ва ижрочиларнинг қасбий билимларини давр талаби даражасига етказиш қаби ҳодисалар, жараёнлар, муносабатлар, тизимларнинг фаолият кўрсатишларини таъминлаш учун уларни тараққий этиш қонуниятлари илмий асосда ўрганилиши шартdir. Ҳозирги кунда минглаб савдо, маиший хизмат кўрсатиш, ширкат хўжаликлари, тайёрлов объектлари, корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ташкилотлардаги ҳолатлар, қисм ва бўлинмалар орасидаги ўзаро боғлиқликлар, ташкилотларнинг ички ва ташқи муҳитлари, бошқариш усувлари, тамойиллари мукаммаллашмоқда. Хўжалик юритишнинг барча

бўғинларида бошқаришни ташкил этиш мантиқи, шакллари, усулларини ифодаловчи тамойиллар тизимли, мажмуй, синтезли ёндашишларни талаб этмоқда.

Ҳақиқий билимдон раҳбар ер, сув, меҳнат ресурслари, вақт, илмий-техника, тадбиркорлик тараққиётидан, сармоялар, ходимларнинг ақлий, касбий салоҳиятларидан оқилона фойдаланиб маҳсулот ишлаб чиқаради, хизмат кўрсатади. Бу жараёнларни бошқариша уни қулай кичик тизимларга ажратади. Масалан, бошқаришни «жонли» ҳаракатга келтириш учун бошқаришда қатнашувчиларнинг меъёрий манфаат ва хулқлари, бошқариш тизимида коммуникация биринчи кичик тизим бўлса, иккинчиси, бошқариш тизимининг ахборотли-хуқуқий кичик тизими — бошқариш назарияси, бошқариш обьектининг ходимлари, вакиллар орасидаги муносабатлар, ташкилий тараққий этганлик даражаси, ходимларнинг ахборот узатувчи, ахборот, ахборотларни тарқатиш шакл ва усуллари билан таъминланиши, учинчиси, бошқариш тизимининг ўзини-ўзи тараққий эттириш кичик тизими.

Ташкилотнинг мувозанатлашганлигини таъминлаш учун жараёнлар, бўлинмалар, кичик тизимлар, бошқариш тизимлари орасидаги ўзаро нисбатларни таъминлаш талаб этилади. Бўлинмалар, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш жабҳаларининг мувофиқлаштирилганлигини баҳолашда тизимли таҳдил, тизимли синтез усулидан фойдаланилади. Унинг услубий тамойиллари:

- ечилиш погонасини аста-сёкин кўтариш;
- таҳдил қилишдан синтезга ўтиш;
- маҳсулот чиқишидан хом ашё киришигача бўлган харажатлар.

Ушбу услубий тамойиллар, хусусан, таҳдилдан синтезга ўтиш, ташкилотда ишлаб чиқариш ривожланишини белгилаб беради. Айниқса, ишлаб чиқаришдаги технологик унсурлар операциялар, жараёнлар, тизимни таҳдил ва синтез бирлиги асосида аввало уларнинг лойиҳаси ишлаб чиқилади, лойиҳанинг мақсади, ечилиш тартиби маъкулланса, амалда жорий этишга тавсия қилинади.

8.4. ТАШКИЛОТДА ТАҲДИЛ ҚИЛИШ ВА СИНТЕЗ БИРЛИГИНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

Ташкилотларнинг асосий функциялари мумкин қадар кенг кўламда, кундан-кунга юқори сифатли, катта самара билан маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишdir.

Шунинг учун ташкилот, унинг ташкилий тузилмаларининг фаолиятини ташкил этиш, бошқариш тизимини такомиллаштирилишида ишлаб чиқаришни яхшилашнинг барча имкониятлари таҳдил қилиниши лозим. Бундай таҳдил иқтисодиёт, ташкилий бошқариш соҳаларининг муайян саволларини ечишга ўтгунга қадар таҳдил ўтказилиши керак. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ саволлар лойиҳа ишининг қолган барчасидан аввал ечилиши талаб этилади.

Тизимли таҳдил, тизимли синтез асосида ишлаб чиқаришнинг тизимини лойиҳа шаклида ечиш мумкин.

Аввал лойиҳанинг мақсади аниқланади, шу асосда унинг ечимига ёндашиш аниқланади, яъни лойиҳага тааллуқли ва лойиҳалаш услубининг тамойиллари аниқлаб олинади.

Лойиҳалашнинг услубий тамойиллари қўйидагича бўлиши мумкин:

- ечилиш поғонасига секинлик билан кўтарилиш, лойиҳалашнинг алоҳида даври ечилиш поғонасига мос бўлади;
- таҳлилдан синтезга ўтиш. Тизимни алоҳида унсурлар, омилларга ажратиш, уларни мавжуд қонуниятлар асосида аста-секин синтез қилиш;
- ресурсларни чиқишдан киришгача ҳаракатлари.

Ушбу кўрсатилган тамойиллар асосида ишлаб чиқариш, таҳлил қилиш ва синтез бирлигини ишлатилиш услубияти 10-чизмада келтирилган.

Ишлаб чиқариш тизимининг лойиҳасини ишлаб чиқишдан мақсад ташкилот фаолиятига, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарни жойланишига тааллуқли ишлаб чиқариш, технологияни самарали таҳлили ва рационаллаштириш бўйича таклифлар асосида оптимал ҳудудий алоқаларини, функционал боғлиқларини ишлаб чиқишидир. Шу билан бирга барча материал ва юкларни ташишнинг самарали усулларини аниқлаш ҳам лойиҳа мақсадига киради.

Таҳлил ва синтез бирлигини ишлатилиш услубига келганда шуни таъкидаш лозимки, ишлаб чиқариш объективининг тизимли лойиҳаси ҳар хил поғоналарда ечилиши мумкин, бунда объект поғонасидан бошланиб, ишлаб чиқариш жараёнининг алоҳида ишлаб чиқиши билан тугалланиши мумкин. Лойиҳалашнинг услуби қўйидагича бўлиши мумкин:

- тизимли таҳлил (чизмадаги 1—7 блок-схема);
- тизимли синтез (чизмадаги 8—14 блок-схемалар).


Тизимли таҳлилнинг асосий масалалари ташкилий, иқтисодий ва бошқа далилларни йиғиши, уларни жадвалга келтириш ёки чизма кўринишида ифодалаш, яна бир бор далиллар текширилиб, ҳисоблаб чиқилади, натижалар схема, график, жадваллар кўринишида расмийлаштирилади. Ушбу маълумотлар асосида лойиҳа ишларини ишлаб чиқишига ўтилиши мумкин.

Бу ерда тизимли таҳлил бўйича ёндашиш мухим. Тизимли таҳлил ҳодиса ва жараёнларни алоҳида тадқиқ қўймасдан, бутун бир тизимнинг ҳар бир бўғинларининг ўзаро боғлиқлигини, ўзаро функциялари ва хулиқини ўрганади.

Таҳлил негизида тизимли синтезнинг масалалари келиб чиқади, улар қўйидагича бўлиши мумкин:

- буюм, маҳсулот ишнинг оптимал нави оптимал ниебатда таклиф этилади;
- ўзаро боғлиқ баъзи бир ишлаб чиқариш жараёнларини қисқартириш ва соддалаштириш бўйича таклифлар кўрсатилиши мумкин;
- ишлаб чиқариш жараёнлари, ишлаб чиқаришнинг асбоб-ускуналаридан максимал ижобий натижаларга эришиш учун оптимал ҳудудий жойланиши бўйича таклифлар ишлаб чиқилиши мумкин;
- таклифларга баҳо бериш.

Тизимли лойиҳа муайян амалий мисолда йириклиштириш, ихтисослаштиришнинг режали мажмууда ечими аниқ ва равшан намоён бўлади, шу билан уни ташкил этиш ва бошқаришни такомиллашган ифодаси кўринади.



10-чи зама. Ишлаб чиқаришнинг тизимли таҳлил ва тизимли синтез услугининг блок-схемасы

Таянч сўз ва иборалар

Билим, билиш, эмпирик билиш, назарий билиш, илмий билиш, гипотеза, таҳдид, синтез, дедукция, индукция усуслари, тўлиқ ва нотўлиқ индукция усуслари, аксиоматик усул.

Такрорлаш учун саволлар

- 1. Ташибилотдаги жараёнлар ва тизимларни ўрганишининг билиш усулини тушунтиринг.**
 - 2. Билишининг шакл ва усулларига тавсиф беринг.**
 - 3. Индукция усули нималарга ишлатилади?**
 - 4. Дедукция усули нималарга ишлатилади?**
 - 5. Таҳдил қилинган билан синтез усулларининг фарқи нимада?**
 - 6. Нима учун тадқиқот қилинадиган мавжудотни фикран бутун ҳолатдан қисмларга ажратади ёки қисмларни қайтадан қўшиб бутун ҳосил қилиб ўрганилади?**
 - 7. Таҳдил ва синтезнинг бирлиги нималар билан ифодаланади?**
 - 8. Ишлаб чиқаришнинг тизимли таҳдил ва тизимли синтез услуби нимага керак, ундан нималарга фойдаланиш мумкин?**

Адабиётлар

- 1. Философиядан қисқача лугат.** Т.: «Ўзбекистон», 1973. 15—16, 40—41, 65—66, 109—110-бетлар.
- 2. Управление крупными сельскохозяйственными предприятиями в ЧССР / Пер. с чеш. З.Н.Кузнецовой.** М.: Колос, 1983. 41—73-бетлар.
- 3. Математика и кибернетика в экономике. Словарь-справочник.** Изд. 2-е, перераб. и доп. М.: «Экономика», 1975. 515—520-бетлар.

9-БОБРИВОЖЛАНИШ ҚОНУНИ

9.1. РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатлари жуда қадим замонларда пайдо бўлган. Жаҳон тажрибаси, шу жумладан, Ўзбекистонда тўпланган тажриба шуни кўрсатадики, иқтисодиёт фақат унинг ўзигагина хос бўлган қонунлар асосида ривожланиб боради, бозорнинг мана шу ҳаммага маълум ривожланиш қонунидан бошқа, яъни унга муқобил бўлган ривожланиш йўли йўқдир. Турли мамлакатлардаги бозор иқтисодиёти умумий қонунлар бўйича ривожланиб борган ҳолда ҳар бири ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлган. Бу хусусиятлар халқ хўжалигининг тузилиши орқали, ижтимоий-генетик Механизмларнинг авлоддан авлодга ўтиши, табиат, иқтимониятлар билан, Мамлакатнинг географик мавқеи, ўз миллий расм-русларни, анъаналари, миллий табиати орқали белгиланади.

Макро ва микроқтисодиётнинг ривожланиш қонунларини, таъбиркорликни ривожлантириш қонунини, ташкилотларни ривожланишига ишлаб чиқариш, тижорат ва ички фермерлик ҳисоблашларига ва ривожланишнинг асосий қонунларига мажмуй ва тизимли ёндашишни, табиа манбаларидан фойдаланишни, мулкчилик шаклларидан самарали фойдаланишни, меъёр ва меъёрлаш қонуни бўйича мулкни тақсимлашини ривожланиши бозордаги талаб ва таклифлардан келиб чиқадиган ривожланиш қонунларини, ижтимоий ривожланиш қонунларини теран тушунтириб берадиган билимни, фан-техника тараққиёти ютуқларини эталаб олиши ва яна ўнлаб қонунлар ва назарияларни билиш керак. Ҳар бир мамлакат, ҳар бир жамият ўзидаги шарт-шароитлар, имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ўз тараққиёт андозасини, ўз ривожланиш йўлини танлаб олади.

Фан-техника ва тадбиркорликнинг ривожланиш даражасини ҳисобга олиш, унинг илмийлиги, унга тизимли, мажмуй ёндашилиш, ташкилий бошқариш тизимида қатнашуви бўғинларнинг боғлаб олиб борилиши, интеграция, номарказлаштирилиш жараёнларидан оқилона фойдаланиш, ресурслардан тежкамли фойдаланиш, маҳсулот сифати ва самарадорлигини ошириш, мулкчилик шакллари ва хўжалик ҳисоби, тижорат ҳисоблари, реклама фаолияти ва маркетингдан унумли фойдаланиш, ҳудудий ва ташкилий тузилмалар сиёсатига эътибор қаратиш каби диалектик категория қонунлари ва уларнинг усувлари муҳим маъно касб этади.

Иқтисодиёт ривожининг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, аграр тармоқларнинг жадал ўсиши мамлакатда умумий иқтисодиётнинг ўсиши учун асосий қонунлардан бири бўлиб хизмат қиласди. Шунинг учун олис истиқболда мамлакатнинг бутун иқтисодиёти барқарор ва узлуксиз ривожланиши учун макроқтисодий кўрсаткичлар мувозанатида тармоқ ўрнига, тармоқ иқтисодиётининг кўрсаткичлари мувозанатида ташкилотлар ўрнига эътибор бериш диалектик қонундир.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлабтандилар улуши иқтисодиётда банд аҳолининг 55—70 фоизини ташкил этади. Айни вақтда Ўзбекистонда бу кўрсаткич 10—15 фоизга боради, холос.

Мулкчилик масаласи ҳал қилинмасдан туриб, ривожланиш даражасини кўтариш самара бермайди. Мулк муносабатларини амалга ошириш бутун жамоа меҳнатининг пировард натижаларини пайчилар ўргасида дивидент тариқасида, жамоада тасдиқланган меъёр ва меъёрлаш қонунлари асосида тақсимлаш жараёни юз беради.

Умудавлат меъёрлари ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш (диалектика) қонуниятлари бозор иқтисодиётининг талаб ва таклиф қонидзарига боғлиқ.

Таклиф этувчиilar (ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан етиштирили: маҳсулот ва муайян вақтда бозорга чиқарилган ёки келтирилиши мумкун бўлган маҳсулот миқдори) маълум ҳудудда бўлса, талаб қилувчиilar (тўловчи қобил, пул билан таъминланган эҳтиёж) бошқа ҳудудда. Улар орасида пайдо бўладиган оқимлар ривожини аниқ бўлиши муҳимдир.

Ушбу оқимларни ўрганиш, уларни ривожланиш қонунларини аниқлаш зарур, бу эса ўта мураккаб. Чунки шу жараёнга таъсир этадиган баъзи бир ҳолис табиий-иқтисодий, ижтимоий-демографик шароитларни текшириш ва аниқлаш лозим. Фараз қилайлик, ёнилги оқими керакли ҳажмда етказиб берилмаса нима бўлади? Сув билан тъминлаш-чи? Ушбу ривожланиш қонунларини амалга оширишда ҳар тарафлама ҳисобга олинмоғи керак.

Тармоқлар ва ташкилотлардаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг таклиф оқимларини тизимли таҳлил қилиш, тизимли синтез асосида белгилаш керак. **Масалани очиш учун услубий тамойиллар:**

- очилиш поғонасини аста-секин кўтариш;
- таҳлил қилишдан синтезга ўтиш;
- чиқишидан киришга бўлган харажатлар.

Ушбу услубий тамойиллар ташкилотда ишлаб чиқариш ривожланишини белгилаб беради.

Ташкилот ёки тармоқ иқтисодиётининг ривожланиш қонунларидан яна бирни маҳсулотларни гурӯхлаш (сегментлаш). Ҳар қандай ҳолларда маҳсулот ишлаб чиқариш ва технологик имкониятларни иқтисодий таҳлил қилишдан эмас, бозорни ўрганишдан, уни сегментлашдан бошланади.

Маҳсулотларни товар ҳаракатининг ҳар бир босқичи уларни сегментлаш асосида ўрганилиши ва изланиши лозим.

Диалектика (ривожланиш)нинг асосий қонунлари жамият тараққиётининг ҳар қандай йўналишларида объектив намоён бўлади. Чунки фалсафадан маълумки, инкорни инкор қилиш категорияси жамият ривожланишинида мавжуддир. Агар инкорни инкор қилиш қонуни ривожланиш қонунларидан бирни бўлса, қарама-қарашшклар бирлиги ва кураши қонуни ҳамда миқдорий, сифат ўзгаришларини бир-бираига ўтиши қонуни диалектиканинг асосий қонунларидан ҳисобланади. Мазмунан қараладиган бўлса, қонунлар бир вақтда ва биргаликда мавжуддир. Уларни алоҳида ажратилган ҳолда ўрганиб бўлмайди.

Иқтисодиётининг асосий ривожланиш қонуниятлари ишлаб чиқариш тараққиётининг суръатларини ошириш, маҳсулот самарадорлиги ва сифатини юқори даражага кўтариши, одамлар меҳнатини тақомиллаштириши, илмий-техник тараққиётга асосланган ишлаб чиқаршига эришиши, бозор иқтисодиётининг оқилона тузилмасига ўтиши, бозорга мос равшида хўжалик юритиши, инсон омилини олий даражага кўтариши кабиларни талаб этади. Бозор муносабатининг ривожланиш қонунларидан яна бири, бу ишчи ва ходимларнинг меҳнат, ижтимоий фанолигини ошириш, кишининг шахсий камол топиши, бунинг учун шароитларни шакллантиришадир.

9.2. РИВОЖЛАНИШ ҚОНУНЛАРИНИ СОДИР БЎЛИШШЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Жамият тараққиётига ҳолис боқилса, унда пайдо бўладиган қарама-қаршиликни ўз вақтида аниқлаш ва ҳал қилиш кераклиги намоён бўлади.

Тарихан талаб таклифдан олдин пайдо бўлган. Мазмунан талаб ва таклиф мутлақо қарши жараёнлардир. Таклиф содир қилиниши нуқтаи назаридан

талағба қарама-қарши айният, аммо үларнинг ҳар бирини ичидә бир-бiri билан бирилк мавжуд. Таклиф қилиш учун, яны ишлаб чиқариш учун хом ашё, материаллар, меңнат қуроллари, ишчи кучлар керак бўлса, эҳтиёж эса маҳсулотни бир туридан иккинчисига айлантиради, ана шу ҳолатда улар қарама-қарши қонунлар содир бўлади. Бу қарама-қаршилик ҳеч қачон бартариф этилмайди.

Бу срда «Ким таклиф қиласди?» ва «Ким талағбор?» деган саволлар мулкчилик муносабатида яққол тавсифга эга. Маълум мулкчилик шакллари ўзларининг қарама-қаршилик тавсифи, уни ечилиш усули билан фарқланади. Мулкдор ишлаб чиқариш жараённида меңнат қуролларининг эгаси сифатида қатнашса, ишлаб чиқариш жараёнидан ўзининг шароитини кўпайтирган ҳолда чиқади. Демак, ривожланиш мулкдорнинг сармояси ҳисобига содир бўлади.

Ривожланиш қонунларини содир бўлишлик тамойилларини билиш мухим. Улар воқеа-ҳодисаларни муайян борлиқда холислик тамойиллари, ана шу воқеа-ҳодисаларни муайян шароитда боғлиқликлари, ўзаро муносабатлик тамойили ва диалектика, яъни миқдорий, сифат ўзгаришлар тамойиллариридир.

Ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш ташкилоти бўлиб, уни ресурслар билан таъминласа, маҳсулотлар ишлаб чиқарса, истеъмолчиларга етказса, тегишли шаклда ривожланиш қонуни содир бўлади.

Ташкилотда мақсадлар, топшириқлар, ресурслар, одамлар, технология, ташкилий тузилмалар мавжуд бўлиб, улар ўзаро тегишли муносабатлар (иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ишлаб чиқариш ва б.) сақланиш тамойили асосида ривожланиш содир бўлади. Оқибатда ташкилотнинг ривожланиш стратегияси ва режаси ишланади, менежер ҳўжалик юритишга таъсир кўрсатади. Бунда меңнат тақсимоти, ваколат ва масъулият, интизом, яккабошлиқ, йўналишларни бирлиги, шахсий манфаатдорликни умумийга бўйсуниши, персонални рагбатлантириш, унинг ишчи жойини барқарорлиги, марказлаштириш ва номарказлаштириш, адолат ва ташаббускорлик, корпоратив рух каби тамойилларни кўллаш ўз самарасини беради.

Ривожланиш қонунларини содир бўлишлик тамойиллари ичидә алоҳиди ўрин тутадигани шундаки, унда миқдорий ривожланиш, миқдорий ўзгаришлар узлуксиз, доимо ривожланишда бўлиб, маълум сифат чегарасида, бунда биридан иккинчисига ўтиш сакраш орқали содир бўлади, яъни эски ҳолатдан янги ривожланган даражага ўтиш билан амалга оширилади.

Янги сифат ўзгариши ўз наебатида миқдорий ўзгаришга мұхит яратиб, тобора аста-секин тараққий этишга олиб келади. Бу жараён узлуксиз давом этади.

Сифат ва миқдор ўзгаришлари бир-бiri билан боғлиқ бўлиб, қарама-қаршиликлар бирлигига намоён бўлади. Сифат ўзгариши аниқлик, миқдорий ўзгариш аниқликдан ташқарида намоён бўлмайди, тескариси ҳам ҳеч қачон бўлмаган ва бўлмайди.

Иқтисодий-ижтимоий воқеа-ҳодисаларнинг ривожланишидаги қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураш қонуни диалектиканинг бошқа қонунлари каби турли шароитларда содир бўлади, чунки қарама-қаршиликлар материя

ҳаракатини турли шаклларда намоён бўлишилиги, жамият ва атроф-муҳитни турли боғлиқлиги ва муносабатлилигидир.

Жамият материяни юқори шакли бўлгани учун унда солир бўлаётган қарама-қаршиликлар ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари орасида, базис ва устқурма орасида, ишлаб чиқариш ташкилотлари ва истеъмолчилар орасида, турли синфлар, ижтимоий гуруҳлар орасида солир бўладиган қарама-қаршиликлардир.

Турли қарама-қаршиликлар уларнинг ечимида турли услубларни қўйлашликни тақазо этади.

Инкорни инкор этиш ривожланиш жараёнини кетма-кетлигидир. Сифат ҳолатлари узлуксиз содир бўлиши ва бошқаларини йўқолиб кетиши, эски ҳолатни янгиси билан алмашиб туришига олиб келади, бир қарама-қаршиликларни ечилиши, бошқаларини пайдо бўлишидан далолат беради.

Ривожланиш инкор қонуний объектив ҳодисадир одамларни субъектив ҳоҳишига боғлиқ эмас. Инкорни содир бўлишига предмет ва жараёнларни бир-бири билан қаршиликларни борлигидадир. Бу инкорни оддий йўқолиб кетиши дегани эмас, у шундай инкор-ки, унинг асосида келгуси ривожланиш ётади, янги инкор пайдо бўлади. Бу инкорни материя ривожланишини маҳсулидир, қарама-қаршиликлар бирлигининг далолатидир.

Инкор этиш чоғида ривожланишнинг олдинги босқичида холис ва ижобий омиллар сақланиб қолади, оқибатда ривожланиш янги погонага қўтарилади ҳамда тобора ривожланаверади.

Шуни тъкидаш ўринлики, юқорида ифодаланган ривожланиш қонунлари Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш юзасидан олға сурган беш қоидасида ўз аксини топган.

Бу қоидалар эса ўз истиқолол, ривожланиш ва тараққиёт йўлига асос қилиб олинган бўлиб, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади.

9.3. ТАРМОҚЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ҚОНУNLARI VA УЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ УМУМИЙ СТРАТЕГИЯСИ

Ўзбекистон кейинги ўн икки йилда миллий иқтисодиётининг барча тармоқларида улкан муваффақиятларга эришди. Қишлоқ хўжалиги, курилиш, саноат, транспорт, савдо, банк тизими муваффақиятли ривож топди.

Тармоқлар миллий иқтисодиётнинг мухим таркибий қисми. Бутун бир бозор хўжалиги ҳақидаги фан — бу макроиктисодиётдир. Бунда пулни қадрсизланиши, ишсизлар, иқтисодий цикллар, миллий бойлик, солиқлар, ҳаражатлар, бюджетнинг ноёблиги, молиявий тизимлар ҳақидаги давлат сиёсати каби муаммоларни тадқиқ қиласди. Йирик миқёсдаги иқтисодий ҳодисаларни ўрганади.

Миллий иқтисодиётни, шу жумладан, тармоқлар иқтисодиётининг асосий Механизми орқали давлат тартибга солади, айниқса, бунда «солиқлар», «сотиб олиш», «тўлов» кабилар асосий механизм асосларидир.

афзал томонларини муфассал баён этиши керак. Шу билан бирга дастурда меҳнат унумдорлигини ошириш, харажатларни камайтириш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш, одамлар саломатлиги, сув, турли табиий неъматларни сақлаб қолиш омиллар ҳам ҳисобга олинади.

9.4. ТАРМОҚ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДАСТУРИНИ ТАЙЁРЛАШ

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 56 мингдан зиёд кичик корхона, шу жумладаң 96,1% хусусий (бундан 78% фуқароларнинг хусусий мулки) ва 3,9% давлат мулки. Тармоқлар бўйича ташкилотларнинг нисбати қўйидагича (таксминан): савдо ва умумовқатланишда 57,2%; саноатда 14,6%; курилишда 10,6%; коммунал-маший хўжаликда 3,3%; қишлоқ хўжалигига 2,3%; соглиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминотда 2,1%; транспорт ва ахборот технологияларида 0,9% ва бошқаларида 9%. Кичик корхоналар қаторида 4600 та ҳиссадорлик жамиятлари, 180 мингдан зиёд ўрта корхоналар, 80 минт ғермер хўжаликлари, 1800 минг деҳқон хўжаликлари, 927,2 минг ҳиссадорлик – жисмоний шахслар фаолият кўрсатмоқдалар. Яна 1300 минг киши ширкат хўжалигига пайчилик шаклида хизмат кўрсатмоқда.

Тадбиркор ташкилотларнинг ривожланиш дастурини тайёрлашда хизмат кўрсатишнинг вазифасини тўғри таърифлаши, тавсифини бериши, кўрсатиладиган хизмат қандай эҳтиёжларни қондиришини таҳлил қилиш уни шунга ухшаш бошқа хизматлар билан ҳамда янги жорий этиладиган хизмат кўрсатишнинг афзал томонларини муфассал баён этиши керак. Шу билан бирга дастурда меҳнат унумдорлигини ошириш, харажатларни камайтириш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш, одамлар саломатлиги, сувни тежаш, шовқин даражасини оширмаслик кабилар ҳисобга олинади.

Фаолият кўрсатаётган ташкилотлар(корхоналар, фирмалар)нинг турлари ва тавсифи бўйича қўйидагича хўжалик юритувчи субъектлар бўлиши мумкин: саноат (маҳсулотлар ишлаб чиқариш), савдо (маҳсулотларни сотиб олиш ва сотиш бўйича шугууланади), транспорт (халқаро юклар ва йўловчиларни ташишни амалга оширади), сугурта (халқаро юкларни халқаро ташишда сугурта қилишни амалга оширади), транспорт-экспедиторлик (маҳсулотларни истеъмолчиларга етказишдаги операцияларни амалга оширади), инжинирингли, туристли, ижарачи ва бошқалар.

Корхоналар, фирмалар ҳукукий ҳолатлари бўйича: юридиқ шахс, жисмоний шахс, юридик шахс хусусий ҳукуқда, ягона шахсга тааллуқли корхона, уюшма корхона, тўлиқ ўртоқлик, ҳиссадорлик уюшма, пайчилик уюшма, корпорация (тадбиркорлик).

Мулкчилик шакли бўйича: *хусусий фирмалар, картель* (бу уюшма, одатла бир тармоқ бўйича ўзаро келишиб савдо фаолиятини олиб боради, яъни ҳарид қилиш – сотиш – ишлатишни тартибга солади. Шу билан бирга яна маҳсулот ишлаб чиқаради. Демак, ўз фаолиятини йўқотмаган ҳолда бошқалар билан келишув тузади), *синдикат* (картелнинг бир тури бўлиб, келишиб фаолият кўрсатади, маҳсулотни ҳарид қилиш – сотиш – ишлатиш органлари орқали

харид қиласы, содади ва ҳиссадорлик уюшмаси шаклида фаолият күрсатади. Демек, синдикат асосан харид қилиш ва сотиш жарайыларини назорат қилишга келишилади.). **саноат холдинги** (хукуки ва хұжалик мустақиллігини сақлаган ҳолда компания тарбиғига киради ва халқаро олди-сотдига келишилади. Аммо асосий фаолияти холдинг компанияси ҳал қиласы), **молия гурұхı** (турли хұжалик тармоқларидаги (саноат, савдо, транспорт ва б.) мустақил корхоналарни юридик ва хұжалик бүйіча бирлаштиради. Молия гурұхини бир ёки бир неча банк бошқариши мүмкін), **давлат фирмалари, ширкат фирмалари, трест, концерн, конгломерат** (хар хил фирмаларнинг құшилишидан келиб чиқади), **консорциум** (бу келишув асосида ташкил қилинади), **холдинг** (бошқа компанияларнинг акцияларини ушлаб туради ва назорат қиласы. Саноат холдинги хукуқті, хұжалик мустақиллігини сақлаган ҳолда компания тарбиғига киради, халқаро олди-сотдига келишилади. Аммо асосий фаолияттін холдинг компанияси ҳал қиласы).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясынинг 53-моддасыда таъкидланади: «... барча мулк шаклларининг тенг хукуқларынан жиынтықтың баб-баравар мұхофаза этилишини кафолаттайтын».

Хусусий мулк бошқа шаклдар каби дахлесиз ва давлат ҳимоясидады. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилған ҳолларда ва тартибдегина мулкидан маҳрум этилиши мүмкін.

Таянч сұз ва иборалар

Диалектиканинг қонунлари, талаб ва таклиф қонунлари, тизимли таҳлил қилиш, тизимли синтез, маңсулотларни гурухлаш, инкорни инкор қилиш категорияси, қарама-қаршиликтер бирлігі ва куаш қонуни, миқдорий ва сифат ўзгаришлари қонуни, одамлар мәхнатини такомиллаштириш қонуни, иқтисодиёттің оқылона түзилмасини яратып қонуни, ходимларнинг мәхнат ва ижтимоий фаолигини ошириш қонуни, кишининг шахсий камол топтириш қонуни.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ривожланишнинг асосий қонунларига түшүнчә беринг.
2. Нима учун иқтисодий ривожланган мамлакатларда хизмат күрсатыш соҳаларida ишләётгандар улуши ахолининг күп фойзини ташкил этади?
3. Ривожланишнинг асосий қонунларига нималар киради?
4. Ривожланиш қонунларини содир бўлишлик тамойиллари нималардан иборат?
5. Инкорни инкор қилиш қонуни билан миқдорий ва сифат ўзгаришлари қонуни орасидаги қандай боғлиқликлар мавжуд?
6. Тармоқ ташкилотларининг ривожланиш дастури қандай тартибда тайёрланади?
7. Тармоқларни тартибга солиши тавсифи бўйича изоҳ беринг.

Тармоқ иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солишнинг умумий стратегиясига қўйидагиларни киритиш мумкин:

— мамлакатни иқтисодий хавфсизлиги ва барқарор ўсишини таъминлашга тармоқ иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солишнинг механизми мажмую ишлаб чиқилиши ва иқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда мунтазам такомиллаштирилиб борилади;

— тармоқ иқтисодиётини янада эркинлаштириш шароитида мамлакатнин иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, барча тармоқларда барқарор иқтисодий ўсишга эришишда ташкилот ва корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган (хизмат кўрсатилган) маҳсулотлар экспортини кенгайтириш учун уларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун рафбатлантирилади;

— ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тармоқларни, қачонки улар хусусий бизнесга тортилмаган бўлса давлат томонидан молиялаштирилади;

- бизнесни ривожланишига ёрдам беради;
- давлат молия, қарз ва солиқ сиёсатини амалга оширади;
- бозор жараёнига давлатни аралашуви бўлади;
- ижтимоий тартибга солиш кечади;
- давлат тадбиркорлиги кучда қолади.

Тармоқ иқтисодиётининг заминида масъул ходим ва мутахассис ишлаб чиққан ривожланиш дастури ётади.


Тармоқни ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш тармоқ ташкилотларининг тараққиёт дастури билан боғлиқ. Бунда тармоқдаги бошқарув ечимини қабул қилиш билан боғлиқ устувор (стратегик) омиллар, иқтисодий ва ижтимоий омиллар, сиёсий омиллар, технологик ва механизациялаш омиллари, коммуникация омиллари, экологик омиллар билан боғлиқ.

Тармоқ ташкилотларининг ривожланиш дастурини тайёрлашда кент қўлланиладиган усуллардан бири динамик қаторларни экстрополяция қилишdir. Жумладан, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ривожланиши 11-чиzmada келтирилган. Корхонанинг бош мақсади олий раҳбар (тармоқ раҳбари) томонидан шаклланади ва ишлаб чиқлади. Корхона режаси тармоқнинг барча истиқболли режасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқлади. Хусусий корхонада ташкилотга асос солган шахс (мұлкдор) ўзининг бош мақсадларини қўшиб олиб бориши, уни корхона режасида амалга ошириши мумкин.

Бош вазифа ва мақсадлар аниқлангандан кейин раҳбарият ташқи муҳитни қўйидаги утга ўлчам билан баҳолайди:

- жорий режалаштиришнинг ҳар хил йўналишларидан пайдо бўладиган ўзгаришларни баҳолаш;
- ташкилотнинг жорий бош йўналиши учун қайси омиллар хавф солиши мумкин;
- режани тўғрилаш йўли билан ташкилотнинг мақсадларига эришиш учун қайси омиллар юқори имкониятга эгалигини аниқлаш.

Омиллар сифатида қўйидагиларни таҳлил этиш лозим: бозор, рақобатчилик, ташқи хавф, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий хулқ, технологик ва бошқалар.



11- чизма. Кишлоқ хұжалиги тараққиётини белгилашнинг мувофиқлаш модели (агроблок бүйича)

Ривожланиш дастурини ишлаб чиқища тармоқ вазирлигининг асосий ғаолият күрнисшлари ғана тармоқтың төп мүхимдер. Тадбиркор ташкилотининг ривожланиш дастурини тайёрлашда хизмат күрсатышының вазифасини түғри таърифлаши, тавсифини бериши, күрсатиладиган хизмат қандай әхтиёжларни қондиришини таҳлил қилиши, уни шунга үшаш бошқа хизматтар билан қиеслаши ҳамда янги жорий этиладиган хизмат күрсатышының

афзал томонларини муфассал баён этиши керак. Шу билан бирга дастурда меҳнат унумдорлигини ошириш, харажатларни камайтириш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш, одамлар саломатлиги, сув, турли табиий неъматларни сақлаш қолиш омиллар ҳам ҳисобга олинади.

9.4. ТАРМОҚ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДАСТУРИНИ ТАЙЁРЛАШ

Хозирги кунда Ўзбекистонда 56 мингдан зиёд кичик корхона, шу жумладан 96,1% хусусий (бундан 78% фуқароларнинг хусусий мулки) ва 3,9% давлат мулки. Тармоқлар бўйича ташкилотларнинг нисбати қўйидагича (таксминан): савдо ва умумовқатланишда 57,2%; саноатда 14,6%; қурилишда 10,6%; коммунал-маиший хўжаликда 3,3%; қишлоқ хўжалигида 2,3%; соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминотда 2,1%; транспорт ва ахборот технологияларида 0,9% ва бошқаларида 9%. Кичик корхоналар қаторида 4600 та ҳиссадорлик жамиятлари, 180 мингдан зиёд ўрта корхоналар, 80 минг фермер хўжаликлари, 1800 минг деҳқон хўжаликлари, 927,2 минг ҳиссадорлик — жисмоний шахслар фаолият кўрсатмоқдалар. Яна 1300 минг киши ширкат хўжалигида пайчилик шаклида хизмат кўрсатмоқда.

Тадбиркор ташкилотларнинг ривожланиш дастурини тайёрлашда хизмат кўрсатишнинг вазифасини тўери таърифлаши, тавсифини бериши, кўрсатиладиган хизмат қандай эҳтиёжларни қондиришини таҳлил қилиш, уни шунга ўшаш бошқа хизматлар билан ҳамда янги жорий этиладиган хизмат кўрсатишнинг афзал томонларини муфассал баён этиши керак. Шу билан бирга дастурда меҳнат унумдорлигини ошириш, харажатларни камайтириш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш, одамлар саломатлиги, сувни тежаш, шовқин даражасини оширмаслик кабилар ҳисобга олинади.

Фаолият кўрсатаётган ташкилотлар(корхоналар, фирмалар)нинг турлари ва тавсифи бўйича қўйидагича хўжалик юритувчи субъектлар бўлиши мумкин: саноат (маҳсулотлар ишлаб чиқариш), савдо (маҳсулотларни сотиб олиш ва сотиш бўйича шуғулланади), транспорт (халқаро юклар ва йўловчиларни ташишини амалга оширади), сугурта (халқаро юкларни халқаро ташишда сугурта қилишини амалга оширади), транспорт-экспедиторлик (маҳсулотларни истеъмолчиларга етказишдаги операцияларни амалга оширади), инжинирингли, туристли, ижарабчи ва бошқалар.

Корхоналар, фирмалар ҳукукий ҳолатлари бўйича: юридик шахс, жисмоний шахс, юридик шахс хусусий ҳукуқда, ягона шахсга тааллуқли корхона, уюшма корхона, тўлиқ ўртоқлик, ҳиссадорлик уюшма, пайчилик уюшма, корпорация (тадбиркорлик).

Мулкчилик шакли бўйича: *хусусий фирмалар, картель* (бу уюшма, одатда бир гармоқ бўйича ўзаро келишиб савдо фаолиятини олиб боради, яъни харид қилиш — сотиш — ишлатишни тартибга солади. Шу билан бирга яна маҳсулот ишлаб чиқаради. Демак, ўз фаолиятини йўқотмаган ҳолда бошқалар билан келишув тузади), *синдикат* (картелнинг бир тури бўлиб, келишиб фаолият кўрсатади, маҳсулотни харид қилиш — сотиш — ишлатиш органлари орқали

харид қиласы, сотади ва ҳиссадорлик уюшмаси шаклида фаолият күрсатади. Демак, синдикат асосан харид қилиш ва сотиш жараёнларини назорат қилишга келишилади.), *саноат холдинги* (хукуқи ва хұжалик мустақиллігини сақлаган ҳолда компания тартибига киради ва халқаро олди-сотдига келишилади. Аммо асосий фаолияти ҳолдинг компанияси ҳал қиласы), *мөліядар* (турли хұжалик тармоқларидаги (саноат, савдо, транспорт ва б.) мустақил корхоналарни юридик ва хұжалик бүйічә бирлаشتыради. Мөліядар гурұхини бир ёки бир неча банк бошқариши мүмкін), *давлат фирмалари, ширкат фирмалари, трест, концерн, конгломерат* (хар хил фирмаларнинг құшилишидан келиб чиқади), *консорциум* (бу келишув асосида ташкил қилинади), *холдинг* (бошқа компанияларнинг акцияларини ушлаб туради ва назорат қиласы. Саноат ҳолдинги хукуқий, хұжалик мустақиллігини сақлаган ҳолда компания тартибига киради, халқаро олди-сотдига келишилади. Аммо асосий фаолияттінің ҳолдинг компанияси ҳал қиласы).

Ўзбекистон Республикасы Конституциясыннан 53-моддасыда таъкидданади: «... барча мулк шаклларининг тенг хукуқилігінің жиһатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолаттайдай».

Хусусий мулк бошқа шаклдар қаби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадыр. Мулкдор факат қонунда назарда тутилған ҳолларда ва тартибдегина мулкидан маҳрум этилиши мүмкін.

Таянч сұз ва иборалар

Диалектиканың қонунлари, талаб ва тақлиф қонунлари, тизимли таҳлил қилиш, тизимли синтез, маҳсулоттарни гурұлаш, инкорни инкор қилиш категориясы, қарама-қаршиликтер бирлігі ва кураш қонуни, миқдорий ва сифат ўзғаришлари қонуни, одамлар мәхнатини такомиллаштыриш қонуни, иқтисоднұттың оқылона түзилмасын яратыш қонуни, ходимларнинг мәхнат ва ижтимоий фаолігінің ошириш қонуни, кишининг шахсий камол топтириш қонуни.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ривожланишнинг асосий қонунларига түшүнчә беринг.
2. Нима учун иқтисодий ривожланған мамлакатларда хизмат күрсатыш соҳаларыда ищаёттандар улуши ақолининг күп фойзини ташкил этади?
3. Ривожланишнинг асосий қонунларига нималар киради?
4. Ривожланиш қонунларини содир бўлишлик тамойиллари нималардан иборат?
5. Инкорни инкор қилиш қонуни билан миқдорий ва сифат ўзғаришлари қонуни орасидаги қандай боғлиқликлар мавжуд?
6. Тармоқ ташкилотларининг ривожланиш дастури қандай тартибда тайёрланади?
7. Тармоқларни тартибга солиши тавсифи бўйича изоҳ беринг.

Адабиётлар

1. Ярослав Нейманн и др. Управление крупными сельскохозяйственными предприятиями в ЧССР/пер. с чеш. З.Н.Кузнецовой. М.: Колос, 1983. 42—73-бетлар.
2. Смирнов Б.В. Техника управления сельскохозяйственным производством. Изд. 2-е, перераб. и доп. М.: Колос, 1979. 13—24-бетлар.
3. Касымов Г.М. и др. Экономика Узбекистана на современном этапе. Т.: изд. ТашГЭУ, 1992. 62—75-бетлар.
4. Қосимов Е.М. Менежмент. Т.: «Ўзбекистон», 2002. 21—28-бетлар.
5. Иқтисодиёт назарияси: (Кўргазмали ўкув қўлланма) Т.: «Шарқ», 1997. 40-бет.
6. Ўзбекистон Республикасининг Конститутцияси. Т.: «Ўзбекистон», 1992. 18—19-бетлар.

10-БОБ. КОМПОЗИЦИЯ ВА МУНОСИБЛИК ҚОНУНЛАРИ

10.1. КОМПОЗИЦИЯ ҚОНУНИНИГ МОҲИЯТИ

Ташкилотдаги ҳодисалар, жараёнлар, тизимлар аксарият ҳолларда мураккаб тизимдир. Тадқиқотчи ва кузатувчи нуқтаи назаридан мақсадига эришиши учун тизим катта. Бунда ўша моддий, иқтисодий, бошқарув мавжудоти кузатувчининг мақсадига қараб катта тизимга келтириши ёки келтирмаслиги мумкин; мавжудотнинг жисмоний ўлчами ҳал қилювчи эмас.

Катта тизим тушунчаси ҳам композиция қонун-қоидаларини аниқлашда уларни тизимнинг умумий назариясида кузатилмайдиган ёки тўлиқ бўлмаган кузатиш тизимида ёндашиш усувларини асослайди. Бу билан уларни тадқиқ этиш ва лойиҳалаштиришда қонун-қоидаларни шакллантиришларига кўмаклашади.

Ташкилотдаги ҳодисалар, жараёнлар, муносабатларни режалаштириш композицияси таҳлил олди усувлар ва бажарилиши лозим бўлган ишларнинг, режаларни ҳисоблаб чиқишлиарнинг йигиндисидир. Бунда ўзини ўзи ташкил этувчи унсур ва тизимларнинг режаларини ҳисоблаб чиқишида ишлатиладиган баъзи операциялар қўлланилиши мўлжалда бўлади, акс ҳолда режадаги тизимнинг унсур ва жараёнларининг имкониятлари, манфаатлари тенг бўлмай қолади. Модомики йирик ташкилотлар учун ўзини ўзи ташкил этишини инкор этмоқчи бўлса, у тизимдан ажralиб қолади. Бу эса мумкин эмас. Ҳар қандаи иқтисодий ёки ижтимоий тизимлар таркибига кирувчи йирик ташкилотлар, тармоқлар композицион режалаштиришнинг мавжудоти сифатида қаралиши керак. Чунки ўзини ўзи ташкил этувчи унсур ёки тизимлар ижтимоий жараёни ва жамиятнинг ижтимоий тузилмасининг таркибий қисми (ячейкаси) йирик ташкилотдан кам даражада бўлмаган тараққиёт жараёнига хосдир.

Композицион режалаштиришнинг асосий тамойили шундаки, режали ҳисоблашларни амалга ошираётганда ҳар бир ўзини ўзи ташкил этувчи

тизимнинг унсурларига махсус иқтисодий-математик ёки иқтисодий-статистик андоза мос келиши керак. Бундай унсурларнинг манфаатлари бутун бир тизимда бериладиган мақсадли функционаллари тажриба ва далилларга асосланмаган бўлса ҳам ўзаро боғлиқлиги мавжуддир. Бунда ҳар хил унсурларнинг андозалари бир-бiri билан тўгри ва тескари боғлиқлик каналига эга, иқтисодий-математик ёки бошқа кўринишдаги андозалар тизимини ташкил этади.

Композицион режалаштириш жараёни тизимнинг ҳар хил унсурларининг манфаатларини мувофиқлаштириш ёки келтиришларни таъминлайди, шу билан оптимал ўмумтизимли мезонни юзага келтиради. Манфаатларни келиштиришнинг расмий ифодаси бўлиб иқтисодий-математик андозалар тизимидағи тўгри, тескари боғланувчи каналлардаги маълумотлар барқарорлашишидир. Шундай қилиб, композицион режалаштириш жараёнини тугаиланганлиги ҳақида *композиция ечимларини олиниши гувоҳлик* беради.

Демак, айтиш мумкинки, ташкилотлардаги ҳодисалар, жараёнлар ва тизимларни режалаштириш, улар фаолиятларини ташкил этиш, бошқариша композиция қонунларидан фойдаланиш илмий ёндашишидир.

10.2. КОМПОЗИЦИЯ ҚОНУНИНИНГ ТАШКИЛОТ ФАОЛИЯТИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Ташкилотда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иқтисодий, таъминот, ижтимоий, молиявий ва шунга ўхшаш фаолиятларни режалаштиришда композиция қонунининг асосий вазифаси — бу режа тузища тизимлардаги ҳар бир бўйинларнинг тегишли манбаатдорлик томонлари мос равиша таъминланишидир. Ҳозирги шароитда фаолият кўрсатаётган ташкилотнинг бўйинлари манфаатини аниқ ҳисобга олиш катта илмий муаммо.

Ҳар қандай ташкилот иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа шароитлар, истеъмолчилар, давлат шартномалари, қонунчилик, рақобатчилик, жамиятдаги қадрият ва маънавият тизимлари, жамоа қарашлари, техника-технология ва шунга ўхашшлар таъсирида фаолият кўрсатади. Уларнинг бальзи бири ташкилотнинг фаолиятига билвосита таъсир этса, иккинчи бири тўгри таъсир этади.

Шуни эътиборга олиш жоизки, бозор иқтисодиётининг асослари ҳамма учун бир хил (ваҳоланки, Ўзбекистонда АҚШ ёки Англия, Швеция ёки Япония, Германия ёки Корея ва буларга ўхшаш мамлакатларнинг бозор иқтисодиётига ўғишларидаги босиб ўтилган йўлларига мутлақо ўхшаш бўлмасада), у хусусий мулкчилик, инсон хулқи, ахлоқи, рақобат, эркин тадбиркорликдан иборат. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда давлат тасарруфидан чиқариш жараёни жадал давом этиб, ҳиссадорлик жамиятлари ривож топиб, жамоа аъзолари ва акция эгалари фойда олмокдalar. Қисқа қилиб айтганда, бозор муносабатларининг ҳукукий асослари яратилган. Иккинчи томондан ташкилотларнинг ижобий фаолиятлари, самарали иқтисодиётига ўзларида фаолият кўрсатаётган раҳбарлар, менежерлар, мутахассислар, ижроичилар,

жамоа, жамиятлар салмоқли таъсир кўрсатади. Шу сабабли ушбу муаммоларни муваффқиятли ҳал этишида композиция қонунларини билиш ва улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш катта аҳамиятта эга.

Бозор иқтисодиётида фаолият кўрсатувчи ташкилотларнинг ечим ёки қарор қабул қилишлари ихтилоф, тўқнашув, *ноаниқлик шароитида кечади*. Албатта, ихтилоф ва тўқнашувлар антогонастик шаклда бўлиши шарт эмас, бу ерда ҳар қандай қарама-қаршилик тушунилади. *Ноаниқлик* деганда талаб метеорологик шароитга боғлиқ бўлса ёки бозордаги рақобат фаолияти талабнинг номаълум қисмини қониқтиришидир. Ана шундай шароитда ечим қабул қилишининг математик андозаси (ўйин назарияси) кўлланилади.

Борди-ю ташкилотдаги ҳодиса, жараён ва тизимларнинг меъёрий андозалари ишлатилса, у ҳолда уларнинг манфаатлари андозалардаги оптималь мезонлар тизимида ўз ифодасини топади, бунда композицион ечим эса тизимда қатнашувчи бўғинларнинг ўйинида мувозанат ҳолатини ўзига олади ёки ушбу тушунчани умумлаштиради. Борди-ю тизимдаги қайси бир бўғиннинг манфаатини андозада ҳисобга олинмаса ёки кўрсатиш мумкин бўлмаса (масалан, хулқий далилни), у ҳолда *дескриптив (тавсифий) андоза* (режалаштирувчи, кузатувчи ёки тадқиқотчи мавжудот ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмас, бироқ умумий тизимга таъсир кўрсатиш имкониятига эга)ни қўллашга эҳтиёж пайдо бўлади, бўғинларнинг андозаларида аниқланадиган маълумотларни шаклланиши маълумотлар барқарорлиги операаторларнинг Композициясидаги қўзғалмас нуқтасига мос келади.

Кўпгина ҳолларда иқтисодий-математик андозалардан олинган маълумотларни талабчанлик билан қўллаш катта қийинчиликлар келтириб чиқаради. Шу боис ўйин мувозанати ҳолатининг бор бўлиш теоремаси композиция қонунини муайян тизимларнинг ечимлари мавжудлигини исботлаш учун керак. Бунда ташкилот фаолиятида композиция қонунини қўллашга миқдорий усуслар қўлланилади. Агарда тизимнинг барча бўғинлари меъёрий андозаларда ифодаланган бўлса, бир неча қатнашувчилар ўйинида ҳолатнинг мувозанатини топиш изланади. Борди-ю тизимда меъёрий ва дескриптив андозаларни қўллашга тўғри келса, у ҳолда композиция қонунини даврий такрорланишда бўлади: аввал меъёрий андозалардан ташкил топган қичик тизимдаги мувозанат ҳолати изланади; сўнгра олинган меъёрий режадан чиқсан кўрсаткичлар миқдори дескриптив андозанинг маълумот киришига узатилади; ахборотнинг барқарорлиги бўйича дескриптив андозалардан чиқсан кўрсаткичларнинг янги миқдорида меъёрий андоза бўйича мувозанат ҳолати қайта ҳисоблаб чиқилади ва ҳоказо.

Композиция қонуни ташкилотнинг тизимларидаги бўғинлар мустақил хўжалик юритишини марказий бошқариш билан ҳамкорликда олиб боришга имкон беради. Бундай ҳолатларда композицион режалаштириш икки томонлама аҳамият қасб этади: бир томондан, тизимнинг элементи сифатида иштрок этади ва манфаатларни келиштириш жараёнида қатнашади, иккинчи томондан, умумхўжаликни бошқаришнинг ўзгарувчилари миқдорини ишлаб чиқиш билан мувофиқлаштирувчилик функциясини ҳам бажаради.

10.3. МУТАНОСИБЛИК ҚОНУНИ ВА УНИ ТАШКИЛОТДА ҚҰЛЛАНИЛИШИ

Мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқларида давлат ва нодавлат секторларда, уларнинг ҳар бир худуд, маъмурий бўлинмалари, саноат, транспорт, қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа тармоқларнинг ҳар бир ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўз фаолиятларини илмий асосланган мутаносиблик қонунига биноан тараққий эттиришлари лозим. Ташкилотлардаги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳалари, алоҳида секторлар орасидаги иқтисодий-ижтимоий, техник-технологик, ахборотли ва ҳуқуқий ўзаро боғлиқларини илмий асосланган мутаносиблик қонунида таъминлаш раҳбар ва мутахассисларнинг муҳим вазифаларидан бири. Чунки ташкилотнинг мутаносиблик қонунига биноан тараққий этиши ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш усувларининг моҳиятидан келиб чиқади, бу эса зарурый шароитdir.

Ташкилотлардаги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа ҳодисалар, жараёнлар, тизимлар доимий ҳаракатда бўлади. Бу ҳаракатлар бир текис давом этмайди. Ташкилотдаги баъзи бир бўғинда тараққиёт суръатларининг жиддий сустлашиши кузатилса, иккинчи бирида тараққиёт юқорилаб борувчи ҳаракат кўриннишида бўлади. Шу сабабли ҳам ташкилотнинг тараққий этиш, муваффақиятга эришиш, кучсизланиш, сўнг фаолият кўрсатишини йўқотиш даврларини бошидан кечиради. Узоқ йиллар давомида фаолият кўрсатиш учун иқтисодий, ижтимоий, рақобат муносабатларига мослаша оладиган, эгилувчан ташкилотлар гуллайди, тараққий этади.

Макроиқтисодий тараққиётнинг ўсиши ҳар бир муайян ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш усувлари доирасида (макроиқтисодиётда) ҳам содир бўлади, шу билан бирга нафақат миқдор ўзгаришлари шаклида, балки муайян сифат силжишлари шаклида ҳам намоён бўлади.

Ташкилотнинг фаолият кўрсатиш даврида узлуксиз жараёнлар давом этади. Уларнинг амалга ошишлари учун ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишларнинг барча омиллари доимо мавжуд бўлиши керак. Ташкилотдаги тизимларнинг ҳар бир бўғин раҳбари, мутахассислари, ижрочилари муайян миқдорда меҳнат қилгач, бундан кейинги меҳнат вазифаларини бажариш учун ходимларни тикилаши лозим, янги мутахассислар, ижрочилар келиши билан боғлиқ. Шу билан бирга ҳар бир ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш даврини бошлаш учун зарур меҳнат қуроллари, воситалари, предметларига ҳам эга бўлиш керак. Эскирган меҳнат қуроллари, воситалари меҳнат шароитининг воситалари янгилари билан алмаштирилиши ёки замонавий таъмирланиши, тикиланиши зарур.

Бунда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш даврини такрорлаш учун ходимлар ва ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш воситалари билан таъминлаш мунтаносибликда (миқдорий нисбатларда) бўлиши керак. Бу эса умумиқтисодий шартdir. Мутаносибликнинг бузилиши ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишида тўхтаб қолишларига олиб келади, унинг самарадорлигини пасайтириб юборади.

Ташкилотнинг барқарор тараққий этишида табиий ресурслар, ходимлари яшайдиган уй-жой ижтимоий меҳнатни доимий тақрорланиб ва тикланниб турадиган жараёнлар мутаносиблик қонунига биноан тараққий этади. Чунки табиий ресурслар ҳам ходимлар яшайдиган уй-жой ва маданий-маишни шароитлар ташкилот фаолиятининг таркибий қисми ва узоқ муддатли иқтисодий ўсишнинг дастлабки шартидир. Ресурсларни чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда уларни доимий равишда тақрор ишлаб чиқариш, экологик муҳитни сақлаш зарур. Тақрор ҳосил қилиб бўлмайдиган ресурслардан: нефть, газ, металл ва бошқалардан ихчам, тежамкорлик билан фойдаланиш, фантехника тараққиёти, тадбиркорлик ҳиссияти асосида улар ўрнига бошқа турдаги энергия ва хом ашё материалларини ишлатиш айниқса муҳимдир.

Раҳбарлар, менежерлар, мутахассислар, ижрочилар ва ишлаб чиқариш воситаларини, шунингдек, табиий ресурсларни доимий равишда тиклаб борши ташкилот учун мутаносиблик қонунига риоя қилишидир. Улар билан бирга ходимлар ўртасидаги тегишили ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иқтисодий, ижтимоий, молиявий, ҳуқуқий, ахборотли, ташкилий, бошқарув муносабатлари ҳам ташкилот фаолиятининг шакл ва тизимлари сифатида тақрор ҳосил қилинади.

Тақрор ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш оддий шаклда ёки кенгайтирилган ҳар бир даврнинг бошида сифатлироқ ресурслар учун зарур бўлади. Қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш омилларининг сифат жиҳатидан яхшиланиш манбаи бўлиб хизмат қиласди. Демак, кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишда қўшимча иш, маҳсулот, жараёнларнинг ҳаммаси энли шахсий эҳтиёжларни қондиришга сарфланиши мумкин эмас.

Хозирги кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ўзига хос ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишга айлантиради, иқтисодий тараққиётни ғоят жадаллаштиради. Унинг афзаллигидан бири шуки, кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда фойданинг ҳаммаси истеъмолга кетмайди, унинг бир қисми жамгарилади, яъни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш омилларини кўпайтириш учун фойдаланилади. Бу қисм ташкилотнинг жамгармасига айланади. У ҳам ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш воситаларидан, истеъмол буюмларидан иборат, бунда истеъмол буюмлари қўшимча равишда жалб этиладиган ходимларни таъминлашга сарфланади.

Жамоат ва хусусий маҳсулотларнинг турли қисмлари ўртасида уларнинг белгиланган вазифалари (қоплаш, истеъмол ва жамгариш) бўйича ҳам, натурал-ашёвий шакл (ишлаб чиқариш воситалари ва итеъмол буюмлари) бўйича ҳам қатъий ўзаро нисбатлар, мутаносибликлар бўлиши керак. Улар ҳар қандай жамоат тузимидағи тақрор ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тавсифи бўлиб, умуниқтисодий аҳамиятга эга.

Атоқли иқтисодчи олимларнинг фикрича, тақрор ишлаб чиқариш муаммоларини таҳлил қилаётганда фойдаланиладиган шартли белгиларни кўллаш усули билан, бу нисбатларни ифодалаш мумкин:

- Қоплаш жамгармаси — С;
- зарур маҳсулот, иш, хизмат кўрсатиш — V;

— кўшимча маҳсулот, хизмат кўрсатиш — т.

Такрор ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнини узлуксиз давом этиши учун куйидаги нисбатларга риоя этилиши зарур.

Оддий такрор ишлаб чиқаришда:

— ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш воситалари (биринчи бўлинма маҳсулотлари ёки хизмати — I) ҳар иккала бўлинмадати моддий сарфларни қопладиган ҳаммларда ишлаб чиқирилиши керак, бошқача айтганда, уларни қоплаш фондига тенг бўлиши керак, яъни

$$I (C+V+m) = IC+II C;$$

— истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш (иккинчи бўлинма маҳсулотлари, хизмати — II) иккала бўлинмада ҳосил қилинган соғ маҳсулотга тенг бўлиши керак, яъни

$$II (C+V+m) = I \quad (V = m) = II (V+m);$$

— биринчи бўлинманинг соғ маҳсулоти, хизмати иккинчи бўлинманинг қоплаш фондига тенг бўлиши керак, яъни

$$I (V+m) = II C.$$

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда:

— биринчи бўлинманинг бутун маҳсулоти иккала бўлинмадаги қоплаш фондлари йигиндисидан, уларда жамғариладиган ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш воситалари миқдорида ортиқ бўлиши керак, яъни

$$I (C+V+m) > IC+II C;$$

— иккинчи бўлинма маҳсулоти, хизмати иккала бўлинмадаги соғ маҳсулотдан, жамғариладиган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш воситалари миқдорида кам бўлиши керак, яъни

$$II (C+V+m) < I (V+m) + II (V+m);$$

— биринчи бўлинманинг соғ маҳсулоти, хизмати иккинчи бўлинманинг қоплаш фондидан ҳар иккала бўлинмадаги жамғариш мақсадлари учун зарур бўлган кўшимча ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш воситалари миқдорида кўл бўлиши керак, яъни

$$I (V+m) > II C.$$

Такрор ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг юқорида қайд этилган шартларига риоя этилиши жуда катта аҳамиятга эга, чунки унинг бир маромда боришини таъминлайди. Шу билан бирга маҳсулотга талаб ва таклиф қонунлари ёрдамида зарур нисбатларга риоя этилиши ҳам умуман иқтисодиётдагина эмас, балки ҳар бир ташкилотнинг бўгини даражасида ҳам таъмин этилиши муҳимдир.

Таянч сўз ва иборалар

Композиция қонуни, композицион режалаштириш, композиция ечимлари, ноаниклик шароити, дескриптив андоза, ўйин мувозанати, меъёрий андозалар, мувозанат ҳолати, мутаносиблик қонуни, оддий такрор ишлаб чиқариш, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, миқдорий нисбат.

Такрорлаш учун саволлар

1. Композиция қонуни ташкилот учун керакми?
2. Композицион режалаштиришнинг тамойилларини тушунтиринг.
3. Ташкилотлар мураккаб омиллар таъсирида фаолият кўрсатар экан, уларнинг бўғинлари манфаатини қандай ҳисобга олиш мумкин?
4. Тизимдаги мувозанат ҳолати нимани англатади?
5. Мутаносиблик қонунига тавсиф беринг.
6. Ташкилотининг барқарор тараққий этиши қандай таъминланниши мумкин?
7. Такрор ишлаб чиқаришни узлуксиз давом этишда миқдорий нисбатлар қандай қўлланилади?

Адабиётлар

1. Сиёсий иқтисод. Т.: «Ўзбекистон», 1991. 41—42, 48—52-бетлар.
2. Математика и кибернетика в экономике. Словарь-справочник. Изд-е 2-е, перераб. и доп. М.: «Экономика», 1975. 199—201-бетлар.

11-БОБ. ЖАМОАТ ТАШКИЛОТИНИНГ ХУСУСИЙ ҚОНУНЛАРИ

11.1. ЖАМОАТ ТАШКИЛОТИНИНГ МАЗМУНИ, АҲАМИЯТИ, ХОЛАТИ ВА МАҚСАДЛАРИ

Оила, маҳалла, меҳнат жамоалари, сиёсий партиялар, нафақаҳўрлар, ёшлар ва хотин-қизлар уюшмалари, таълим-тарбия, фан ва илмий муассасалар, маданият ва маданий-матрифий ташкилотлар, адабиёт ва санъат, дин аҳли, жисмоний тарбия ва спорт, нодавлат ташкилотлар, оммовий ахборот воситалари каби қатор ташкилотларнинг касаба уюшмалари, ёшлар ташкилоти, хотин-қизлар уюшмалари, гоявий-сиёсий, маънавий алоқа тизимлари мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, миллий истиқлол мафкурасини ўсишига хизмат қўймоқда. Жамоат ташкилотларини муштарак манфаатлар бирлаштириб туради, мазкур жамоа ушибу жамиятда қабул қилинган қонунлар ва мөъёрларга бўйсунуб, муайян мақсадларни рӯёбга чиқаради.

Жамоат ташкилотларининг алоқалари турларига қараб кучли гоявий-сиёсий, маънавий алоқалар тизимлари бўлган ташкилот (сиёсий партиялар), муайян мақсадлар ва вазифаларни амалга оширишдан манфаатдор бўлган ташкилотлар (касаба уюшмалари, ёшлар ташкилоти ва бошқалар), муайян дастурлар ёки ҳатто айрим шахсларни қўллаб-куватлаш мақсадида тузиладиган ташкилотларга бўлиш мумкин. Уларнинг хусусиятларига қараб эса: ташкилот аъзолари ва манфаатларининг тизими; ички тузилишини бунёд этиш усуллари;

қарорлар ишлаб чиқиши, қабул қилишнинг шакли, усуллари ҳамда булярни амалга ошириш йўллари.

Жамоат ташкилотлари халқимиздаги руҳий фаолиятни, таълим-тарбияни юқори даражага кўтариш, илғор усуллар, услубларни, воситаларни ижод этиш, санъат ва маҳорат билан ҳаракат қилишни ўргатиш, барча ижобий натижаларни авлоддан авлодга узатиш кабиларда бениҳоя аҳамият касб этади.

Ташкилот жамоалари инсонлар(ходимлар-мутахассислар, раҳбарлар, менежерлар, ижрочилар)дан ташкил топган. Уларнинг ҳар бири эгалдаган билимлари ҳётида таъланавериб, қўникма ва малака босқичларидан ўтган ҳамда синтиб, ҳёт тарзига айланган ҳолати юқори бўлса, юқори маънавиятли ходим дейилади. Инсон тафаккурида билимни пайдо қилиш, уни қўникмага айлантириш, пировард оқибатда юқори малакали ходимга айлантириш, яъни ходимларни маънавиятга таъсири этувчи катта кучдан бири жамоат ташкилотларининг гуруҳларидир. Масалан, ахлоқий маънавиятли педагог гуруҳдаги руҳий фаолиятга етарли эътибор беради. Бунинг учун дарс ёки сухбатни бошламасдан олдин, дарсхона ёки сухбат ўтказиладиган хонага кириб, тингловчилар билан салом-алик қилганидан кейин, албатта, уларнинг умумий кайфиятини, сиҳат-саломатларини, дарс (топшириқ, сухбат)ни тинглаш иштиёқи борлигини сўраб-суриштириб кўяди. Бу билан руҳий-педагогик маънавиятни кучга киритади. Амалиётда кўп йиллар мобайнида қўлланиши натижасида руҳига сингиб кетган ходим ўзининг юқори маънавият эгаси эканлигини намойиш этади.

Демак, ташкилот ходимларининг касбий тараққиёти ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш усуллари даражасига қоса келиши лозим.

11.2. ТАШКИЛОТНИНГ ЗАРУРИЯТЛИК ҚОНУНИ

Ташкилотнинг ички ўзгарувчанлари (мақсадлари, технологияси, топшириқлари, ходимлари, ташкилий тузилмалари) атрофдаги ўзгаришлари (ижтимоий ва маданий таъсиirlар, таъминловчилар ва технологияларнинг таъсири, иқтисодиёт ва рақобатларни таъсири, қонунчилик ва сиёсатни таъсиirlари) кабиларсиз ҳеч қачон бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда қараб бўлмаслигини тушуниш муҳимдир. Шу жараёнларнинг ички ва ташкилий-техник ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, талаб ва таклиф, тақсимот, мулкчилик ва шу кабилар.

Махсус иқтисодий қонунлар — ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, талаб ва таклиф, тақсимот, мулкчилик ва шу кабилар.

Умумий иқтисодий қонунлар барча ишлаб чиқариш усулларига хосдир. *Хусусий иқтисодий қонунлар* махсус қонунларга ҳам кирмайди. Улар иқтисодий муносабатларнинг ишлаб чиқарувчи ходимлари тараққиётининг муайян даражаси вужудга келтирган хусусиятларни ифода қиласиди, бу

хусусиятлар бир неча ишлаб чиқарши усулига хосдир. Масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш қонунлари — ижтимоий қонун, хусусий мулк қонуни, товар ва хизматларга бўлган талаб ва таклиф қонунлари, жадаллик асосида иқтисодий ўсиш қонунлари ва ҳоказолар шулар жумласига киради.

Ташкилотни бошқаришлаги иқтисодий тизимлар, ташкилий тизимлар, уларнинг иш усуллари, ҳодимлар бир-бiri билан ўзаро муносабатларидан ташкил тобади. Инсоният тараққиёти қанча кўп илгарилаб борса, унинг ҳаётига жамоат шакли, унинг ҳодимлар билан ўзаро таъсири шунча катта аҳамиятга эга бўлади.

Ходим ташкилот фаолиятининг иштирокчиси, шунинг учун у ташкилотнинг ички ва ташкилий мухитини идрок этиши зарур (ҳис этиши, сезиши, ишониши, қадрияти, имони...). Шу билан бирга барча ҳодимлар бирдек эмас. Ҳудди шу турли-туманлик ташкил этишини бошқаришда қийинчилик ва ҳатто зиддиятлар келтириб чиқаради, ҳодим билан ташкилотни қамровнинг ўзаро таъсирида муаммолар, келишмовчиликлар, ихтилофлар, низолар, асадбузар ҳолатлар, Қарама-Қаршилик вазиятлари пайдо бўлишига сабаби бўлади.

Ташкилотда ҳодимнинг иши унинг ташкилот қамрови билан доимий ўзаро таъсири этувчи жараёндир. Ҳодим ташкилот қамровидан кўпгина эҳтиёжларини қондиришни кутса, ташкилот ҳам ҳодимдан кўпгина иш ёки хизмат кўрсатишни кутади. Ҳодимлар, бўлим ва бўлинмалар, ташкилот ва тармоқлар ўзларнинг мақсадларига эришиши учун бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириш зарурлиги туғилган ва туғилади. Ушбу заруриятлик қонуни ҳар қандай мамлакатга, ҳар қандай ташкилотга хосдир.

Ишга қабул қилинган ҳодим, ташкилот уни нима учун кераклигини ва фойда бўлишини, маълум аҳамиятини билиши лозим. Ташкилотга янти аъзони қўшилишининг якуний босқичи уни ташкилотга тўла хукуқли аъзо бўлиб ўтиши билан якунланади.

Ташкилот қадриятини ва мебёрларини ҳодим томонидан қанчалар ўзлаштирилганилиги ва қабул қилинганлигига қараб ҳодимни ташкилотга қўшилганлик даражасини белгилаш мумкин, яъни ҳодим кўнглини ташкилот фаолиятига мажбур этиши даражаси аникланади.

Янги, янада илфор ишлаб чиқариш муносабатларининг қарор топиштига мулк шаклларини ўзгариши, мойиллик, раҳбарнинг одати, ташкилотнинг нуфузи ва бошқа кўпгина заруриятларга боғлиқ.

Шундай қилиб, ташкилотда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иқтисодий, ижтимоий, молиявий муносабатларнинг ҳар қандай соҳаларида тараққиёт зарурияти ва қонуняти қандай мухитда бўлмасин ўзига йўл очиб олади. Ҳар қандай жамиятда иқтисодий жараёнлар уларга хос бўлган ички қонунлар — инсонларнинг ижтимоий фаолият қонунлари билан бошқариб турилади. Иқтисодий ҳаёт қонунларининг мавжудлиги тараққиётнинг умумий мантиқига тўғри келмайдиган тасодифий ҳодиса, жараён ва тизимлар мавжудлигини асло инкор этмайди. Қонунлар ҳар бир алоҳида ҳодисада, жараёнда, тизимда намоён бўлмайди, балки ҳодисалар ва жараёнларнинг бутун йигиндисидан кўринадиган хукмрон анъаналар тарзида намоён бўлади.

11.3. ТАШКИЛОТНИ БОШҚАРИШДАГИ ЎЗАРО НИСБАТ ҚОНУНИ

Ташкилотни бошқаришда ривожланиш, доимий тақомиллашиш, босқичлар сонини сақлаш, функцияларни ўзгартириш, хабардорлик, ўз-ўзини сақлаш, композиция, мутаносиблик каби қатор қонунлар маълум. Улар ташкилотни бошқаришдаги тармоқ, ташқи ва ички муҳитлар, ахборот-компьютер технологиялари ва интернет, ходимларнинг малакалари, ходимлар ўргасида меҳнат тақсимоти (транспорт, механизация, асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва бошқа инфратузилмалар), ташкилий тузилмалар ва бошқа омилларга қараб кўлланилади. Масалан, менежмент мутахассислиги тайёрлаш ҳар томонлама кенгаймоқда. Чунки ташкилотларни ташкилий бошқариш унинг тармоққа тааллуқлигидан, муҳит ва моддий-технологик негизи, бошқарув функциялари, усуллари, лавозимларни белгилаш, ходимларни танлаш ва жойлаштиришдан келиб чиқиб кўлгина маҳсус хусусиятларга эга бўлади.

Иқтисоди ва саноати ривожланган мамлакатлардаги ташкилотлар ҳар 3—5 йилда, яъни ҳар йили ўзининг 20—35 фоиз ташкилий тузилмаларига ўзгаришлар киритади, уларни алмаштириш доимий жараён бўлиб қолган. Бунга сабаб — бу тараққиёт қонуни, кучли иқтисодий рақобатдир. Демак, ташкилотдаги ходимларнинг иқтисодий, ижтимоний фаолиятлари ҳам ўзгарилиши.

Ташкилотни бошқаришдаги ўзаро нисбат қонуни унда бажариладиган жараёнларнинг муракқаблик даражасига, кутиладиган натижаларга, бошқаришнинг содир бўлишига, амалга ошириш муддатига, бошқариш поғоналарига, умумжамият миқёсидаги муносабатларни акс эттиришига қараб кўлланилади.

Бошқаришда ўзаро нисбат қонуни тўғри белгиланганлиги, яъни ташкилотни бошқариш функциялари, усуллари, ташкилий тузилмалари, ваколатларни мақсадга мувофиқ ташкил этилса, ходимлар мос равишда танланиб, жойлаштирилишига қараб баҳоланади.

Ташкилотни бошқаришдаги ташкилий бошқарув органини тузиш жараёни бошқарув қабул қилинган тузилмаси доирасида унинг функцияларини амалдаги қонун-қоидаларга биноан тақсимлаш ва вазифаларни аниқлашдан бошланади. Сўнгра ҳар бир функцияниң турори, ҳажми, даражаси, босқичи, ихтисослаштирилиши, марказлаштирилиши ва кооперациялаштирилиши ҳал қилинади.

Ана шулардан кейин аниқ ўзаро нисбат қонуни кучга кириши аниқланади, янги тузилма ташкил этилиши ёки мавжуд тузилмаларга қўшимча функциялар топширилиши, мос равишида ходим ва лавозим ажратилишига ўтилади. Масалан, юқори бўғинда ишлайдиган раҳбарларга бўйсунувчилар сонининг Энг қулаги 5—8 киши. Баъзи чет эл мутахассислари бир раҳбарга ўзаро бўйсунувчилар муайян ва қатъий чекланган ходимлар сони 5—6 кишидан оғимаслиги мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Бизнинг иқтисодчилар бошқарувдаги ўзаро нисбат 6—12 кишигача бўлиши чумкин ва уста даражасида бошқарув нисбати бир устага 30 ижрочи бўлиши тавсия этилади. Амалда эса уларнинг нисбати бир устага 17—20 ижрочигача стади.

Чехия ва Словакия мутахассисларининг ушбу йўналишдаги тадқиқотлари тармоқ бошқарув органларида қўйидаги ўзаро нисбатлар тавсия этилади:

- юқори бўгиндаги раҳбарларга бевосита бўйсунувчиларнинг оптимал сони 5—8 ходим билан таъминлаш;
- нисбатан содда ишларда чекланган фазовий ҳолатда бошлиқ таҳминан 25—30 ходимни айнан бошқариш имконига эга;
- механизациялаш мураккаброқ ишлар кўламида 20—15 ходимни бошқаришга пасаяди;
- иерархия босқичи бўйича қанча юқори бўгинда бўлса, бошқарув кўлами шунча камайди. Шунинг учун ташкилот раҳбари ўзига бевосита боғлиқ 12—14 ходимни бошқарса, бу қулай ҳисобланмайди, ваҳоланки, бу амалда кўп учраса ҳам.

Бошқариш бўгинлари ташкилий тузилма бўгинларига айният эмас. Бир томондан, улар ички ташкилий бўгин тузилмасини яратса, бошқа томондан, чегарасидан четга чиқади, шу билан ташкилий бўгинлар бирлашади, оқибатда уларни бошқаришга имкон яратилади. Бошқариша мөхнатни тақсимлаш ишлаб чиқариша мөхнат тақсимотидан фарқи шундаки, биринчи ҳолатда самарали бошқариш учун қайси фаолият (жараёнлар ва операциялар) тури кераклигини етарлича ишонарлик билан доимо аниқлаш мумкин.

Ташкилий бошқариш тузилмасида иерархик босқичлар сонини бўйсунувчилар сонини ошириш ҳисобига камайтириш ва аксинча ташкилий бошқариш такомиллаштириш мумкин. Масалан, машхур Дженерал Моторс корпорациясида бошқарувчилар сонини кўлайтирмай, ҳар 3—7 кишига битта раҳбар тўгри келишига, яъни ўзаро нисбатта интилиш кераклигини амалда ислоблади.

Ташкилотни бошқаришдаги ўзаро нисбат қонуни ўзига яраша мураккаб. Чунки ташкилотда хизмат қилувчи ходим тирик мавжудот, у ўта ўзгарувчан. Бунинг учун психология, социология, социал психология, антропология мутахассисларининг тавсия ва маслаҳатлари билан ҳисоблашиш, уларни ўзлаштириш, амалда кўллаш илмий асослашга ёрдам беради.

Ходимларни самарали бошқариш, уларнинг мўътадил фаолият кўрсатиши учун зарурӣ шарт-шароитлар яратиш бўйича ўзаро боғланган ташкилий-иқтисодий, ижтимоий чора-тадбирлар тизими керак. Ҳар қандай ташкилотнинг бош бойлиги ходимларидир, энг бебаҳо ресурсидир. Кўпгина ходимлар ўзларининг онгли ҳаётини ташкилотда ўтказади. Уларнинг ташкилот ишининг бажаришга тайёрлиги, мойиллиги, маҳорати ёки билармонлиги қандай даражада, мана буларни аниқлаш ўзаро нисбат қонунининг муаммо қисмидир.

11.4. БИЛИМ ВА МАХОРАТ ЎЗАРО НИСБАТИ ҲАҚИДА КЕРЖЕНЦЕВ ҚОНУНИ

11.4.1. Билим ва таълимнинг ўзаро боғлиқлиги

Ташкилотнинг менежменти, менежерлари, мутахассислари ва бошқа ходимлари учун зарурӣ билим, кўнікмалар даражасига қараб ишлаб

чиқарыш, хизмат кўрсатиш, бошқариш, педагогик фаолиятлардаги ўрни аниқланади. Бироқ уни амалга ошириш ўта мураккаб, кенг маънодаги таълимий, умумназарий, меъёрий, ташкилий-услубий, аниқ-лавозимий ва предметли-хусусий асослар ёрдамида аниқлаш мумкин.

Билим — руҳий фаолият, холис воқеликнинг инъикоси, аммо жараён нуқтаи назаридан эмас, балки натижа нуқтаи назаридан Қаралган инъикосидир, дейилади фалсафий луғатларда. Жамиятнинг ўтмишдаги билиш фаолиятийнинг ҳаммаси унинг олдида тайёр билим шаклида юзага келади, бу билимни у ўзлаштириб, ўзиники қилиб олиди, яъни уни амалда тадбиқ кила билиши лозим.

Ходим билимни ўз фаолиятига жалб этиб, уни ўзлаштириб, шу билан ўзининг маънавий қобилиятларини ривожлантиради, ўзини маданиятнинг фаол яратувчиси, субъекти қилиб камолга стказади дейди буюк файласуфлар. Фанда илмий билимнинг тажрибавий (эмпирик) ва назарий шакллари ажратилиб кўрилади. Бу бўлиниш воқеликнинг инъикос даражаси билан ҳамда тадбиқ этиладиган билиш воситалари (эмпирик билимнинг усуллари бўлган кузатиш, тасвирлаш ва назарий билимнинг тавсифлари бўлган умумлаш, гипотезлар, назариялар тузиш...) билан белгиланади.

Илмий билим(аксарият ҳолларда у адабий манбаларда ёзib қолдирилади, китоблардаги билимларни ходим ёки инсон ўз таълим амалиётида қўллаши мумкин)дан ташқари, одатдаги билим ҳам мавжуд бўлиб, теварак-атрофдаги оламни пайқашда ёрдам беради, унинг назарий-тизимли шакли йўқдир, айрим индивиднинг ҳаётий тажрибаси билан боғлиқдир, кўп ҳолларда турли хурофотлар билан, масалан, ирқий хурофотлар билан сугорилган бўлиши мумкин, техникавий билим — илмий билимни рӯёбга чиқариш билан боғлиқ бўлган вазифаларни самарали тарзда амалга ошириш йўллари ва усуllibаридир (масалан, муайян автомобилни ишлаб чиқариш технологияси, оммавий қирғин қуродларини ишлаб чиқариш технологияси ва б.).

Билимнинг яна бир турини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу кўп жиҳатдан фалсафий билим билан мос келади ва этика, эстетика, инсоният тараққиётининг йўллари, анъаналари ҳақида муҳокама юритишдан, синфиининг, гурӯҳнинг ижтимоний меъёrlарида гавдаланган олий мақсадларни илгари суришдан иборат.

Ўзбекистон қанчадан-қанча билимдон мутахассису олимлар, уламолару сиёсатшунос арбобларни, шониу ёзувчиларни етиштириб берган. Ал-Хоразмий (783—850), Абу Исо Мұхаммад ат Термизий (824—892), Абу Наср Форобий (873—950), Абу Али ибн Сино (980—1037), Абу Райхон Беруний (973—1048), Аҳмад Яссавий (1041—1167), Амир Темур ибн Тарабай Баҳодир (1336—1405), Алишер Навоий (1441—1501), Аҳмад Маҳмуд ибн Носир Дониш (1827—1897), Анбар отин (1870—1914), Абдулла Авлоний (1878—1934), Аваз Ўтар (1884—1919), Бурхонуддин Ал-Марғиноний (1123—1197), Заҳириддин Мұхаммад Бобур (1483—1530), Имом ал-Бухорий (810—870), Машраб (1640—1711), Мунис Хоразмий (1778—1829), Муқимий (1850—1903), Мунавварқори Абдурашидов (1878—1931), Нақшбандий (1318—1389), Нодира (1792—1842), Оғаҳий (1809—1874), Пахлавон Маҳмуд (1247—1326), Улуғбек (1394—1449),

Фурқат (1855—1909), Фитрат (1886—1937), Чүлпон (1893—1937) номлариниң санаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Уларнинг билими авлоддан авлодга маданиятни узатиб келмоқда, чунки у ижтимоий-генетик механизмидир.

Билим меъёрилари одатда миллий анъанааларда, таълим мазмунидаги белгиланган ўқув режаларида, ўқув дастурларида, дарслекларида, қўлланмаларида, услугубий қўлланмаларда, дидактик материалларда, ўқув воситаларида ва бошқа қонуний далолатномалар, меъёрланган ҳужжатларда мустаҳкамланади. Билим одатда ривожланиш, тарбияланиш, таълим бажара олиш тизимлари билан тавсифланади.

Билимни ходим, талаба, ўқувчи томонидан олиш, уни устоз, мураббиј, педагог, ўқитувчилар томонидан бериш мақсадида амалга ошириладиган ўзаро алоқаларни тизимга келтирувчи тарбиялаш усуллари, услугублари тўғрисидаги педагогик тадбирлар *таълимидир*.

Демак, *таълим*-тарбия услуг ва усуллар тўғрисидаги умумий маълумот. Таълим услуги – устоз, педагог, ўқитувчи, мураббијилар билан билим оловучи талаба, ўқувчи, тарбияланувчи, малака оширувчилар орасида билим берици ва уни олиш мақсадида амалга ошириладиган ўзаро алоқаларни тизимга соловучи педагогик тадбирдир.

Хозирги даврга келиб таълим тизими жўшқин ривожланаётган технологияларнинг турли хил кўринишларини ўзлаштироқда. Ёшларга таълим бериш, ходимлар малакасини ошириш фаолиятлари орқали, улар фаоллигини ошириш, уларнинг мустақил фикрлаш қобилияtlарини шакллантириш, етук. баркамол шахс сифатида камол топтириш, замонавий педагогик ва малака ошириш технологияларини амалда қўллашни тақозо этади.

Таълим – ўқитиши ва ўқиши фаолиятларининг ўзаро таъсирида шаклланадиган ҳосила, ширкат фаолиятидир. Таълим натижаси индивидуалдир. Таълим бошқариладиган жараён, унинг натижаси кўп жиҳатдан тайёрланган дидактик лойиҳага боғлиқ. Дидактик лойиҳа эса таълим технологиясининг маҳсали. Малака оширувчиларнинг, талабаларнинг, ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини дидактик лойиҳага кўра бошқариш таълим технологиясининг педагогик асоси саналади. Билим оловчиларнинг ўқув жараёнида билишга қизиқиш, ўқиши жараёнидаги муқаррар қийинчиликларни бартараф этиш, ўқищидаги бурч ва масъулиятни унутмаслик, билимнинг ижтимоий ва шахсий аҳамиятини тушуниш, уларни бажариш, фанлар бўйича билимни баҳолаш мезонларини билиш, бажариш кабилар таълимнинг маълум усул ва услубларидандир. Шундай қилиб, билим ва таълимнинг ўзаро боғлиқлиги билим оловчиларнинг абстракт – назарий фаолияти натижаси бўлиб қолмай, балки уларнинг кўнинмаларида, малакаларида, маънавиятларида ва бошқа ўйл-йўрүйлар туттишларида ифодаланади. Таълим жараёнида билим, маҳорат, кўнинка ва малакаларнинг шаклланганлик даражасини назорат қилиш ҳам мухим боғлиқликтидир.

11.4.2. Кўнинма, малака ва маҳоратнинг боғлиқлиги ҳақида

Замонавий ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишларнинг кўп сонли тармоқлари билан бир қаторда, маънавият,

маърифат ва маданият соҳаларига, шу жумладан, ижтимоий-гуманитар билимлар доирасига ҳам янги технологияни, қасбий-педагогик фаолиятни (билимлар, педагогик кўникмалар, малакалар, шахс сифатлари, педагогик муаммолар, ўқитувчи функциялари, фаолият турлари, усувлари ва воситалари) жорий этишга эхтиёж ўта ортди.

Ходимлар, талабалар, ўқувчиларнинг малакаси, кўникмаси, маҳоратларини ошириш жараёни ўта мураккаб тизимли мавжудот бўлиб, уни амалга оширишнинг мазмуни бирмунча кенг тизимнинг кичик тизими сифатида қаралади. Бунда билим берувчининг қасбий-педагогик маҳоратини ривожлантириш жараёни ҳар қандай тизим каби таркибий жиҳатдан ўзаро боғлиқ кичик тизимлардан ташкил топади ва яхлит хусусиятларга, яъни малака оширувчи, билим берувчи, мақсад ва мазмун, коммуникатив воситаларга эга бўлади.

Кўникма деганда билим олувчининг эгаллаган билими ва унсурлар тажрибасига таяниб бирон топширишни, кўп вақт ва куч сарфласа ҳам-ки, муваффақиятли бажарил имконияти тушунилади.

Меҳнат кўникмаларининг шаклланиши жараёнида билим олувчиларда кўриш ва эшитиш орқали ҳаракатнинг қандай бажарилиши ҳақида тасаввур ҳосил қиласди.

Малака — билимларга асосланиб, машқ ёрдамида амалга оширилган фаолиятнинг автоматлашган компоненти ҳисобланади. Малака тез ва аниқ бажариш билан боғлиқ кўникманинг унсури ҳисобланади. Малакалар бажарилаётган фаолиятнинг фақат маҳорат томонини ифодалайди. Бутунлигича фаолият эса унсурли кўникмалардан иборат бўлиб, мураккаб кўникмаларга асосланиб бажарилади.

Билим олувчиларни ҳозиржавобликка тайёрлиги, ўқув материалини қаичалик ўзлаштирганилиги, синовларни қўлланилиши кабилар орқали билим олувчининг билимларини кўникма ва малакага айлантирилади.

XX асрда амалга оширилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бугунги кун талабларига мос равишда жавоб бермаётганлиги сабабли «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг иккинчи — сифат босқичида ўзгарувчан дунёда ўзининг шарафли бурчини бажариш талаблари, эхтиёжларини қониқтириш муаммолари илгари сурилди. Иккинчи босқичда (2001--2005) кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ижросини таъминлаш бўйича баркамол авлодни тарбиялашдаги устувор мақсад ва вазифаларни ёритиб бериш, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эришилган ютуқларни акс эттирувчи кўргазмали воситаларни тайёрлаш, чоп этиш, ўқув жараёнининг моддий-техник базасини Энг замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, чет эл Олий ўқув юртлари, Колледжлари билан ҳамкорлик ўрнатиш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг ташкилий-услубий асосларини мунтазам ривожлантириб бориш каби муҳим вазифалар амалга оширилмоқда. Ушбу асосий вазифаларни бажариш юзасидан тегишли йўлланмалар белгиланган. Масадан, маънавият ва маърифат асослари, она диёrimизда яшаб ўтган улуғ мутаффакирларнинг асарларини ўрганиш, таълим сифатини ошириш, ўқув услубий ишларни такомиллаштириш, таълим стандартига эришиш, малака ошириш ва шу кабилалар.

Билим, күнікма ва малакаларни амалға ошириш фаолиятлари узлуксиз таълим беришни, уни ташкил этишда ишләётгандарнинг касбий тайёргарлыгини күчайтиришни, тингловчилар фаолиятини таҳдил қилишни, ўтилаёттан ҳар бир машгулот самарасини таъминловчи дидактик шароитларни аниклашни, шу аосда ўкув моддий негизини яхшилаш ғоясини олға суради.

Узлуксиз таълим бериш маҳорати педагог ходимларга күйиладиган талаблар ва ўкув-тарбиявий жараённи бошқариш билан боғлиқ бўлган (масалан, педагогнинг махсус, психология, педагогика каби фанлар бўйича тайёргарлиги, муқаммал билиши, касбий омилкорлик, заковатлилик, ўкув-билиш фаолиятини лойиҳалаш, амалға ошириш қобилияти, янги педагогик ва ахборот технологиялари, Интернет асосларини лойиҳалаш қонуниятларини билиш, хорижий таълим тизимидағи янги ахборотларни ўрганиш манбай сифатида чет тилларни билиш, ўкув-тарбия жараёнининг самарасини таъминловчи маддий техника негизига оид ахборотларни ўзлаштириш каби) омилларга қараб баҳозланади.

Тарбия ишларини олиб бориш маҳорати педагогнинг юксак ахлоқий фазилатига, маънавий савиясига, мафкуравий қарашларига асосланади. Малака оширувчиларда дунёвий тафаккурни шакллантириш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, улар онгода миллий истиқбол ғояларини сингдириш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш жараёнлари педагогнинг касбий маҳоратига боғлиқдир.

Ўкув-тарбия жараённанда инсон омилини таъминловчи педагогнинг шахсий фазилатлари: талабчанлик ва адолатлилик, фидоийлик ва ҳалоллик, хайриҳоҳлик, киришимлилик, ҳазил-мутониба ҳиси ва жиддийлик. Ушбу фазилатлар педагогни «устоз» даражасига кўтаради, тингловчилар, талабалар, ўкувчилар ва бошқа ходимлар олдида обрў-иззатни оширади, унинг таълим бериш, тарбиялай олиш маҳоратига ижобий таъсир кўрсатади.

Тингловчилар, талабалар, ўкувчилар, ходимлар билим, күнікма ва малакаларни холис назорат қилиш, баҳолай олиш маҳорати таълим-тарбия жараёнининг самарасини белгиловчи натижавий сифат кўрсаткичидир.

11.4.3. Муваффақиятта эришишда билим ва маҳоратнинг ўзаро ишбат қонуни

Ташкилот ходими иқтисодий, ижтимоий ишлаб чиқариш, сиёсий, миллий-ахлоқий, маънавий, фан-техник тараққиёти, бошқариш муносабатларинин омили, эгаси, субъекти сифатида ҳаракат қилиб, доимо фаолият кўрсатади. Шу билан бирга фаолият кўрсатиш муносабатлари хусусияти ва даражасига мос келиши қонунининг амал қилиш механизмини тушиниб олиши лозим.

Ходим иштирок этажётган муносабатлар унинг билими ва маҳоратини шакллантиради. Ходимнинг билими, билармонлигига талабнинг ўсиши, унинг кенг маънода камолатга эришуви жамоат ишлаб чиқаришини ривожлантиришининг хусусий қонунидир.

Ташкилотдаги фаолият муносабатларининг тараққий этиши ходимлардан ақлий салоҳият ўсишини талаб этади, юқори ва ўрта малакали ходимлар-

олий маълумотли шахслар қўйи малакали, малакасиз ходимлар салмоғига қараганда ўсади. Бу ўзаро нисбат қонунини акс эттиради.

Собиқ Иттифоқда бошқариш назариясини ривожланишига салмоқли ҳисса кўшган олимлардан бири П.М.Керженцев (1881—1940)дир. У «Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш», «Ташкилий бошқариш тамойиллари», «Вақт учун кураш» асарларининг муаллифидир. П.М.Керженцев ташаббуси билан (1920) «Вақт» лигаси ташкил этилган. Ходимлар фаолиятидаги самараисизликни турухлади:

- меҳнатни ташкил этишдаги тартибсизликларни ниҳоятда кўплигига;
- беҳуда ишларга вақтни кўп сарфлаётганлигига;
- бошқарув тизимида вазифаларнинг самараисиз тақсимоти кабиларга қаратди ва уларни бартараф этиш йўлларини ишлаб чиқди.

Билим билан маҳоратни бир-биридан ажратиб қараш мумкин эмас. Улар қатор функциялари билан ўзаро нисбат қонунида бўлади. Ходимнинг ўз ишига тайёрлиги, мойиллиги, бажара олиш маҳорати ташкилотнинг мудаффақият кўрсатиши учун мухим омил ҳисобланади. Мудаффақият формуласи (M), тенг билими (B) ёки зарур воситалар кўпайтирилган мойиллик (X), кўпайтирилган маҳорати (T), яъни нима қилиш керак бўлса билиши, ишончи, уни қандай бажарилиши. У ҳолда ташкилотнинг ходимга боғлиқ мудаффақияти қўйидагича ифодаланади:

$$M = B \cdot X \cdot T$$

Мудаффақият билим ва маҳоратнинг функцияларига мос келиши керак.

11.5. ТАШКИЛОТНИНГ ИШОНЧЛИЛИК ҚОНУНИ

Ташкилот жуда кўп омилларга боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатади, уларнинг ичида эҳтимолликларнинг мураккаб ўзгариш қонунларини ифодаловчи ишончлилик даражасига қараб танлаш мухим. Ташкилот масалалари ёки мақсадлари ижобий ҳал этиш учун экстремумнинг умумий усусларини топиш ва уни қўллашни талаб этади.

Ташкилотнинг ишончлилик қонуни деганда вақт давомида ўзига тегишли вазифаларни бажара олиш хусусияти тушиналади. Ташкилотдаги ҳодисалар, жараёнлар ва тизимларнинг бенуқсон фаолиятини таъминлаш ҳисобигагина ишончлилик таъминланади.

Шу сабабли қўйидаги таърифларни айтиш мумкин:

- ишончлилик нисбатан содда таркибий қисмлардан ташкил топган мураккаб хосса ва хусусиятлар. Унинг таркибига кирувчи унсурлар, жараёнлар муносабатларнинг бажарилишига боғлиқ;
- ишончлиликнинг кўрсаткичлари статистик-эҳтимолликтар;
- ишончлилик — ташкилотдаги барча тизимларнинг узлуксиз ишлаб туришита боғлиқ;
- ишончлилик — ташкилот аъзолари ва воситаларидан фойдалана билишдир.

Ташкилотнинг ишончлилик қонунини сақлашда меҳнат жамоаси ўта самарали ва бенуқсон фаолият кўрсатиши ҳақида қайғуришлари, бошқарувчи ходимларини ҳар томонлама етук бўлишини таъминлаши керак.

Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш (меҳнат ресурсларини аниқ режалаштириш ва уни амалга ошириш, меҳнат маҳоратларини рўйхат қилиш, меҳнат операцияларини таҳдил қилиш, иш ҳақи, кўшимча имтиёзлар, ишнинг мазмундорлиги...), меҳнат ресурсларини бошқариш (ходимлар бўлими, меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёжни режалаштириш ва ташкил этиш, ишга ходим олиш, танлаб олиш, иш ҳақи ва имтиёзларни аниқлаш, касб танлаш ва мослашув, билим бериш, тарбиялаш, меҳнат фаолиятини баҳолаш, раҳбар ходимларни тайёрлаш, юқори лавозимга кўтариш, пасайтириш, ўтказиш, бўшатиш) кабиларни юқори даражада бажаришлар эса ишончлиликни оширади.

Таянч сўз ва иборалар

Хусусий қонунлар, тараққиёт қонунияти, ўзаро нисбат қонуни, ишончлилик.

Такрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодий қонунларнинг турларини сананг.
2. Хусусий иқтисодий қонулар нималарни ифодалайди?
3. Нима учун зарурият қонуни мавжуд?
4. Ўзаро нисбат қонунининг моҳияти нимада?
5. Нисбат қонунини қўлланилишини тушунтиринг.
6. Билим ва маҳорат ўзаро нисбати ҳақидаги Керженцев қонунининг турӯхларини санаб ўting.
7. Ташкилотда ишончлилик қонуни нималарни ангалатади?

Адабиётлар

1. Сиёсий иқтисод. Т.: «Ўзбекистон», 1991. 66—69-бетлар.
2. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: 100 савол ва жавоб.-Т.: «Меҳнат», 2000. 93—96, 296—312-бетлар.
3. Нейманн Я и др. Управление крупными сельскохозяйственными предприятиями в ЧССР / Пер. с чеш.. З.Н.Кузнецовой. М.: Колос, 1983. 114—118-бетлар.
4. Қосимов F.M. Менежмент. Т.: «Ўзбекистон», 2002. 15, 42—50-бетлар.

12-БОБ. ОҚИЛОНА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ

12.1.ТАШКИЛОТДА ОҚИЛОНА ТАШКИЛ ЭТИШ ТУШУНЧАСИ

Ташкилотда ишлаб чиқариш ёки хизмат күрсатиш фаолияти унинг ихтиёридаги ресурслардан фойдаланиб сифатли, мақсадга мүлжалланган миқдорда маҳсулот етиштиришdir.

Ишлаб чиқариш тизими ишлаб чиқариш жараёни, уни бажариш учун талаб этиладиган хизмат күрсатиш, муомала, иқтисодий, ижтимоий, молиявий муносабатлардан иборат. Шунинг учун ташкилотда маҳсулот ишлаб чиқарылганда унинг унсур, операция ва жараёнлари режалаштирилади, ташкил этилади. Борди-ю ишлаб чиқарылган маҳсулотлар ҳажми ўзгарса, ишлаб чиқариши тизимидағи иш ҳажми ҳам ўзгаради.

Ишлаб чиқариш тизимининг барча технологик, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқарув унсурлари, операциялари, жараёнлари оқилона ёки рационал ташкил этилиши лозим. Бундан буён эркін иқтисодий рақобатта асосланған кураш кетади, бир қанча ташкилотлар ҳам шундай турда фаолиятлар билан эркін шуғулланиб, хұжалик юритиш механизмлари тараққый этади.

Ташкилотда ишлаб чиқаришни оқилона, яъни ихчам, арzonлаштирилған, шу билан бир вақтда мукаммалаштирилған маҳсулот күп ҳолларда ишлаб чиқариш тизимидағи мутахассислар, ижрочиларнинг самарали муносабатларига боғлиқ. Ҳар бир ижрочи бажарған ишининг натижаларига, шунингдек, ишлаб чиқариш бўлими ва бўлинмалари фаолиятига тўғри баҳо бериш учун топширилган топшириқлар, вазифаларни бажаришга қанча ресурс сарф қилинишини билиши керак.

Ҳар қандай ишлаб чиқариш ресурслар сарфига боғлиқ. Шу сабабдан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳар томонлама асосланған ресурс сарфи меъёрлари ёрдамидагина тўғри ҳал қилиниши мумкин.

Асосланған ресурслар сарфи меъёри, белгиланған меъёrlарсиз ишлаб чиқаришни рационал ташкил қилиб бўлмайдигина эмас, шу билан бирга бизнес-режали хўжалик юритиш, ташкилотнинг бир текисда ишлашини йўлга кўйиш, ташкилотда ишлаб чиқариш фаолиятининг кўрсаткичларини аниқлаш ҳам мумкин бўлмайди.

Ишлаб чиқаришда вақт сарфи меъёрига асосан ишлаб чиқариш жараёнлари, даври, тизими, ходимларга бўлган эҳтиёж аниқланади. Ишлаб чиқаришнинг даврларини давом этишига қараб топшириқлар ҳисоблаб чиқилади.

Ишлаб чиқариш даврининг давом этиши муддати инфратузилмалардан ишлаб чиқариш жараёнини бошлаш вақтидан то туғашигача сарфланган вақт ҳисобланади. Ҳар бир ижрочи, иш жойи, бўлим ва бўлинмаларнинг ишлаб чиқариш имкониятларини тўла ҳисобга олмасдан, нотўғри, яъни камайтириб ёки кўпайтириб тузилган ресурслар сарфи меъёrlарига асосланниб сарфланган қўшимча сармоя маблағлари, янги бино ва иншоотлар қуриш, қўшимча техника, технология ва жиҳозлар ажратиши ва уларга хизмат кўрсатувчи

ишичиларни жалб қилиш зарурмисиз зарур эмасми деган масалалар билан шугууланувчи ходимларни нотўғри холосага келтириш мумкин.

Ташкилотда меҳнатни оқилона ташкил этишининг моҳияти кўйидаги йўналишларда намоён бўлиши мумкин:

- меҳнатни тақсимлаш ва кооперациялар шаклини танлаш;
- меҳнат усуllibарини такомиллаштириш;
- иш жойларини тўғри ташкил этиш;
- меҳнат шаронитини яхшилаш, меҳнат ва дам олиш тартибини оқилона ташкил этиш;
- ижодий фаолликни ривожлантириш ва онгли меҳнат интизомини тарбиялаш;
- ходимлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- меҳнатни меъёrlаш ва рағбатлантириш.

Ташкилотдаги меҳнатнинг тақсимланиши ўзгариши бош мақсадлардан ҳисобланади. Бунинг учун барча предметлар, воситалар, муносабатлар ва ҳодисалар энг оқилона жойланишини танлаш муҳим вазифадир. Жойлаштиришнинг бош масаласи операция ва жараёнларни бажарилиш мулдатини қисқартиришdir. Демак, объектив борлиқда, яъни *ташкилот ихтиёридаги ресурслар, меҳнат, ер, капитал, ақлий салоҳият, улар ўртасидаги муносабатларнинг маълум мезон ва белгилари бўйича ўзгартиришига тавсир этиши ҳаракатини оқилона ташкил этиши* деб тушунмоқ даркор. Бошқача қилиб айтганда, меҳнатни илмий асосда ташкил этишdir. Ташкилотда меҳнатни ташкил қилишга сарфланган сармоялардан максимал фойда олиш учун ҳаракат қилинади ва бу вазифани ижрочилар меҳнатини жадаллаштириш, фан ва амалиётда эришилган ютуқларга асосланган ҳолда кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш йўли билан мақсадга эришилади.

Меҳнатни ихчам, арzonлаштирилган, мукаммаллаштирилган даражада ташкил этиш тутгалланган, барқарор тизим бўлиб қола олмайди, чунки у муайян воситалар билан боғлиқ, уларнинг хусусиятлари, одамга, унинг билими, қобилиятига боғлиқ. Шундай қилиб, меҳнатни оқилона ташкил этишта унинг усуllibарини янги техникага, янги билимлар, янги тажрибаларга мувофиқлаштириш мақсадида меҳнатни муттасил рационаллаштириб бориш жараёни деб қараш лозим.


Ташкилотдаги барча меҳнат турларини оқилона ташкил этиши учун ишлаб чиқариш жараёни ёки хизмат кўрсатиш соҳасида бажарадиган маълум вазифалари бўйича ижро этилиш ҳаракатларининг барча унсурларини тассаввур қила билиш лозим. *Меҳнат жараёнининг тавсифи ва мазмуни белгиланган ишлаб чиқариш технологиялари, моддий-техник воситаларни ишлатилишига боғлиқ.*

Ишлаб чиқаришнинг таркиби қисми маълум меҳнат предметини ўзгартирилиши бўйича бир ишчи жойида бир ишчи ёки бригада томонидан бажариладиган *операцияси*dir. Ишлаб чиқариш операциясини бажарилиш усули *меҳнат усули* дейилади.

Меҳнат жараёнида ижрочининг бир неча бор силжиши ёки гавласининг ҳолатини ўзгариши *меҳнат ҳаракати* дейилади.

Мәхнат таъсири деганда ижрочининг иш вақтида доимий бажарадиган мәхнат ҳаракатларининг мажмуй тушунилади.

Мәхнат жараёнининг ҳар бир унсурига тавсиф бериш мәхнат ҳаракатларини гурӯхлашга имкон беради. У эса ўз навбатида унинг усулларини тақомиллаштириш ва рационаллаштиришга нетиз яратади. Мәхнат жараёнини тақомиллаштириш учун унинг мазмунини, уни амалга оширилиш тартиби ва кетма-кетлитетини, уларни бажарилиш усуллари, ҳаракат йўналишларини таҳдил қилиш лозим. 12-чизмада мәхнатнинг қабуллари ва усулларини оқилона ташкил этиш бўйича бажаримиши лозим бўлган ишларнинг мазмуни келтирилган.



12-чизма. Мәхнатнинг илгор усуллари ва қабулларини оқилона ташкил этиш бўйича ишларнинг кетма-кетлиги ва мазмuni

Мәхнат операциялари, мәхнат усуллари, мәхнат ҳаракатлари, мәхнат таъсири кабиларни рационаллаштириш, ишнинг новаторлик усуллари сифатли ва унумли мәхнатнинг шартларидан биридир.

Мәхнатни оқилона ташкил этиш асослари унинг асосий омилларининг тавсифи, мазмуни қандайligiga қараб бўлинади: ижтимоий-иқтисодий асослар, техник-технологик асослар, психологик асослар.

Меҳнатни ижтимоий-иқтисодий асосларига биноан такомиллаштиришда иқтисодий қонунга, меҳнат унумдорлигини ўсиш қонунига, миладий хўжаликни ривожланиш қонунига, меҳнатни тақсимлаш қонунига асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қиласди.

Меҳнат жараёнининг мазмуни, уни ташкил этилиши ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясининг тавсифига боғлиқ.

Психофизиологик асос меҳнатдаги ижрочининг мойиллигини оширишга қаратилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасининг барча фаолият йўналишларида меҳнатни рационаллаштириш мумкин, уни ҳар бир ходим, мутахассис, менежер амалга ошириши лозим. Бу билан ўз олдиларига қўйган вазифа ва бурчларини адо этган бўладилар

Меҳнат жараёнини оқилона ташкил этиш менежмент фанининг барча илмий тавсияларидан фойдаланишга асосланиб, самарадорликни оширишга қаратилган бўлади.

Ташкилотларда ихтирочилик ва оқилона ташкил этиш бўйича бўлим ёки бюро (БРИЗ)лар, ихтирочилик, оқилона ташкил этиш жамиятининг биринчи ташкилотлари (ВОИР), илмий техник жамиятлари (НТО) бўлар эди. Ҳозир ҳам ривожланган мамлакатларнинг корхона ва фирмаларида рационаллаштириш, ихтирочилик вазифаларини тажриба конструкторлик ва тадқиқот ишлари бўлимининг мутахассислари бажарадилар.

Ихтирочилар, оқилона ташкил этувчилар фаолияти ҳар томонлама рағбатлантирилади.

12.2. ОҚИЛОНА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ САМАРАДОРЛИККА ТАЪСИРИ

Ташкилотларда бошқарув меҳнати ва бошқарувнинг техник воситаларидан оқилона фойдаланишнинг асосий тамойиллари куйидагилардан иборат:

— бошқарувнинг технологик жараёнларининг бир меъёрилилк ва узлуксизлик тамоёлини. Бу тамойилнинг моҳияти бошқарувдаги техник воситаларни бир меъёрда ишлашини, бошқарув аппаратидаги ходимларни нуқсонсиз, бир-бирига халақит бермасдан иш юритишларини, тифиз вақтларда юкламаларни мослаштириш йўли билан бошқарувнинг ташкил этишдан иборатdir;

— бошқарувнинг техник воситаларини босқичлар бўйича жорий этиши тамоёлини. Бунда кичик механизациялашган воситалардан ахборот-компьютер технологиялари ва Интернетни бошқарувга жорий этиш босқичлари асосида олиб борилиши лозим;

— янги масалалар тамоёлини. Бошқарувнинг техник воситалари мажмунини танлаш, ишлатишда шундай масала ва услубларни, ечимларни ҳал қилиш технологияларини қўллаш лозимки, натижада эски технология, қўл кучи билан ечимларга қайтиш мумкин бўлмасин;

— бошқарувнинг техник воситаларини чидамалигини таъминлаш тамоёлини. Бу тамойилнинг моҳияти шундан иборатки, машина ва қурилмалардан доимо

захирада бўлишлик, техник воситаларга ўз вақтида техник хизматлар кўрсатиш ёки техник хизматларни абонент йўли билан ташкил этиш кўзда тутилади;

— бошқарувнинг техник воситаларининг тизимиши тамоилиши. Бу тамоийлнинг мөхияти шундаки, белгиланган иш унумдорлигига эришиша бошқарувнинг техник воситаларини қайта содир этиш, кўпайтириша мойилликка эришиш ва иложи борича саноатда ишлаб чиқарилган, ўзи ишлаб чиқарган воситалардан камроқ фойдаланиш лозим;

— бошқарувга маъжуми ёндашиши тамоилиши бўйича бошқарув объектни бир бутун деб қаралади. Бошқарув тизимининг унсурлари, барча асосий оминалар ҳисобга олинади, қарор қабул қилишда доимийликни йўқотиб, бошқарув механизмларининг гармоник ишлашини таъминлайди.

Оқилона ташкил этиш ташкилот фаолиятининг исталган доирасида самара беради. Айниқса ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг техник даражасини, маҳсулот ва хизмат кўрсатиш сифатини оширишга, хом ашё, материал, ёнилиги, энергияни тежашга ижобий таъсир кўрсатади. Қайси жабҳада бўлмасин, рационаллаштириш тамоийлларидан: илгор меҳнат усуллари, меҳнатга оқилона қабул қилинишлари ва усуллари, меҳнат интизоми, ишчи-ходимларнинг ижодий фаоллиги, меҳнат ҳақи тўлашнинг самарали шакллари, тизимларини қўллаш кабилар ташкилот самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатишда муҳим бўлиб қоладилар. Рационаллаштириш тамоилини ташкилотнинг хўжалик юритиш тамоилини таркибига киради деса муболага бўлмайди. Чунки ҳар қандай ташкилот ўз хўжалигини юритишда: ўзини ўзи қоплаш — даромади харажатларидан ортиқча бўлишини таъминлаш; ўзини ўзи молиялаш — техник ва ижтимоий тараққиётини ўзининг даромадидан молиялашни таъминлаш; ўзини ўзи бошқариш — бошқаришнинг кўпгина қисмини ташкилот миқёсида ечиш; ўзига ўзи мустақиллик — хом ашёни етказиб бериш ва маҳсулотни харид шартномаларини тузиш.

Ташкилот учун жараёнлар ва тизимларни рационаллаштириш хўжалик юритиш тамоийлларига сўзсиз ижобий таъсир этишини таъминлаши лозим.

12.3. МЕҲНАТНИ МЕЪЁРЛАШ

Бозор иқтисодиёти шароитида муайян сифатли меҳнат ўлчови ва уни ишлаб чиқарышда қўллаш катта аҳамиятга эга. Бу эса меҳнат меъёрини белгилашdir.

Ташкилотда меҳнатни ташкил этиш энг аввал меҳнат жараёнидан иборат бўлиб, у инсон меҳнати, меҳнат предмети, қуроли, воситаларидан фойдаланиш даражасига боғлиқ. Бу фаолият натижасида одамлар мавжуд ресурсларни ўзгариши, инсоннинг эҳтиёжларига мослаштириши оқибатида маҳсулот яратадилар.

Ташкилотларда ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмларининг мураккаблиги, турли кўринишларидан, бу қисмларнинг бажарилиши тартибини мустақил танлаш, ҳисоблаш, ўлчаш, лойиҳалаштириш, истиқболини белгилаш, режалаштириш, мувофиқлаштириш ва шу каби имкониятлар ишлаб чиқариш мазмунига муҳим ўзгаришлар киритади. Шунинг учун ҳам меҳнатни меъёrlаш иқтисодий фанлардан бири бўлиб, ишлаб чиқаришни

осонлаштириш, енгиллаштириш, самарадорликни ошириш мақсадида сифат жиҳатидан бажариладиган иш мазмуни ва бажариш усулларини, услубларини, меҳнат тақсимоти шакллари (кооперация, ихтисослаштириш)ни, меҳнат шароитини вақт ва ресурслар сарфларини ўлчаш, меъёрлаш услубларини ташкил этишни ўрганади, уларни такомиляштиради.

Ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш жойларини режалаштириш деганда маълум иш ёки жараён бажариладиган жойини раҳбар, мутахассис ва ижрочи ўз вазифасини бажартганда фойдаланадиган меҳнат предметларини, куролларини, воситаларини ишлаб чиқариш майдонининг меъёрланишлари, ишлаб чиқариш тури ва тавсифи, ишлаш учун шароит воситаларини қулай бўлиши, антрогометрик томонлар, эргономик талаблар ҳисобга олинниб, техника хавфсизлиги таъмин этилиб жойлаштириш тушунилади.

Ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширилладиган жойни режалаштириш бўлим, бўлинма, қисм, цехни режалаштиришнинг таркибий унсуридир. Шу боис жараёнлар амалга оширилладиган жойини лойиҳалаш, таҳлил қилишни қисм ёки цехни режалаштириш талабларини эътиборга олган ҳодла олиб борилади.

Жараёнларнинг амалга оширилладиган жойини режалаштириш умумий, хусусий, ички режалаштиришдан иборат бўлиши мумкин.

Жараёнлар бажариладиган жойларни режалаштиришдаги асосий талаблар қуидагилар:

- қисм, жабҳа ва цехнинг ишлаб чиқариш майдонидан оқилона фойдаланишдан;
- қисм, жабҳа ва цех майдонида юкларнинг тўсиқсиз юргизилишини таъминлашдан;
- умумий хавфсизликни таъминлаш ҳамда иш жойини ишлаб чиқариш шароити зарарли бўлган бошқа иш жойларидан ажратишдан;
- юқ юргизилладиган ва одамлар тўқнашиб ўтадиган йўлларни имкон қадар камайтиришдан;
- жараён ва операциялар бажариладиган жойларнинг технологик кетма-кетлигини оқилона жойлаштиришдан: ички транспортнинг ўтиш, кесишиш йўллари технологик оқимларга мос бўлишидан;
- операциялар ва жараён бажариладиган жой майдонининг меъёрлашда кўрсатиб қўйилганига мувофиқ бўлишидан (ишлаб чиқариш биносининг ҳажми ҳар бир ижрочига камида 15 куб метр, иш жойининг девор билан чекланган майдони камида 4,5 кв.метр бўлади);
- мўътадил шароитда ҳам, авария вақтида ҳам самарали хизмат кўрсатишни, ишлаш шароитининг мўътадиллигини таъминлашдан иборат.

Ишлаб чиқариш жараёни бажариладиган жойни умумий режалаштиришда асос қилиб технологик унсур ва операциялар схемаси, жараён бажариладиган жабҳадаги жиҳоз ва ускуналар таркиби ҳамда уларнинг ҳажми, қисмдаги иш жойларининг сони, иш жойларига хизмат кўрсатиш тартиби, меҳнат предметларининг ҳажми, уларнинг сони, хавфсизлик ва санитария-гигиена меъёрлари, иш жойларини хусусий режалаштирилиши, одамлар ва транспорт воситалари юрадиган йўлакларнинг кенглиги ва ҳоказолар олинади.

Ишлаб чиқариш жараёнлари бажариладиган жойларни хусусий режалаштиришга қўйиладиган талаблар:

— ишлаш учун қулай шароит, меҳнат ҳавфсизлиги ва санитария мөъёларини таъмин этишдан;

— ижрочининг юқори меҳнат унумдорлигини таъмин этишдан, шу ишлаб чиқариш майдонида зарур технологик ва ташкилий асбоб-ускуналар, ҳом аиё, материаллар ёки ярим фабрикатлар билан ижрочининг услуксиз меҳнат жараёнини ташқил этиши учун етарли даражада таъмирлаб туришдан;

— ишлаб чиқариш жабхасида иш жойи унсурларини жойлаштиришда иқтисодий ва руҳий-физиологик талабларнинг жамини ҳисобга олишдан;

— ижрочининг иш майдони доирасида юриш йўлининг энг қисқа булишини таъминлашдан;

— технология воситалари ва ташкилий асбоб-ускуналар ҳамда тез-тез ишга солиниб турадиган меҳнат воситалари кўл етадиган ерда жойлаштирилишидан;

— бошқариш ва назорат предметлари, шунингдек, ускуналарни дарҳол тўхтатадиган предметлари, шунингдек, ускуналарни дарҳол тўхтатадиган предметлар оптимал минтақа доирасида жойлаштиришдан.

Жараён бажариладиган жойни режалаштиришдан технологик ва ташкилий асбоб-ускуналарни кўл узатиб олиш, қайтиб қўйиш осон бўладиган қилиб жойлаштириш жиддий аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш жараёнларини бажариладиган жойнинг ички режалаштириша қўйидаги талаблар ҳисобга олиниши лозим:

— технологик ва ташкилий асбоб-ускуна ва жиҳоз унсурларидан ҳар бирининг муҳим бир жойи бўлади;

— чап кўл билан олинадиган нарсалар чапда, ўнг кўл билан олинадиганлари ўнг томонда жойлаштирилган бўлади;

— кетма-кет ишлатиладиган предметлар тартиб билан қатор тизиб қўйилади, ишлатиб бўлинган бир предмет қайтиб жойига қўйилганида ёнидаги иккинчиси шу он олиниб ишлатилади;

— хонадаги чироқларнинг нури меҳнат предметини ёки унинг ишланадиган қисмини ёритиб туриши шарт;

— иш вақтида ўтирадиган жой, кўл ва оёқ тиргаклари ижрочининг бўйига қараб кўтарилиди ёки пасайтирилди;

— ички режалаштириш доим такомиллаштирилиб бориладиган илғор меҳнат усуслари ва уларни кўлланиши учун қулай шароит туддирмоги лозим.

Юқорида санаб ўтилган омиллар қатори бошқарув фаолиятининг унсурлари — бу ижрочининг меҳнат интизоми. Меҳнат интизоми ўта кенг маънога эга бўлиб, биринчи навбатда аъзоларнинг майдонида мебошадиган ахлоқ мөъёларига риоя қилишини, ижтимоий, шахсий ҳаёт ҳамда меҳнат фаолиятида қабул этилган ёки одат тусига кирган тартиб-қоидаларга сўзсиз амал қилинишини, теварак-атрофдагиларнинг манфаатларига муносаб келадиган хатти-ҳаракатда бўлишни, ўз бурчларини астойдил бажаришни билдиради. Шунга кўра интизоми турлари — режа интизоми, шартнома, ишлаб чиқариш интизоми, хўжалик юритиш интизоми ва ҳоказоларга бўлинади.

Меҳнат интизоми Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексининг 174—184-моддаларида тўлиқ ёритилган. Ташкилот меҳнат тартиби иш берувчи касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқлайдиган ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади деб кўрсатилган.

175-моддада белгиланганидек интизом тўғрисидаги низом ташкилотнинг кўринишини белгилайди. Ҳар бир ташкилотда интизомий жазолар қандай қўлланиши ва уларнинг чоралари белгиланган: ҳайфсан; ўртача ойлик иш ҳақининг 20%дан ортиқ бўлмаган миқдордаги жарима; ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўргача ойлик иш ҳақининг 40%дан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

182-моддада интизомий жазоларни қўллаш тартиби кўрсатиб ўтилгани кўпчиликка маълум. Ҳар ходим меҳнат тўғрисидаги қонунларни ва ички меҳнат тартибига қатъян риоя қилиши, ҳар бир кишининг ўз меҳнат бурчларини бажариши, меҳнатга онгли муносабатда бўлиши керак.

Иш вақтидан унумли фойдаланиш, юксак касбий маҳорат ҳар бир жойда топшириқлар мунтазам бажарилиб туришини таъминлайди. Бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг барча погоналарида узлуксиз фаолият кўрсатишга, ҳар бир жамоа режани бир маромда бажаришига эришилади. Бу эса бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат интизомининг асосий мақсади муваффақиятли ҳал этилишига гаров бўлади. Ишлаб чиқариш интизоми ишлаб чиқаришда белгиланган умумий қоидаларга риоя қилиш, яъни раҳбар ва мутахассисларнинг кўрсатмаларини бажариш, ташкилот мулкини тежаб сарфлаш, ишлаб чиқариш жараёнини зарур моддий воситалар билан ўз вақтида таъмин этиш. Меҳнат хавфсизлигини сақлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларига, хавфсизлик техникаси ва ёнгиндан сақлаш техникаси қоидаларига риоя қилиш тушунилади.

Ташкилотларда раҳбарлар, мутахассислар ва ижрочиларнинг меҳнат фаолиятини энг самарадор қилишни таъминловчи, кишиларнинг ҳар томонлама ривожланишига ёрдам берувчи ташкилий, техникавий ва бошқарув шароит яратиш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнининг унсурлари, операцияларини ўрганиш, такомиллаштириш, ҳар томонлама асосланган меҳнат меъёрлари ва меъёрни белгилаш асосида ишлаб чиқариш жараёнининг унумдорлигини ўстириш имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Демак, меҳнатни меъёрлаш ўз мазмуни, вазифалари, зарурлигига эга.

Меҳнатни меъёрлаш ўз навбатида меҳнат жараёнларини такомиллаштириш, иш жойларида меҳнатни янада оқилона ташкил этиш, шу асосда меҳнат самарадорлигини ўстириш учун ишлаб чиқариш куроллари, предметлари, воситаларидан ҳамда илғор меҳнат усусларидан самарали фойдаланишга катта эътибор берилади, булар эса меъёрлашнинг асосий мазмунидир.

Меҳнатни меъёрлашнинг мазмуни интизомни, замонавий маҳсулот ишлаб чиқариш меъёрларини ҳисоблаб чиқиш, уни амалиётта жорий этишни четлаб

үтмайды. Ишлаб чиқаришнинг айрим соҳаларига, қисмларига хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган ижрочилар сонини белгилаш ҳамда бажарилган иш миқдори, сифатига қараб иш ҳақини оқилона ташкил этиш учун шароитлар яратади.

Меъёр деганда белгиланган, энг юқори миқдорда сарфлаш рухсат этилган мутлиқ қийматдир. Меъёrlаш эса кўрсаткич бўлиб, меҳнат, материал ва молиявий маблағларни нисбий фойдаланиш даражасини ифодалайди.

Меъёrlар — маблағлардан оқилона фойдаланишга, меҳнатни ташкил этиш ва режалаштиришга, рағбатлантириш ва мувофиқлаштиришга, назорат қилиш ва адолатли баҳолашга, қатор чора-тадбирларга пойдевор бўлади.

Меъёrlар, меъёrlашлар куйидаги тоифаларга бўлинниши мумкин: қийматли меъёrlар; ташкилий-хуқуқий меъёrlашлар; номли-сифатли меъёrlашлар; сарфланиш ва ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш меъёrlари; заҳиралар ва айланма ҳаракат воситаларининг айланувчанлик меъёrlашлари; меҳнат сарфлари ва маошлар; материаллар, заҳирадаги материаллар харажатлари; ҳаракатдаги воситалардан фойдаланиш; ускуналарга бўлган эҳтиёжлар; сармоя маблағлари; молиявий; бўлим ва бўлинмаларда ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги; ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.

Меъёр ва меъёrlашлар ишланмасига кўра, ҳисоблаш-аналитик (таҳлилий), тажрибали ва тажрибали-статистик; таъсири даври бўйича — тезкор, жорий ва истиқболли; маҳсулот ва ишларнинг кўрининшига қараб ажратилганда — буюмлар, алоҳида, гуруҳи бўлишлари мумкин. Меъёр ва меъёrlашларни ишлатиш миқёси бўйича бўлим ва бўлинмага, умумхўжаликка, соҳага, соҳаларорга бўлинадилар.

Меъёrlаштириш бўйича ишларни ташкил қилиш, унга боғлиқ бўлган ташкилот фаолияти меъёр ва меъёrlашларнинг сифатига боғлиқ.

Меъёр ва меъёrlашлар ишланмасида, ишлаб чиқиши ишлари учун белгиланган кўрсатмалар, тармоқларда ишлатиладиган услубий йўриқлар ёрдамида, иқтисодий ҳисоблар асосида амалга оширилади.

Ташкилот миқёсида тасдиқланган меъёр ва меъёrlанишларни ишчилар томонидан бажарилишини мунтазам назорат қилиш, улар бажарилмаган ҳолларда керакли чоралар кўриш лозим.

Меъёrlар ёрдамида вақтбай, ишбай ишлайдиганларнинг маошлари белгиланади. Касб эгаларига тариф тўғри ва разрядига қараб маош белгиланади.

Материалларнинг сарфланиш меъёр ва меъёrlашлари ташкилотларда ҳар йили ишлаб чиқилади, янги техника ва технологияларни кўллаш, илғор тажрибалар, илғор технологияларни амалга ошириш кабилар ҳисобга олинади.

Таянч сўз ва иборалар

Оқилона ташкил этиш, меҳнат жараёни, меҳнат операцияси, меҳнат усули, меҳнат ҳаракати, меҳнат таъсири, бошқарувнинг техник воситалари, рационаллаштиришнинг самарадорликка таъсири.

Такрорлаш учун саволлар

1. Оқилюна ташкил этиш атамасига тушунтириш беринг.
2. Оқилюна ташкил этиш бўйича бажарилиши лозим бўлган ишларнинг мазмуни нималардан иборат?
3. Мехнат интизомига тавсиф беринг.
4. Бошқарув меҳнатини оқилюна ташкил этиш тамойилларини санаб беринг.
5. Режалаштиришнинг асосий тамойиллари нималардан иборат?
6. Оқилюна ташкил этишининг ташкилот иқтисодиётiga таъсирини асослаб беринг.

Адабиётлар

1. Смирнов Е.Л. Справочное пособие по НОТ. М.: «Экономика», 1973. 96—117-бетлар.
2. Ишлаб чиқаришни интенсивлаш. Т.: «Мехнат», 1987. 63—80-бетлар.
3. Мизинов В.Н., Уманский В.М. Научная организация труда и управления на АТП. М.: «Транспорт», 1974. 76—127-бетлар.
4. Косимов Е.М. Автомобил транспорти корхоналарида ташкил этиш ва бошқариш. Т.: ТАЙИ, 1991. 39—41-бетлар.

13-БОБ. ТАШКИЛОТ ТИЗИМЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ

13.1. ИШЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ

Лойиҳа атамасига аниқ таъриф бериш қийин бўлмаса-да, соддароқ қилиб айтиладиган бўлса, бу бирор мавжудотни куриш учун зарур бўлган хужжатлар (тушунтириш хатлари, ҳисоблашлар, сметалар, чизмалар ва бошқа материаллар) мажмуаси. Иқтисодий жиҳатдан самарали лойиҳаларга сармояни оқилюна тақсимлаш ва далиллаш керак.

Ташкилот тизимининг лойиҳасини ишлаб чиқиша ташкилот ичида. ташқарисида кечадиган жараёнлар, у ёки бу даражада унинг фаолиятига таъсир этишини ҳисобга олиши лозим.

Лойиҳалаштириш мавжудотни танлашдан бошланади, у эса лойиҳалаштириш учун таҳлил қилиш предмети ва мезонларини аниқлаш предмети бўлади. Ва ниҳоят, мавжудот маълум усуслар билан атроф-муҳитдан ажратилади ва охирги лойиҳалаш мақсади аниқлаштирилади. Масалан, ташкилотнини ишлаб чиқариш жараёни, ташкилий тузилиш, бошқариш, иқтисодий, хуқуқий, ижтимоий, ахборот каби тизимлари лойиҳалаштирилади.

Баъзи мутахассислар (жумладан, Гитинжер, 1982 й.) лойиҳани келажакка сарфланган пул воситаларидан қайтим олиш билан боғлиқ фаолиятдир, уни режалаштириш, молиялаш ва бажариш нуқтаи назаридан мантиқан бир бутун деб қарайди. Бу ажралмас энг кичик бирликдир. Бу миллий иқтисодиётнинг мустақил алоҳида унсуридек тайёрланади ва амалга оширилади. Ваҳоланки, одатда, лойиҳа қўшимча капитал деб қабул қилинади.

Иқтисодий жиҳатдан самарали лойиҳаларга сармояларни онгли тақсимлаш амалий тажрибадан келиб чиқиши лозим ва атрофлича далилланишига сунгиди.

Ташкилот амалиётида бир вақтнинг ўзида бир неча жараёнлар ва тизимларни амалга ошириш мумкин. Ташкилотнинг умумий ишларини биринчи бор 1916 йилда Анри Файол ажратди. Атроф-муҳит билан ташкилотнинг ўзаро тасирини мураккаблашуви ҳозирги кунда замонавий корхоналарнинг умумий ишларини ўта кўплигини айти олади (1-жадвал).

I-жадвал

Замонавий ташкилотнинг ишлари

Асосий фойдаланиладиган ресурслар	Ташкилотнинг иши
Вакт	Режалаштириш
Истельмолчи	Маркетинг
Бизнес	Тадбикорлик
Пул	Молия
Одамлар	Ташкилот
Технология	Ишлаб чиқариш
Фоялар	Инновация
Далиллар	Маълумот
Маданият	Ижтимоий тараққиёт

Ҳар бир келтирилган умумий ишлар ташкилотни бошқариш бўйича маълум ишларнинг кўринишидир. Бу эса бошқаришда меҳнатни тақсимлаш жараёнидаги нисбатан мустақил қисмини ишидир ва у эса мавжудот тавсифига эга (13-чизма).


Бошқариша меҳнатни тақсимлаш, бошқариш ишларини ихтисослаштириш ва ҳажмини комбинация қилиш — бу доимий жараёнлардир.

Ташкилотни бошқариш ҳажми ва мураккаблигига қараб қуйидаги олти босқичга ажратилади:

— бошқариш ҳажми катта эмас, бошқариш ҳаракатининг мураккаблиги баланд эмас, ишлаб чиқариш ишини бажараётган ходим (бригадир, оиласвий корхона бошлиғи) бошқаради;

— бошқариш ишларининг ҳажми ишлаб чиқариш ишидан озод этилган маҳсус ходим (қисем бошлиғи, уста, кичик корхонэ раҳбари) ажратишни тақозо этади;

— бошқариш бўйича ишлар ҳажми шу даражада ортиб кетадики, унда маҳсус ходимлар фаoliyatinini ўзаро мувофиқлаштириш зарурияти пайдо бўлади, оқибатда чизиқли иерархия (усталар гуруҳлари устидан цех бошлиғи) пайдо бўлади;



13-чизма. Бошқаришда меҳнатни тақсимлаш: ташкилотни вертикал ва горизонтал ўсиши

- бошқариш ишларининг ҳажми, мураккаблиги доимий ўсиб бориши бошқариш ходимларини маълум вазифани бажаришга ихтисослашишини талаб этади, бошқаришда мутахассислар: режачилар, ҳисобчилар, назоратчилар пайдо бўла бошлади;
- маҳсус ишлар билан шугулланувчи, умумий вазифалар, ходимлар сони бўйича ишлар ҳажми ортади, улар кучини ўзаро мувофиқлаштириш талаб қилинади. Мутахассислар учун бошлиққа эҳтиёж пайдо бўла бошлади (бош бухгалтер, менежер);

— бошқариш фаолиятини ривожланиши умумий раҳбар остида функционал бирлашиш ва чизикли иерархияга олиб келади. Раҳбарлик ихтисослашган фаолият кўринишига айланади (ташкилот директори).

Ушбу босқичлар бир вақтда пайдо бўлиб, маълум ташкилий тузилманинг ҳар хил вазифалар ва бўлинмалар тузилмаси кўринишида бўлади.

Ташкилот ишини лойиҳалаш пировард натижа олишга қаратилади, бу эса кўпгина омилларга боғлиқ. Бу ерда «иш» тушунчаси «вазифа» атамасидан фарқли. Вазифа ёки масала ташкилот, гурух ёки ҳар бир шахс у ёки бу фаолиятни бажарилиши мазмунини асосан ифодалайди, яъни нима қилмоқ керак деган саволга жавоб беради. Буларнинг барчаси ишнинг қандайдир қисмини таърифлаб, аниқ ифодалашга ёрдамлашади. Бундай жараёнларни

ташкилотларда ишларни лойиҳалаш деб юритилади ва ташкилот фаолиятини муваффақиятга қаратилганлигидан далолат беради.

«Иш» тушунчаси фаолиятни амалга оширишининг ташкилий томонини ҳам ўз ичига олади, яъни қандай бажармоқ, кимга бажартирмоқ керак деган саволга жавоб беради. Буларнинг ҳаммаси бир бўлиб у ёки бу қисмининг ишини аниқ ажратиш ва таърифлаш имконини беради. Ушбу жараён ташкилотда ишни лойиҳалаш деб аталиб, фаолият муваффақиятини кўп жиҳатдан белгилайди. Ишни лойиҳалаш деганда, ходимлар олдига қўйилган хоҳ расмий, хоҳ норасмий ўзига хос масалаларни бажарилиши жараёнини яратиш тушунилади, яъни ишни лойиҳалашни безагидир. Лойиҳалаш ташкилотда ва унинг ташқарисида ечиладиган масалаларни бир-бiri билан боғлиқлиги, шахслараро муносабатларни қамраб олувчи жараённи содир этишидир. Ташкилот томонидан қандайдир масалани ечиш хоҳиши пайдо бўлган чоғда аниқ бир иш пайдо бўлади. Шу вақтдан бошлаб бу иш ишлаб чиқилади ва лойиҳалаштирилади.

13.2. ИШЛАРНИ ФУНКЦИОНАЛ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Ишларни таҳлил қилишдан мақсад ишларни ўзини холис баён қилиш, яъни уларнинг мазмуни, уларга талаблар, уларни куршови ёки контексти (тугағ фикр англатувчи парчаси). Ишларни таҳлил қилиш усуслари кўп. *Ишларнинг мазмуни* ушбу ишлар кўламида бажарилиши керак бўлган ҳаракат қамровидир. Ишларни таҳлил қилиш усулига қараб, уларнинг мазмунлари кенг ёки тор ёритилиши мумкин ёки ҳар бир операция, ҳар бир кўл ёки гавда ҳаракати алоҳида тушунтирилади. Бундай ишлар мазмунига ёндашишни *ишларнинг функционал таҳлил қилиши* деб аталади. У эса қуидагиларни ўз ичига олади:

- ходим ва бошқа ходимлар, бошқа ишларга муносабат бўйича нима қилмоқда;
- қандай усувлар ва операциядан фойдаланиш лозим;
- ушбу ишни бажаришда қайси машиналар ва ускуналарни ишлатади;
- ишни бажариш жараённада қандай маҳсулот ишлаб чиқаради.

Биринчи учта позиция ҳаракатлар билан, тўртинчиси — ишнинг натижаси билан боғлиқ. Ишни функционал таҳлил қилиш юқоридаги тўртта позициянинг ҳар бир таснифига асосланган ҳолда ишнинг мазмуни ёритилади. Бу усул одатда штат жадвалини тайёрлаш учун амалиётда кенг қўлланилади.

Ишга талаблар уни бажариш учун зарур бўлган ходимнинг сифати (қобилияти, касби, маълумоти, тажрибаси, саломатлиги, тарбияси, маҳорати)дир. Муайян шаронитда талаблар рўйхатини тузиш учун *лавозимнинг аналитик саволлари* усули ишлатилади. Бу усул айтиб ўтилган ходим тавсифини қуидаги иш параметрини таҳлил қилиш йўли билан ифодалашга мўлжалланган:

- ишни бажариш учун муҳим маълумотлар манбалари;
- ишни бажариш учун зарур бўлган ишлов бериладиган маълумотлар ва қабул қилинадиган ечимлар;

— ишни бажариш учун талаб қилинадиган жисмоний ҳаракатлар ва удалай олиш қобилиялари;

— ишни бажарилиши учун мақбул ўзаро муносабатлар тавсифи;

— иш шароитида ходимнинг сезиш (тасирланиш) тавсифи..

Бу усул барча ишлар учун қўлланилади, шу қатори бошқаришда ҳам, у таснифли маълумотнома тайёrlаща асос бўлиб хизмат қиласди.

Ишни бажарилишида ишга муносабати бўйича ташки бўлган жисмоний, ижтимоий ва бошқа омиллар ҳамда ҳуқуқ, масъулият ишнинг контекстини ташкил этади. Ишни бажарилишида муҳит нуқтаи назаридан таҳлил қилишнинг бир қатор усуллари мавжуд. Бу усуллар ёрдамида ташкилот учун ушбу иш нима беради, бажаришда у қандай шароитлар талаб қиласди деган саволларга жавоб беради.

Одамлар ўз ишини турли жойларда бажарадилар. Аммо уларни икки ҳонифага олиб келиш мумкин: завод ва фабрика; идора ёкиофис.

Маълумки, фабрикадан бошланган ишни таҳлил қилиш аввалгилари ҳам далиллар ва фактларни холис таҳлил қилиш учун иш жойларида тўплланган, мақсад ишни лойиҳалашда ягона яхши ёндашишни аниқлашадир.

Йиллар давомида олиб борилган илмий тадқиқотлар, изланишлар ишлаб чиқариш ва бошқариш ишларини автоматлаштиришга, роботлар, ЧПУ (сонли дастурли бошқарув рақами ёки микропроцессорли техника ва ихтинослаштирилган ахборот технологиялар) ва ГПС (мослашувчан ишлаб чиқариш тизими ёки робототехника тизимлари)ларни яратилишига олиб келди ва ишчиларга эҳтиёж қисқара бошлади. Ҳозирги вақтда идора ёки маҳкама ишларини таҳлил қилишда инсон омилига кўпроқ эътибор берилади.

13.3. ИШНИНГ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА УНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ

Биз ушбу мавзуда **технология** деб кенг маънода иш(ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, маҳсулот)лардан натижага Эришмоқ учун фойдаланилайдиган ҳаракатлар, билимлар, усуллар ва жисмоний предметлар тушунилади. Ишнинг технологияси, уни лойиҳалаш орасидаги муносабатлар кўптомонлама тавсифи эга. Бу муносабат ўша ходимнинг билими нуқтаи назаридан, иш қаҷон ва қаерда бажарилиши керак, уни қандай бажариш керак ҳамда ишнинг ўзаро боғлиқлик нуқтаи назаридан қаралиши мумкин.

Ходимни хабар топтириш, хабардор қилиши иш қаҷон ва қаерда бажарилиши кераклиги ҳақида, ишни бошланиши ва жойи ҳақида хабардор қилиш уларни ечим қабул қилишда эркинлик даражасини аниқлайди. Масалан, автомобилнинг ҳайдовчиси йўл варақасини олгач, кун давомида нима қилишини маълум даражада билади.

Иш қандай бошланиши, ишлаб чиқариш предмети ва воситаси, жиҳозлари ҳақида маълумот билан ходимни таъминлаш, уни ишлаб чиқариш предмети ва жиҳозларини танлаш доирасини аниқлашга имкон беради. Бу ўз навбатида мақсадга эришиш имкониятини яратади. Конструкторлик бюородаги дизайнер бундай эркинликка имконияти кўпроқ, чунки у олдиндан маълум бўлмаган янгиликни яратади. Бундай ҳолатларда асосан ходимни фикр юритиш.

билими, маҳорати, фикрининг тийранглиги ва мажмуи ечимга бўлган қобилиятининг ўстунлиги талаб этилади.

Ишни лойиҳалашга таъсир этувчи технологиянинг навбатдаги тавсифи ишга ва ташкилот фаолиятига ўзариш киритса, ишни бир жойда бажарилиши иккинчи жойга кўчирилиши мумкин. Мисол учун, автомобилни йигиши конвейеридан ҳаракатланувчи аравачага ўтказилса, йигувчини биринчи жойидан набатдаги жойига суриласди.

Ишни лойиҳалашга таъсир этувчи технологиянинг учинчи тавсифи ташкилотда ишнинг ўзаро боғлиқлигидир. Бу тахланадиган, кетма-кет содир бўладиган, алоқа учун хизмат қиладиган, гуруҳли ўзаро боғлиқлардир.

13.4. ТАШКИЛОТ ФАОЛИЯТИДАГИ ТАШКИЛИЙ САМАРАДОРЛИКНИ ЯҲШИЛАШГА ЁНДАШИШ

Ташкилотда ишлаб чиқариш жараёни, хизмат кўрсатиш, харид-сотиш, ташиб, сақлаш, технологик жараёнларни ташкил этиш, маркетинг, мувофиқлаш, таҳдил қилиш, ҳисобга олиш, назорат қилиш, ечим қабул қилиш, ахборот алмасиши каби ишларни лойиҳалаш андозалари қўйидагилардан иборат:

- ишни қуриш (технологик операциялар, фойдаланилдиган иш усуслари, ишни бажариш кўрсаткичлари ва одам билан машина орасидаги ўзаро муносабат);
- иш кўламини кенгайтириш (ходимлар бажарадиган технологик операциялар сонини кенгайтириши);
- ишнинг ротацияси (ходимларни алмаштириб ёки алмасиб ишлатиш тартиби);
- ишни бойитиш (иш тавсифини бойитиш);
- ижтимоий-техник тизим андозаси (инсон омили плюс ишнинг технологияси);
- ишни лойиҳалаш андозасини танлаш (юқоридаги андозалар тизимидан танланади).

Ташкилот фаолиятини (амалга оширишнинг ташкилий томонини ёки ишни) лойиҳалашга қўйиладиган андозалар (ёндашишлар)ни ишнинг қайси бир параметри (кўлами, мураккаблиги, муносабатлари)га қараб уч гуруҳга бўлиш мумкин ёки шу ёндашиш доирасидан чиқмай ўзаришга учратиш афзалроқ фойдаланилади. Ишни лойиҳалашга ёндашишнинг ўёки бунисини танлашда кўпгина ички ташкилий омиллар: бошқариш услуби, касаба ўюшмалар, иш шароити, технология, маданият ва ташкилот қурилиши, рагбатлантириш тизими ва ходимлар билан ишлаш кабилар ҳал қилувчидир.

Ишни қуриш андозаси ишни лойиҳалашнинг шундай унсурларини аниқлашни ўз ичига оладики, улар бажаришта мўлжалланган технологик операциялар; фойдаланилдиган ишнинг усуслари; вақти ва иш жойи; ишни бажариш кўрсаткичлари ва ходим билан машина орасидаги ўзаро муносабат. Ишни қуриш андозаси доирасида бу унсурлар Тейлор тизимида ўрнатилган

ҳаракатлар ва вақтлар асосида аниқланади. Ишчининг операцияга керак бўлган вақти ва унинг ҳаракатини бажариш учун зарур талаблар аниқланадилар.

Шундай қилиб, ишни қуриш асоси қилиб ишни бажарилишини ихтисослаш ва самарадорлик қабул қилинади. Ҳозирги кунда кўлгина мутахассислар бундай андоза ходим учун жозибалик бўлмаган, уни толиқтирадиган ишни яратишга олиб келади демоқдалар. Аммо шу кунга қадар бу андоза амалда янги ташкилот яратишда кенг кўлланилмоқда. Бу андозанинг афзаллиги унинг соддалиги, универсаллиги, арzonлиги, иш натижаларини осон ўлчанишидадир. Яна андозанинг энг муҳимлиги — ишда механизациялаш ва автоматлаштиришни кенг жорий қилиш, ҳатто машина-робот билан одам тўла алмаштиришгача имкон яратилишидир.

Иш кўламини кенгайтиришга ёндашиш ходим бажарадиган операциялар ёки масалалар сони кенгайишидан келиб чиқади. Мисол учун, автомобилни йиғиша чилангарга фақатгина рессорларни ўрнатишга эмас, амортизаторларни ҳам ўрнатиш топширилади. Иш кўламини кенгайтириш андозасининг мақсади ишчи вазифасини кўшиш йўли билан ишнинг ёқимлилиги ва турли-туманлилигини ошириш. Ишни лойиҳалашда андоза ихтисосликдан узоқлаштирилиш ҳисобига иш кўламини кенгайтириш, ишдан қониқиш орасидаги боғлиқликка ижобий таъсир этишни белгилайди. Иш кўламини кенгайтириш ишни бажаришда яна бошқа ижобий оқибаттага, яъни чарчашиб камайтириш, иш бажариш даврини ошириш каби ижобий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ижобий самарарага қарамасдан, бундай ёндашиш ходимларнинг қаршиликларига учраган ҳолатлари ҳам бўлади. Чунки ишчининг вазифаси кенгайишини ишчи кўшимича оддий кўл иши чарчатадиган масала деб қарайди. Яна норози бўлишига мумкін бўлган сабаб унда автоматлик, оддийлик пасаяди. Баъзилар ўзларининг бўш вақтига ҳужум деб қарайдилар. Шу сабабли бу андозани жорий этиш, ходимлар томонидан ёқимсиз таъсирунанишни енгиз учун раҳбариятдан катта эътибор ва куч сарфлашни талаб қиласди.

Иш кўламини кенгайтириш андозасидан фойдаланишдаги замонавий амалиёт ишнини лойиҳалашда қўйидагиларни ҳисобга олишни тақозо этади:

— машинанинг ишлаш тезлилига қарагандан кўпроқ ходимни ишлаш тезлигига катта эътибор бериш;

— ишни ихтисослаштиришдан узоқлашишда «фойда - йўқотиш» мувофиқлигига риоя қилиш;

— ходимни янги вазифа, одат ва ишларни бажара олишга ўргатиш бу андозанинг жозибадорлигидир.

Ишнинг ротацияси ташкилий самарадорликни лойиҳалашга ёндашиш сифатида ишчини бир ишдан бошқасига ўтказиб ишлатишдир, шу бир вақт юнга мос равишида кўпроқ турли вазифаларни бажара олиш имконияти берилади. Ишнинг ротациясига қараб, ўтилган иш кўламини кенгайтиришни андозаси билан боғлик, чунки ишга қизиқишини ошириш мақсадларида ҳар хил масалаларни кўпайтиришга асосланган. Агар ташкилотдаги барча иш қизиқарсиз бўлса, уларни ротация қилиш барни-бар наф бермайди. Масалаларни

бир жойда болтни бўшатса ва иккинчи бир бошқа жойда қотирса, бу билан раҳбар сезиларли нафга эришмайди. Одатда, ишни бойитиш ва ижтимоий-техник тизимга ўхшаш доираларда, ишни йирик қайта лойиҳалаш билан боғлиқ бўлганда ишнинг ротацияси муваффакият келтиради, бунда албатта ишнинг сифатли параметрлари назарда тутилгани маъқул. Ишнинг ротацияси, шунингдек, ходимни ўргатиш усули ва тайёрлашда, айниқса, бошқариш давозимларидаги кишиларда самара беради.

Ишни бойитишга ёндашиш ходим бажараётган вазифалари ёки масалаларига шундай қўшимча қўшишни мўлжаллайди, унда шахсан ўзининг ишини режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш учун масъулиятни ошириш имконини берсин. Бойитиш ишининг шундай параметрига тегишлики, унинг мураккаблиги, иш бўйича муносабати, иккови бир бўлиб ишни ташкил этиш тушунчасини беради.

Ишни бойитиш андозаси ўзига хос бўлиб, у ўзгариши керак бўлган муайян ишга боғлиқ, Аммо ушбу андозанинг таркибини ташкил этувчи асосий унсурлар қўйидагилар:

- иштепмолчи билан муносабатни аниқлаш (белгилаш);
- айнан ўзининг ишини ходимнинг ўзи режалаштириш;
- иш жараёнида ходим мулкдор сифатида қатнашади;
- ишнинг натижаси ҳақида (тескари алоқа) ходим маълумот олади;
- ишга янгилик ўрганиш киритилган;
- иш ўзига ноёблик унсурини қабул қиласди.

Ишни бойитиш андозасини бошқариш иши доирасида қўллаш бўйсунувчиларга назорат ва маъмуриятчиликларни кучайтиришга эмас, балки малака ошириш, маслаҳат беришга мўлжалланган эътиборни тўпланишини назарда тутади. Ишни бойитиш андозаси иш услубидаги ўзгаришлар, ижрочи вакилларга ҳукуқ, уларга имкониятлар бериш учун мақсадни белгилаш, ишни бажарилиш натижасини баҳолаш имконини бериш кабилар билан боғлиқ.

Ижтимоий-техник тизимга ёндашиш ташкилот фаолиятини лойиҳалаш, қайта лойиҳалашдаги технологиянинг муҳим аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, иш тавсифини бойитиш андозасидан фарқи шундаки, бунда ишлар гуруҳига дикқатни тўплайди (шу боис унинг қўшимчаси «ижтимоий» ёки «социо»). Бу ерда ўзаро боғлиқлик гуруҳлар даражасига тааллуқли, гуруҳлар ичидаги ишларнинг турига тааллуқли эмас, иш тавсифини бойитишнинг андозаси учун бундай ҳол тааллуқли эди. Ижтимоий-техник тизим андозасининг Қурилиши ишчи гуруҳига бутун бир яхлит қилиб, унинг вакилига ваколат беришита асосланган, бунда ҳар бир ходим алоҳида қаралмайди.

Ижтимоий-техник тизимнинг андозаси ишни лойиҳалашни шундай йуналтирадики, бунда техник ва ижтимоий тизимлар орасидаги муносабатлар оптимал бўлсин ёки мақсадга мувофиқ бўлсин.

Ижтимоий тизим андозанинг бир қисми бўлиб, ташкилотдаги инсонга, гуруҳга, ишдаги, ташкилотлардаги уларнинг муносабатларига таъсир этадиган «Инсон омили»га оид унсурларни ўз ичига олади.

Технологик тизим андозанинг қисми сифатида ишни қачон ва қаерда бажарилишини, иш қандай бажарилиши лозим, ишни бажарилишидаги ўзаро болғылғылар ишнинг технологиясида ўзгарувчан бўлганлиги учун уларни таҳлил қилиш билан чегараланади. Чунки бу учта технологик ўзгарувчанлик ишлаб чиқариш жараёнининг тоифасига боғлиқ, шу боис ишни лойиҳалашдаги ёндашишлар ҳар хил бўлиши керак.

Ишнинг физик шароити (ёритилиш, ҳарорат, шовқин, ифлосланганлик, тозалик, узоқлашганлик) ишнинг бажарилиш қийинчилигини белгилайди. Ишлаб чиқариш жараёнининг мураккаблиги ишни тугатилишини чегаралайди. Ишлаб чиқариш жараёнини мураккаблаштирилиши ишни қачон ва қаерда бажарилиши қеарқлиги ҳақида ноаниқликни кучайишига таъсир этади. Бошқа технологик тавсифлар ҳам сезиларли таъсир кўрсатади.

Ишни лойиҳалашга ёндашишни танлаш етарлича мураккаб иш. Мехнат ҳаёти сифатни ва ташкилий самарадорликни яхшилашга интилган раҳбарлар ишни бойитиш андозаси, ижтимоий-техник тизимнинг андозаси ва ташкилий жиҳатдан тараққий топишни афзал кўрадилар. Ишлаб чиқариш, унинг самарадорлиги учун кўпроқ безовталаидиган раҳбарлар, ишни қуриш андозаларида, иш кўламини кенгайиши, иш ротацияси андозаларида тўпланишларни афзал кўрадилар.

Таянч сўз ва иборалар

Замонавий ташкилотнинг ишлари, бошқаришда меҳнатни тақсимлаш, иш тушунчаси, ишни лойиҳалаш, ишнинг мазмуни, ишга талаб, ишнинг технологияси, ишни лойиҳалаш андозаси, ишни қуриш андозаси, иш кўламини кенгайтириш андозаси, ишнинг ротацияси, ишни бойитиш андозаси, ижтимоий-техник тизимнинг андозаси, ижтимоий тизим андозаси, технологик тизим андозаси, ишни лойиҳалаш андозасини танлаш.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ташкилотнинг умумий ишлари ҳақида тушунтириш беринг.
2. Бошқаришда меҳнатни тақсимлаш қандай бажарилади?
3. «Иш» тушунчаси нимани билдиради ва уни лойиҳалаштириш қандай амалга оширилади?
4. Ишларни таҳлил қилиш тартиби нималардан иборат?
5. Ишнинг технологиясига таъриф беринг.
6. Ишни лойиҳалаш андозасини санаб беринг.

Адабиётлар

1. Виханский О.С., Наумов А.И. Менеджмент: человек, стратегия, организация, процесс. М.: МГУ, 1995. 189–217-бетлар.
2. Қосимов Е.М. Менежмент фанидан маъруза матни. Т.: ТАЙИ, 1999. 33–41-бетлар.

3. Қосимов F.M. Менежмент. Т.: «Ўзбекистон», 2002. 86—112-бетлар.
4. Зайнутдинов Ш.Н., Қосимов F.M., Иватов И. Амалий менежмент. Т.: ТДИУ, 2003. 48—52-бетлар.

14-БОБ. ТАШКИЛОТ МАДАНИЯТИ

14.1. ТАШКИЛОТНИНГ МАДАНИЯТ ГОЯСИ

Ишлайдиган одам учун ташкилотга қандай ижтимоий-маданий тарбиядаги хулқли одам кераклигини билиш мухим: иш учун одам керакми ташкилотта ёки одам учун иш керакми, бу муқобилликни ечаётганда ташкилот учун биринчи ҳолат мухим, яъни ижрочи керак, иккинчи ҳолатда — ташабускор. Шундан бошланади ишлайдиган одам учун ўзининг щасий муаммоаси: «Мен яшашиб учун ишлайманми ёки яшайман, ишлашиб учун, умуман, мён нима учун ишлайман ва ким учун?» Ушбу *маданият гояси* (қарашлар тизими, асосий фикр, моҳият, мағиз, гоя) ташкилот ходимлари томонидан эътироф этилган энг қимматли қадрияллар бўлиб, уларнинг фаолиятларидағи ахлоқлари йўналишини белгиловчи омиллардир.

Ташкилотларнинг тараққиёт тарихида ишлайдиган одам ҳақида тўртта стереотип (тарз, андоза, юриш-турниш тарзи) мавжуд:

- «иқтисодий одам» (1850—1920-йиллар);
- «руҳий одам» (1920—1960-йиллар);
- «технологик одам», янги компьютер-инжиниринг асосида (1960—1975-йиллар);

— «ахлоқий одам», бизнесдаги эҳтиёжларнинг ўзаро мажбуриятларини «ўсиши»дан келиб чиққан (1975 — ҳозирги давргача).

«Иқтисодий одам» тарзи асосида пул муомаласи (ҳисоби) тамойили ётади.

«Руҳий одам» тарзи таъсир этишиб усулларидан фойдаланиб, ўзига кулагилик яратишга асосланади.

«Технологик одам» тарзининг асосида илмий ва техник-технологик тараққиёт даражасига биноан ишчи операцияларга ташкилий бўйсуниш тамойили ётади.

«Ахлоқий одам» тарзининг асосида ишлаётган одамнинг қасбий, ишбилармонлик ва бошқарув ахлоқи талбларига бўйсуниш тамойили ётади.

Бу тўртта стереотиплар ходим онгиди, хулқида жамланиб ташкилий хулқ сегменти(каржи)ни ташкил этади (14-чизма) ва қуйидагича ифодаланади: репорристик (хизмат вазифасига бўйсуниш); автоном ёки мухтор (ташкилий маневр ёки чаққон ҳаракат, алмаштириш эркинлиги); чаққон ёки ҳаракатчан (ишга руҳий тайёрлиги); исканжали ёки прессингли (вақт бўйича ва фазода ишчи операцияига бўйсунушлиқ).

Ташкилий хулқ ташкилот, фирма, банк, давлат муассасаларининг маълум ижтимоий-маданий мұхитида намоён бўлади. Ишбилармонлик ахлоқи ташкилот маданияти тушунчаси билан чалкашган (чатишиб кетган). Бу эса

барча мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистон бизнесида ҳам муваффақият таянчи бўлиб қолади.

Ташкилот маданияти — бу фирмалардаги барча ишлайдиганларнинг қадрият (бино, дизайн, жойланиши, ускуна ва жиҳозлар, мебель, фазовий ҳажми, қулайлиги, қабул хоналари, автомашиналар учун сақлаш жойи ва шунга ўхшаш холис қадриятлар, одатлар, анъаналар, маросимлар, тил муомаласи, шиорлар, фирма қаҳрамонлари, раҳнамолари, ташкилот тарихи ва субъектив қадриятлар) ва қатъий ишониш тизимиидир.



14-чизма. Ташкилотда ишлайдиган ходимнинг ташкилий хулқ сегментлари

Ташкилот маданияти корхона ҳаётида жуда катта аҳамиятта эга. Шунинг учун ташкилот маданиятига раҳбар томонидан доимий эътибор қаратилимоги лозим.

Муайян ташкилотнинг маданият ғояси (қараашлар тизими) куйидагилардан иборат:

- ташкилотда ўзини ва ўз ўрнини ҳис этиши;
- ахборот алмашиб тизими ва муомала (мулоқот) олиб бориш тили;
- ишдаги ташқи кўриниши, кийими ва ўз шахсини кўрсатиши;
- одамлар нима билан ва қандай овқатланадилар, бу борадаги одатлари ва анъаналари;
- вақт омилини тан олиши, унга муносабати, ундан фойдаланиши;
- одамлар билан ўзаро муносабатининг тавсифи;
- қадриятлар ва меъёrlарнинг ўзига хос хусусиятлари;

- ҳаётга ишончи, оптимилик руҳда қарашлари;
- ходимни ўсиб бориши ёки такомиллаштириш жараёни, уни ўқитиш ва қайта тайёрлаш;
- меҳнат ахлоқи ва мойиллиги.

Вақт давомида ҳолатларнинг таъсиридан ташкилот маданияти маълум даражада ўзгариши мумкин. Мисол учун одамнинг ақлида ўзгаришлар бўладими-йўқми, бунга ишониш қийин. Буни билиш учун ташкилотдаги раҳнамо кетгандан кейинги далилларгина кўрсатади, одамлар янги маданият билан давом эттиришадими ёки бошқачами.

14.2. ТАШКИЛОТ МАДАНИЯТИНИНГ РИВОЖЛANIШИ

Ташкилотнинг фаолияти ва имкониятлари унинг маданиятини белгилайди. Чунки одамлар нима учун ташкилот аъзоси бўлдилар, улар орасидаги муносабатлар қандай курилган, ташкилотнинг қайси турғун меъёрлари ва ҳаётий тамойиллари, фаолиятини маъқул кўрадилар, уларнинг фикрича нима яхшию, нима ёмон, нималар қадрли ва месёрли. Булардан кўриниб турибдики, ташкилот ўта мураккаб организм, унинг ривожланиши эса ундан ҳам мураккаб. Аммо ташкилот маданияти юзага аниқ қалқиб чиқмайди, уни «ушлаб кўриш» қийин. Ташкилот маданиятини ифодаловчи бу одамларнинг маданияти. Ташкилот маданияти асосан икки тавсифда ривожланади: корпоративли ва индивидуалистик ташкилотлар туррида.

Корпоративли ташкилот маданияти қўйидаги тавсифда ривожланади:

- киши иш учун;
- ташкилотта нисбатан содик туриш;
- ишлаб чиқаришнинг манфаатини кишининг ўзи тақрор ишлаб чиқаришга манфаатдорлиги билан аниқлайди;
- ечим қабул қилишда кўпчилик ва катталик тамойили;
- ташкилот киши учун жавоб беради;
- ташкилотнинг мустақиллиги;
- ташкилот учун эркинлик;
- манфаатдорлик эгаси — гурӯҳ, жамоа ва бутун ташкилот;
- ташкилот фаолиятида яккаҳокимлик ва стандартлаш;
- неъматларни марказлаштириб тақсимлаш билан ноёблик имконини келтириб чиқариш;

мансадорлик тузилмасини ҳукмронлиги ва б.

Индивидуалистик ташкилот маданияти қўйидаги тавсифда ривожланади:

- кишиларни эркин, очиқ, ўз ихтиёри билан уюшиши;
- ташкилотда аъзолар, гурӯҳлар фаолиятида рақобат ва кооперацияларни бирга олиб борилиши;
- демократик жараён доирасида ҳамма аъзоларнинг манфаатини боялаш тамојиилининг ҳукмдорлиги;
- манфаатнинг эгаси — шахс;
- киши ўзи учун ўзи жавоб беради;
- шахснинг мустақиллиги;

- шахс учун эркинлик;
- ечим қабул қилишда камчилик тамойили;
- ишлаб чиқаришнинг манфаатини қишининг ўзи такрор ишлаб чиқариш манфаатдорликлари билан аниқлади;
- хулқида умумодамийлик ахлоқи ва соғлом фикри;
- ўз эътиқодига нисбатан содиқлиги;
- иш кучи учун.

Корпорация, кишилар ҳамкорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида улар орасидаги маҳсус алоқа тизими деб қаралади.

Корпорация — қадим замонларда одамларнинг бирлашган шакли. Корпорациялар ўзига хос оила ва авлод бўлганлар, гуруҳлар ичидан такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминловчи маълум муносабатдир. Корпорация Осиё жамиятига хос антикийлик тавсифига эга бўлган, улар касбий ташкилотлар ҳақида тасаввур қилмаганлар. Кейинчалик ҳунармандчиллик, савдо гарлик ривожланиб боргач, уларнинг шакли кенгайди, ҳатто монополистик ҳўжалик уюшмасига, касбий ташкилотларга, сиёсий партияларга айландилар.

Корпоратив ташкилот маданияти маълум ахлоқа мос келади. Ахлоқ эса хулқидаги иккиласми ахлоқ бўлиб қатнашади — индивидуалистик ахлоқ ва корпоратив ахлоқ.

Корпоратив тузилмаларда ташкилотга муносабат бўйича содиқлик ҳукмрон, итоаткор ва бажарувчанлик маъқулланади, оқибатда масъулнингтисзлик пайдо бўлади.

Индивидуалистик ташкилот маданияти корпоративга қарама-қаршидир. Бу ҳам кишилар уюшмаси, биргаликда фаолият кўрсатади, аммо уюши эркин, очиқ, ўз хоҳии билан. **Индивидуалистик ташкилот ўзи қўшилган ёки яриммуҳтор бирликлардан иборатдир.** Масалан, жамоа мулки бундай ташкилотларда — бу ҳаммаси хусусий дегани эмас, балки жамоа аъзоларининг ҳар бирининг хусусий мулкидир.

Индивидуалистик ташкилотда қўйи мансабдорларнинг юқори мансабдорларга босқичма-босқич бўйсуниши ўrniga демократик жараёнлар доирасида барча аъзоларнинг манфаатига боғланиши тамойили ҳукмрондир.

Индивидуалистик ташкилотда манфаат субъекти шахедир. Ҳамма ташкилотнинг маданияти шахс атрофида шаклланади ва ривожланади. Иш учун киши қидирилмайди, балки шахс учун, унинг қобилияти, асосланиши бўйича иш лойиҳаланади ва яратилади.

Бундай ҳолатларда киши ўзи учун ўзи жавоб бера бошлайди. Шахсий мустақиллик пайдо бўлади. Шахс ташкилот доирасида эркин бўлиб, ишида ижодкор ва фаолликларни ривожланишига имкон беради.

Иқтисодиётда қайси турдаги ташкилотнинг маданияти кенг ва жадал ривожланиши — корпоративи ёки индивидуалистикми, бу унинг ривожланиш даражаси давр талабларига мос равишда эгилувчан ва тез ўзгариш имконинига боғлиқ.

ХХ асрнинг кейинги 20—30-йилларида инсоният тараққиётида янги босқич — ахборотлар жамияти босқичи кириб келади. 1980-йиллар бошида ўта

ривожланган мамлакатлар индустрисал ахборотлар жамиятининг биринчи погонасига кўтарилиди. Миллий хўжалик иқтисодиётгиде оптимал фаолиятнинг тизими вужудга келди. Бу йўналиш асосида миллий иқтисодиётнинг ягона оптимал мезони, баҳолаш, сармояларнинг самарадорлиги, инсонпарварлик, истеъмолни меъёrlашиб ва бошқа масалалар долзарблашди.

Кслажакда ташкилотларнинг маданияти қандай бўлиши керак? Улар қандай дойиҳаланишлари лозим? Уларда ишлар қандай тартибда бирлашувлари ёки бўлинишлари лозим? Бу саволларни ҳаммасига жавоб бериш қийин. Аммо ҳозирги вақтда юқори технологияли соҳаларда, тез ўсаёттан тармоқларда кслажаги бор ташкилотлар пайдо бўлмоқда. Илмий адабиётларда бундай ташкилотлар эҳократик ном билан аталади. Улар стандарт бўлмаган, мураккаб ишларда, қийинчилек билан аниқланадиган, тез ўзгарадиган тузилмаларда, чуқур билимга ва етарли маълумотга эта бўлган, билимдонликка асосланган ҳокимлиқда, қуи мансабдорларнинг юқори мансабдорларга босқичма-босқич бўйсуниши шарт бўлмаган вазиятда қўлланиши мумкин.

14.3. МАДАНИЯТНИ ТАШКИЛОТ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Баъзи ҳолатларда маданият ташкилот самарадорлигига жуда сезиларли таъсир кўрсатади:

— маданият ва хулқ ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатади, бироқ маданият одамлар нима қилаётганига таъсир қилиб қолмасдан, шу билан бирга улар қандай бажараётганига ҳам таъсир кўрсатади;

— маданият ташкилотнинг турли қисмларини бирютириш учун ўзига хос «ёлиширувчи» бўлиб хизмат қиласди;

— ташкилот обрўси учун ҳамма нарса муҳим: ходимларнинг нутқ маданияти ҳам, ҳаракатчанлиги ҳам, кийиниши ҳам, оғиснинг интеръери (бино ва иншоотларнинг кўриниши) ҳам;

— беҳудага қабул қилинган ташкилотнинг номини ўзгартирмаслик;

— оғиснинг жиҳози ва ташки кўриниши фирма обрўси учун аҳамиятли. Агар эришилган обрўси бўлса, бу фирманинг ярим муваффақиятидир;

— котиба ёки котиб ишбилармон оғиснинг чеҳраси;

— ташкилотнинг обрў тушунчасига шу ташкилотдаги ходимларнинг ўзаро муносабатлар тизими, уларнинг мижозлари, кийиниши, одатлари, оғиснинг дизайн кабилалар киради;

— ташкилот муваффақиятини ундаги одамларнинг маданиятини ўз қобилиятлари билан ифодалайдилар;

— ташкилот маданиятининг маъноси — бу компания билан одамларнинг Қадрнитларининг мос келиши;

— ташкилот маданиятининг мақсади — бу одам ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш орқали фирманинг фойдали фаолият кўришини таъминлаш.

Раҳбарларнинг ечим қабул қилиши, ташкилотдаги ходимлар муносабатини тарбиялаш, иш жойини ўз уйига бўлган муносабатидек бўлиши ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини максимал даражага олиб келиши мумкин.

14.4. ТАШКИЛОТ МАДАНИЯТИДА МИЛЛИЙЛИК

Ташкилот маданиятини атрофлича таҳлил қилиш ва синтез тизими күрсатадык, уни ўрганишда ўзгарувчан йўналишларни тизимларга ажратиб олиш лозимдир.

Ташкилот маданиятини содир этувчи йўналишлар қўйидагилар:

— оила тизими — бу оиласда болалар энг аввал ахлоқий хусусият, белгиларни ўрганадилар, кейинчалик ташкилотларда буларни ривожлантирадилар;

— таълим тизими — бу билим юртларида ёшлар ўз билимларини оширадилар, қўшимча ахлоқий ва хулқий белгиларни ўрганадилар;

— иқтисодий тизим орқали жамоа товар (маҳсулот, хизмат кўрсатиш, иш) ишлаб чиқарди ва тақсимлайди;

— сиёсий тизим орқали ҳукмронлик ва ҳаққонийликлар ўрнатилади;

— диний тизим маданиятнинг номатериал, руҳий йўналиши бўлиб, яшаш ва ҳис-туйгу уйготишда ўз ўрнини топади;

— ижтимоийлаштириш тизими — бу ижтимоий гуруҳларга бўлиш тамоиллариидир;

— тиббий тизим орқали ҳасталикни олди олинади;

— ҳордик чиқариш тизими — ходимларни бўш вақтларини ҳар хил ҳордик чиқариш йўллари билан дам олиши ва бардам бўлишига олиб келади.

Шарқона маданият юқорида саналганлар билан чекланмайди. Санаб ўтилган миллий маданиятни бойитища улкан аҳамият касб этади.

Таянч сўз ва иборалар

Маданият ғояси, «иқтисодий одам», «руҳий одам», «технологик одам», «ахлоқий одам», стереотип, корпоративли ташкилот маданияти, индивидуалистик ташкилот маданияти, этхократик ташкилот, маданиятни ташкилот самарадорлигига таъсири, ташкилот маданиятида миллийлик.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ташкилот маданиятига таъриф беринг.
2. Ташкилот маданияти таркибига нималар киради?
3. Ташкилотларда тараққиёт тарихидан маълумотлар келтиринг.
4. Ишлайдиган одамнинг ташкилий хулқ сегментлари нима?
5. Муайян ташкилотнинг маданият ғоясини тушунтиринг.
6. Корпоративли ва индивидуалистик ташкилотлар маданиятидаги фарққа тушунтириш беринг.
7. Нималар ва маданиятнинг қандай ҳолатлари ташкилот самарадорлигига таъсири этади?
8. Ташкилот маданиятида миллийлик нима?

Адабиётлар

1. Красовский Ю.Д. Организационное поведение. М.: ЮНИТИ. 1999. 36—58-бетлар.
2. Уткин Э.А. Курс менеджмента. М.: «Зерцало», 1998. 409—431-бетлар.
3. Қосимов Е.М. Менежмент. Т.: «Ўзбекистон», 2002. 15—18, 65—71-бетлар.

15-БОБ. ТАШКИЛОТЧИЛИК ҚОБИЛИЯТЛАРИ ВА ТАШКИЛИЙ БОШҚАРИШ ФИКРЛАРИНИНГ ТАРАҚҚИЙ ЭТИШИ

15.1. ТАШКИЛОТНИНГ ҲОЛАТИ ҲАҚИДА ИҚТИСОДИЙ ВА АҲБОРОТЛИ ШАРҲ

Ҳар қандай даврнинг, ҳар қандай ташкилотнинг, жамиятнинг ўз ташкилотчилари, раҳнамолари бўлган ва бўлади. Уларнинг энг муҳим вазифаси бошқарув ходимлари олдига кўйиладиган талабларни ишлаб чиқишидир. Ташкилотчилик қобилияти, янгиликни ҳис қилиш, янги техник, технологик, иқтисодий, хулқий, ташкилий гояларни муносиб баҳолай олиш, уларни кўллашда маҳорат, шунингдек муҳим ишчанлик хислатларидан бири — омилкорлик раҳнамога, унинг бошқарув ходимларига кўйиладиган асосий талаблардандир.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик даврида улкин муваффақиятларга эришди, хусусан қатор ташкилотлар иқтисодий ривожланди, айниқса, ўз ижодкорларига, ихтирочиларига, ақлий мулк эгаларига, ташкилотчиларига эга бўлди. Улар ўз ақл-заковат мулкини: ихтиrolари, илмий кашфиётлари, технологик янгиликлари, услубий ишланмаларини товар сифатида эркин сотиш имкониятига эга бўлди. Бу, бир томондан, ҳалқимиз ичидан янги ихтирочилар, раҳнамолар, ташкилотчилар, ижодкорларнинг ўсиб чиқишига хизмат қилса, иккинчи томондан, маънавият, маърифат, иқтисодиёт, аҳборот алмашиш, умуман илм-фанинг ўсишига имконият яратдилар ва яратмоқдалар.

Замонавий ташкилотларнинг иқтисодиётига, ўзлари фаолият кўрсатаётган жамият аста-секин бўлса ҳам таъсир қиласи. Шунинг учун «ташкилотлар жамоатчилик муҳити билан қандай муносабатда бўлиши керак, уларни ижтимоий жавобгар ҳисоблашлари керакми?» деган савол туғилади. Албатта қонунларни ва давлат томонидан бошқариладиган ресурсларни мөъёлларини бузмай фойдаланиш ташкилотларнинг ижтимоий жавобгарлигига ифодаланади. Бу томондан ташкилотлар иқтисодий мақсадларни кўзлашлари керак. Шу билан ўз фаолиятларида инсоний, иқтисодий-ижтимоий йўналишларни ҳисобга олиб, ташкилот жамоасига, жамиятга таъсирларини ҳис этишлари лозим, оқибатда иқтисодий-ижтимоий муаммоларнинг ечилишига ижобий ҳисса Кўшишлари мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда ташкилотларнинг самарали иқтисодий фаолият кўрсатишлари учун ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилган. Ташкилотлар ўз имкониятларини яхшилаш учун ҳар бир ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчининг хўжалик эҳтиёжларини қондириш, саноат корхоналари, ассоциациялар, транспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо ва бошқа ташкилотлар ихтиёрига берилган, бериладиган неъматлардан самарали фойдаланиши зарур.

Фаолият кўрсатаётган ташкилот ўзининг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш билан бирга жамият олдидаги қонунни бузмасликка жавобгар бўлгани учун ташкилот ўзининг маълум неъматлари ва кучларини иқтисодий, ижтимоий, ахборотли каналлар бўйича йўналтиришига мажбурдир. Ташкилот соғлиқни сақлаш, хавфсизликни таъминлашга, ходимлар ҳуқуқини, истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилишга жавобгар ҳисобланади.

Иқтисодий-ижтимоий масъулият муаммосининг марказида *шахсий қадрият*, маънавият, ахлоқ, уларнинг қондаларини бажарилиши ётади. Қонунга риоя қилиб, ташкилот фойдасини максималлаштиришига эришиш керак, деган ходимлар, аксарият фойданни ошириш қонунига риоя қилиб, иқтисодий самарадорликка эришиш мумкинлигини тушунадилар.

Замонавий ташкилотлар, маърифатли, ўз каёбини кент ва чуқур эгаллаган, юқори ахлоқ меъёрларига амал қилувчи раҳбарни талаб этади. Маърифат ва ахлоқ орқали ходимларнинг иқтисодий-ижтимоий муносабатларини, хулқини ўрганиш, ташкилот фаолиятида қўллаш жамоани катта муваффақиятларга олиб келади. Шу сабабдан бўлса керак, Ўзбекистон Президенти таъкидлайди: «Маърифатга интилиш халқимизнинг азалий фазилатларидан бири». Бундан ортиқ баҳо бериш қийин.

Ташкилот раҳбарияти истиқболли режалар ва устуворликни ишлаб чиқиш, мақсадга мувофиқ ташкилий бошқариш тузилмани топниши, самарали маълумот, ахборот узатиш тизимини яратиши, ахборотларга ишлов бериши. ташкилотда энг замонавий жиҳозлар ўрнатиш, ўта замонавий технологияларни ишлатиши мумкин. Аммо ташкилот аъзолари керакли даражада ишламасалар, ўз вазифаларини бажара олмасалар, жамоада ўзларини намунавий равишда тута олмасалар, меҳнатлари билан ташкилот мақсадларига эришишига, унинг бош вазифасини бажаришга ҳисса қўшишта интилмасалар барча имкониятлар йўққа чиқади.

Кадрлар тайёрлаш Миллый дастури тасодифан пайдо бўлгани йўқ. «Ишончим комил, — дейди И.А.Каримов, — агар кадрлар тайёрлашнинг Миллый дастури борасидаги ислоҳотни мувваффақиятли равищда амалга ошира олсак, тез орада биз ҳаётимиизда ижобий маънодаги «портлаш эфекти»га, яъни унинг самарасига эришамиз.

Кейинги йилларда академик лицейлар ва қасб-хунар колледжлари тизимига замин тайёрланди. 1999—2005 йилларга мўлжалланган дастур ва ҳукумат қарори амалга оширилмоқда. 2005 йилда Миллый дастурда белгиланган вазифаларни тўлиқ амалга оширишга эришамиз ҳамда ривожланишимизнинг иқтисодий-

ижтимоий шароитидан келиб чиққан ҳолда тегишли ўзгартиришлар киритиш мүлжалланган. Бу борада «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг иккинчи — сифат босқичи алоҳида аҳамиятга мойил.

Ва ниҳоят, 2005 йилдан кейин кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш жараёнини амалга оширамиз».

Ташкилотларда маҳсулот ёки хизмат кўрсатишини жамоанинг аъзолари бажаради, бунинг учун улар ихтиёрида маълум ресурслар мавжуд. Раҳбар, бошқарувчи ва мутахассислар айнан ўз қўллари билан қандайдир натурал маҳсулот яратмасаларда, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳақида билимлари кент. Раҳбар ва мутахассислар ўзларининг ғоялари, фойдали фикрлари билан маҳсулотларни яратишда қайси кўлам ва ҳудуддагигидан қатъни Назар олдинги қаторларда турадилар. Аксарият ҳолларда уларнинг хабарлари, маълумотлари, ахборотлари айнан ижрочиларга етказилиб, оқибат-сабабга айлантирилади, пировард натижага эришилади. Бу ерда маҳсулотни ишлаб чиқариша айнан қатнашувчилар меҳнатини аксарияти жисмоний бўлса, раҳбар ва мутахассисларнинг меҳнати — ақлий кувват сарфлайдилар. Уларнинг сонсаноқсиз меҳнатларининг унсурлари, операциялари, жараёнлари бирикиб катта бошқарув тизимини ташкил этади.

Бошқарув тизимининг унсурлари, операциялари, жараёнлари ўзаро бевосита ва бильвосита боғлиқ. Масалан, ташкилотда ишлаб чиқариш, техника, технология, иқтисодий, ахборотли ва бошқа шаклдаги бошқарув тизимлари намоён бўлади. Мавжуд бошқарув тизимларини ислоҳ қилиш, ахборот, реклама, электрон ҳисоблаш техникаси, интернет хизматларини ташкил этиш кадрлар тайёрлаш маркетинги ва менежмент билимларини чукур эгаллаш талаб этилмоқда.

Демак, барча масалаларни ечиш учун ташкилот раҳбарлари, ижрочилар келишилган ҳолда кам ресурс сарфлаб, оқилона ўз вақтида бажариб фаолият кўрсатиши муҳимдир. Шуни ҳам англаш ўринлики, ташкилот раҳбари ва мутахассислари иш жойидагина эмас, иш минтақасида фаолият кўрсатадилар. Бу дегани улар турли жойлардаги ижрочилардан маълумот, ахборот олиб, уларга яна кўрсатма ёки бошқарув ечими юборадилар. Шунинг учун уларнинг фаолият доираси кенг қамровлидир.

15.2. ТАШКИЛОТНИНГ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШ ШАРОИТИНИ БАТАФСИЛ ШАРХИ ВА УНИНГ РАҲНАМОЛАРИ

Ташкилот раҳбари жамоа аъзоларини бошқармоқ учун унинг ички дунёсини, ҳаракат манбаларини, оғишларини билиши лозим, унинг ички дунёсини ҳақиқий дунё билан ўзаро боғлиқлик тавсифини тушуниши керак.

Раҳбар ҳуқуқий ва ижтимоий тавсифдаги мажбуриятни бажарса, раҳнамо бўйсунувчиларнинг меҳнатидаги мойиллик ва фаоллиги учун масъул шахсадир. Улар ижтимоий ва руҳшуносликка онд илмларни билмасалар ходимларни бошқара олмайдилар, бу умумий хусусият.

Ташкилот фаолиятини бошқаришда раҳбар шахснинг ҳамма қирраларини ўрганиши лозим. Раҳбар гўёки катта ансамблни бошқарувчи дирижёрга ўхшайди. Дирижёр ҳар бир чолғувчини билиши керак.

Ташкилот мустақил хўжалик фаолияти юритишида маълум тафаккур тарзи, алоҳида усул ва матлум кўринишида хўжалик юритиш ҳукуки, усуllibарини билувчи раҳбарга муҳтоҷ. Раҳбарнинг йўналиши, ҳар томонлама тайёрлиги, умумий, маҳсус қобилиятлари мустақил хўжалик юритишга нисбатан алоҳида ижодий муносабатда, ташаббуснинг эркин кўринишида, доимо янгиликка ингилишида, ечимлари ва имкониятларининг ноанъанавий йўлларини қидиришида, фаолият доираси, кўламини кенгайтиришида, энг муҳими таваккалчиликка тайёргарлигида, уни енгиш усуllibарини қидиришида намоён бўлади.

Ташкилотнинг фаолият кўрсатиш шароитини тўлиқлигича шарҳлаш имкони чекланган. Чунки ташкилот бажарилиши лозим бўлган ишларнинг турлари, расмий ва норасмий гуруҳлар, норасмий раҳнамолар билан ўзаро муносабатларда бўла билиш, тадбиркорлик ҳис-түйғусига эта бўлиш, касбий тайёрланган мутахассисларни танлаш, уларни ўз лавозимларига жойлаштириш, ходимларни самарали бошқариш, давлат томонидан ташкилот фаолиятини тартибга солиш, илмий асосланган илғор усуllibарни ташкилотнинг амалий фаолиятида ишлата билиш, илмий-техник тараққиёт ютуқларини ташкилот фаолиятида қўллаш, бошқарув ходимларини тайёрлаш, бозор муносабати шароитида самарали фаолият кўрсата олиш, меҳнатни оқилона тақсимлаш, жараёнлар ва тизимларни ташкил қила олиш, ижодкор бўлиши ҳам, технология ва режалаштиришни ташкил эта билиш, ташкилотда самарали ахборот узатиш, замонавий жиҳозлар ўрнатиш, ташкилот фаолиятининг ҳақиқий натижалари ҳақида маълумотларни йигиш, ишлов бериш, таҳдил қилиш, бизнес-режа ва таъминот, молиялаш ва бизнес-режа, нархни шакллантириш, қарз олиш ва шу кабиларни вазифалаштира билиш, маҳсулотларни танлай билиш, ресурсларни оптимал миқдорда таъминлаш, ташкилот фаолиятида маҳсулот ва жараёнларнинг стандартларини ўрнатиш, бозор иқтисодиётидаги муаммоларнинг барчасини бозор қонунларига бўйсунган ҳолда ҳал этиш, ишлаб чиқариладиган, ҳарид қилинадиган маҳсулот ҳажмларини башорат қила билиш, талаб ва таклиф қонунларини ташкилотнинг фаолиятидаги устувор йўналишларини танлаш кабилар ҳақида атрофияча таҳдил қилиниши мумкин. Буларнинг барчасини батажаси шарҳлаб ўтиш шарт эмас деб ҳисоблаймиз, чунки аввалги мавзуларда маълум даражада улар ҳақида маълумотлар баён этилган. Лекин, ҳозир уларнинг раҳнамоларга хос бўлган томонларини шарҳлаб ўтишга ҳаракат қилинади.

Раҳнамолик — бу индивидуумга ва одамлар гуруҳига таъсир эта олиш қобилияти бўлиб, мақсадларга эришиш учун уларни ишлашга ундан олишдир. Демак, раҳнамо бўлиш учун бошқарувчи ўзини қандай тутиши керак? Бу мураккаб савол.

Раҳнамолик назарияси раҳнамоликнинг қайси тавсифи энг самарали экан ва нима учунлигини аниқлашга, олдиндан айтиб беришга ҳаракат қиласи.

Бунга уч хил ёндашиш маълум: шахсий сифат нуқтаи назаридан ёндашиш; хулқий ёндашиш, ҳолатий ёндашиш.

Раҳнамоликнинг шахсий назариясида маълум даражада яхши одатлар мавжуд бўлади. Бунинг белгилари — бу ақл ва билим даражаси, ташқи қўриниши яхши фикр қолдириши, маҳорати, ҳалоллиги, ўткир зеҳни, фаоллиги, маълумоти, ўзига ишонишининг юқори даражадалиги.

Хулқий ёндашиш — бунда раҳбарнинг шахсий сифатига эмас, балки бўйсунувчиларига нисбатан унинг хулқий муомаласига қараб аниқланади.

Замонавий омиллар қандай хулқли одатлар, шахсий сифатлар қандай ҳолатларга мос келишини аниқлашга уринмоқдалар. Уларнинг фикрича, ҳар хил ҳолатлар ҳар хил ташкилий бошқариш тузилмаларини талаб этса, муайян ҳолат тавсифидан келиб чиқиб раҳбарият ҳар хил раҳбарлик усусларини қўллашлари мақсадга мувофиқ. Бу дегани, раҳбар-раҳнамо ҳар қандай ҳолатда ўзини тута билиши керак.

Ҳолатни аниқ баҳолаш учун раҳбар, раҳнамо бўйсунувчиларининг ва ўзининг қобилиятини, масаланинг табиатини, эҳтиёжини, ваколати, маълумот сифатини жуда яхши кўра билиши лозим. Раҳбар, раҳнамо мулоҳазаси қайта баҳолашга, агар керак бўлса мос равишда ўз одатини ҳам ўзгартиришга доим тайёр бўлиши керак.

15.3. ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИНИНГ МАҲОРАТЛИ ТАШКИЛОТЧИ БЎЛИШИГА ИНТИЛИШИ

Ташкилотларда маҳсулотларни жамоа аъзолари ишлаб чиқарадилар, бунинг учун улар ихтиёрида маълум ресурслар мавжуд. Мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш эса ташкилотнинг истиқболини белгилайди.

Ташкилот раҳбарлари (бош раҳбар ёки менежмент, менежерлар, мутахассислар) айнан ўз қўллари билан қандайдир натурал маҳсулот яратмасаларда, маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёни ва тизими ҳақида билимлари, қўнікмалари, малакалари, маҳоратлари, қобилияtlари, истеъдодлари ижрочиларга нисбатан анчагина кенг. Раҳбар, менежер ва мутахассислар ўзларининг фоялари билан, фойдали, керакли фикрлари билан маҳсулотларни яратишда қайси кўлам ва ҳудуддалигидан қатъи назар олдинги қаторларда турадилар. Аксарият ҳолларда уларнинг ахборотлари, ечим қабул қилишлари орқали маълум натижага эришиш мумкин. Бу ерда маҳсулот ишлаб чиқаришда айнан қатнашувчilar меҳнатига аксарияти жисмоний бўлса, менежмент, раҳбар, менежер, бошқарувчи ва мутахассислар меҳнати физиологик жараёнда қатнашиш ифодаси орқали кувват сарфлайдилар.

Ишлаб чиқариш жараёни ва тизими ўз таркибида ташкил этиш, талаб ва таклифни ўрганиш, ҳисоблаш, излаш ва изланиш, лойиҳалаштириш, режалаштириш, назорат қилиш, мувофиқлаштириш, рағбатлантириш, ечим қабул қилиш, ахборот алмашиш, пайдо бўлган келишмовчиликларни бошқариш, меҳнат ресурсларини самарали бошқариш, расмий ва норасмий ташкилотларни бошқариш каби қисм ва операциялардан иборат.

Масалан, мәжнатнинг ақлий жараёнларини ташкил этиш, режалаштириш, таҳлил қилиш, ҳисоблаш учун унинг унсурларини мөъёрлаш лозим, мөъёрларни белгилаш, уларга иш ҳақи тўлашни ташкил қилиш, мәжнат тақсимоти ва кооперациясига эътибор бериш, мәжнатнинг илфор усул ва услубларини такомиллаштириш, уларни энг муқобилини жорий қилишни ташкил этиш, илфор, тежамли тажрибаларни оммалаштириш, мәжнат шароитини яхшилаш, мәжнат интизомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш унсурлари, операциялари ва жараёнларини ҳисобга олиш, иш вақти сарфини, мәжнат воситаларидан фойдаланиш вақтини белгилаш каби раҳбар, менежер ва мутахассисларнинг сон-саноқсиз мәжнатларининг унсурлари, операциялари ва жараёнлари борки, улар бириниб катта бошқарув тизимини ташкил этади, бошқарувчилардан катта билим, таълим, илмий билим, маънавий қобилият, билиш воситаларидан фойдалана билиш, кўникма, узлуксиз малакасини ошириш ҳисобига истеъоди ва қобилияти ривожланади, маҳоратли устоз даражасига етишади.

Ҳар қандай мулкдор, ташкилот этаси, раҳбари ёки менежменти ўз корхонасини катта тезлик билан ижтимоий-иқтисодий ривожланишини истайди. Бироқ бу иштиёқ осонгина қўлга киритилмайди. Юқорида таъкидланган муаммолар қаторида яна шундай мураккаб ташкилий бошқарув борки, у раҳбардан катта ижодий ечимлар талаб қиласи. Масалан, ташкилотни бошқаришдаги мәжнат ҳажми ва мураккаблигига қараб мәжнатни тақсимлаши, бошқариш ишларини ихтисослаштириш, ҳар хилини комбинация қилиш узлуксиз давом этадиган жараёнлардан. Шу боис ташкилотларни қўйидаги босқичларга ажратилгани маъкул:

— бошқариш ҳажми катта эмас, бошқариш ҳаракатининг мураккаблиги баланд эмас, ишлаб чиқариш вазифасини ижро этаётган ходим (бригадир, оилавий корхона бошлиғи) бошқаради;

— бошқариш ишларининг ҳажми ишлаб чиқариш вазифасидан озод этилган маҳсус ходим (қисм бошлиғи, уста, кичик корхона раҳбари) ажратишни тақозо этади;

— бошқариш бўйича ишлар ҳажми шу даражада ортиб кетадики, унда маҳсус ходимлар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш зарурияти пайдо бўлади ва оқибатда чизиқли иерархия (усталар гуруҳлари устидан цех бошлиғи) пайдо бўлади;

— бошқариш ишларининг ҳажми ва мураккаблиги доимий ўсиб бориши бошқариш ходимларини маълум вазифани бажаришга ихтисослашишни талаб қиласи, бошқаришда мутахассислар: режачилар, ҳисобчилар, назоратчилар пайдо бўла бошлайди;

— маҳсус ишлар билан шугулланувчи, умумий вазифалар ва ходимлар сони бўйича ишлар ҳажми ортади, улар кучини ўзаро мувофиқлаштириш талаб қилинади. Мутахассислар учун бошлиқقا эҳтиёж пайдо бўлади (бош ҳисобчи, менежер);

— бошқариш фаолиятининг ривожланиши бош раҳбар остида функционал бирлашиш ва чизиқли иерархияга олиб келади. Раҳбарлик ихтисослашган

фаолият күрнишига айланади (ташкилот менежменти, директори, раиси, президенти).

Аслида бу босқичлар бир вактда пайдо бўлиб, маълум ташкилий ифоданинг ҳар хил вазифалар ва бўлинмалар тузилишининг күрнишида бўлади. Ана шундай ҳолатларни чукур англаган, жамоа аъзоларини ижобий мақсад сари йўналтира олиш каби белгиларга эга бўлган қобилиятли, ижтимоий, руҳий, педагогик, иқтисодий, касбий, техник ва технологик фанларни ўзлаштиришга иштиёки баланд раҳбаргина рақобатбардош корхонани яратади. Шу билан бирга унинг ўзида ҳаракатта келтирувчи ақлий ва жисмоний хоҳиш кучи, мойиллиги, ташкилотчилиги бўлиши лозим.

Меҳнат жараёнини (у ақлий меҳнат бўладими, жисмоний меҳнат бўлади барибири) ташкил қила олиш ва тадбиркорлик ҳис-тўйгусига эга бўлган, касбий тайёрланган мутахассис даражасига стишган кишигина ташкилотчилик қила олади. Бундай қобилият орқали ташкилот жамоаси аъзоларига таъсир эта олади, ташкилот ўз олдидағи мақсадларига эришиши учун уларни ижобий фаолиятга ундан олади. Шулар билан бирга ташкилотчи кўпгина илмий унсурларни ташкилот фаолиятида ишлата биладиган ижодкор бўлиши зарур. Ташкилотчининг меҳнат фаолияти ижтимоий, руҳий, педагогик, иқтисодий, касбий ва бошқа фанлар билан боғлиқ. Ташкилотчилик қобилиятига эта шахс ташкилотчи дейилади.

Ташкилотчилик фаолияти ўкув-тарбия жараёнини, илмий фаолиятни, ишлаб чиқариш жараёнини ва хизмат кўрсатишни аниқ режалаштириш, башорат қилиш, меҳнат ресурсларини бошқариш (ходимлар бўлими, меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёжни режалаштириш, ишга одам олиш, танлаб олиш, иш ҳақи имтиёзларини аниқлаш, касб танлаш ва мослашув, таълим бериш, меҳнат фаолиятини баҳолаш, раҳбар ходимларни тайёрлаш, юқори лавозимга кўтариш, пасайтириш...), ташкил этиш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш, маркетингли тадқиқ қилиш, меҳнатни тақсимлаш, таҳлил қилиш, ҳисобга олиш кабиларни уддалашда намоён бўлади. Демак, ташкилотчилик қобилиятининг бу тури бўйсунувчи ходимларининг фаолияти билан бир қаторда ўз хусусий фаолиятини ҳам ташкил этишини тақозо этади: вактдан унумли фойдаланиш, якка ёки гурухли шаклда иш олиб бориш, бўйсунувчиларнинг ёки билим олувчиларнинг мустақил ишлашини ёки таълим олишини таъминлаш ва ҳоказо. Мутахассисларни аниқлашicha, ташкилотчилик қобилиятин гностик (билишга оид) ва конструктив қобилиятлардан фарқли ўлароқ ёш ўтган сари пасайиб боради.

Қобилиятлар тузилмасини ташкил этадиган шахс хислатлари ва хусусиятлари орасида баъзи бир етакчи ўринни эгалласа, баъзи бирлари ёрдамчилик ролини ўйнайдилар. Жумладан, раҳбарлик, педагогик, ташкилотчилик қобилиятлари тузилишида раҳбарликга хос ҳалоллик, холислик, педагогиклик одоби, кузатувчанлик, бўйсунувчиларига хурмат ва муҳаббат, уларга нисбатан юксак талабчанлик билан кўшиб олиб бориладиган билимга эҳтиёж, ёрдамчилик тарзида шулар жумласига кирадиган бир қатор ташкилотчилик қобилиятлари мажмуаси ва бошқалар етакчи фазилатлар

ҳисобланади. Ёрдамчи фазилатларга күйидагилар киради: нотиклик, маҳорат билан ҳаракатларни ижро этиш, санъаткорлик маълумотлари ва бошқалар. Мутлақо равшанки, раҳбарлик қобилиятлари ҳам етакчи, ҳам ёрдамчи унсурлари таълим ва тарбиянинг муваффақиятини таъминлайдиган бирликни ҳосил қиласи, шу билан бирга раҳбар шахс, унинг хусусиятлари билан боғланган индивидуаллаштириши ташкил қиласи.

Ташкилотчи ишбилармонга қандай иш юритишни ўргатади, янги бошқариш тафаккурини шакллантиради, бошқаришнинг вазифалари, ташкилий тузилмаларини бошқариш масалаларини амалга оширади. Улар ечадиган масалаларнинг кўлами ўта кенг ва бир хил эмас. Шунинг учун ҳам раҳбар катта салоҳият, қобилият эгаси бўлиши лозим.

Хаддан ташқари ташкилотчилик қобилияtlарига эга киши ташаббускорлик, талабчанликни ҳам оқилона қўшиб олиб борганида, одамларга нисбатан меҳрибонлик, диққат-эътибор, ихтирочилик, жамоа олдида масъулиятни чуқур ҳис қила билиш, шахсий жозиба каби хусусиятларни кўриш мумкин.

Шафқатсизлик, ўз жамоасидаги ҳар бир аъзонинг заиф томонларига тега билишга тайёрлик, уддабуронлик, амалпарастлик, доимий фурурлик билан қўшилиб кетган бебош дадиллик ва бошқаларга эга шахс ҳам ажойиб ташкилотчи бўлиши мумкин. Бироқ ижтимоий, иқтисодий, саноати ривожланган жамоада бундай ташкилотчиликни истиқболи узоқ давом этмайди.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ташкилотчилик имкониятлар, шахснинг функционал тизими, индивидуал хусусиятлари, ташкилотчилик қобилиятынинг индивидуал диапазони, индивидуал услублари каби механизмлар билан иш юритишни ўргатади, янги бошқариш тафаккурини шакллантиради. Шу билан бирга шахснинг ўзида иштиёқ бўлади. Ташкилотчилик қобилияtlарининг мажмуаси кўйидаги 15-чизмада келтирилган.

Қобилияtlар кишининг шундай психологик хусусиятларидирки, билим, кўникма, малака ортириш шу хусусиятга боғлиқ бўлади, лекин шу хусусиятларнинг ўзлари мазкур билим, кўникма ва малакаларга таалуқли бўлмайди. Акс ҳолда синонда баҳоланган киши қобилияtlари тўғрисида қаттий хуласа чиқариш имконини берган бўлур эди. Демак, қобилияtlар билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш билан боғланниб қолмайди, улар билимлар, қобилияtlар, кўникмалар, малакалар айнан бир-бирига ўхшаш эмас. Малака, кўникма, билимларга нисбатан кишининг қобилияtlари қандайдир имконият сифатида намоён бўлади, кишининг қобилияти бу билимлар, кўникмалар ва малакаларни эгаллаш учун имконият ҳисобланади, холос. Бу билим, кўникма ва малакалар эгалланадими ёки эгалланмайдими, имконият ҳақиқатга айланадими ёки йўқми, буларнинг ҳаммаси кўплаб шароитларга боғлиқ бўлади. Шарт-шароитлар жумласига, масалан, қўйидагилар киради:

— теварак-атрофдаги одамлар (оилада, мактабда, меҳнат жамоасида) билим ва малакаларни эгаллаб олишдан манфаатдор бўладими ё йўқми;

Ташкилотчилик қобилиятларининг мазмани ва уларнинг ўзаро боғликлеклари

Ташкилотчилик имкониятлари	Ташкилотчи шахсийиғ фузиониял тизими ва индивидуал хусусиятлари	Ташкилотчилик қобилиятларининг индивидуал диапазони	Ташкилотчилик фолиатини амалга оширишдаги индивидуал услуглар
Ташкилотчилик фолиати, ижтимоий-рухий таъбати: тажриба, кўнкімма, малака, билим, ҳисстайтуғу, ақлийдор, қобилият ва ш.к.	Ташкилотчилик тизимиди умумий (мураккаб тузилмага эга бўлгак руҳий фазилатлар йигинди), маҳсус (педагогик, адабий, муҳавидислиқ, математик ва ш.к.) ва индивидуал хусусиятлар, шахснинг йўналиши, тайёрлиги, қобилиятлари	Кент қамровли индивидуал диапазоннинг умумий қобилиятлар билан боғликлиги: А. Томур, А. Навоий, И. Сино, Улуғбек, Аристотель, да Винчи, Гете, Ломоносов, Пушкин, Толстой ва ш.к.	Ташкилотчининг түрух аъзоларига таъсир кўрсатишларига индивидуал (авторитар, демократик ва либерал) одатлари
Ташкилотчи ва раҳдами: самаралин раҳбарнинг натижаси = тайёрлиги-хоҳини-бильармонлиги Н-Т-Х-Б	Ташкилотчиликка цўноқлик: асаб тизимининг кучи, нисбати, физиологик хусусиятлари	Ташкилотчилик қобилиятларининг ёнга боғлиқ танловчанинига ва чекланганлиги: болалик ёши, фолијлик, замононалигига, моторика	Шахснинг типологик (бадий фикрловчи ва ўрга тоифларин) ва характерологик (френология ёки Галл таълимоти бўйича шахснинг сифати аниqlанади – бош суюқларининг мияқаварикларига мослиги ва униятропологик таълимотда исботланганлиги) сифатларининг бошқарув услубига алоқадорлиги: шахснинг ташки тавсифига киёфаси унинг ташкилотчилик мазмумот берга оймайди
Ташкилотчилик орқали инсон қулғига ва бошқарниң даражасини ониклаш	Ташкилотчининг ўзига хос хусусиятлари: руҳий таниловчаник, ақлийнинг амалий йўналтганлиги, педагогик такт, жамоат фолијитиди жонбозлиги, талабчаник, таникдий муносабат, ташкилотчиликка мойлилик	Эмпатия (ўзига бошқалар назаридан карашиб) ва ҳамдардлик, уларни тушуниш ҳисларининг тарбияланганлик даражаси ва ташкилотчилик	Ижтимоий йўналтирилганлик ва аҳамиятли шахс сифатларини тарбиялашнинг аҳамияти

Ташкилотчиликдаги динамик ва ётилувчан услубнинг шахс темпераменти ва тавсифи, хусусиятларига боғлиқлиги

15-чизма. Шахснинг ташкилотчилик қобилиятлари мажмуаси ва уларнинг мазмани

— унга қандай таълим берадилар, ана шу малака ва кўнималар керак бўладиган, мустаҳкамланадиган меҳнат фаолияти қандай ташкил этилади ва ҳоказо.

Фаолиятнинг мазмуни уни келтириб чиқарган эҳтиёж билан белгиланмайди. Фаолият билиш ва ирода билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларга таянади, билиш ва иродавий жараёнларсиз юз бериши мумкин эмас.

Фаолиятда киши ўз ички хусусиятларини ишга солиб, намоён қилиб, нарсаларга нисбатан субъект сифатида, одамларга нисбатан эса шахс сифатида гавдаланади. Ўз навбатида уларнинг жавобий таъсирини ҳис қилган ҳолда, у шу йўл билан одамларнинг, нарсаларнинг, табиат ва жамиятнинг ҳақиқий, объектив, муҳим хусусиятларини билиб олади. Унинг қаршисида нарсалар мавжудотлар сифатида, одамлар эса шахс сифатида гавдаланади.

Шахснинг ижтимоий камолатга эришувига ёрдам бералиган ҳаракатлантирувчи кучлар: теварак-атрофдаги одамларнинг бевосита таъсири (социогенитик) ва наслий (биогенитик фоя). Шу боис мафкура, яъни ижтимоий оғигнинг сийсий, ҳуқуқий, диний, фалсафий ва социал-ахлоқий ғоялар тизими сифатида майдонга чиқади. Ижтимоий гуруҳларнинг, биринчи навбатда синфларнинг дунёқарашига оид ғоялари ва қарашларининг тизими бўлиб, мазкур тизим уларнинг туб қадриятлари, манфаатлари, жамият тараққиёти ва ўзаро ҳамжиҳатлигининг эҳтиёжларини, шу ғоялар ва қарашларни амалга ошириш йўлидаги фаолият шакл ва усулларини белгилаб берадиган ижтимоий оғиг даражасини акс эттиради. Шахснинг ҳиссий иродавий муҳити: ҳис-туйғулар, ирода.

Халқнинг таникли меҳнат кишилари ҳам ўз вақтида қобилиятларини юксак босқичга, яъни *истеъодод* (қобилиятлар йигиндиси) даражасига кўтаргандар. Истеъодод ўзининг умумий ва маҳсус фазилатлари йигиндиси билан, юқорида айтиб ўтилганидек, ижодий ютуқлар имкониятидан бўлак нарса эмас, у маҳоратнинг дастлабки шарти бўлиб, аммо *маҳоратнинг* асло ўзи эмас. Уста бўлиб етиш учун кўп меҳнат қилиш керак. Истеъодод меҳнатдан озод қilmайди, балки жуда катта ижодий, зўр меҳнатни талаб қиласди. Бутун инсоният кўз ўнгиди шубҳасиз истеъододли бўлиб кўринган кишилар ҳамиша истисносиз меҳнат арбоблари бўлиб кўринган. Меҳнат туфайлигина улар оламга таникли бўлганлар, машхур маҳорат даражасига эришганлар.

Меҳнат жараёнида ҳаётий тажриба, малака ва кўнималарнинг зарурий мажмуаси ортирилади. Бунингсиз ҳеч қандай ижодиётнинг бўлиши мумкин эмас.

Ижодий фаолият жараёнида кучларнинг алоҳида кўтаринкилик пайтлари *илҳомланишининг* психик ҳолати муҳим аҳамият касб этади. У азалдан истеъодонинг ажралмас ҳисеми ҳисобланади. Ижодий фаолиятда меҳнатга унинг асосини ташкил қилувчи илҳомланишини қарама-қарши кўйиш учун ҳеч қандай асос йўқ.

Агар истеъодод имконият бўлса, у ҳолда маҳорат ҳақиқатга айланган имконият, демакдир. *Ҳақиқий маҳорат* киши маҳоратининг фаолиятдаги кўринишидир. Маҳорат факат тегишли малака ва кўнималар йигиндисидагина

очилиб қолмасдан, балки *пайдо бүлган вазифаны ижодий тарзда ҳал этиш* учун зарур бүлган истаган меңнат жараёнида малака ҳал этишига *психологик жиһатдан тайёргарлыкда ҳам очилади*. Адолатли равишда шундай айтишади: «Маҳорат — бу шундай бир ҳолки, унда *нима* ва қандай қилиш керак деган муаммо бир вақтда келади». Бу билан ижодий вазифанинг мөҳиятини тушуниш, уни ҳал этиш усуулларини топиш ўртасидаги тафовутни йўқотиш маҳорати таъкидланади.

Ўз ишининг маҳоратли устаси бўлишга интилиш жамиятимиз қишисининг меңнат фаолиятида мұхим аҳамиятга эга бўлган мотив ҳисобланади.

Ҳақиқий раҳбар ходимларни камолатта етказиш учун ўз маҳоратини ва қобилияtlарини ишга солади. Раҳбар ҳар бир ходими билан ўзаро мuloқотда унга таъсир этга борган сари ходимлар ишда қандайдир фойда олиш ҳақида ўйласа, ақллироқ бўлиб, ишига, ўзига ишончи орта борса, раҳбарнинг иш йўналиши, умумий ва маҳсус қобилияtlари таъсири қониқарли бўлади. Раҳбар ҳар бир ходими билан ўзаро таъсир этгач, ходим нимадир фойда олиши керак, ҳар бири ишдан қайтганда ходимлар бироз бўлса-да ақллироқ, ишга, ўзига ишончлироқ, ўз қасбига санъаткорроқ бўлиб ўйига қайтсан. Мана шунда раҳбарнинг йўналиши, тайёрлиги, умумий ва маҳсус қобилияtlари таъсири қониқарли бўлади.

Ташкилотчи, раҳбар шахс тизимида умумий ва маҳсус қобилияtlарга келганда қўйидагиларга эътибор берилиши лозим.

Инсон эгаллаб оладиган фаолият (меңнат, мұхандислик, бошқарувчилик, иқтисодчи, ўқиши, спорт ва б.) унинг руҳий фазилатларига (ақлий хусусиятларига, эмоционал-иродавий соҳаларига, сенсомоторикасига) юксак талаблар кўяди. Бу талабларни қандайдир битта сифат, ҳатто у тараққиётнинг жуда юксак даражасига эришган бўлса ҳам, қондира олмайди. Алоҳида олинган битта руҳий хусусият фаолиятнинг юксак маҳсулдорлигини тъминлай олади, умумий қобилияtlарнинг эквиваленти сифатида намоён бўлади, деган фикр илмий ҳақиқатга тўғри келмайдиган фикрdir. Қобилияtlар мураккаб тузилмага эга бўлган руҳий фазилатлар йигиндисидан иборатdir.

Бошқарувчилик, ташкилотчилик, қасбий, иқтисодий, мұхандислик, конструкторлик, педагогик, математик, тиббий, адабий, мусиқий ва шу каби қобилияtlар тузилиши ўзига хос тавсифга эгадир. Ҳатто бир компонентларни бошқалари билан компенсация қилиш, алмаштириш борасида кенг имконияtlар мавжудлигини эътиборга оладиган бўлсак, таълим жараёнида қобилияtlарни ҳисобга олишга даъват этилган, агарда улар йўқ бўлиб қолганда ёки етарли даражада ифодаланмаган тақдирда зарурий сифатларни таркиб толтирадиган педагог учун профессионал ёки маҳсус қобилияtlарнинг ўзига хос тузилишини билиш жуда ҳам мұхимdir.

Раҳбарнинг камол топиши фақатгина ўзи, оиласи, меңнат жамоаси учунгина эмас, балки мамлакат, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳам улкан ҳисса қўшиши лозим. Биз бу ерда бир вақтда ижтимоий қасб, ижтимоий-ташкилий бошқариш, ижтимоий-сиёсий ва мағкуравий муносабатларни кўрамиз. Жамоа, жамоа орқали ташкилотчи шахс

ўзининг ҳар томонлама шахсий, ўзига хос хусусиятларини ривожлантириш имконига эга бўлади. Булар эса ўз навбатида меҳнат жамоасини маҳсус тугунга айлантиради, муҳим жамият боғловчилари қуюқлашади, ижтимоий организм кўринишини олади.

Ташкилотда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши, ходимларнинг эҳтиёжи мураккаблашиши замонавий жамоани юқори ҳаракатчан, талабчан ижтимоий, талабчан тизимга айлантиради. Булар ўз навбатида ташкилотчи раҳбарнинг тараққий этишига янги талаблар қўяди, бу талаблар бошқаришга ҳам қўйилади. Бунда бошқариш муштарак бўлиши керак, айниқса, ташкилотчи раҳбарнинг ўзига хос хусусиятлари камол топиши шарт.

Ташкилот раҳбарларининг ташкилотчи бўлишида унинг жисмоний ривожланишига, ижтимоий камолатга этишига, индивидуал-психологик хусусиятларининг шаклланишига, жамиятда тутган ўрнини кўтаришга, айниқса, ишлаб чиқаришдаги воситаларга мулкчилик муносабатини тараққий этиришга иштиёқи ва мойиллиги замонавий ривожланиш талаб этган дараҷада бўлиши лозим. Шунинг учун жамият ҳаётида ташкилотчи бўлишга интилғаннинг фаоллиги ва унинг ривожланганлиги долзарб омиллардан биридир. Дунёга келган «тумса» қобилияtlар диапазони борган сари торайиб боради, ҳаёт ва фаолият диапазонида эса қобилияtlар борган сари кентайиб боради. Оқибат натижада ташкилотчилик, маҳорат, раҳнамолик, шонрлик, санъаткорлик, конструкторлик ва бошқа тарздаги алоҳида «олий» қобилияtlарнинг тақдири каби ривожланади.

Демак, билим, кўникма, малака, маҳорат, қобилияtlар ва истеъододларни шакллантириш муаммоси катта ижтимоий, иқтисодий ва давлат аҳамиятига эга бўлган долзарб муаммодир. Бунда ҳамма шаҳсларда қобилияtlарни ҳар томонлама ривожлантириш, ташкилотнинг фаолиятини ташкилий бошқаришда раҳбарнинг бошқарув қобилияtlарини ривожлантириш каби вазифаларига қарама-қарши қўйилмайди.

15.4. ТАШКИЛОТНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛИЙ БОШҚАРИШДА РАҲБАРНИНГ БОШҚАРУВ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ижтимоий, иқтисодий, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш, бошқариш, молиялаш каби фаолияtlарни ташкил этишда барча имконияtlар, тўпланган тажрибалар, миллий ходимларнинг тафаккурлари, маънавияти, миллий эътиқодига ўхшац омиллар мамлакат бойлигига ва улардан фойдаланишни бошқаришда ўта фойдалидир. Чунки кишилик жамияти ривожланиб борар экан, инсонларнинг маънавий неъматлар ва хизматларга бўлган эҳтиёjlари тўхтовсиз ортиб боради.

Ижтимоий-иқтисодий фаолият жамиятдаги, жамоалаги, оиласдаги юриштуриш тамоилилари, инсон акт-заковатининг ёки бошқача ифодалаганда табиий интеллектнинг талабларини қондириш. менежмент, раҳбар, мутахассислар, ижрочилар билан муносабатда бўлиш, бир тизим доирасида

фаолият кўрсатаётган ходимлар орасида ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий, руҳий, тарбиявий муносабатлар ўрнатиш каби мухит билан қуршовда. Шу боис ҳам ахлоқ, ҳулқ каби умумий йўналишларни ажратиб қараш мақсадга мувофиқ.

Ижтимоий фаолият марказида ахлоқ, ҳулқ, маънавият, шахсий қадрият ва уларнинг қоидаларини бажариш ётади. Шарқона урф-одат, анъана, ҳулқ-авторни бошқаришга тайёрлик, меҳрибон ва хушмуомалалик, оғир шароитда ҳам ўзини тута билиш, нимани қилиш мумкин, нимани қилмаслик керак деган саволларга ижтимоий нуқтаи назардан ёндаша олиш каби ахлоқ мезёrlари ҳисобланади. Ахлоқ жамият томонидан бошқарилади. У орқали кишиларнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларини, ҳулқини ўрганиш, ташкилот фаолиятида кўллаш жамоани катта муваффақиятларга олиб келади.

Ҳулқ – шахснинг фаолият ва муаммоларда таркиб топадиган, намоён бўладиган барқарор индивидуал ҳусусиятлари бўлиб, индивид учун типик ҳулқ-автор усулларини юзага келтиради. Ҳулқ давлат органлари томонидан бошқарилади, тартибга солинади. Кишининг ҳулқини иродаси, ҳис-туйгулари, ақллилик, енгилтаклиқ, эмоция, шубҳалик, олийҳимматлилик, саховатлилик, кек сақлаш кабилар белгилайди.

Ташкилотлар самарали фаолият кўрсатишлари учун ходим марказий фигура бўлса, унинг ижтимоий имкониятини яхшилаш учун ҳар бир ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчининг хўжалик эҳтиёжларини қондириш ва ташкилотлар, ассоциациялар, агентликлар, компаниялар, уюшмалар ва бошқа қатор ташкилотлар ихтиёрига бериладиган неъматлардан самарали фойдаланиш зарур.

Фаолият кўрсатаётган ташкилот ўзининг самарадорлигини таъминлаш билан бирга жамият олдида қонунни бузмасликка жавобгар бўлгани учун ташкилот ўзининг маълум неъматлари, кучларини ижтимоий каналлар бўйича йўналтиришга мажбурдир. Ташкилот соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни таъминлашга, фуқаролар ҳуқуқини, истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилишга жавобгар ҳисобланади.

Замонавий бошқариш маърифати, ўз касбини кенг ва чуқур эгаллаган, юқори ахлоқ меъёrlарига амал қилувчи раҳбарни талаб этади. Маърифат ва ахлоқ орқали кишиларнинг иқтисодий-ижтимоий муносабатларини, ҳулқини ўрганиш, ташкилот фаолиятида кўллаш жамоани катта муваффақиятларга олиб келади.

Ташкилот раҳбарияти ажойиб режалар ва устуворликни ишлаб чиқиши, энг мақсадга мувофиқ тузилмани топиши, самарали узатиш тизимини яратиши, ахборотларга ишлов берishi, ташкилотда энг замонавий жиҳозлар ўрнатиши, ўта замонавий технологияларни ишлатиши мумкин. Аммо ташкилот аъзолари керакли даражада ишламасалар, ўз вазифаларини бажара олмасалар, жамоада ўзларини намунавий равишда тута билмасалар, меҳнатлари билан ташкилот мақсадларига эришишига, унинг бош вазифасини бажарилишига ҳисса қўшишга интилмасалар; барча имкониятлари йўққа чиқади.

Ташкилот фаолиятини бошқаришда раҳбарнинг вазифаси қанчалик мураккаброқ, табақалашганроқ бўлгани сари, раҳбарлик қилиш олдида ҳар қандай вазифа ичида ҳам, вазифалараро йўналишда ҳам бошқаришни такомиллаштира олиш вазифаси туради.

Натижада бошқариш вазифасидан аста-секин бошқаришни такомиллаштиришнинг мустақил вазифаси сифатида хусусий вазифа ажralиб чиқади – бу ташкилий бошқаришда раҳбарнинг бошқарув қобилиятларини ривожлантириш, яъни маркетингда, режалаштириш, назорат қилиш, тақсимлаш, таҳтил қилиш, синтез қилиш, ҳисобга олиш, сармояни излаш, оқилона фойдаланиши, ҳом ашёни харид қилиш, маҳсулотни сотиш ёки алмаштириш, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш кабиладир.

Бунда ходимларни бошқаришининг мақсади самарали ва маҳсулдор ишилаши учун уларнинг қобилиятларини ривожлантиришга кўзғотишидир. Ходимнинг ташкилий бошқариш қобилиятларини ривожлантириш (ТБҚР) омиллари 16-чизмада келтирилган.

ТБҚРнинг асосий омилларидан бири ташкилот жамоасининг ижтимоий тараққиётини илмий усул асосида бошқаришдир.

Жамиятнинг тараққиёт қонуни давлат, жамоа, хусусий ташкилотларнинг иқтисодий имкониятларини оширади. Шунга мос равиша жамиятнинг иқтисодиётта талаблари ортади, унинг барча бўғинларини ўзаро боғлиқлиги кучаяди.

Бозор муносабати шароитида илмий-техника, технологик-ташкилий тараққиётлар кенг миқёсли тавсифга эга бўлади. Аввало уларнинг асослари ўта сезиларли фарқ қиласди. Технологик-ташкилий ва илмий-техник тараққиётларнинг ўсиш суръати ижтимоий тузумнинг тавсифига боғлиқ. Бунда ижтимоий оқибатлар шу ижтимоий мулкчиликка, ижтимоий режалаштиришнинг асосларига боғлиқ. Иккинчи томондан, ҳар хил ташкилотларга мос ва мақбул келадиган ташкилий тузилмалари, шакллар етарли эмас.

Маълумки, ижтимоий режалаштиришнинг мавжудоти ҳар хил ижтимоий гурухларни таркиб топтирувчи одамлар, айни вақтда шахслар, мақсади ҳар томонлама ривожланган, ҳар қандай иқтисодий-ижтимоий қийинчиликларга ижобий ечим топа оладиган мураккаб жараёнларда ижобий эмоционал муносабатни сақлашга қодир шахсни вояга етказиш учун шароит яратишидир.

Ташкилот жамоасининг тузилишини ўрганиш ижтимоий ривожлантиришга, илмий усулда ҳал этишига бошлангич маълумот беради. *Жамоанинг марказида ташкилотчи ва бошқарувчи шахс, ходим, ҳар хил ижтимоий гурухлар туради*. Уларни ўраб турган ижтимоий мухитдаги муносабатлар тавсифи, ташкилотчилик, ташаббускорликни рағбатлантирилиши доимо ижодий билим ва меҳнат талаб қиласди.

Ташкилотчи камол тонгирадиган, тарбиялайдиган жамоа ўзи билан жамият ўртасидаги боғловчи бўғинлар. Меҳнат жамоаси ўзининг юксак кўринишларида ташкилотчини ҳар томонлама камол толтириш учун шарт-шароит яратади.

Бошқарув қобилиятларини ривожлантиришнинг муҳим шарти гурухли фаолиятнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш ва унбу жараёнга барча



16-чизма. Раҳбарнинг ташкилот фаолиятини ташкилий бошқариш кобилиятларини ривожлантириш (ТБКР) омиллари

аъзоларнинг тенг онгли муносабати, интизомнинг бўлиши шарт. Раҳбарият, одатда, гуруҳ жамоалари, қўмиталарнинг самарадорлигини ҳам оширишлари керак. Гуруҳли фаолият расмий ташкилотнинг ташкилий қисми бўлганлиги учун гуруҳлар фаолиятини режалаштириш, ташкил этиш, мувофиқлаштириш, меҳнатларини мойиллаштириш ва назорат қилиш талаб этилади.

Бу масалалардан фақат кичик гуруҳни фаолият йўналишининг биргина мажлислар ўтказиш самарадорлиги оширилади, чунки мажлисларда жамоа муаммолари ечилади ва бошқарув қарорлари қабул қилинади. Гуруҳларнинг тавсифи ва раҳбарлик усулига қараб унинг мажлиси фойдали ёки самарасиз ўтиши мумкин. Агарда истеъодд, тажриба ва қобилиятларнинг янги ғоялари бирлашса, у ҳолда ўта самарали восита яратилган бўлади.

Мажлисни самарали бўлиши учун аввало унинг гуруҳ фаолиятининг самарадорлигига таъсир этувчи умумий омилларни ҳисобга олиш лозим. Улар ўлчами, таркиби, гуруҳ меъёрлари, уюшқоқлиги, тўқнашувлик даражаси, мақоми ва унинг аъзоларининг функционал тутган ўрнидири.

Самарали мажлислар ўтказиш бўйича тавсиялар: мажлиснинг аниқ кун тартибини тузиш, мажлис олдидан уни керакли қисмларини қараб чиқиш; гуруҳ аъзолари орасида эркин ахборот алмашишни таъминлаш; гуруҳ аъзоларининг қобилиятларидан тўла фойдаланиш, уларни қатнашганликлари учун рафбатлантириш; ишонч муҳитини яратиш, гуруҳ аъзолари ўз нуқтани назарларини, ғояларини билдириш; тўқнашувга ижобий омил сифатида қараш, уларни самарали бошқаришга интилиш; мажлисни тугата туриб, ўтказилган муҳокамани қисқача якунлаши ва келажак чора-тадбирларни аниқлаш. Булар қанчалик юқори ижобий ташкил этилса, бошқарув қобилиятларини ривожланишининг муҳим шарти шунча юқори таъминланади.

Расмий ташкилотларда гуруҳ тўдаси ёки гуруҳ жамоаси (раҳбар ва унга айнан бўйсунувчилар) ва кўмита (мақсадли гуруҳ асосий ташкилий бошқариш бўлса), яна норасмий ташкилот (ўз-ўзидан юзага келадиган ходимлар гуруҳи)лар ҳам мавжуд бўлади (улар маълум мақсадларига эришиш учун доимий ўзаро таъсир этади).

Раҳбариятнинг хоҳиши бўйича ташкилотдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажариш учун яратиладиган ёки ташкил этиладиган расмий гуруҳлар, булар ташкилотдаги ташкилий тузилмали бўлинмалардир. Улар қандай гуруҳ бўлмасин, бу расмий ташкилот, чунки унинг бosh вазифаси ташкилотта нисбатан аниқ топшириқларни бажаради ва маълум аниқ мақсадларни амалга оширади.

Ташкилотда учта асосий расмий гуруҳлар бор: раҳбарлар, ишлаб чиқариш ва кўмиталар ёки ижтимоий гуруҳлар.

Норасмий ташкилотларни ривожланиши ижтимоий ўзаро таъсир этишга асосланган бўлиб, расмий ташкилотлардан келиб чиқади.

Норасмий гуруҳларнинг бошқарув жараёнига ижобий ва салбий таъсирларини билмоқ учун норасмий ташкилотларга кириш сабабларини ўрганиб, ундан ижобий хуносалар чиқариш лозим.

Ташкилот оддийгина мұваффақиятта эришиб кетавермайды. Жамоада ташкилий тәдбирларни ўтказиш, тәдбир ва жараёнларни ташкил этиш, раҳбарлик ва назорат жараёнларини, янын бошқарув функцияларини турли ташкилотларга, уларнинг бўлим ҳамда бўлинмаларига, шахсларга тақсимланади.

Одатда ташкилотнинг ташкилий бўлинма аъзолари, ишлайдиган менежерлар, мутахассислар, алоҳида ходимлар берилган бошқарув тизимидан кўрсатмани маълумот учун қабул қиласиди ҳамда ташкилот раҳбарининг толшириғи билан танишиб чиқади, натижада ҳар бир аъзо ёхуд бўлим билан биргаликда нима иш бажариш ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади.

Тартиб ва иш тақсимлаш режалаштиришда молия, тижорат фаолиятини бошқариш жараёнларни ҳисобга олиш, уларни таҳдил қилишида ходимларни сифатини, индивидуал руҳий йўналишларини бошқаришда, ахборот технологиясини тақомиллаштиришда ва шу кабиларда мавжуд.

Агар раҳбарлик тўлақонли бўлиб, қуий идора, қуий фаолиятга доир барча масалаларда дахлдор бўлса, бу хилдаги алоқа мунтазам алоқа деб аталади. Агар раҳбарлик чекланган бўлса, у ҳолда алоқа вазифавий бўлиб қолади. Идоралар ўргасида тик (вертикал) алоқадан ташқари горизонтал (үфкий) алоқалар ҳам мавжуддир. Бу мувофиқлаштириш, кооперациялаш тарзидаги алоқалардир.

Ҳар қандай ташкилотнинг асосий услуби жамоа занжирини мувофиқлаштиришdir. Тик мувофиқлаштиришда менежерлар олдида ҳисоб берадиган бўйсунувчилар ишини назорат қиладилар ва ўз навбатида ўз бошлиқлари назоратида бўладилар. Шундай қилиб, юқори даражадаги менежерлар ташкилотнинг барча ишини маълум оқимга йўналтиради. Улар жамоа занжиридан фойдаланиб ташкилотни бўлимларга ва бирга ишловчиларга ажратадилар. Бошқарув функцияларини ихтисослик, жараёнлар мезони орқали мувофиқлаштириса, у ҳолда жамоаларни ажратиш имкони йўқолади. Шу боис бошқарув функцияларини мувофиқлаштириш мезонлари қилиб ҳар бир менежерга ҳисоб берадиган бўйсунувчилар сони қабул қилинади ва уни бошқариш меъёри деб аталади.

Ташкилот фаолиятининг самарали бўлиши учун кўп погонали мувофиқлаштириш бўлмагани мақсадга мувофиқ. Чунки ташкилот ходимида бир фоя тугилиб қолса, уни бир даражада орқали раҳбар эътиборига тақдим қилиши мумкин.

Бозор муносабати ўшароитида минтақалар, худудлар, мамлакатлар миқёсида бизнес фаолиятини мувофиқлаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ўз вақтида унинг истеъмолчиларига етказиб берилса, кўп томонлама самара ортади.

Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш фаолиятидаги раҳбарлар томонидан Қўлланиладиган усууллар — иқтисодий, ташкилий-маъмурӣ бошқарув, ижтимоий-руҳий бошқарув, диний ва шу кабилар билан шахсан раҳбарнинг индивидуал-руҳий хусусиятларидан келиб чиқадиган усуулларни уйғунлашиб қетишини унутмаслик фойдадан холи эмас.

Ташкилотчилик қобилияларини шакллантириш усули раҳбарнинг ташкил этиш қобилиятига асосланади. Бу эса ўз навбатида пухта билим ва рақобатда исботланган афзалликлар йигиндисидан иборат бўлмоғи лозим. Ўз мухитига, талаблари, қонунлари ва тамойилларига раҳбарнинг иш услубини шакллантириш мунтазам ижтимоий ҳамда давлат аҳамиятига эга бўлган муаммо бўлиб қолади. Ўз-ўзидан маълумки, бошқариш усуллари доим такомиллашиб боради, шунинг учун ҳам у доимо муаммо бўлиб қолади. Ўз мухитига, талаблари, қонунлари ва тамойилларига мос ечим берилиши талаб этилади. Шунинг учун ҳам раҳбарнинг иш услубини шакллантириш мунтазам равишда ижтимоий, давлат аҳамиятига эга бўлган муаммо бўлиб қолади.

Таянч сўз ва иборалар

Ташкилотчилик қобилияти, ташкилотчи, раҳбар, раҳнамо, шахсий қадрият, хулқий ёндашиш, шахсий сифат нуқтаи назаридан ёндашиш.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ташкилотчи ишбайлармонга қандай муносабатда бўлиши мумкин?
2. Ташкилотчига тавсиф беринг.
3. Ҳозирги ташкилотларнинг ҳолатига қандай баҳо бера оласиз?
4. Ташкилотнинг фаолият кўреатиш шаронтини шарҳланг.
5. Раҳнамо ва раҳнамолик нима?
6. Ташкилотчилик қобилияларининг мазмунига изоҳ беринг.
7. Ташкилотчилик қобилияларининг ўзаро боғлиқларни нимада?
8. Ташкилий бошқариш қобилияларини ривожланиши (ТБҚР) қандай омилларга суюнади?

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 1992. 18—19-бетлар.
2. Қосимов F.M. Менежмент. Т.: «Ўзбекистон», 2002. 62—71, 269—290-бетлар.
3. Қосимов F.M. ва б. Талабаларда ташкилотчилик ва бошқарув қобилияларини шакллантириш. Наманганд, 1999. 5—12, 39—41-бетлар.

16-БОБ. ТАШКИЛОТЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ ВА САМАРАДОРЛИГИ

16.1. ДАВЛAT ВА БОШҚА МУЛҚ ШАКЛИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ФАОЛИЯТ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ

Ишлаб чиқариш кучлари ва ресурсларининг такомиллашиши ташкилотларнинг турли шаклларини пайдо бўлишига олиб келади, буларнинг

ҳар бирини самарали фаолият юритиши мулкчиллик шаклининг аниқ турига боғлиқ бўлади.

Иқтисодий ислоҳотлар бошланиши билан қонунлар, меъёрий ҳужжатлар янги шароитларга мувофиқлаштирилди, ҳуқуқий асослар яратилиди. ҳозирги кунда ислоҳотлар жараёнини давлат — ҳуқуқий жиҳатдан бошқаришнинг яхлит тизими таркиб топди.

Ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини яратиш бир қанча муҳим йўналишлар бўйича амалга оширилди:

— давлат мустақиллиги, иқтисодий мустақилликнинг ҳуқуқий негизларини яратиш, давлатни бошқариш қонунларини тартибга солувчи қонунларни қабул қилиш;

— тизимдаги ўзгаришларга, сифат жиҳатдан янги иқтисодий муносабатларга, энг аввало, мулкчиллик муносабатларига асос соладиган қонунлар мажмумини яратиш;

— ҳўжалик юритишининг ва институционал ўзгаришларнинг бозор шароитларига мос келадиган механизмини яратиш;

— халқаро муносабатларнинг ҳуқуқий меъёрларини яратиш.

Ушбу ҳуқуқий асослар давлат ва бошқа мулк шакидаги ташкилотларнинг фаолият даражасини аниқлаш имконини беради.

Ташкилотлар фаолиятини бошқаришда ташкилий тузилмаларни қўйидагicha ажратиш мумкин:

— ташкилотда муҳим бошқариш аппарати погоналарини, уларнинг вазифаларини аниқлаш;

— ташкилотдаги марказий хизмат бўлинмалари, ишлаб чиқариш бўлимлари, ишлаб чиқариш — ҳўжалик гурӯҳларининг жойланиш ўрни ва вазифаларини аниқлаш;

— маҳсулот ва маҳсулотнинг хусусиятлари бўйича ташкилотнинг ташкилий тузилмаларини таҳлил қилиш;

— ташкилотда аралаш бошқарув тузилмасини таҳлил қилиш;

— таркибидаги шахсларнинг вазифаларига қараб ташкилотнинг ташкилий тузилмаларининг бўлинмаларини бошқаришни тузиш.

Ташкилот фаолиятини бошқариш *погоналарга қараб* ажратиш қўйидагicha:

— биринчи погона менежерлари — цехнинг бюро бошлиғи, гурӯҳ раҳбари, уста, бригадир;

— ўрта погона менежерлари - бўлим бошлиқлари, цех бошлиқлари, цех бошлиқларининг ўринбосарлари;

— олий менежерлар — идора раиси, Президент, бош директор, директор мувовини, бош мутахассис.

Бошқариш пирамидаси бўйича ташкилот фаолияти даражасини ажратиш мумкин: устувор бошқариш; тақвимли режалаштириш; тезкор бошқариш; мувофиқлаш, тартибга солиш.

Ташкилотларнинг турлари бўйича:

— ташқи муҳит билан ўзаро таъсири этиши бўйича — механик ва органик;

— бўлинмаларнинг ўзаро таъсири бўйича — анъанавий, дивизионал, қолипли ёки матрициал;

— одам билан ўзаро таъсири бўйича — корпоратив ва индивидуалистик.

1980 йилдан бўён янги турдаги ташкилотлар шакллана бошлади. Булар: эдхократик, кўпўлчамли, партисипатив, бозорга мўлжалланган ва тадбиркорлик тоифасидаги.

Ўзбекистон иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб қараладиган бўлса, ташкилотларнинг фаолият даражасини аниқлаш бўйича қўйидагилар мавжуд: *умумхалқ, республика, муниципал, кооператив, ҳиссадорлик, индивидуал* корхоналар, уларнинг биргаликдаги шаклларининг борлиги.

Хусусийлаштириш — бу иқтисодий категория. Ташкилотлар кимлар томонидан бошқарилишига фаоллик даражасини аниқлаш мумкин. Бунда давлат бозор муносабатига ўтишда қатнашади.

Хусусийлаштириш усуслари:

- давлат корхоналарида акцияларни очиқ савдосини ўтказиш;
 - ким ошди савдоси орқали акцияларни харид қилиш;
 - давлат корхоналарига хусусий маблағ киритиш;
 - давлат ташкилотининг мулкларини сотиш йўли билан корхонани йўқ қилиш;
 - давлат ташкилотларини бўлакларга ажратиб, уларни сотиш билан хусусийлаштириш;
 - давлат ташкилотларини раҳбарлар ва меҳнат жамоалари томонидан сотиб олиш;
 - давлат ташкилотларини хусусий шахсларга ижарага бериш.
- Мулкчиликни амалга ошириш мураккаб босқич. Мавжудотларни сотиш учун танлов мезонларини билмоқ зарур, улар орқали мулкчилик шаклини танлашга, аниқлашга имкон яратилади.
- Мамлакат аҳолисининг барчаси мулк эгаси бўлиши мумкин эмас. Мулкдор бўлиш учун ўзига хос талабларга жавоб бера олиш лозим. Демак, қонунчилик асосида мулкларни юқори даражада ишлата биладиган, мулкларни танлашга эътибор бера оладиган шахсларга давлат мулки ўтиши мумкин. Шундай шахс, груп, жамоани топиш лозимки, уларга минимал хавф-хатар билан давлат мулкини ишониш мумкин бўлсин.

16.2. ИШЛАВ ЧИҚАРИШ, ИҚТИСОДИЙ ВА МОЛИЯ ФАОЛИЯТЛАРИНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ

Ташкилот фаолиятини бошқарув аппаратидаги раҳбарлар, менежерлар *ташкилотчилик фаолияти субъектлари ҳисобланадилар*. Бошқача айтганда, улар раҳбарият ходимлари, хизмат, бўлинма, бўлим, цех ва қисм бошлиқлариидир. Ишлаб турган лавозимлари бўйича улар ташкилотда ишлаб

чиқариш, иқтисодий ва молия фаолиятларни бошқаришда хизмат күрсатадилар.

Ташкилотларда самарали бошқариш — пировард натижаларнинг фойдаланиладиган ёки сарфланадиган неъматлар ҳажмига нисбати. Корхона самарадорлиги уни самарали бошқариш тизимиға боғлиқ.

Самара — корхона олдига қўйган мақсадга мос келувчи фаолият натижаси. Корхонани самарали бошқариш ташкилот фаолиятининг самарадорлигидир. Гарчи бошқарув тизими ўзида жамоа ва хизмат кўрсатишнинг алоҳида, аммо таркибий қисмини ифодаласа ҳам бошқарув фаолиятининг пировард натижалари тегишли хизмат кўрсатиш бўғинлари ҳўжалик юритишнинг пировард натижаларига тақалади. Улар иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тавсифга эгадир.

Ташкилотларда ишлаб чиқаришни самарали бошқариш тизимиға эришиш омиллари:

- ишлаб чиқаришни бошқариш органлари тузилмасини яхшилаш;
- қабул қилинаётган бошқарув ечимларининг тезкорлигини ошириш;
- бошқариш ходимларининг иш вақтини ишлаб чиқариш аҳволини ижодий таҳтил қилиш учун бўшатиш;
- бошқариш ходимларининг меҳнат шароитларини яхшилаш;
- ишлаб чиқаришни бошқаришда оптимал режалаштириш ва илмий асосланган ҳолда олдиндан айтиб бериш имкониятларини таъминлаш.

Ташкилотлар учун хизмат кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш бўйича ишлатиладиган иқтисодий кўрсаткичлар қўйидагилар:

- ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишдаги умумий кўрсаткичлари;
- техник воситалардан ёки жиҳозлардан фойдаланишининг иқтисодий самарадорлигини ошириш кўрсаткичлари;
- хизмат кўрсатишнинг сифат кўрсаткичлари;
- моддий жамғармалардан фойдаланишининг иқтисодий самарадорлигини ошириш кўрсаткичлари;
- илмий-техник тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш кўрсаткичлари;
- асосий ишлаб чиқариш жамғармаси, айланма воситалар ва сармоя қўйишларнинг иқтисодий самарадорликларини ошириш кўрсаткичлари;
- меҳнат ресурсларидан фойдаланишининг иқтисодий самарадорлигини ошириш кўрсаткичлари.

Ташкилотларнинг фаолиятларига доир кўрсаткичларни яхшилаш, раҳбарлар, менежерлар, мутахассислар ва бошқа ходимларнинг малакасини тинмай ошириб бориш йўли билан кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, кўп ва сифатли маҳсулотлар олинса самарали бошқариш тизими ўз мақсадига эришган бўлади.

Она ер заминини ишлаб чиқариш, транспорт хизмати кўрсатиш, иқтисодий муносабатда бўлиш, миллӣ ҳўжаликни бошқариш санъатини эгаллаш кабиларни ташкил этади. Жамиятнинг барча соҳасида, шу жумладан, ҳалқ

хўжалигилда, ташкилотларида, корхоналаридаги инсон ишлайди, маълум вазифа (функция)лар бажаради, улар фаолиятини бошқаради.

Маълумки, ташкилотлар эмас, улардаги ходимлар, мұтакассиселар ишлайдилар. Демак, ташкилот менежментининг халқ хўжалиги ва корхоналар тараққиётидаги тутган ўрни бенихоядир. Чунки, менежмент ташкилотдаги ходимларни бошқариш санъатидир, фандир, касбий фаолиятдир, мұлкдор, раҳбар, демакдир. Менежмент иқтисодий ва ишлаб чиқариш фаолиятларининг даражаси фойдаланиши самарадорлитиниң күрсаткичлари билан баҳоланади.

Иқтисодий фаолиятнинг асл маъноси хўжалик юритиш, хўжаликни бошқариш санъати. Ишлаб чиқариш муносабатларининг жами, жамиятнинг ижтиомий негизи. Ишлаб чиқариш муносабатларини, хўжаликнинг тегишли тармоқлари ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини, ташкилотларнинг тегишли бўғинларининг иқтисодий фаолиятлари, уларнинг муаммолари, ресурсларидан фойдаланишларни ўрганишдир.

Ташкилотнинг иқтисодий даражасини ўрганиш, унинг ишлаб чиқариш фаолиятини, унинг тараққиёт даражаси фаоллашганилигини баҳолаш, ташкилотда иқтисодий таҳлил қилишнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Бунда ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган имкониятлар аниқланади; техник-технологик, ижтиомий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг белгиланган топшириқ, меъёрлардан четга чиқиш сабаблари ўз вақтида очилади; ишлаб чиқаришдаги айrim бўлинмаларда ишнинг қониқарсиз бораётганлиги сабаблари аниқланади. Бу билан *ташкилот тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади*.

Ташкилот фаолиятини ҳал қилувчи логонаси *молиявий фаолият* даражасидир. Чунки бозор иқтисодиётининг асосини пул, унинг ҳаракати, ишлатилиши, тақсимланиши, қайта тақсимланиши ва истеъмол қилиниши каби муносабатларсиз тасаввур этиш, ҳатто тушуниш мумкин эмас. Пул билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар молия (унинг маъноси «тугади», «охирги», «финиш», «якунлаш») муносабатлари тушунчасини беради ва у мураккаб тизимдир.

Молия тизими нақд пул маъносини билдиrmайди, балки у пул жамгармалари, пул даромадлари, уларнинг ҳаракати, давлат пул даромадлари, харажатлари учун ишлатиладиган, ташкилотлар билан давлат, ташкилотларнинг ўзлари ўртасидаги пул билан боғлиқ муносабатларни билдирувчи тизимдир.

Пул маблагларининг ҳаракати натижасида молиявий жамгармалар вужудга келади. Масалан, иш ҳақи жамгармаси, ижтиомий ҳимоя жамгармаси, инвестиция жамгармаси кабилар пул ресурсларидир.

Хар қандай муносабат каби молия ҳам ўз субъекти ва обьектига эга. Молиявий ресурсларни шакллантириш ва фойдаланишда иштирок этувчилар молия муносабатларининг субъектини ташкил этади. Бозор иқтисодиёти шароитида молия субъектлари кўп ҳамда хилма-хил бўлади. Улар ташкилотлар, фуқаролар, тадбиркорлар, давлатнинг ўзи, бошқа жисмоний, ҳуқуқий

шахслардир. Молия муносабатларининг мавжудоти молиявий ресурслар, пул жамғармаларирид.

Давлат бюджети (марказлаштирилган молиявий манба ва молиявий тизимнинг асосий бўгини)да давлат тегишли давромадлар жамланганидан кейин ташкилотлар ихтиёрида қолган пул маблаглари марказлаштирилмаган маблағлар шаклини олади. Бу маблаглар ҳам молия муносабатларида фаол қатнашади, ташкилотлараро, тармоқлар ичидаги, тармоқлараро молия муносабатларида ифодаланади.

Ўзбекистонда давлат молияси (бюджети) ташкилотлар молияси, маҳсус мақсадли жамғармалар (масалан, «Умид», «Устоз», «Соёлом авлод», «Улуғбек», «Мирзо Бобур», «Оролни кутқариш», «Маҳалла», «Нуроний»), хайрия фондлари каби унсурлардан иборат бўлган молия тизими фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда молия тизимини бошқариш — Молия вазирлиги ва унинг худудий органлари орқали амалга оширилади. Маблағларни тўғри сарфланиши устидан бевосита назорат назорат-тафтиш бошқармалари томонидан олиб борилади.

Молиянинг ричаги — соғ фойда, даромад, молиявий санкциялар, баҳо, тариф, ижара тўлови, дивидентлар, фоиз бўйича белгиланган маош, банкка кўйилган пул (омонат), улушли бадал, лизинг, жамғармани бунёд қилиш ва шунга ўхшашлар.

Молиявий фаолият ташкилотнинг иқтисодий фаолиятининг барча томонлари билан боғлиқ. Раҳбар ва менежерларнинг барча фаолиятлари фойда олишга қаратилган.

Ташкилотчи ходимларни юқори даражада фаолият кўрсатиши, унга интилишини содир этиш учун раҳбар уларнинг меҳнат, жамоа-сиёсий фаолиятини фаоллаштириш йўлларини билиши лозим:

- моддий ва руҳий эҳтиёжларни оқилона содир этиш;
- ҳукуқий, тартиб-интизом қонсаларни ва жамоа хусусиятларини содир этиш;
- жамоада ижтимоий-руҳий муҳитни жадаллаштириш.

Моддий ва руҳий эҳтиёжларни оқилона содир этиши ўз аҳамиятига кўра ўта муҳим. Шу боис уни учга бўлиш мумкин. Биринчидан, меҳнатда, жамоа сиёсий фаолиятда: ташкилотни бошқаришга меҳнаткашларни жалб этилиши ва улар иштирокини фаоллаштириш; менежерни шахсий намунаси, обрўси, ишбилармонлиги, сиёсий-руҳий сифатлари; кўйилган масала ва бошқарув ечимларни жамоа аъзоларига етказиб туриш; жамоа аъзоларининг билимлари, профессоналлик ва маданий даражалари; зерикарли ва қўл кучи билан бажариладиган оғир ишларни камайтириш; новаторлик ва рационаллаштиришни фаоллаштириш; ходимларни танлаш ва иш жойларига жойлаштириш, бўлинма ва бўлимларда ижтимоий турӯҳларни оптималь ташкил этиши; ишлаб чиқаришни бошқаришда, жамоани ижтимоий ҳаётда демократик институтлар тизимини ривожлантириш кабиларга эътиборни ошириш лозим.

Иккинчидан, моддий рагбатлантириш йўли эҳтиёжларни барқарорлаштиришга хизмат қиласи. Масалан, бунинг учун меҳнатга қараб

тақсимотни құллаш, мәннат натижаларини жамоа баҳолаши шахсий әхтиёжни жамоа әхтиёжига бүйсуниши, рұхий әхтиёжлар бүйича кураш олиб бориц, жамоа ва жамиятта көлтирилған зиёнларга жавобгарликни ошириш кабилар моддий raigbatlanтиришни тақомиллаштиришга хизмат қиласы.

Учинчидан, рұхий әхтиёжни содир қилиш. Үнгә шахсни маданий, илмий, рұхий хислатларини ошириш шароитларини яратыш, эстетик, ҳиссий қадриятларни тарғибот этиш, ходимлар билан раҳбарни тенг ва ҳаққоний, очиқ сұхбат кура олиши, моддий, рұхий әхтиёжларни илмий асосланған усулда содир этиш, ташкилогни материал негизи, маданий-маиший, ижтимоий соҳаларини ривожлантириш, жамоа аъзолари мәннат қоидаларини муҳофаза қилиш кабилар киради.

Хұқуқиі, тартиб-интизом қоидалари ва жамоа хусусиятларини содир этиши ташкилотчилик фаолияти субъектлари учун етарлы даражада аҳамиятли, уларға қойындары киради:

- жамият мақсадларига жамоа фаолиятини бүйсуниши;
- жамоада ўртоқтық танқиди ва хайрихоҳликни содир этиш;
- жамоа аңғаналарини ривожлантириш;
- жамоа аъзолари обрұсини оширувчи шароитларни содир этиш, лозим бўлганда уларни баҳолаш;
- хұқуқий қоидалар, тартиб-интизом бузилишларга қатыянылған кўрсатиш;
- хұқуқий қоидалар, тартиб-интизомлилик бўлишда менежерни ўзи намуна бўлишлiği.

Ташкилотчилик фаолияти субъектларига қўйиладиган муҳим талаблардан яна бири — жамоада ижтимоий-рухий муҳитни яхшилаш, жамиятда содир бўлган шароитга қараб белгилаш. Ташкилотни бошқаришда раҳбарнинг муваффақияти ходимларни танлаш, иш жойларига жойлаштириш, бошқарувчи шахсларни яхши билиши, буюрилган ишга мос келишига боғлиқдир.

Жамоа, гурӯҳлар янгилиниб, ўзгариб туриши мумкин, ёши улғайғанларни нафақага чиқариб, уларнинг ўрнинг бошқа ходимларни сайлаш мақсадга мувофиқ. Жамоада етарли тажриба, билим, фикрларга эга бўлганларни ўз жойида иштирок этиши мумкин.

Ташкилот раҳбари олдига қўйилган мақсадларни амалга ошириши учун ишлаб чиқаришни муайян технологик шароитда, мәннатни ташкил этиш даражаси, мақсадлари асосида ўзига мос фикрдошларни танлаб олиши лозим. Бундай фикрли жамоа бошқарувни 1/3 қисмини янгилиб борилса — бошқарув аппарати самарали фаолият юритади.

16.3. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ВА УНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш ташкилотни бошқарышнинг муҳим қисмларидан бири ва фирма ёки унинг ишлаб чиқариш бўлинмалари фаолиятининг пировард натижаси бүйича аниқланади.

Ушбу параграф ишлаб чиқарышнинг самарадорлигини ошириш омиллари, уларни баҳолаш, ишлаб чиқариш, иш усуларини бошқариш усуларини оқилоналаштириш, ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш усуллари, ташкилот фаолиятига сармоя солиш (киритиш) лойиҳасининг самарадорлигини баҳолаш каби саволларни ечишга қаратилган.

A. Ишлаб чиқарышнинг самарадорлигини ошириш омиллари ва уларни баҳолаш

У қуйидагича эришилди:

- ишлаб чиқарышнинг технологик негизини тараққий эттириш;
- ишлаб чиқарышда янги илгор усуллар, гоялар, кашфиётлар киритиш;
- маҳсулот ишлаб чиқарышдаги харажатларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш;

— илгор усуллар, гоялар ва кашфиётлар киритиш сиёсатини қулайлаштириш;

— ишлаб чиқариш тизимининг тузилмасини мукаммаллаштириш.

Ишлаб чиқарышнинг иқтисодий самарадорлигининг умумий мезони бўлиб унумдорлик даражаси хизмат қиласи.

Ташкилий бошқариш фаолиятида унумдорликни баҳолаш ва ўзгаришига катта эътибор берилади.

Унумдорликни ўлчаш учун маълум коэффициентлар, индекслар белгиланади. Коэффициентлар: хусусий омиллар (меҳнат, энергия, материаллар, ахборотлар); бирнече гуруҳларни ҳисобга олувчи кўпомилли; мумкин қадар харажатларнинг барча унсурларини ҳисобга оладиган омилларнинг йигинидиси. Солишириш давридаги унумдорликни ўзгаришини баҳолаш учун индекслар фойдаланилади.

B. Ишлаб чиқариш ва иш усуларини бошқаришни оқилоналаштириш

Ишлаб чиқарышни бошқаришнинг оқилона шакллари ва усуларини ривожлантириш, такомиллаштириш учун лойиҳаланадиган ёки фаолият кўрсатиб турган ташкилот фаолиятини режалаштириш, ташкил этиш, тартибиға солишнинг барча бўлимларига муҳандислик усуллари, воситаларини қўллаш мўлжалланади.

Ишлаб чиқарышни оқилона ташкил этиш меҳнат унумдорлигини олиришга, ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришга қаратилади.

Юқори меҳнат унумдорлиги ва маҳсулотнинг паст таннархини таъминламоқ учун ташкилотни ўзида мўлжалланган иктинослаштириш негизида ишлаб чиқарышнинг асосий, ёрдамчи жараёнларини оқилона ташкил этиш бўйича узаксиз ишлар олиб бориш зарур.

Ишлаб чиқарышни оқилона бошқариш усуллари иш жойини оқилона ташкил этиш, ишчиларнинг ҳаракат йўлларининг узоқлигини камайтириш,

ишининг энг оқилона ҳаракатини ишлаб чиқиш, амалга жорий этиш, ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш жараёнида меҳнатнинг оқилона усувлари ва кўлланмаларини ишлаб чиқиш, амалга жорий этиш кабилар билан боғлиқ.

Меҳнатни оқилона ташкил этиш ишни ўрганиш, операцияларнинг энг моси ҳамда кетма-кетлигини аниқлаб олиш асосида топшириқни аниқлаш кўзланади. Бунда кузатувлар натижасига кўра, вақт меъерини белгилаш ёки иш усулини ўтказилган аниқ экспериментлар асосида лойиҳалаштириш натижасида топшириқлар тузилади.

B. Ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш усувлари

Фирманинг хўжалик фаолияти натижаларини баҳолаш учун қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Улар ташкилотнинг молиявий ҳисоботлари асосида ҳисоблаб чиқлади. Фирманинг хўжалик фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари қўйидагилар:

— фойда бўйича (соф даромад ва бошқа даромадлардан ҳаражатлар ажратилади);

— харид қилинган маҳсулот рентабеллиги (K_r — харид қилишнинг фойдалик коэффициенти, яъни умумий фойдани соф фойданинг бирлигига тўғри келишидир) ёки харид қилишнинг рентабеллик коэффициенти (K_p — харид қилинган маҳсулот таннархини соф сотилган маҳсулот бирлигига тўғри келиши);

— фаолларнинг рентабеллиги (K_f) ёки соф фойдани фаоллар бирлигига тўғри келиши;

— хусусий (K_x) ва қарз (K_k) сармояларнинг рентабеллиги (хусусий сармоянинг рентабеллиги — K_x соф фойдани хусусий капитал бирлигига тўғри келиши билан, қарз сармоянинг рентабеллиги — K_k солиқларни ажратиб ташлагунга қадар бўлган фойда плюс тўланадиган фоизлар (хусусий сармоя бўйича) плюс узоқ муддатли қарз сармояларидан ташкил топади);

— ҳиссадорлик сармоясининг даромадлик даражаси — K_d (бу ҳиссадорларнинг соф даромадини сармоя ҳиссадорларининг ўртача йиллик қийматига тўғри келиши билан ифодаланади).

Фирмада ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлиги турли усувлар билан ҳисоблаб чиқилиши мумкин.

G. Ташкилот фаолиятига сармоя киритиш лойиҳасининг самарадорлигини баҳолаш

Ташкилотларда сармоя киритиш фаолияти ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан бевосита боғлиқ. У қўйидаги сармоя воситаларини киритишни мўлжаллайди:

— ишлаб чиқариш жиҳозларини янгилаш ёки алмаштиришда;

- жиҳозларни мукаммалаштириш ёки модернизациялашда;
- ишлаб чиқариш ҳажмини ортиши ва янги фаолият турларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган янги ишлаб чиқариш қувватларини киритишда.

Сармоя киритиш, албатта, муқобил варианtlарни танлаш асосида амалга оширилади. Шу сабабли ташкилотда сармоя киритиш лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш, аниқ мезонлар асосида энг мақсадга мувофиқ варианти танлаш талаб этилади.

Сармоя киритиш лойиҳаларини баҳолашда ҳар хил усуллар мавжуд. Уларнинг барчаси киритиладиган сармоянинг ҳажмини ҳамда сармоя киритишдан келиб тушадиган бўлажак ёки келажакдаги пулларни баҳолаш ва солиширишга асосланган. Булардан муҳимлари:

- сармоя киритишнинг қопланиш муддатини ҳисоблаш усули;
- сармоя киритишнинг самарадорлик коэффициентини ҳисоблаш усули;
- пул оқимларини дисконтирдаш (келтирилиш) тамоилиига асосланган усуллар;
- соғ жорий қиймат усули.

Ташкилот фаолиятига киритиладиган сармоянинг миқдори ва ўзини қоплаш муддатига қараб маълум аниқлик талаб қилинадиган усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Таянч сўз ва иборалар

Турли мулкчилик шакли, мулкчиликнинг ҳуқуқий негизи, хусусийлаштириш, ташкилотчилик фаолияти субъектлари, моддий ва руҳий эҳтиёжлар, тартиб-интизом қондалари, ижтимоий-руҳий мухит.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ташкилотларнинг фаолият даражасини аниқлаш бўйича корхоналарнинг шаклларини санаб ўтинг.
2. Хусусийлаштириш усулларига тушунтириш беринг.
3. Мулкчилик шаклларини амалга оширувчи танлов мезонлари нималардан иборат?
4. Ташкилотчилик фаолияти субъектларига таъриф ва тушунтириш беринг.
5. Моддий ва руҳий эҳтиёжлар қандай содир этилиши мумкин?
6. Жамоадаги ижтимоий-руҳий мухитни яхшилашга қандай эришилади?
7. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш ва уларни баҳолашни тушунтиринг.
8. Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг оқилоналаштириш усулларига изоҳ беринг.
9. Ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини баҳоланг.
10. Ташкилот фаолиятига сармоя киритишнинг лойиҳаси қандай баҳоланиши мумкин?

Адабиётлар

1. Румянцев З.П., Саломатин Н.А., Акбердин Р.З., и др. Менеджмент организаций. М.: ИНФРА—М. 1996. 34—38-бетлар.
2. Казанцев А.К., Подлесных В.И., Серова Л.С. Практический менеджмент: в деловых играх, хозяйственных ситуациях, задачах и тестах. М.: ИНФРА—М. 1999. 9—39-бетлар.
3. Қосимов F.M. Амалий менежмент: ўқув ҳолатлари, масалалар ва ечимлар. Т.: ТДИУ, 2003.28—34, 71—74, 111—115-бетлар.
4. Қосимов F.M. Менежмент. Т.: «Ўзбекистон», 2002. 263—265, 291—306-бетлар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Каримов И.А. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995.

Каримов И.А. Адолатли жамият сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: «Ўзбекистон», 1997.

Каримов И.А. Наша высшая цель — независимость и процветание Родины, свобода и благополучие народа. Т.8. Т.: «Ўзбекистон», 2000.

Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1999.

Каримов И.А. Баркомол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: «Шарқ», 1997.

Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар — тараққиёт омили. Т.: «Ўзбекистон», 1995.

Каримов И.А. Амир Темур ҳақида сўз. Т.: «Ўзбекистон», 1996.

Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқбол ва тараққиёт йўли. Т.: «Ўзбекистон», 1992.

Ўзбекистон Республикасида «Корхоналар тўғрисида» қонун. Т.: «Ўзбекистон», 1992.

Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. Т.: «Ўзбекистон», 1992.

Ўзбекистон Республикаси мулкчилик тўғрисидаги қонунлар. Т.: «Адолат», 1994.

Виханский О.С., Наумов А.И. Менеджмент: человек, стратегия, организация, процесс. М.: МГУ, 1995.

Герчикова И.Н. Менеджмент: З-е изд. Перераб. и доп. М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1997.

Жўраев Т.Т. ва б. Мулкчилик ва уни рўёбга чиқаришнинг иқтисодий шакллари. Т.: Таш ДИУ, 1992.

Зайнутдинов Ш.Н., Қосимов Ф.М., Иватов И. Амалий менежмент. Т.: ТДИУ, 2003.

Иқтисодиёт ва бизнес асослари. / Э.Сариков, М.Маматов/. Т.: «Шарқ», 1997.

Иқтисодиёт назарияси: (кўргазмали ўқув қўлланима)// (Тузувчи Ш. Қобилов) Т.: «Шарқ», 1997.

Ишлаб чиқаришни интенсивлаш. Т.: «Мехнат», 1987.

- Йўлдошев Қ., Муфтайдинов Қ. Иқтисодий билим асослари. Т.: «Ўқитувчи», 1999.*
- Казанцев А.К., Подлесных В.И., Серова Л.С. Практический менеджмент: в деловых играх, хозяйственных ситуациях, задачах и тестах. М.: ИНФРА—М, 1999.*
- Касымов Г.М. и др. Экономика Узбекистана на современном этапе. Т.: Таш ГЭУ, 1992.*
- Мескон М., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента: пер. с англ. М.: Дело, 1996.*
- Румянцева З.П. и др. Менеджмент организации. М.: ИНФРА—М, 1996.*
- Мильнер В.З. Теория организаций. М.: ИНФРА—М, 1998.*
- Мизинов М.Н., Уманский В.М. Научная организация труда и управления на АТП. М.: «Транспорт», 1974.*
- Назаров А.Ш. Мехнатни ташкил этиш ва нормалаш. I-қисм. Т.: ТДИУ, 1997.*
- Смирнов Б.В. Техника управления сельскохозяйственным производством. Изд. 2-е, перераб. и доп. М.: «Колос», 1979.*
- Смирнов Е.Л. Справочное пособие по НОТ. М.: «Экономика», 1973.*
- Уткин Э.А. Курс менеджмента. М.: «Зерцало», 1998.*
- Яраслав Нейманн и др. Управление крупными сельскохозяйственными предприятиями в ЧССР/ пер. с чеш. З.Н.Кузнецовой. М.: «Колос», 1983.*
- Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: «Мехнат», 1995.*
- Қосимов F.M. Менежмент. Т.: «Ўзбекистон», 2002.*
- Қосимов F.M. Автомобил транспорти корхоналарида ташкил этиш ва бошқариш. Т.: ТАЙИ, 1991.*
- Қосимов F.M. ва б. Талабаларда ташкилотчилик ва бошқарув қобилиятларини шакилантириш. Наманган, 1999.*
- Қосимов F.M. Транспорт корхоналарида менежмент. Т.: «Ўзбекистон», 2001.*

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Муқаддима	7
1-боб. Фаннинг предмети, мазмуни ва вазифалари	
1.1. Ишлаб чиқариши бошқариш. Курснинг предмети ва вазифалари	11
1.2. Ташкилот ва ташкилий бошқариш назарияси	13
1.3. Фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги	15
1.4. Ташкилотнинг ташкилий қурилиш тамойиллари	16
2-боб. Ташкилот тизимдир	
2.1. Ташкилотни бошқаришдаги асосий тизимлар	19
2.2. Ташкилотнинг кўрсаткичлари	24
2.3. Ташкилотнинг умумий тавсифи ва бош вазифаси	25
2.4. Ташкилотларни бошқаришда давлатнинг функцияси	28
2.5. Ташкилот фаолиятини бошқариш масаласи	29
3-боб. Жамоат ва хўжалик ташкилотларининг тамойиллари	
3.1. Жамоат ташкилотларининг аъзолари, мулклари ва ташқи воситаларга боғлиқликлари	33
3.2. Статик ва динамик тамойилларининг хусусиятлари	36
3.3. Жамоат ташкилотларини бошқариш тамойиллари	38
3.4. Ташкилотда меҳнатни горизонтал ва вертикал тақсимлаш	39
3.5. Жамоат ва хўжалик ташкилотлари жамоасининг ижтимоий ривожланиши	42
4-боб. Ташкилот ва бошқариш	
4.1. Ташкилотнинг белгилари ва хусусиятлари	47
4.2. Ташкилотнинг ҳаётий даври	53
4.3. Ташкилотда асосий тизимни ажратиш	55
4.4. Ташкилотдаги асосий тизимларни аниқлаш ва уларни түрухларга ажратиш	57
4.5. Бошқаришни ташкил этишдаги асосий тамойилларга бошқаришнинг эҳтиёжи	59
4.6. Раҳбар фаолиятидаги умумий бошқариш омиллари	63

5-боб. Ташкилот ва ташкилий бошқариш назарияси, унинг илмий билиш тизимидағы ўрни	
5.1. Мулкчиликнинг турли шакллари	65
5.2. Ишлаб чиқаришда оқилона ташкил этишининг заруруги ва бозорга йұналтирилиши	68
5.3. Бошқаришни ташкил этишдеги тамойил түшүнчеси	72
5.4. Анри Файол бўйича тамойилларни гурухлаш	74
5.5. Фредерик Тейлорнинг тўрт тамойили	76
5.6. Ташкилотларни бозор иқтисодиётида бошқаришнинг илмий ғоялари	78
6-боб. Ташкилотни бошқариш қонуңлари ва улардан фойдаланиш	
6.1. Қонун, категория, диалектика түшүнчлалари	84
6.2. Ташкилий бошқариш қонуңлари ва уларни қўлланилиши	93
6.3. Ташкилотнинг янги шаклини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш	95
7-боб. Ташкилотларда синергия, хабардорлик — тартиблашганлик ва ўз-ўзини сақлаш қонуңлари	
7.1. Ташкилотни бошқаришда синергия қонунийнинг қўлланилиши	102
7.2. Ташкилотни бошқаришда хабардорлик- тартиблашганлик қонунийнинг қўлланилиши	107
7.3. Ташкилотни бошқаришда ўз-ўзини сақлаш қонунийнинг қўлланилиши	113
8-боб. Таҳлил-синтезларнинг бирлиқ қонуни	
8.1. Табиат ва жамиятдаги ҳодисалар, жараёнлар ва тизимларни ўрганишинт билиш усули	115
8.2. Индукиция ва дедукция усуллари ёрдамида таҳлил қилишдан синтезга ўтиш	116
8.3. Таҳлил ва синтезнинг бирлиги	118
8.4. Ташкилотда таҳлил қилиш ва синтез бирлигининг ишлатилиши	120
9-боб. Ривожланиш қонуни	
9.1. Ривожланишнинг асосий қонуңлари	123
9.2. Ривожланиш қонуңларини содир бўлишлик тамойиллари	125
9.3. Тармоқларнинг ривожланиш қонуңлари ва уларни тартибга солишининг умумий стратегияси	127
9.4. Тармоқ ташкилотларининг ривожланиш усулларини тайёрлаш	130

10-боб. Композиция ва мутаносиблик қонунлари	
10.1. Композиция қонунининг моҳияти	132
10.2. Композиция қонунининг ташкилот фаолиятида қўлланилиши	133
10.3. Мутаносиблик қонуни ва уни ташкилотда қўлланилиши	135
11-боб. Жамоат ташкилотининг хусусий қонунлари	
11.1. Жамоат ташкилотининг мазмуни, аҳамияти, ҳолати ва мақсадлари	138
11.2. Ташкилотни заруритлик қонуни	139
11.3. Ташкилотни бошқаришдаги ўзаро нисбат қонуни	141
11.4. Билим ва маҳорат ўзаро нисбати ҳақида Керженцев қонуни	142
11.5. Ташкилотнинг ишончлилик қонуни	147
12-боб. Оқилона ташкил этишнинг тамойиллари	
12.1. Ташкилотда оқилона ташкил этиш тушунчаси	149
12.2. Оқилона ташкил этишнинг тамойиллари ва уларнинг ташкилий самарадорликка таъсири	152
12.3. Меҳнатни меъёrlаш	153
13-боб. Ташкилот тизимларини лойиҳалаштириш	
13.1. Ишларни лойиҳалаштириш	158
13.2. Ишларни функционал таҳтил қилиш	161
13.3. Ишнинг технологияси ва уни лойиҳалаштириш	162
13.4. Ташкилот фаолиятидаги ташкилий самарадорликни яхшилашга ёндашиш	163
14-боб. Ташкилот маданияти	
14.1. Ташкилотнинг маданият гояси	167
14.2. Ташкилот маданиятини ривожланиши	169
14.3. Маданиятни ташкилот самарадорлигига таъсири	171
14.4. Ташкилот маданиятida миллийлик	172
15-боб. Ташкилотчилик қобилияtlари ва ташкилий бошқариш фикрларининг тараққий этиши	
15.1. Ташкилотнинг ҳолати ҳақида иқтисодий ва ахборотли шарҳ	173
15.2. Ташкилотнинг фаолият кўрсатиш шароитини батафсил шарҳи ва унинг раҳнамолари	175
15.3. Ташкилот раҳбарларининг маҳоратли ташкилотчи бўлишига интилиши	177
15.4. Ташкилотнинг фаолиятини ташкилий бошқаришда раҳбарнинг бошқарув қобилияtlарини ривожлантириш	184

16-боб. Ташкилотчилик фаолиятининг субъектлари ва самарадорлиги	
16.1. Давлат ва бошқа мулк шаклидаги ташкилотларнинг фаолият даражасини аниқлаш	190
16.2. Ишлаб чиқариш, иқтисодий ва молия фаолиятларининг субъектлари	192
16.3. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва уни баҳолаш усуллари	196
Фойдаланилган адабиётлар	201

Қосимов Ғози Маҳкамович

ТАШКИЛОТ ВА ТАШКИЛИЙ БОШҚАРИШ НАЗАРИЯСИ

Ўзбек тилида

A. Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашириёти, 2004

Нашр учун масъул *Н.А. Халилов*

Муҳаррир *Илҳом Зойиров*

Бадиий муҳаррир *Темур Саъдулла*

Тех. муҳаррир *Валентин Веремеюк*

Мусаҳдих *Зиёда Каримова*

ИБ №497

Босишига рухсат этилди 22.01.04 й. Бичими 60x84 1/16. Шартли босма табоги 13,95.
Нашр табоги 13,0. Адади 1000 нусхада. Баҳоси шартнома асосида.
Буюртма № А-5318

Абдулла Қодирий қомидәги халқ мероси нашриёти, Тошкент—129, Навоий кўчаси,
30-уй. Шартнома №61-03

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент матбаа комбинатида чоп
этилди. Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй.